

ЎШМЖ



Адабий-бадий,
ижтимоий-сиёсий
ойбитик

113
Май

1982 йилдан
чиқа бошлаган

Муассислар:

Ўзбекистон ЛКЕИ
Марказий
Қўмитаси ва
Ўзбекистон
Ёзувчилар
уюшмаси

Бош муҳаррир:
Омон МАТЖОН
Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Хуршид ДАВРОН
Владимир ЖОНИБЕКОВ
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ
Ҳамид ИСМОИЛОВ
Насриддин МУҲАММАДИЕВ —
масъул котиб
Олим ОТАХОНОВ
Азим СУЮН
Абдуқодир ЭРГАШЕВ
Нурали ҚОБУЛ
Абдурашид ҚОДИРОВ
Усмон ҚУЧҚОР
Ғаффор ҲОТАМОВ —
бош муҳаррир ўринбосари

Тошкент
«Камалак» нашриёт-матбаа
бирлашмаси

Вадуд Махмудий

Алишер**Навоий**

Ҳижрий 5-аср ила 10-аср орасидоги беш юз йиллик бу давр Хуросон ва Мовароуннаҳрда ислом маданиятининг гуллаган мавсуми эди. Бешинчи аср(лар) арабнинг янги руҳий ортиши билан Эроннинг ер юзида мумтоз мавқеъ туггон давридар. У вақтлар рубъи маскун'нинг энг файзли қитъаси ва маълум дунёнинг оғизларда дoston бўлатургон қисми Ироқ ва Хуросон эди. Урта Осиёнинг янги тарихида энг бой ва шавкатли давлатлар шу даврнинг маҳсулидирлар.

Мамлакат обод, халқ эсонлик ичида эди. Чунки рубъи маскуннинг бойлиги шу ўртага йиғилгон эди.

Бу вақтларда Ироқ, Хуросон ва Балхнинг марказий шаҳарлари Бағдод, Ҳирот, Нишопур, Балх дунё тижорасининг йўллари устида эдилар. Ҳинднинг қамишлари, Чиннинг санъат-корона ишланган ва тўқилгон асбоб ва кийимликлари, Миср ва Шомнинг памбиқ, итак қоғозлари, Эроннинг қимматбаҳо тошлари, хулласи, дунёнинг бир томонидан иккинчи томонига ҳар нарса бу йўллардан ўтар эди. Мана шу замонларда эдиким ислом маданиятининг етиштирган ҳаким ва адиблари дунёда ягоналик тугини кўтарган эдилар.

Ҳаким Санойи, Мавлоно Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Абу Али ибн Сино, Форобий, Хайём каби энг буюк ва машҳур кишилар шу асрнинг етиштирган кишилари орасидадир. Бу ўрта аср маданиятининг иккинчи бир варағи бўлгон 8, 9, 10-аср турк даҳосининг асрий маданияти ўзлаштириб очилгон ва юксалган бир давридир.

Воқеан юқориди отларини санагонларимиз орасида ҳам турклар бор, лекин бу кейинги давр турк даҳосининг ўз мамлакатида, ўз муҳитида ва ўз муассасалари учун ишлатиши билан айриладир.

У даврда Темур, Елдириш, Бобир каби буюк қўмондонлар, Аҳмад Яссавий, Навоий, Султон Хусайн, Фузули каби шоирлар, Улуғбек, Кушичи каби ҳайъатишунос² ҳакимлар етишдилар.

Таржимайи ҳоли ва тарбияси

Урта Осиёнинг шу «олтун даври»нинг 844 ҳижрийсида эдиким бу кун турк адабиётининг отаси саналатургон Алишербек Ҳиротда дунёга келди.

Алишернинг отаси Ганжинаи Баҳодир Темур болаларининг хизматларида юратургон маъмурлардан бири эди ва ҳижо

вазни билан шеърлар айтганидан шоирлик ила машҳур бўлмиш эди ва шунинг учун Кичик бахши деб-да атар эдилар.

Ганжинаи Баҳодир ўзи ҳам илм ва фазл одами бўлгонликдан Алишернинг тарбиясига кичик ёшдан аҳамият берди. Алишер аввал Ҳиротда бошланғич мактабда ўқиди ва ўзининг йиғитлик ва фаолият йилларида энг яқин дўсти бўлгон Хусайн ҳам шу мактабда ўқур эди.

Алишер олти ёшида экан, оиласи Шохруҳнинг вафотидан сўнг Машҳадга кўчди (850-ҳижрий).

Бу шаҳарда Алишернинг ёшлигига қарамай, Султон Абулқосим Бобирнинг ёшида отасининг ўрнига тайин этдилар.

Алишернинг фазл ва камолга бўлгон майлини кўрган Абулқосим Бобир унинг форсий ва туркий қалам тажрибаларини ташвиқ этар ва доимо навозишларда бўлинар эди. Бу орада Ҳиронинг эски вазири Мавлоно Хумойи муаммода ягона эрди. Алишерга раҳбарлик этди. Ва у замонлардан бошлаб икки тилда муҳимгина асарлар ёза бошлагонидан зуллисонан (икки тил эгаси) лақабини олди.

Алишер 17 ёшида экан, Бобир ўлгандан сўнг диний ва илоҳий илмлар билан шугулланмак истади. Шу вақтларда эдиким Хуросоннинг машҳур шоирларидан Шайх Камол Турбатий билан танишди ва истифода этди. Шу вақтларда яна бир Ҳиротга келиб, Султон Абу Саиднинг хизматига кирган бўлса ҳам хурсанд бўлмасдан Мовароуннаҳрга жўнади. Алишер Мовароуннаҳрнинг маркази бўлгон Самарқандга келиб, Абдуллайснинг болаларидан ва шаҳарнинг буюкларидан Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абуллайснинг мадрасасига қўнди. Бу Хожа усули фиқҳда шундай моҳир — уста эмишким, ҳамма сирларни уни (Ибн Ҳожиб) билан бир ўтар эканлар («Мажолис ун-нафоис»).

Алишер икки йилча бу фозили муҳтарамнинг ёшида турди, яна шу вақтларда шоир Мавлоно Юсуф Бадиҳий Андижоний билан танишди. Самарқандда «Таҳсили қавоид фозили улуғи нақлия ва тақийи фунуни маорифи ақлия»³ билан машғул бўлди. Мовароуннаҳр ҳокимлари Аҳмад Ҳожибек, Амир Дарвиш Муҳаммад Тархон (873-йилда), Султон Абу Саид ўлгандан кейин Хусайн Бойқаро тахтга ўлтирғоч, Алишерни Самарқанддан Ҳиротга чақирди.

Бу вақтларда Султон Хусайн ёшида бўлгонидан идора ва ҳукумат ишлари билан машғул бўлди.

875-ҳижрийди исён этган Муҳаммад Ёдгор устига Султон

Хусайн ила бирга юриш қилиб, уни ўз қўли билан тутиб, ҳукм-дорига тақдим қилди.

Бундан бошқа идора ва ҳукумат ишларига кўб ярарлиғлар кўрсатганидан 876 да муҳрбори ҳоқоний белгиланди. Яна шу йилнинг ўзида амирлик рутбасини олди.

Алишер ҳар қанча подшоҳ томонидан очиқ юз ва илтифот кўрса ҳам доимо ҳукумат ва идора ишларидан безғин эди ва тақдор-тақдор ишдан бўшатилишини сўрар эди. Алишер идора ишларига ҳар қанча ярарлиқ кўрсатса ҳам унда фазл ва камолга майл ниҳоят даражада эди.

Унинг энг буюк гуссаси севгисининг иккига бўлиниши эди. Бири энг яқин дўсти бўлгон Хусайн Бойқаронинг юзидан ўтолмасдан унинг буюргон ишлари ила машғул бўлиш, ҳолбу ким маданият, илм ва санъатга ортиқча берилган бир киши бўлгонидан ҳукумат ишлари унга кўб монев бўлур эди.

Алишер истар Машҳадда, истар Самарқанд ва Ҳиротда бир томондан замонининг энг буюк идора кишилари, зодагон-лари орасида бўлса, иккинчи томондан Мовароуннаҳрда биринчи мавқеъ қозонатургон олимлар, шайхлар, адиблар ва санъаткорлар орасида эди, улардан кўб фойдаланди.

У асрда мутасаввуфлар энг буюк ўрин тутар эдилар. Алишер Самарқандда тургон муддатда Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абуллайсидан, Мавлоно Жомийдан ва бошқа у ерда ниҳоят даражада кўб бўлгон мутасаввуф олимлардан таъсирланди.

Юқорида кўрсатишимизча, бир томондан муҳит, бир томондан муосири⁴ буюк кишилар унга тасаввуф талқин қиларди. Бу юқорида кўрсатгонларимиздан Мавлоно Жомий бир томондан диний-илоҳий раҳбарликда бўлса, иккинчи томондан асрнинг энг буюк адиб, шоирлари ила бирга унга адабиёт ва суфат⁵ талқин қилар эди.

Машҳадда тургонда Бобирнинг вазирини Мавлоно Хумойи, шоирини машҳури Хуросони Шайх Камол Турбатий, Самарқандда Мавлоно Юсуф Бадиҳий Андижоний ва сўнгра Ҳиротда ўнларча шоир, адиб, санъаткор ила бирга бўлди.

Мутасаввуфлиги

Мана шу муҳит ва шу тарбияда яшагон ва ўсган Алишер табиий ўлароқ тасаввуф манзумаи фикриясига берилди. Энг кўб тарқалгон ва энг кучли намояндалари бўлгон бир фалсафа тасаввуф эди.

Навоий тасаввуфнинг руҳониятчилигига шунча берилган эдиким ҳар асарининг ҳар ерида бунинг таъсири кўрилади. Чигатой шеърининг устозларидан бири бўлгон Лутфий тўғрисида ҳар вақт сўз очилса, Навоий у билан кўришганини ва унинг Навоий тўғрисида илтифоткорона қараганини ва шунинг учун доимо унинг руҳониятининг ёрдамида бўлишини таманно қилар эди.

Энг буюк сўфийлардан Сайид Аҳмад Ардашернинг яқин мусаҳҳибларидан эди ва бу киши ҳақида жуда самимий эди — доимо «бутун умрида бу зот каби мукамал бир шахсиятга ўрамаганини» тақрор қилар эди.

Мавлавий Жомий эса Навоийнинг пири эди. Бу кишига муҳаббати шу қадар, ким ҳар асаринда ҳеч бўлмаса бир-икки саҳифа бу зотнинг тавсифига ҳаср⁶ қилгондир.

Жомий ҳам ўзининг «Баҳористони»да Навоий тўғрисида айрим бир фасл айтириб, унги мадҳ, саносида шунча муболаға қилади, ким у асрда унча буюк одамдан ҳеч ким бу илтифотни кўрган эмасдир.

Мавлавий Жомий воситасида нақибандга интисоб⁷ этди. Бу манзумайи фикрия таъсири билан Навоий 38 ёшда, 881-ҳижрийда касб-камолга машғул бўлди.

Илмий, адабий шахсияти

Кўрдиким, Навоий отасининг қўлида экан, илмий, адабий бир муҳитда эди. Отаси бир шоир ва эски анъанавий бир шоир бўлиш сифати билан ҳам асрий ва тарбиявий адабий таъсир ижро этди. Шунинг учун-да Навоий энг кичик ёшдан шеър айта бошлади.

Алишер 14-15 ёшда экан, форс ва туркий шеърларини Абулқосим кўрди ва уни таъвиқ қилар эди ва Абулқосим Бобирнинг вазирини Мавлоно Муаммоий қўл остида ёзгон туркча, форсча асарлари муҳимгина мавқеъ олгонидан шу вақтлардан бошлаб уни зуллисонин атай бошладилар.

Навоий ўз ҳаётида энг кўб ёзгон кишилардандир. Мавлавий Жомий ҳаёт экан, Навоийнинг ўн минглаб кўб газал ёзгонини ва «Хамса»сининггина ўттиз минг байтдан иборат эканини зикр этади.

Навоий форсий билан ҳам анча машғул бўлди. «Хамса»сини қандайким Низомийга жавобан ёзгон бўлса, мушоира майдонида бўлгон ва Хисрав томонидан ёзилгон «Баҳр ул-аброр»⁸ деган қасидага жавоб айтди.

Навоийнинг «Тухфат ул-афкор»и Хисравнинг «Баҳр ул-аброр»идан кўб ҳам қолишмайди ва бундан кўб қимматли фикрлар юритгандир.

Масалан, унинг матлағи шудир:

Оташин лағли ки тожи Хисравонро зивар аст,
Ахгари баҳри хаёли хом пухтан сар аст.

Таржимаси:

У оловга ўхшагон лағли, ки подшоҳларнинг тожларининг зийнатидир, биласизми нима учундир? У, бошда хом хаёллар пиширмаккагина ярайтургон бир учқундир.

Навоий бир мужиддир⁹

Юқоридаги бўлимларда Навоийнинг муҳити ва асрининг буюкларини айтдик. Табиий, сўз боришидан маълумким, бу муҳит ҳар қанча турк аралаш бўлса ҳам Эрон-форс муҳитидир ва бу шахслар ҳар нақадар турклар бўлса-да, форс унсурлар кўпчиликлар ва табиий, турк аралаш бир форс маданият соҳасидир.

Навоийнинг асли муҳим шахсияти на мутасаввуфлиги, на шоирлиги, на тарих ёзгонидир. Унинг муҳозилиги шундай қайнагон ва юзларча йилдан бери сингиб кетган форсликнинг марказида турклар муассасаларини қуришидир¹⁰.

Навоийнинг форсга ва форс маданиятига бир душманлиги йўқдир, у тўғридан-тўғри миллатчи ва туркликни севатургон бир шахсиятдир.

Навоий ўз асарларида форсчанинг нозик, оҳангдор бўлгонини ва у билан шеър айтиш қилади ва ҳуши келатургонлигини айтади. Лекин «модомики, кўз айри ирқимиз ва айри бир тил эгасимиз, нима учун ўз элимиз тушунтургон қилиб ўз тилимиз билан ёзмайлик?» дейди.

Форс тили ишлатиш билан нозиклашган экан, нечун турк тили шундай бўлмасун. Форсда бу қадар гўзал асарлар бор экан ва буларни бизнинг турк англамас экан, нечун у маҳрум бўлсун ва бу асарлардан истифода қила олмайтургон бир вазиятда қолсун?!

«Турк тили ҳар қанча кўпол ва оғир бўлса ҳам ўзимизники бўлгани учун яхши кўринади».

... Тузилди бу тизмак бори сарсари,

Яна туркий алфоз ила бир сари.

Ки ҳар неча, ким дафти бордир,

Талаффуз ор аломати бордир.

Сўзингники яхши кўрарсен турк,

Кўр нимаси ёмон, чун эрур ўз сўзинг,

Қошингда сенинг гарчи кўб вазни бор,

Чу бор ўз сўзинг айқ — анга эътибор.

Ки сўз зодаи табъу фарзанд эрур,

Чу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур.

Неча зодаи табъу эрур нописанд,

Кишининг ўз олдида бор аржуманд.

Неча бум фарзанди манҳусдир¹¹

Ўз олдида ҳуши жилва товусдир.

Кениб шаҳи айқ гарчи ҳашакча,

Қаландар қадар суру чалакча.

Мана бу муҳокама натижасида у қўлига қалам олди ва форс-

нинг энг машҳур асарларига қарши турк классик асарлари(ни) вужудга келтирди.

Мана, Навойининг бизга муҳим бир хизмати ва уни бу кун турк адабиёти отаси аталишининг амалий ўзаги шундадир. Алишербек бундан беш юз йил илгари форс тилига қарши исён қилди ва ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» отли асарида туркнинг форсийдан ҳеч вақт қолишмаслигини, балким ундан қат-қат ортуқ ва бой эканини исбот этди.

«Модомики, Навоий шу фикрдадир, нима учун форсийча бир девон, бир неча қасида ва бир неча асарлар ёзди?» деган эътироз бўлиши мумкин.

Бир киши ўз фикрини қабул қилдирмоқ учун энг олдин ўзининг мухотабларича¹² бир савиядан бўлиши керакдир. Алишер ҳам шу йўлни тутди. Бошлаб уларнинг ўз йўллариди шеърлар, асарлар ёзди, камолини кўрсатди ва сўнгга ўзининг сиррини очди ва дардини сочди.

Навойининг Султон Хусайн ва ундан кейинги даврга қилгон хизмати ва қилдиргон таъсири учли ва кўбдир. У доимо илм, фазл эгаларини тарбият қилар, уларга вазифалар белгилар ва асарлар ёздирар эди.

Навойига бағишланиб жуда кўб асарлар ёзилгондир. Султон Хусайн асари тўғрисида бошқа асарларга қарагонда бизда кўб манбаъ ва маъхазлар¹³ бор. Буларнинг энг биринчиси Навоий(да)дир.

«Равзат ус-сафо», «Хабиб ус-сияр», Восифий каби тарих ва ҳикоячи ва мунағғирафлар, Жомий, Мавлоно Хусайн каби ахлоқий, диний асарлар ёзатургон муаллифлар ва бундан бошқа йнларча дево(н)чи, тазкирачи ва турли йўлда ёзгувчи адиб ва шоирларнинг барчалари Алишернинг мусоҳиблари¹⁴ ва унинг ҳимояти остида яшагон фазл эгалари дерлар.

Бу олим ва адиблар ва бошқа унинг санъаткор мусоҳиблари ҳам бор эди. Унинг суҳбатида асрининг энг буюк мусиқашунослари, ҳофизлари, мусаввирлари иштирок этдилар.

Хатто Навоийнинг мусиқа оламида ҳам расуҳ¹⁵ эгаси экани ва бир неча ҳаволар¹⁶ басталагани маълумдир.

Расомликда ҳам Навоий анча хизмат қилди. Кўб расмлар чизғони ривоят этилади. Бу майдонда бир неча шогирдлар етиштирганлиги Мовароуннаҳр санъаткорлиги дунёсида муҳим ўрин тутадир.

Навоийнинг ўттиздан ортуқ асари борлиги ривоят қилинадир.

Кўлимизда бўлгонлари:

«Чор девон», «Хамса»си, «Тарихи Ажам», «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн», форсий бир девони¹⁷. Вафоти 906-ҳижрий зулҳижжа ёки шаъбон ойидадир.

Қабри Ҳиротда, ўзи солгон жомеънинг саҳнидадир. Умри олтиши иккидир.

Илова

Бу кичкина мақола журнализмнинг Навоий юбилейига иштироки учун ёзилди. Бунда кўб ҳоллар ва воқеалар қисқа, баъзан ҳатто бир сатрда ўтилди. Ўзбекистон Маориф комиссарлиги илмий шўроси номидан яқин фурсатда Навоийнинг беш юз йиллиги муносабати билан қилинатургон юбилейда жуда кенг бир режа тузилди.

Илмий шўронинг кейинги мажлисида шу яқин икки-уч ой орасида Навоий учун бир «айслиш» мажлиси қилишга ва бунгача Навоийнинг таржимаи ҳоли ва фаолиятига оид бир мажнун ва Навоий асарларидан терма, яна бир мажмуа ва энг сўнггида унинг расмини катта, кичик ҳажмда тарқатишга қарор қилинди.

Шунинг учун, модом¹⁸, махсус бир мажмуа чиқарилади, яна унда тафсилот бериш ортуқча билинди. Келгуси текширишининг матнигина тақдим қилинадир.

В. М.

«Маориф ва ўқитғувчи», 1925 йил, 3-сон,
56-62-бетлар.

Луғат ва шарҳлар

¹ Рубъи маскун — ер юзи.

² Ҳайъатшунос — астроном.

³ Таҳсили қавоид фозили улуми нақлия ва тақмийи фунуни маорифи ақлия — ...

⁴ Муосир — замондош

⁵ Суфат — сўфийлик.

⁶ Ҳаср — бағишламоқ.

⁷ Интисоб — бир маслакка мансублик.

⁸ «Баҳр ул-аброр» — Ҳисрав Деҳлавийнинг «Дарёи аброр» асари назарда тутилмоқда. Бундай номланиш Фитрат ва А. Саъдий асарларида ҳам учрайди. Уша пайтдаги мавжуд қўлёзмаларда шундай зикр этилган бўлиши мумкин.

⁹ Мужид(д) — тиришувчи, жиддий ҳаракат қилувчи.

¹⁰ Бу фикр Фуод Кўприли, Исмоил Ҳикмат каби улуг туркшунослар томонидан ҳам қайд этилган.

¹¹ Манҳус — бехосият.

¹² Мухотаб — хитоб (мувожаат) қаратилган киши.

¹³ Маъхаз — материал.

¹⁴ Мусоҳиб — суҳбатдош, ҳамдам.

¹⁵ Расуҳ — салоҳият.

¹⁶ Ҳаво — куй.

¹⁷ Вадуд Маҳмудий «форсий бир девон» деганда 1924 йили М. Солижоновнинг кутубхонасидан топилган, дастлаб Навоийга нисбат берилган «Девони Фоний»ни назарда тутган. Чуқур навоийшунос бўлган Фитрат бу девоннинг Навоийники эмас, балки бошқа кашмирлик Фонийнинг девони эканини исбот этганди. Бу ҳақда қўшимча маълумот керак бўлса, Фитратнинг «Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида» мақоласига қаранг: «Маориф ва ўқитғувчи», 1925, 12-сон, 38-41-бетлар.

¹⁸ Модомки демоқчи бўлса керак.

Нашрга тайёрловчи ва шарҳлар
муаллифи: Ҳамидулла БОЛТАБОВ



Икром Отамурод



Ўй
Бўйидаги эски
ховли

Ўйл бўйидаги эски ховли
Кундан-кунга боради нураб.
Соғинади — худодан тувли,
Жасоратли эгани сўраб.

Ўйл бўйидаги эски ховли
Кўли қуруқ тиланчи мисол
Соғинади гавжум ва жовли
Дамларини — излайди хаёл.

Ўйл бўйидаги эски ховли
Кунларни кеч қилар йўл қараб.
Бой берилган тахтидан ҳали
Умиди бор подшоҳдек, ё раб.

Ўйл бўйидаги эски ховли
ЭРЖка — қабр, ҒУРУРга — қабр.
Ўз бағрида яшаган ёвнинг
Синонидан тортади жабр.

Ўйл бўйидаги эски ховли
Бебурдлардан зада, алағда.
Гулпирмасин улар нечоғли
Номусин ел олган, палағда.

Орсизлар жой тиклаган қирлик,
Жарликларга дўнар бир синат.
Юртни настага уриш — кўргулик,
Юртга носоғ тушириш — лағнат.

Фидо бўлса-да унга роҳиб,
Юқтирмаса шаънига гардни.
Соғинади имонли соҳиб,
Соғинади ғурурли мардни.

Алпомишми, Широқми — довли
Бир соҳиб соғинчи емирди.
Ўйл бўйидаги эски ховли
Соғинади Амир Темурни...

Босилади шамол шиддати,
Қорнинг шашти топади пайсал.
Зериккан болалар ҳиддати
Ташқарига чиқади қайсар.

Кўтарилар туман эврилиб,
Қоқинади яланғоч тутлар.
Бўйнига қўш занжирлар илиқ —
Дарвозани кўриқлар итлар.

Булутлар тарқайди тирқираб,
Осмон — арчилган кавкабир.
Кўринар қиличдай ярқираб
Қуёш — узоқ кутилган сабр.



Кўп кўриниб ўзим ўзимга гоҳи
Сигмайман, тўламан пешонам қақшаб.
Кўксим — армонларнинг тош бандаргоҳи
Ёрилар ёрилтошга ўхшаб.

Дунё тор туюлар, зимистон дунё
Қисиб келаверади кўнглимни.
Бир кенглик истайман, истаб бир зиё
Давом эттиравераман йўлимни.

Очунки, товушлар чарх урган макон
Теграмда сўлжайиб туради беҳол.
Ён бермайди хаста қалбимга бирон
Ўзбошимча умид, ўзбилгич хаёл.

Қатқалоқ инган дард, ғамга дўнган зор,
Тўлдирар юрагим бўшлиқларини.
Сукутларга чўмиб тинглайман такрор
Комилжон Отаниёз қўшиқларини.

Ёлғиз дарахт унсиз синган маҳалда
Ғариб ўкирик уйғотар титроқни.
Мақтанчоқ шаҳарда, кибор шаҳарда
Соғиниб кетаман хоксор қишлоқни.

Соғиниб яшайман сени, оқилам,
Соғиниб яшайман шундоқ ёнингда,
Сеслайман, бўғзимда қотади нолам,
Довушим мунғариб ботар жонимда.

Соғиниб яшайман сени, оқилам,
Армонга тўламан, оҳга тўламан.
Бир кун ҳузурингда, увишиб алам —
Юрагимда соғинч портлаб ўламан!

Ёнингда одамлар борми,
Атрофинг эмасми бўм-бўйи?
Қадрми, номусми, орми —
Юрагингда йиғлаган қуш?

Қаноти қайрилган — тутқун,
Иложсиз, чорасиз — яккор.
Ёнингда одамлар — сотқин,
Ёнингда одамлар — маккор.

Ичингда бир томир узилар,
Еганинг мисли оғу — қайт.
Ёнингда одамлар бўлса гар
Ҳам ғофил, мудраган, лоқайд.

Сенга тушади дард юки —
Ботади, янчади азоб,
Ёнингда одамлар токи,
Нафсига қул бўлса — жазо.

Орини пулласа — арзон,
Қадрини сезмаса — ўлим.
Ёнингда одамлар — ларзон,
Арсат — йўқотган йўлин.

Эй фақир, эҳсонинг тутиб
Қарайсан — атрофинг тўлиқ.
Бир ҳимо истасанг — кутиб,
Ёнингда одамлар йўқ!..

* * *

Шу дақиқа — сополдан ситилган сир,
Шу дақиқа — абрдан сачраган томчи.
Шу дақиқа — МЕХР деб фарёд урган Лир,
Шу дақиқа — кўҳнадўз Нусрат синчи.

Шу дақиқа — ойнинг чўккан сояси,
Юлдузлар талашиб синдирган халқа.
Айрилиқ дояси, ҳижрон дояси,
Йўрғаклари йиртилган — шу дақиқа.

Шу дақиқа — катта шаҳарда говур,
Кичкина қишлоқда вазмин сукунат.
Бой бериб қиморбоз чақага довуз —
Шу дақиқа, тушар уйларга лаънат.

Хонадон қувончининг этагин ушлар,
Армон — ақиқадир, умид — ақиқа.
Олисларда ночор Бойчибор кишинар,
Сомон йўли йиғлар — шу дақиқа.

Болакай қўлидан тушган қўғирчоқ
Оёғи остида парчин ХАҚИКАТ.
ХИЁНАТ — кўзлари дур узук, мунчоқ —
Жазман аёлни бўғар — шу дақиқа.

Шу дақиқа — қалқиб сузаётган қайиқ
Баҳри муҳит темир тўлқинларида.
Шу дақиқа — инграр, гўзаллик майиб
Давроннинг йўлтўсар тўлқинларида.

Шу дақиқа — кўзлар тўқнашган майдон,
Синов чегарадир, алдоқ — чегара.
Қалб — туйғулар гум чўкиб ётган сойдан
Ёлгонлар ўрмалар, ростлар ўрмалар.

Шу дақиқа — ҳуқуқ ҳақида фармон,
Шу дақиқа — қўпорилган кўҳна синч.
Шу дақиқа — сен қучоқлаган армон,
Шу дақиқа — мен ҳайқирган соғинч.

* * *

Зимдан сени таъқиб этган нигоҳлар
Ҳис этсанг агарда, сезсанг агарда —
Қачондир айтилмай тугилган оҳлар,
Қимтиниб, ийманиб ютилган зарда.

Кузатар хўрсиниқ, кузатар афсус,
Иддао кузатар, таъна кузатар.
Йиқилсанг — масҳара тепади масус,
От минсанг — хушомад узанги тутар.

Сенинг қулинг, сенинг подшоҳинг, ишон,
Ғайбдан кўз ололмай қараб турган суқ.
Сен — синов қирида кўкарган нишон,
Нигоҳлар — мўлжалга туг қадаган ўқ.

Умрим

1

Умрим — Касбидан то Тошкентга қадар
Фарсанг-фарсанг ўжар чўзилган йўлдир.
Бу йўлда тинмайин чопади қадар,
Тоқатнинг кўзлари қуриган — чўлдир.

Йўлдошим — чатнаган, қақшаган умид,
Чайир хаёлларим зирқираб оғрир.
Парчин дардларимни қалбимга кўмиб,
Надоматни ичга ютаман — тахир.

Поезд ўринлари тиқилинч — расми,
Учоқда топилмас бўш жой дафъатан.
Шошаман. Соғинчим — қадимий Касби,
Кўмилган сардоба, вайрона Ватан.

Султон Мирҳайдарнинг тошларин силаб,
Ярим кўнглим тўлар, ў, тангрим, инон.
Оппоқ лайлақларга омонлик тилаб,
Кўҳна руҳлар — имон, соғинчлар — имон.

Умрим — Касбидан то Тошкентга қадар,
Фарсанг-фарсанг ўжар чўзилган йўлдир.
Бу йўлда тинмайин чопади қадар,
Тоқатнинг кўзлари қуриган — чўлдир.

II

Бир куч тортар, бўлди дегунча имкон, —
Муқаддас — киндик қон тўкилган замин.
Девори азобдан тикланган макон,
Тоқатдан ёпилган тўрт ёғоч томи.

Юрагимда ҳорғин ёнбошлар соғинч,
Ёллари қайрилган тулпор — масофа.
Кетгувчи, қайтеувчи қўноқлар зим-зич,
Йўлларда югуриб умрлар соб-а.

Шошқалоқ йўлларнинг чўнтаги тешиқ,
Руҳим — дарчалари дарз кетган хона.
Соғиниб, ҳовлиқиб қоқаман эшиқ,
Дарвозани очар чўккан остона.

Қаршимда мўлтирар меҳрибон нигоҳ,
Қалбимдан узилар бир томир илкис —
Шаҳардан беҳуда қидириб, эвоҳ,
Мен тополмай юрган ғариб ҳис...

Кучоқлаб бағрига босади меҳр,
Хўрсиниб-хўрсиниб йиғлайди сукут.
Ичкари, ташқари эшиқлар бир-бир
Унут шамолларга юз тутар, унут.

Меҳр — момоларим тўқиган тумор,
Оқибат — боболар йигирган тасбеҳ.
Эътиборсиз — тасбеҳ, писандсиз — тумор,
Юрагим тубида инграган Касби.

Юлдузнинг тушидай ўтар бир нафас,
Мен сенга суяниб яшайман асли.
Билгинки, томоша қилгани эмас,
Дардингни олгани келаман, Касби...



Эмин Усмон

МАСЪУЛЛИК

Ўзбекистон маориф вазирига очиқ хат

БИРИНЧИ ХАТ

Муҳтарам вазир!

Бундан икки йил муқаддам жумҳурият радиоси орқали шу юксак лавозимни эгаллаб ўтирган собиқ ҳамкасбингизга мурожаат қилиб, болалар тарбияси ва маориф соҳасидаги айрим нотўғри ишлар хусусидаги фикрларим билан ўртоқлашган эдим. Гарчанд ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган, катта-катта анжуманлар она тилимизда ўтказилаётган, кўча-кўйда, жамоат қатнов воситаларида ўз тилингда гаплашиш айбситилмай қўйилган бўлса-да, ўзбек радиосининг эшиттиришларини кўпчилик эшитмас, хусусан, мўтабар шахсларимиз бунга имкон топишлари маҳол экан шекилли. Радио тўлқинлари орқали айрилган кескин, мунозарали фикрларимга ҳеч ким на ижобий, на салбий муносабат билдирмади. Бу нима, турғунлик давридан мерос қолган бефарқликми ёки тепса тебранмас, лоқайд бўлиб қолганимизнинг исботими! Бир қаламакш мактабдаги аҳвол, болалар тарбиясидаги камчиликлар ҳақида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашса-ю, унинг гапни эшитадиган одам топилмас. Бу фақатгина жамоатчилик фикрига нописандлик эмас, балки ўз қобилигига ўрналиб олиш, қолипга солинган кўрсатмалардан, аллақачон сиёқаси чиққан бирёқлама, янглиш усуллардан чекиншни истамаслик, янгича ўйлашдан, дунёга очиқ кўз билан қарашдан ҳадиксраш, холос.

Маориф тарихимизга бир назар ташласак ер юзиде яратилган биринчи дарслик мелоддан 2870 йил аввал яшаган Миср ҳукмдорининг вазирни Питох Хутибнинг «Ахлоқнома»-сидир. Бизда ҳам шундай китоб борми! Биз тарбиянинг мағзи ахлоқ-одобда деб ҳисоблаймизми! Агар шундай деб ҳисобласак, мамлакатдаги қайси мактабда ахлоқ дарси ўтилади! Мен юқориде афсус билан тилга олган бефарқлик муносабатининг ўзиёқ биз катталарнинг ахлоқи, маданияти кўнгилдагидек эмаслигидан далолат бермайдими! Узаро ҳурмат, бир-бирининг фикрини эшита олиш юксак инсоний маданиятни, самимиятни тақозо этади. Шу боис улуг хитой мутафаккири Конгфузи ўзининг «Вафодорлик» номли китобида: «Вафонинг шартини меҳрибонликдир», деб ёзади. У ҳар томонлама комил инсонни вояга етказиш учун аввало инсон қалбига меҳр-шафқат уруғини экиш зарурлигини уқтиради. Агар Конгфузи таълимотидан келиб чиқсак, маорифнинг бугунги аҳволи кишини қувонтирмайди. Аввало Сиз бошчилик қилаётган вазирликнинг номи, вазифаси сўнгги икки-уч йил ичиде бир неча бор ўзгартирилгани, маориф деган сўзнинг ўзи ҳам истеъмоладан чиқариб ташлангани, бу соҳага ажратиладиган пул ҳарбий сарф-харажатлардан бир неча ўн баробар камлиги бола тарбияси, илм беришдек шарафли вазифа давлат тепасига чиқиб

олган ҳар бир мансабдор шахснинг хоҳиш-иродасига боғлиқ экани кўриниб турибди.

Маориф деган ибора маърифатдан олинган. Маорифчилар маърифат, яъни зиё тарқатувчилардир. Афсуски, бугунги кунга келиб бу нуқтан назарнинг ўзи ўзгариб кетди, ҳатто маорифни халқ таълими деган сўнъий ва зўрма-зўраки атама билан алмаштирдик.

Муҳтарам вазир!

Нима учун Советлар мамлакатиде муайян арбоблар, ҳарбий хизматчилар, савдо ходимларининг ҳар хил юлғичлар табақаси ўта фаровон яшайди-ю, маорифчилар қўл учиде зўрға тирикчилик ўтказишади! Нега маорифчиларнинг маоши 30 фоизга ошгани ҳолда партия ходимларининг иш ҳақи юз фоиз, ҳатто ундан ҳам кўпроқ миқдорда оширилди! [Партия ва давлат номидан иш кўрувчи амалдорлар ўртасиде авж олган порахўрлик, юлғичликка шу йўл билан зарба беришмоқчи бўлди, шекилли]. Маоши бир неча сўмга кўпайган ўқитувчи ҳамон учма-уч тирикчилик қияпти, сабаби, нарх-наво сўнгги йиллар мобайнида бир неча баробар ортиб кетди. Агар мелоддан илгариги тарихимизга назар ташласак, маърифатчиларнинг мартабаси бениҳоя юксак бўлганини, улара жуда катта маош тайинланганини, ҳатто маъруза ўқийдиган минбарлари олтин билан зийнатланганини кўрамиз. Шу боис давлатни идора қилишга фақатгина бир гуруҳ гапдон сиёсатчино уришқоқ ҳарбийлар эмас, биринчи навбатда олиму фозиллар жалб этилган. Элға илм зиёсини тарқатувчи кишилар эъзозланиб ЭЛТАБИР деб аталган. Қадимги Эдиқут ҳоқонлигиде китоб ёзиш ва ҳаттотлик энг савобли иш ҳисобланган. Мамлакатнинг барча маърифий ишларини Билка Кенгаш [Донишмандлар кенгаши] бошқарган. Бу кенгаш қабул қилган қарор на ҳукмдор, на вазиру вузаролар томонидан муҳокама этилган, аксинча, сўзсиз бажарилган. Элтабирлар одамларнинг маслаҳатчиси, ҳақиқий йўл кўрсатувчиси бўлишган. Эдиқут [Саодатга етакловчи]нинг пойтахти Турфон шаҳри бежиз «Урта Осиёнинг ер ости кутубхонаси» деб аталмаган. Бу мамлакатда барча динларни камол топтириш ва тадқиқ этиш, тил ўрганиш, тил орқали бошқа халқлар маданиятидан баҳраманд бўлиш яхши йўлга қўйилган. Билка Кенгаш «Санскрит — уйғурча», «Хитойча — уйғурча», «Сўғдча — уйғурча» ва яна бошқа ўнлаб тилларнинг луғатларини тузган. Қадимий Кусан [ҳозирги Кучор] шаҳрида вояга етган уйғур олими Кумароживо ўнлаб тилларни мукамал билган ва санскрит тилидан 384 жилд китобни таржима қилган. Қашқарлик Пирхўйлон эса то ҳозиргача буддон олимлар қўлма-қўл қилиб ўқийдиган юз жилддан иборат «Умумий ақидалар шарҳи» номли қомусий асар яратган. Бу олимлар Сақемунининг: «Илмдан, одоб-ахлоқдан, саховатдан ва яхшилиқдан маҳрум кишилар махлуқ билан тенг. Улар бахтиқаро кимсалар», деган таълимотиға амал қилиб яшашган. Улар учун: «Ҳаёт бамисоли шамол, кучқувват бамисоли учар қуш, ёшлик бамисоли чақмоқ, молдунё бамисоли тошқин сув — келиб кетади; шундай экан, хайрли иш қилиш, фазилат уйдан жой олиш» муҳим бўлган.

Эрамиз бошларида яшаган олиму фозиллар, ҳатто қишлоқ муаллими ҳам ўз жамғармасидан мактаблар, ибодатхоналар, кутубхоналар қуришган, ўнлаб, юзлаб шогирдларни ўз қарамоғига олиб, илм ўргатишган. Бугунги қайси муаллим, қайси профессор бундай моддий имконга эга! Иқтимой танглик ҳукм сурган бугунги шароитда бундай савол кўндаланг қўйилиши ғайритабиий.

Муҳтарам вазир!

Қишлоқ ўқитувчилари қандай яшашларига эътибор берганмисиз! Улар аксарияти далада деҳқончилик қилишади, ўз шогирдларига қўшилиб мол боқишади, акс ҳолда тирикчилиги ўтмайди. Кундалик турмуш ташвишлари абгор қилган бу бечораларни ЭЛТАБИРлар деб аташ қийин. Шу боис ҳозир ўқитувчига ҳеч ким ҳавас қилмайди, аксинча унинг устидан қулиб юришади, юлғичликини, уддабуронликини қойил қилмайдиган бу зиёлилар яшашни билмайдиган уқувсиз зотлар деб ҳисобланади. Бугунги ўқитувчиларнинг аксарий қисми дарсликларда ёзилган умумий гапларни бир амаллаб ёд олиб, тўтиқушдек такрорлаб кун ўтказишади. Сабаби, унинг ижодий элзанишга вақти ҳам, имкони ҳам йўқ. Ваҳоланки, Шарқ инсоният яралганидан буён илм-маърифат маркази бўлиб келган. Шарқнинг мактаб ва олий ўқув юртларида илоҳий ва барча дунёвий фанлар ўқитилган. 14-17 асрларда ҳукм сурган Самдия хонлигидеги илм-маърифатнинг қай даражада та-

рақий этгани ҳақида Султон Абдурашидхоннинг «Тарихи Рашидий» асарига батафсил маълумот берилади. Уша даврда ўқиш мавсуми баҳорда бошланар, унча халқ «Наврўз шойи», «Ҳафта салом», «Мушоира кечаси», «Наврўз кўшиқлари», «Наврўз гап-гаштаги», «Наврўз минбари», «Ҳофиз минбари», «Чархпалак», «Кураш», «Пойга» каби сайн ва томошаларда катнашиб вақтихушлик қилар эди. Сайр-томоша тугагач, ота-она боласини мактабга етаклаб келарди-да: «Боламизнинг жонини худо берган, эт-суягини биз берганмиз, бахт-ниқболини сиз берасиз», деб муаллимга топшириб кетишарди. Биз эса мактаб остонасига илк бор қадам қўйган норасида гўдакка сен одам эмас, ҳайвонсан, офтобда битини боқиб ўтирадиган маймундан тарқангансан, дея уқтираемиз. Илоҳиёт, инсоний кадрият, дунёнинг яралиши ҳақида гард юлмаган тасавури чил-чил синган бола шу аснодан бошлаб маймунга хос хатти-ҳаракатлар қилса, чекка-чеккадан танбех берилади, одамга ўхшаб юришга ундалади. Тарбия усулимининг хамаиртуруши чатоқлиги мана шунда. Уни яхшиламай ва янгилamay туриб комил инсонни вояга етказиб бўлмаслиги аниқ. Лекин биз гапимизда собитмиз: маймундан тарқанганмиз, ота-бобомиз маймун, уларнинг ажодди бир ҳужайрали маълуклар! Нечоғли аянч ақида!..

Ваҳоланки Қуръони каримда Аллоҳнинг буйруқларига амал қилмаган хиёнаткор, мунофиқ қавм маймунга айлантирилгани ҳақида айтлади. Мухаммад алайҳиссалом ўз ҳадисларида: «Ҳар бир инсон мусулмон бўлиб туғилади, ота-она нотўғри тарбия усуллари билан уни кофирга айлантиради» дейдилар. Бу ҳадиснинг теран маъносини англаб етадиган пайт келди.

Яқинда матбуотда эълон қилинган эътиқод эркинлиги ҳақидаги Қонун лойиҳасида дин мактабга яқин йўллатилмаслиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Етмиш йил мобайнида динни мактабдан, маърифат даргоҳларидан қатагон қилиб нимага эришдик! Кўчаларни тўлдириб юрган шарм-ҳаёсиз, ароқхўр, нашаваид, йўлтўсарлар илоҳиётдан, диндан бутунлай беҳабар, инсоният тарақиётида пролетариат [йўқсиллар], диктатураси номи билан шуҳрат қозонган янги тузумнинг бирон ақидаси, бирон изми уларнинг қалбига эм бўлмаган. Ҳа, шундай кимсаларни вояга етказдик. Етмиш йилдан бери мактабдан қатагон қилинган ислом дини эса: «Бешиққалди чоғингиздан то лаҳадга киргунингизча илм толиби бўлинг», дея таълим беради. «Кимки дунё [бойлик] истаса, савдо билан шуғуллансин, кимки охирати истаса, тақво қилсин, кимки ички дунёда ҳурматли бўлишни истаса, илм олсин», дея ўғит беради Мухаммад алайҳиссалом. Бу ўғитнинг нимаси ёмон, нега уни эшитмасдан турибқоқ таҳликага тушамиз.

Тарихдан маълумки, халифа Хорун ар-Рашид даврида илм-фан мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Мусулмон шарқининг Байтул ҳикмаси қурилиб, юнон тилида битилган нодир китобларнинг деярли ҳаммаси араб тилига таржима қилинди. Унинг ўғли Маъмун халифалигида эса Таржимонлар маркази таъсис этилди, ҳар йили юзлаб мадрасалар қурилди, маърифат ишлари учун ҳазина эшиги кенг очиб қўйилди.

Совет Иттифоқида қайта қуриш жараёни бошланганидан буён қанча кутубхона, олий ва ўрта билим юрти, мактаб, маданият ўйлари қурилганининг ҳисобини олсак, бизда инсоннинг маънавий камоли учун ҳазинанинг эшиги бемалол очиб қўйилмаганига амин бўламиз. Бунинг аксича сўнгги тўрт-беш йил ичда мамлакат миқёсида ҳад-ҳисобсиз ошхона, қаҳвахона, беҳаё кинолар намойиш этиладиган муассасалар қад ростлади. Биргина мисол, Тошкент шаҳри ва атроф қишлоқ-ноҳияларнинг ҳар қадамда кооператив ошхона, кабобхона, машина турадиган пуллик жой, пуллик ҳожатхона, миллий жамиятга зид — [эълон орқали эр-аёлни топширадиган ташкилот], сув дўконлари, ароқ-шароб, тамаки билан очиқдан-очиқ чайқов қиладиган қонадонлар ва ҳатто очиқчасига ўғрилиқ, босқинчилик қиладиган тўдалар урчиб кетди. Лекин шу давр ичда пойтахт вилоятида биронта маданият уйи, биронта кутубхона, бирон илмий марказ — маънавий озик берадиган маърифат маскани ишга туширилгани эслолмайман. Демак, одамлар учун моддий ҳузур-ҳаловат маънавий лаззатдан устун бўлиб кетибди. Одамлар бош билан эмас, қорин орқали дунёни ҳис етадиган мавжудотларга айланшибди. «Яшасин қорин!» деган шир кундалик заруратга айланбди. Афсус!..

Француз ёзувчиси Лебон: «Илмга ташналик мусулмонлар оламидаги барча мамлакатларда жуда кучли эди», деб ёзади. Урта асрлардаёқ илмга ташна деб эътироф этилган халқларимиз зўр бериб ўз эътиқодидан маҳрум этилмоқда. Мак-

табларда ота-боболар ихлос қўйган дин асосларини ўрганишдан чеклаш болаларимизнинг маънавиятини пуч қилиб қўймоқда. Инсон Худо яратган энг олий, энг мукамал зот деб билувчи Ислом динида: «Ҳар кунни Қуръондан бир оят ўрганиш юз марта ибодат қилишдан афзал, бир кунга асқошдан қатъи назар илму урфон билан шуғулланиш минг марта тоат-ибодат қилишдан афзал», деб ҳисобланади. Эски мактабларимиз Садриддин Айнини ёзганидек ялписига жаҳолат манбаи бўлмаган, аксинча, ўқитиш ёд олишга асосланишининг сабаби, аввало хотира чархланган, қолаверса, матн устида ишлаш ўргатилган. Бизнинг мактабларимизда эса бадний асарлар жуда кам ўқитилади, тарих сохталаштириб ўргатилади, аниқ фанларни ўқитиш ҳам бирёқлама. Масалан, кимё, физика соҳасида кашфиётлар асосан хорижий олимларига нисбат берилади, ал-жабр — математика, фалакиёт, тиббиёт бобида шарқда юз берган мўъжизалар эса мутлақо эътироф этилмайди. Бу қўлларча итоатгўйлик, ўзлигини унуттиш оқибатидир. Ахир чўлларни ўзлаштириш учун ер ости сувларини кориз усули билан бир неча терак бўйи кўтаришнинг ўзинёқ Шарқ халқлари анча-мунча илмга эга бўлганидан далолат бермайдими! Кўҳна Турфондаги коризлар ҳанузгача инсон ақлини лол қолдиради. Қозоғистон ва Хоразмда бу усулни қайтадан тиклашга уринилляпти. «Илми унуттиш ҳам офат» дейилган-ку. Бас, шундай экан, биз нега ўтмишдаги маърифат дурдоналаридан бугунги авлодни бебаҳра этишимиз керак.

Мухтарам вазир! Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар маориф соҳасини, ўқитиш ва тарбия усулларимизни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Ҳар томонлама комил инсонни вояга етказиш учун қадимий ўқитиш усулларидан, тарбия воситаларидан, замонавий янгилликлардан кенг фойдаланиш керак. Ахир қадимий мактабларда турк, тохор, хитой, санскрит, тангут, ибтолит, араб, форс тилларини мукамал билган алломалар дарс беришган. Шу боис Шарқ халқларидан ўнлаб қомусий олимлар етишиб чиққан. Бугунги маорифни ўша даврдаги савияга етказиш, буюк алломаларни вояга етказиш учун қадимий ўқитиш усулининг илгор аъёнларини бугунги маорифга таъбиқ этиш лозим. Хусусан, болаларни ўзларининг одамлигига ишонтиришни, ҳақ билан ноҳақни, савоб билан гуноҳни, ҳалол билан ҳаромни бир-биридан ажратишдан бошлаш зарур. Бусиз қўзлаган мақсадимизга эришишимиз маҳол. Бу хайрли ишни амалга ошириш учун аввал дарслик ва қўлланмаларни бутунлай қайтадан ёзиш, ўқитувчиларни янги руҳдаги курсларда қайта ўқитиш, боғчаларнинг фаолиятини тубдан ўзгартириш керак. Бугун замоннинг йўриғи бошқа, давр талаби, одамларнинг дунёни англаши, фикрлаши ўзгача, эртага ҳаёт батамом бошқача бўлиши муқаррар. Бас, шундай экан, маориф ҳаётдан орқада қолмаслиги, эртанги кунда яшайдиган фикри теран, ҳаёт ҳодисаларини ҳолис баҳолайдиган янги авлодни тарбиялашга қозирдан тайёр турниш лозим.

ИККИНЧИ ХАТ

Мухтарам вазир! Турғунлик даври деб аталмиш йангирма йилдан ортиқ давом этган сиёсий ва маърифий қарахлик даврининг барча жабру жафоларининг энг аввало маориф ҳодимлари билан мактаб ўқувчилари тортишгани ҳеч кимга сир эмас. Шўро ўқувчилари қониқарсиз баҳо олмайди, деган ўта манфур ва ғайриилмий ширини узоқ йиллар уялмай-нетмай байроқ қилиб юрдик. Чорак аср мобайнида ҳатто ўз исмишарифини тўғри ёзолмайдиган неча миллион чаласаводни вояга етказдик. Қониқарсиз баҳо олиши мумкин бўлмаган мана шу шўро ёшлари бугун халқ хўжалигининг турли жаб-ҳаларида хизмат қилишмоқда, пешқадамроқлари аллақачон илмий даргоҳларда, олий ўқув юртларида масъул лавозимларда ишлашмоқда. Ақлга номувофиқ сохта широн руҳда тарбияланган бу авлод жамиятга, халққа қандай наф етказиши мумкин. Ҳар бир ҳужайрасигача ёлгон ва сохталик унсурлари сингиб кетган бу авлод бугунги қайта қуриш талабларидан эҳсонаси чиқиб кетиши ёки бефарқлик билан «бунақа ғалваларнинг нима кераги бор, ҳар ким ўз аврасини судраб тинчгина юравермайдими», қабилидаги гаплари билан одамлар қалбидаги эътиросни, яхшиликка, янгиликка, адолатга интилишни сўндиришга уриниши турган гап. ССЖИ Олий кенгаши сессиясида ички ишлар вазири очик эътироф этганидек,

ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жиноят, бузуқлик, нашавандлик ва энг даҳшатлиси одам ўлдириш ҳаддан ташқари кўпайиб кетганининг асосий сабаби — турғунлик йилларидаги сиёсий онгимиз, виждонимиз сўқирлиги, келажак олдидаги масъулик ҳиссини йўқотиб қўйганимиз туфайли «нуқул яхши ва аъло баҳога ўқийдиган» авлодни вояга етказганимиздан эмасмикин! Нима эксанг, шунга ўрасан, дейди доно халқимиз. Кеча селган арпагимиздан бугун сархил бугдой ололмаслигимизни, кеча нотўғри тарбиялаган болаларимиздан бугун яхши одамлар етишиб чиқмаслигини ошкора тан олишимиз даркор. Тўғри, хатони тан олиш қийин. Йўл қўйилган камчиликларга киши ўзини айбдор деб билиши мушкул. Бугунги айрим шнорбозлик ва бўлар-бўлмасга кўкракка уришларнинг ҳам ҳисобиктоби борлигини англаб етиш маҳол. Лекин мамлакатда юз бераётган бугунги туб инқилобий ўзгаришлар эс-ҳушимизни йиғиштириб олишни, ҳар бир сўз, ҳар бир ташланган қадам, қилинган иш учун масъул бўлиш лозимлигини тақозо этади.

Афсуски, маориф соҳасида учта вазириликни бирлаштиришдан бошқа бирон бир ўзгариш юз бергани йўқ. Қишлоқ болалари ҳали ҳам дала ишларидан бутунлай озод бўлмади, олий ва ўрта махсус билим юртлири талабалари гоҳ қурилишларда, гоҳ пахта йиғим-теримида, гоҳ сабзавот экилган пайкалларда тер тўкишмоқда. Талабаларнинг қурилишда келтирган фойдасидан кўра зарари кўпроқ. Аввало улар бундай ишларга ихтисослашмаган, ҳатто белкуррак ишлатишга ҳам ўқувни йўқ. Неча минглаб йигит-қизлар қурилишлардаги ахлату чиқиндиларни йиғиштиришдан бошқа ҳеч нарса билан шуғулланишмайди. Ваҳоланки, тузукроқ ҳақ ёзилса бу ишлар қурувчиларнинг ўзидан ортмайди. Шунча талабани оворан сарсон қилишнинг ҳожати ҳам йўқ. Уларни иш билан таъминлаш, турар-жой масъулияти, соғ-саломат ота-онасига топшириш таъмини ҳам бартараф этилади.

Даланинг, хусусан, пахтанинг ҳамма оғирчилиги ўқувчилар билан талабаларнинг гарданига юклаб қўйилгани натижасида жумҳуриятимиз аҳолисининг жисмоний тараққиёти этиси ташвишли аҳволда. Масалан: Оврўпо давлатларида сўнгги йилларда одамларнинг ўсиши, яъни бўйчанлиги уч-беш сантиметрга кўтарилган бир пайтда жумҳуриятимиз одамларни худди шунча сантиметрга чўккан. Демак, пахта ва бошқа экинларга ишлатилаётган минерал ҳамда заҳарли дориларнинг касри туфайли одамларимиз резиллаша бошлаган.

Онам, биби Хадича раҳматли ер юзида ҳаёт бошланганда одамлар бирон жойга чўкиб ўтирса соясида қирқ туя сояларкан, қиёмат қинлашганда одамлар янтоқнинг баргига чиқиб азон айтишаркан, агар шу кетмиш бўлса, охир замон яқинлашиб қолибди, болам, одамлар ҳаддан ташқари ушоқлашиб кетишяпти, дея ташвишлибди гапирар эдилар. Онамнинг ташвиши ўрнили эканлигини юқориде келтирилган рақамларнинг ўзиёқ исботлаб турибди. Еки шунга боғлиқ иккинчи бир мисол. Тараққиё этган Оврўпа давлатларида одамларнинг ўртача вазни олтимси килограммдан юқори бўлгани ҳолда жумҳуриятимиз аҳолисининг ўртача вазни эллик беш килограммга тушиб қолибди.

Болалигининг энг масъул, энг ўйинқароқ, энг лаззатли онларни далаларда катталар билан баробар ишлаб, уват четларида, зовур бўйлариде мол боқиб ўтказаетган болаларимизнинг илги пуч бўлиб қоляпти. Мактаб ошхоналарида тайёрланадиган овқатларнинг сифати ҳаддан ташқари ёмон, нархи эса баланд. Бир стакан қуруқ чой мактаб емакхонасида беш тийин, картошкали перашка эса 4 тийиннинг ўрнига 14 тийиндан сотилади. Биз фақатгина халқнинг эмас, ҳатто болаларнинг ҳам ҳақига ҳибнат қилишга шу қадар ўрганганимизки, очкўзлигимиз, инсофсизлигимиз туфайли ўз келажакимизни майиб қилиб қўяётганимизга маълумизга ҳам келтирмаймиз. Ҳозир фан-техника соҳасидаги мўъжизалари, юксак маданияти билан инсониятни ҳайратга солаётган Японияда эса болалар дастурхониде яхна гўштдан тортиб энг тансиқ мева-чевағача, сут маҳсулотларининг ҳамма туридан ташқари, ширин-шарбат ичимликларга бадастир экан. Бу мамлакатда умуман болаларнинг майл-истаклари чекланмас, улар истаган ўйинини ўйнар, кўнгли тортган нарсани ер, қизиққан нарсасини бориб кўрар ҳамда энг замонавий компьютер ёрдамиде ўзини қизиқтирган саволларга жавоб изларкан.

Японияда ахлатдан барпо этилган ороллар борлигини яхши биласиз. Мана шундай ороллардан бири энг гўзал ва энг замонавий шаҳарга айлантирилган. Йўрғакдан чиққан чақалоқдан тортиб то балоғат ёшига етган болаларнинг ҳаммаси бу шаҳар-

чанинг сўлим хиёбонларида истаганча ўйнаши, чўмилиши, денгиз мўъжизалари билан танишиши, деҳқончилик илмини, ишлаб чиқариш усулларини, ҳайвонлар билан муомалани ўрганишлари мумкин. Фалакиёт ва фазогирилик сир-асрори билан танишиши ва бевосита ўзлари ҳам шуғулланишлари учун ҳамма шарт-шаронт муҳайё. Олмониде ҳам худди шундай шаҳарча мавжуд ва унинг дарвозаси тепасига: «Агар Ҳанс беш ёшгача бирон нарса ўрганмаса, бир умр нуноқ бўлиб қолади», деган лавҳа осиб қўйилган ва болаларни фан-техника мўъжизалари билан таништириш уч ойлик чақалоқ пайтида ноқ бошланади.

Бизнинг шўрпешона болаларимиз на тўйиб овқат ейди, на истаганча ўйнаб-қулади, компьютер деган нарса эса умуман етти ухлаб тушига кирмаган. Мухтарам вазир, нега биз болаларимизни бу кўйга солиб қўйдик! Фарзандларимизнинг соғлиги, билим олиши, эртанги куни ҳақида қачон қайғурадиган бўламиз! Руҳан, ақлан замф, нимжон болалар бизга ҳеч қачон шараф келтирмаслигини, улар жамиятнинг тўлақонли фуқаролари эмас, мажруҳ ва нотавон кимсалар бўлиб етишишларини наҳотки англаб етмаётган, бу ҳолдан азият чекомаётган бўлсак! Неге шу пайтгача бирон мактабда давлат раҳбарларининг кўчма мажлиси ўтказилмаган. Ваҳоланки, қишлоқ молхонасида ем-хашак тугаб қолса ёки иккитагина ситгр касалга чалинса бутун хўжаликнинг казо-казолари зудлик билан шу ерга етиб келишади. Гўё ситгр одамдан азиз... Бизда шу пайтгача пахта йиғим-терими сиёсий масала, чорвачилик зарбдор фронт, ем-хашак жағғариш кечиктириб бўлмас вазифа, сабзавот етиштириш бугунги куннинг бош талаби бўлиб келди. Лекин бола тарбияси, мактаб ўқувчиларининг ҳолидан хабар олиш юқоридеги баландпарвоз шнорларнинг соясида йўқ бўлиб кетаверди.

Мамлакатимизда ҳарбий сарф-харажатлар учун 70 миллиард, маориф учун атиги 3 миллиард сўм ажратилганининг ўзиёқ таълим-тарбия ишининг аҳволи нега ноқорлигини кўрсатиб турибди. Шу пайтгача бирон маориф вазири бу ҳолдан норози бўлиб дод дегани йўқ.

Мактабга ўғай назарни исботловчи биргина мисолни келтириб ўтаман. Жуда кўп қишлоқ жойларда мактаблар оталиқ ташкилот томонидан таъмирлаб берилмайди. Ҳўжалик раҳбарлари мактабларни тузатишга ажратилган фондимиз йўқ, дея елкасини қисишади. Уқитувчилар ўз кучи билан мактабни чалакам-чатти таъмирлашдан чиқараётган, ҳатто мажбур бўлиб — ота-оналардан пул йиғиб шикаст-рехтларини тузатаётган мактаблар ҳам йўқ эмас. Бу аянчли аҳволдан ноҳия, вилоят раҳбарларининг хабари йўқми! Бор. Лекин, ўзи курортга боришга, узлуксиз келадиган комиссияларни едириб-ичиришга пул топадиган хўжалик раҳбарларини инсофга қақириб қўядиган биронта мард йўқ. Неге мактабларимизнинг кўни тиланчиликка қолди, дея шошилини мажлис қақирлиб, вазиет ўрганилмайди. Бултур бир ой ичиде Тошкент ноҳиясидаги икки мактабда икки ўқувчи ўзини осиб қўйди. Бу иш билан милиция ходимларидан бошқа бирон кимса шуғулланмади. Ваҳоланки, бу даҳшатли фожееани бутун ноҳия аҳолиси ўртасида атрофликча муҳокама қилиш, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган болаларни ўз жонига қасд қилишга мажбур этган ижтимоий сабабларни чуқур ўрганиш, бу ҳодиса ислоҳда қаттиқ қораланиши айтилиб, тегишли хулосалар чиқарилиши керак эмасмиди! Бу мудҳиш ҳодисадан эҳтимол сиз ҳам хабар топмаган бўлишингиз мумкин. Эҳтимол... Бундай бефарқлик, бировнинг қисматиға бепарволик, хусусан, тарбиядек масъул ва шарафли ишга нописандлик қачон йўқолади! Неге мактабларимиз хўжалик раҳбарларига қарам қилиб қўйилган! Неге йил бошидаёқ ҳар бир колхоздан мактаблар шикаст-рехтларини тузатиш, уларни замонавий техника, асбоб-ускуна ва бошқа ашъёлар билан таъминлаш учун сарфланадиган пул ажратиб олинмайди! Хўжаликни истаган кўйга сола оладиган ноҳия фирча ташкилотининг котиблари наҳотки бу хайрли ишга қодир бўлишмаса!

Мана шундай бефарқлик туфайли бизнинг мактабларимиз, хусусан, қишлоқ мактаблари ибтидоий аҳволда. Уларда замонавий кўрғазмали курул, компьютер деган нарсалар ҳақида умуман, ҳеч қандай тасаввурининг ўзи йўқ. Қишлоқ мактабларига телевизор ҳам эндигина кириб кела бошлади. Бизнинг назаримизда барча инсоний ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум этилган америкалик қора танли болалар биринчи синфданок компьютер ёрдамида дарс ўтади. Япониядаги болалар эса энг замо-

навий фан-техника мўжизаси билан йўрғақдалиғидек таниш улгуради. Нега бизда «дунёдаги энг озода мамлакатнинг бахтиёр болалари» бундай имтиёзлардан маҳрум!

Муҳтарам вазир! Сиз болаларимиз она тилини ўрганиш ҳуқуқидан маҳрум этилганини билармикансиз. Сиздан олдин шу амал курсисини эгаллаб ўтирган собиқ ҳамкасбларнинг ўзбек тили дарсларини ўттиз фозизга қисқартиришган. Оқибатда она тили ва адабиётни ўрганиш иккиламчи бир нарсага айланди. Шунинг учун ўрта мактабни тугатган йигит-қизларимиз адабиёт ҳақида жуда саёз билимга эга. Уларнинг аксарий қисми шоир билан ёзувчининг, адабий жанрларнинг, эгалик ва келишиқ қўшимчаларининг фарқига боришмайди, даволоччи докторлар билан фан докторини бир-бирига чалқаштириб юришади. Бунинг устига вазирлик ёшларимизнинг бадиний дидини, идрокини баттар ўтмаслаштирадиган қарор чиқариб, маънавий таназзулни баттар тезлаштирди. 1989 йилдан эътиборан ўрта мактабларда тил ва адабиётдан оғзаки давлат имтиҳони олиб ташланиб, ўрнига жисмоний тарбия киритилди. Бу нима, бош билан оёқнинг фарқига бормасликми, муҳтарам вазир! Бутун мамлакатимизда миллий ҳиссиёт уйғониб, ҳар бир халқ ўз тили ва тил орқали миллий маданиятини юксалтириш, она тилида яратилган адабиётни воситасида бадиний дидини ўстириш ҳақида қайғураётган бир пайтда ўзбек маориф вазирлиги бунинг аксига иш тутиб, миллий маданиятимизга, халқнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган муҳим омил — тилга, шу тилда яратилган бадиний адабиётга қақшатқич зарба берилишининг муддаоси нима!

Бутун мамлакатимизда юз бераётган баҳсу мунозаралар асосан тил ва миллий маданият устида бўлмоқда, миллатлар ўртасида келиб чиқаётган низолар ҳам асосан тил ва миллий камситилишдан, ундан кейингина ижтимоий, иқтисодий адолатсизликлардан келиб чиқмоқда. Тенглик, қайта қуриш туфайли халқлар ўзлигини таниётган, ҳар бир соҳада, хусусан, миллий муносабатларда демократия бўлиши талаб қилинаётган бир пайтда маориф вазирлиги халқнинг миллий ғурурини камситди, яъни, болаларни — миллатимизнинг истиқболини она тилига, адабиётга муҳаббатдан ва шу меҳр туфайли камолга етадиган ифтихордан маҳрум этди. Ўзлигидан ифтихор этган халқ тарихини, урф-одатларини, маданиятини яхши билади. Тарихини яхши билган халқ маърифатли бўлади. Маърифатдан инсонпарварлик туғилади. Наҳотки маориф вазирлиги инсонпарварликка қарши бўлса!.. Мен бундай фикрга ишонгим келмайди. Бироқ амалиёт бутунлай бошқа нарсани кўрсатиб турибди. Наҳотки, маориф вазирлиги учун жисмоний тарбия, яъни куч-қувват, эпиллик билан эришиладиган нарса ақл ва бетакрор туйғулар орқали этиладиган руҳий заковатдан, ҳиссий баркамолликдан авло бўлса! Агар шундай бўлмаганда бу шармандали буйруқ чиқарилмаган, ёшларнинг диди, тафаккури, дунёни англаш, фикр юритиш қобилиятига зарба берилмаган бўларди.

Мен жисмоний тарбияга қарши эмасман. Бу соҳа жумҳуриятимизда қониқарсиз аҳволда эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Мен фақатгина балоғатга етган қизларимиз қадди-қоматини рўй-рост намоиш этадиган шарманда кийимларда, оппоқ сонларни дириллатиб кўчаларда чопиб юришига, кучаниб арқонга осилишига, бўйи баробар балангликка сакрашига, турли хил оғир жисмларни иргитишига қаршиман. Шарқона, азалдан хотин-қизларга нафосат ва назокат рамзи деб қаралган аёллардаги гўзаллик, шарм-ҳаё бениҳозга юксак қадрланган.

Ўз урф-одат ва аъаналаримиздан воз кечиб, Оврўпога кўрқўна тақлид қилиш натижасида айрим ўқувчи қизларимиз ҳомиладор бўлиб қолишмоқда. Ҳатто марказий телевидениеда ленинградлик олтинчи синф ўқувчиси туғиб қўйганлигини, унинг боласини бутун синф биргаликда тарбиялашаётганини «ифтихор» билан гапиришди. Вазирлик алоҳида рағбат билан буйруқ чиқарган жисмоний тарбия оммалашгани, қизларимиз ярим яланғоч либосларда иргитлаб юришгани сайин бундай шармсорлик баттар авж олиши аниқ.

Наҳотки Урта Осиё халқлари ўзларининг азалий ўқитиш услубларини жорий этиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлса! Нега бутун мамлакатда фақат бир хилда кийиниш ва бир хилда ўқитиш жорий этилган! Нега ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятлари — муомала, кийиниш, жинсларро муносабатлар, фикрлаш маданияти инobatга олинмайди! Мен мактабларда ҳар бир халқнинг фақат ўзига хос услубда кийиниш жорий этилиши тарафдорман. Жисмоний тарбия ўрнига қизларимизга кўпроқ пазандалик, орасталик, тикувчилик, муомала ма-

данияти, шахсий гигиена ўқитилишини истардим. Бизга мушаклари иргиб чиққан эркакшода қизлар эмас, чинакам гўзаллик фаришталари керак.

Муҳтарам вазир! Мактабларимиздаги ўқитиш савияси Сизни қаноатлантирадими! Бизнинг ўқувчиларимиз ҳозирги гуллаб-яшнаган Оврўпо илм-фан асосларини Шарқдан ўрганганини, Шарқ мутафаккирлари эса ўз навбатида қадимки юнон ва ҳинд олимларидан сабоқ олишганини ҳамда бошқа қиъталар учун кўприк вазифасини ўташганини билишмайди. Тиббиёт фани қадимги Юнонистон ва Хитойдан кейин Шарқда бениҳоз таракқий этганини, бугунги жаҳон тиббиёти Шарқ табобатига асосланишини эшитишмаган. Фалакнёт (астрономия), математика, геодезия, тупроқшунослик, меъморчилик, фалсафа, мантиқ Шарқда мисли кўрилмаган даражада юксалганидан мутлақо беҳабар. Мактабларимизда барча аниқ фанлар ва ижтимоий илмлар фақат Оврўпода камол топган деб ҳисобловчи, Шарқ маданиятидан бутунлай беҳабар кимсалар томонидан ёзилган дарсликлар ўқитилади. Ҳалигача бу фанлар бўйича ўз тилимизда дарсликлар яратилмаганини ўзиёқ Сиз бошчилик қилаётган вазирликдаги масъул ўртоқларнинг маданиятимизга муносабати қандайлигини кўрсатиб турибди. Бизнинг ўқувчиларимиз бугунги алгарифм фанининг отаси ал-Хоразмий эканини, тиббиётда жарроҳликни Ибн Сино бошлаб берганини, Беруний геодезия, жуғрофия, фалсафа соҳасида янгилликлар яратганини, олий математиканинг бобокалони Қозизода Румий эканини, куб илдизлар тенгласини Умар Хайём яратганини, Улуғбек билан Али Қушчи фалакнёт илмида мисли кўрилмаган ютуқларга эришганини, Шарқ файласуфлари бутун дунё олимлари билан ҳамкорлик қилишганини билишмайди. Бу ўз халқини атайлаб омилликда саклаш эмасми! Бизнинг болаларимиз ҳалигача «Девону лугатит турк»да нима-лар ёзилгани ҳақида тузукроқ маълумотга эга эмас, Навонини ўқиб тушуниш у ёқда турсин, лоақал бу улғу зот қандай асарлар ёзганини, инсоният тарихидаги хизматлари нималардан иборатлигини билишмайди. Ваҳоланки, ҳар бир халқнинг фахр-ланишга арзийдиган алломалари, шоиру ёзувчилари, давлат арбоблари бўлади. Гуржилар Шота Руставелини илоҳийлаштириб улғулашади. «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»ни ўқимаган гуржини топиш маҳол. Бизнинг мактабларимизда бирон марта бедилхонлик, навоийхонлик, бобурхонлик, машрабхонлик ўтказилганми! Ахир, Шарқда азал-азалдан шундай аъаналар бўлган-ку. Нега тарихимиздаги бундай хайрли ишлар бугунги кунимизга татбиқ этилмапти! Нега бизнинг мактабларимизда фольклор байрами, Алпомиш, Гўрўғли кунлари ўтказилмайди! Нега «Ким бўлсам экан!» деган мавзу берилганда ўқувчиларимиз шарқона одобу ҳаё, покиза муҳаббат садоқат рамзи бўлмиш Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Отабеғу Кумушга ўхшашини орзу қилиб эмас, ўз отасини оттирган Павлик Морозов ёки қариндош-уруғини синфий душман сифатида сургун қилдирган, қаматтирган қайсибир ғайритабиий «қаҳрамон»га ҳаваси келиб ёзшади! Нега бизнинг болаларимиз Алпомишдек, Гўрўғлидек, Намоз ботирдек, генерал Жўрабекдек бўлишни исташмайди! Нега чор Россиясининг Туркистон ўлкасига босқинида кўпроқ прогрессив аҳамият кўрганмииз ҳолда арабларнинг юришини бирёқламаллик билан қоралаймиз! Нега бир ярим минг йил илгарий ёзувимизни ўзгартирган арабни сўкамиз-у, эллик йил муқаддам бир ярим асрлик илмомисини йўққа чиқарган давр сиёсати ҳақида лом-ним демаймиз! Бу нима, муҳтарам вазир, сиёсий омилликми ёки ақлий ноқислик! Еинки шўролар Иттифоқида В. И. Ленин тиш-тирноғи билан курашган великорус шовинизми ҳамон ҳукм сурмоқдами! Шўро Конституцияси бир халқ иккинчи халқ устидан ҳокимлик қилишига изи бермайди-ку. Нега шу нарсани кўра-била туриб ҳамон дарсликларимизда ижтимоий адолат акс этмапти!

Буниси ҳам етмагандек турғунлик давридаги яна бир хатонин сал бошқача алфозда тақдорлангани кишини ҳайратга солади. Муҳтарам вазир яна буйруққа мувофиқ учта фандан қониқарсиз баҳо олган ўқувчи педагогика кенгашининг қарори билан бемалол синфдан синфга ўтказилиши мумкин. Бу буйруқ билан турғунлик давридаги «совет болалари қониқарсиз баҳо олиши мумкин эмас», деган шiorнинг нима фарқи бор! Бу буйруқ болаларни фикрий танбалликка, муаллимларни масъулиятсизликка чорламайди! Учта фандан қониқарсиз баҳо олган ўқувчи бошқа фанларни тўлиқ ўзлаштириши амримаҳол. Бундай ақли ноқис, руҳий танбал, янги буйруқ туфайли бутунлай сурбет бўлиб олган бола улғайгач жамиятимизга

қандай наф келтириши мумкин! У қайси соҳада ишламасин, ён-веридагиларга фақат ташиш орттиради. Ҳукуматнинг барча қонун ва қарорларига нописандлик билан қарайдиган бўлади, на илмининг қадрига етади, на китоб ўқийди, на санъат сирларидан воқиф бўлади. Ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан жамиятимизга кулфат келтирадиган буйруқлар имзоланаётган пайтда наҳотки масаланинг шу жиҳатларини ўйлаб кўролмасак!

Муҳтарам вазир, жисмоний тарбияни ривожлантириш ҳақида қайғурилгани яхши албатта, бироқ жумҳуриятимиз мактабларининг биронтаси чўмилиш ҳовузига эга эмаслигини билармикинсиз! (Мабодо истисно тарзда биронтасида бўлса, мени маъзур тутгайсиз). Болаларимизнинг ярмидан кўпи сузишни билмайди. Ваҳоланки, Олманиёдек мамлакатда ўз ҳовузига эга бўлмаган биронта мактаб йўқ экан. Умуман, Оврупода болаларга барча қулайликларга эга бўлмаган илм маскани қурилмас экан. Нега бизда болаларга муносабат бошқача! Нега бизнинг болаларимиз ҳамма жиҳатдан камситилган, мактабларимиз замон эҳтиёжининг бирламчи талабларига ҳам жавоб бермайди!

Муҳтарам вазир! Агар сиз бошчилик қилаётган муассасадаги масъул ўртоқлар маъқул кўришса, мен айрим таклиф ва истакларимни ўртага ташлаб, ҳамкорликка даъват этмоқчиман. Мактабларимиз, олий ва ўрта махсус билим юрталаримизда тил, адабиёт ва тарихни ўқитиш қониқарсиз аҳволдалигини эътиборга олиб бундай илм даргоҳларида махсус дарслар ўтиш учун шоирларни, ёзувчиларни жалб этиш лозим деб ҳисоблайман. Ёзувчи ўз халқининг виждони, деган гап бор. [У ўз халқининг виждони бўлишга муносиб бўлсагина албатта]. Бас, шундай экан, ёшларни виждонли, эътиқодли, инсонпарвар қилиб тарбиялашда, дунёқарашини шакллантиришда қалам аҳли билан бўладиган бевосита мулоқот яхши самара беришига эминман. Бир пайтлари Тошкент Давлат дорилфунунида шундай иш олиб борилгани ва яхши самара бергани Р. Раҳмоновнинг ёзувчи Ҳабиб Нўмон ҳақида хотирасида таъкидлангани фикримнинг исботидир. Бундай дарсларни юқори синфларда ҳам ўтказиш зарур. Мактаб ўқувчилари орасида ўз тарихига, адабиётига, тилига ва унинг раънақиға қизиқадиганлар камайиб кетяпти. Бу ҳол миллий ифтихор ҳиссининг сусайишига олиб келади. Миллий ифтихори замф одам инсонпарварлик туйғусидан маҳрум бўлади, инсонпарварликдан йироқ одам на ўз халқини, на ўзга халқларни севади, бундай кимса ватанпарварлик туйғусидан бебаҳра бўлади. Ваҳоланки, Шарқда ўз ватанининг дахлсизлиги учун бир кеча посбонлик қилиш бир умр ибодат қилиш билан баробар, деган ҳикмат бор. Бас, ватанпарварлик ибодат қилиш билан тенг экан, мактабларимизда диний таълим ҳам йўлга қўйилмайдиган пайт келди. Бордию бу нарсга журъатимиз етмаса, поақал мактабларда ҳар ойда бир марта диний арбоблар

билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказиб туриш лозим. Биз етмиш йилдан бери барча тарғибот ва ташвиқот воситалари билан қоралаб келган диннинг асл моҳияти эндиликда маълум бўлиб қолди ва одамларда илмдан йироқ, бир ёқлама гапларимизга қизиқиш сўниб боряпти. Қуръони карим ўзбек тилида чоп этилди, пайғамбарнинг ҳадислари таржима қилинди, ислом динининг моҳиятидан халқ хабардор бўлди ва шу пайтгача олиб борилган тарғибот, ташвиқот ишларимиз саводсизлиқнинг, кўр-кўрона ижрочлиқнинг оқибати экани фош бўлди. Мамлакатимизда шу пайтгача ҳамма нарсани сир тутиш, хаспўшлаш, ёлғон маълумот бериш, билмаган ва ақли етмаган нарсаларини нодонлик билан рад этиш сиёсати юритилган эди. Бу қандай фожией оқибатларга олиб келгани ҳаммага аён. Эътиқодсизлик тўғрисида ёшлар ўртасидаги жиноят, насабандлик, фақш тобора авж олиб бормоқда. Одамларни имонга, иссофга келтириш учун Москва телевидениесига диндорларнинг мунтазам чиқишлари ташкил этилган. Биз орзу қилган ҳар томонлама баркамол инсонни вояга етказиш учун тарбиянинг ҳамма воситаларидан, жумладан, диний тарбиядан ҳам самарали фойдаланмоқ лозим. Мен сизнинг ақлу заковатингизга ишонганим учун мурожаат қиялман.

Муҳтарам вазир, худди шундай тажрибани расомлар, бас-такорлар ўртасида ҳам қўллаш мумкин. Ижодкорлар ўтган оқибат дарслар дарслик ва қўлланмалар билан чекланиб қолган ўқитувчиларникидан самаралироқ бўлиши шубҳасиз.

Энди тарихни ўрганиш миллий маҳдудлик, ўз урф-одатларидан фахрлиниш миллиятчилик саналмай қўйди. Афсуски, ижтимоий воқеликда юз берган бу ўзгариш ҳанузгача бизнинг онгимизга, фикрлаш тарзимизга таъсир қилгани йўқ. Акс ҳолда, мана шу маънавий ҳалокатни бартараф этиш учун уринган бўлар эдик.

Ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан мактабларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш масалаларига бағишланган йиғилишга халқ таълими Вазирлигидан бирон кимса қатнашгани йўқ. Бу ёзувчиларга ошқора беҳурматликми ёки адабиётимизга нисбатан нописандликми! Мен бу қимматли ташаббусни вазирилик нега қўллаб-қувватламаганига ҳануз тушуниб етолмайман. Уша йиғилишда адабиёт дарслиқларининг савияси пастиги аниқ мисоллар орқали кўрсатиб ўтилди. Бироқ ҳаммани ташвишлантираётган бу аҳвол сизларни безовта қилмагани кишини ғоят ажаблантиради.

Мен Сизга ҳаммани бирдек ташвишлантираётган масалаларни кўзгаб мурожаат қиялман. Келинг, бу долзарб муаммолар ҳақида биргалашиб ўйлайлик, уларни тўғри ҳал этиш чоралари ҳақида кўплашиб бош қотирайлик. Оқибати ўйланмаган буйруқларга шошмашошарлик билан имзо чекавермайлик. Зеро, болалар тарбияси, уларнинг келажағига фақатгина Сиз эмас, ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

МУҲТАРАМ МУШТАРИЙЛАР!

Тириклик ва яшариш байрами Наврўзни қутлаган карнай-сурнай, ноғоралар бонгининг акс-садолари тинмасданоқ жонажон юртимизга кўклам келинчаги — Май кириб келаятир. Бу олағовур замонда меҳнаткашлар бирдамлигини, шонли Ғалаба сурурини, қолаверса, матбуот ходимлари, радиожурналистларнинг қувончу ташвишларини улуғловчи кунларга етишмоқнинг ўзи катта бахт. Биз ишчи-деҳқонларни, ветеран отахону онахонларни, барча ҳамкасбларни — ҳамма-ҳаммани Май шодиёналари билан қизғин муборакбод этамиз!

Ғайрат Раҳматуллаев



ИНТИҲО

Қисса



Исроил гўрков соат капгиридек тебраниб дарвозахонага яқинлашганда қуёш найза бўйи кўтарилган эди. Қўлидаги юзига сарғиш тупроқ ёпишган дастаси калта белни Файзулла қоровулга узатар экан, атайин таъкидлади:

— Дастасигача яхшилаб юв!

У билан изма-из келаётган қоровулнинг пешонасидаги ажинлар қуюқлашди.

— Оббо, қачон ювмадим, қачон?!— Оғзидан тупук сачратиб жириллаганча гўрковнинг қўлидаги белга қўл чўзди. Елкасидан сирғаниб тушаёзган кетмонни бир силкиниб тўғрилади-да, кесатди:— Ҳадеб, дастасигача юв, қум билан ишқала. Нима, ман ёш боламидим? Узим биламан!

Гўрков унинг жиғига тегиб роҳатлангандек кулимсиради. Ичида эса: «Буям бало, бир гапириб, икки қочиш керак», деб бир зум жойида туриб қолди. У дарвозахонага туташ ҳовлисига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай, иккиланарди. Ранги қор-ёмғир таъсирида ўнгиб кетган эшикни кўргани ҳамон лоп этиб ёдига ўғли тушган эди. Сахарлаб унинг ётоғига кириб, умрида биринчи марта Толиб билан бундай гаплашгани учун ўзидан хафа бўлиб кетди. Аслида-ку, бугун бўлмаса, эртага у ҳам албатта эшитарди, аммо ёш боладек ўғлининг олдига югуриб кириб, Илёс дўкончининг вафоти ҳақидаги хабарни етказгани унинг олдидан чиққанидан кейин наша қилди. Дўкончига гўр қазийетиб ҳам шу ҳақда ўйлади, ўзидан ўпкалаб, афсус-надомат қилган бўлди. Ҳозир эса эшикка тикилиб туриб, ўғли билан юзма-юз келишни истамади, унинг синиқ нигоҳига боқишга ўзида куч топа олмаслигини сезиб, дарвозахонага бурилди. «Айтмасам бўларкан,— деди уф тортиб.— Узининг дарди ўзига етарли эди!»

Исроил гўрков эски кўрпача ташланган чорпоёга чўкаркан, бир кўнгли гулзор четидаги кранда оғзини чайиб келмоқчи бўлди, аммо Файзулла қоровулнинг бир сиқим ўт олиб ҳафсала билан кетмонни ишқайтганини кўриб, фикридан қайтди. Кўзларини юмганча ором олди... Кўзи илинган эканми, ё хаёл олиб қочганми, бир вақт Файзулла қоровулнинг томдан тараша тушгандек гапидан чўчиб тушди.

— Ашу магазинчи бор-ку, ашу!— У қўлидаги ялтира-тиб тозаланган кетмон билан белни деворга суярган, пешонасини кафти билан сидирди.— Ман сизга айтсам, одаммас!

— Ия, ҳа, дўкончи арпангни хом ўрганми?— Гўрков фикрини жамларкан, астойдил таажжубланди.— Улган одамни ҳам ёмонлайдими, аҳмоқ!

— Барибир одаммас,— деди қоровул яна.— Наки, қизимни узатаётганимда ашу магазинчизга куёвга биттагина туфли топиб беринг десам, гаплашгиси келмай тескари қараб кетган, ҳи!

— Сўраган одамингни-ю.— Гўрков гап нимадалигини англаб, кулимсиради.— Отанг бозор, онанг бозор. Лип этиб бозорга тушмайсанми, каллаварам!

— Бозор, бозор, дейсиз, ашу туфли бозорда фалон пул, ҳи!— Файзулла қоровул куйиниб гапирар, аччиқланганидан қошлари баланд-паст бўлиб кетарди.— Қиз узатиш, ўзиз билмийсиз-а, билмийсиз! Сизга нима, сиз-зи босиб қўйганиз бор, ҳи!

У билан гап талашиб обрў топмаслигини яхши билган гўрков чўрт кесди:

— Тур, тур ичкарига кириб чой дамлаб чиқ! Кейинги пайтда тилингни бермай қўйдинг, қорнинг тўйиб қолди-да, а?!

— Ман-у, чой обчиқаман. Барибир мани гапим тўғри! Гўрков шимини қўли билан қоқиб, чангитиб кетаётган қоровулнинг жиғига тегди:

— Ҳали аламимни оламан деб, гўрини ҳам тор қилиб қўйгандирсан? Шошмай тур, қариндошлари додлаб келса, сани кўрсатиб, бир додингни бердирай.

Файзулла қоровул бепарво қўл силтади.

— Манда фирром йўқ, манга барибир!

«Бу ҳам ўзига етгунча!», деб ўйлади гўрков тирсагига ёнбошлар экан, киприклари юмилиб. Уни уйқусизлик, чарчоқ бир бўлиб енга бошлади. Туни билан фингшиб чиққан кенжатоий, сахарлаб Илёс дўкончининг вафоти ҳақида хабар олиб келганлар унинг уйқусини батамом олиб кетишган эди. Бошқа кўзи илинмади, бомдодни ўқиди, қўйларга ем солди, Толибнинг олдига кириб ўтирди...

— Ҳорма, Исроил, ҳорма!

Чўчиб кўз очган гўрков қаршисида Акбар полвоннинг йўғон гавдасини кўриб, фикрини жамлади. Қаддини ростлаб, увишиб қолган кафтини чўзиб кўришди.

— Ке, полвон, ке, смендан қайтдингми?!

Полвон кўрпача четини кафти билан сидириб, чангини қоққан бўлди.

— Ҳа, келсам, Кифоят: «Илёс дўкончи қазо қилибди», деса бўладими. Дамлаган чойига ҳам қарамай чиқиб келяпман.— У кўрпача четига қуш кўниш қилиб ўтирар экан:— Биздан анча ёш эди, шекилли?— деди.

— Ҳа, энди, насибаси битгандан кейин...

Гўрков гапининг давомини ютиб, шимининг чўнтагидан нос шиша чиқарди.

— Қани, менга ҳам ол-чи. Қумлоқлик чолнинг носиданми?— Полвон бакувват кафтини чўзди.

— Ушаники,— деди гўрков тили остига бир отим нос ташлаганча лабини чўччайтириб.— Ташлаган эдинг, шекилли?

Полвон кафтига нос ағдараётиб, кулимсиради:

— Камбағалда лабз борми!

Гўрков нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, ҳовли эшиги очилиб, қоровул кўринди. Қўлида пахта гулли чойнак, аммо пиёла кўринмади. Гўрков ҳеч нарса сезмагандек унинг яқинлашишини кутди. Файзулла чойнакни гўрковнинг олдига дўқ эткизиб қўйди. Полвонга салом бериб яна ерга ўтирмоқчи эди, Исроил гўрков пичинг қилди:

— Пиёланинг ўзи келарканми?

Унинг пичингидан Файзулла лов этиб ёнди:

— Ҳозир, ҳозир. Ювсинми ахир?!

У қайтиб ҳовлига кириб кетди—да, анча вақт ҳаяллаб фақат биттагина қизил гулли пиёла кўтариб чиқди.

— Хафа бўлмайсиз энди, полвон,— Исроил гўрков полвонга кўз қисиб қўйди.— Уйда бошқа пиёла йўқ, шу билан бир амаллаб кун кўриб келяпмиз!

Файзулла коса тагидаги нимкосага тушунди, гўрковга нимадир демоқчи бўлди, аммо ўзича ғўлдираб, изига қайтди.

— Ҳозир, ҳозир. Оббо!

У яна битта пиёлани ювиб, сувини силқитиб чиққанда полвон чой хўпларди. Файзулла қоровул пиёлани гўрковга тутқазиб ўт-ўлан ёриб чиқаётган дўппидек дўнгга ўтирди. Полвон ғўё гўрковга гапираётгандек сўз бошлади.

— Исроил, эшитганмисан, йўқми, бир бойнинг икки хизматкори бўлган экан. Бир куни бой эшиги олдида дам олиб ўтирса, узоқдан бир карвон кўринибди. Карвон қир йўлида кўнғироғини жаранглатиб келаётганмиш. Бой хизматкорларидан бирини чақирибди: «Бориб билиб кел-чи, қаердан келишаётган экан, қаерга йўл тутишибди?» Хизматкор оёғини қўлига олиб чопиб кетибди. Зум ўтмай халлослаганча қайтиб келибди. «Самарқанддан экан», дебди пешонасидаги терни артиб, топшириқни адо этганидан мамнун қиёфада. «Э, яхши.

Қаерга йўл тутишибди?» Хизматкор елка қисиб, яна ортига югуриб кетибди. Бир оздан сўнг тили осилганча қайтибди. «Ҳиндистонга кетишаётган экан». «Э, яхши. Туяларидаги қандай юк экан, бизга зарури ҳам бора-канми?» Хизматкор яна жавоб бера олмай, ортига қайтишга мажбур бўлибди. Бой унинг ортидан бош чайқаб қўйибди—ю, индамабди. Орадан бир ҳафта ўтгач, қир йўлида яна карвон кўринибди. Бой иккинчи хизматкорини чақириб, унга ҳам бориб билиб келишни буюрибди. Иккинчи хизматкор бироз ҳаяллаб қайтибди: «Бухородан Хиротга йўл олган карвон экан. Туяларига газмол, қоракўл, тақинчоқлар ортилган. Баҳосини келишсак, сотиб кетишимиз мумкин, дейишяпти. Агар қўтарса сотадиган молларинг бўлса, эрта тонггача карвонсаройда бўламиз, дейишди». Бой унинг жавобларидан жуда мамнун бўлибди ва шу кундан бошлаб биринчи хизматкорини бир тангали, иккинчисини ўн сўмлик, деб айтиб юрар экан.

Полвон қоровулга эйтибор бермай, чой хўплаб ўтирарди. Гўрков тили остидаги носни четга туфлаб, мириқиб кулди, чой хўплаб оғзини чайган бўлди ва Файзуллага имо қилди:

— Полвон, бу бир тангалими, ё ўн сўмликми?!

— Қани, ўзи,— дея полвон гўрковга кўз қисди,— ўзи холисанилло баҳо берсин!

Уларнинг сўзларини қулоғини динг қилиб, диққат билан эшитиб ўтирган Файзулла қоровул бепарво қўл силтади. Пешонасидаги тарам-тарам ажинлар янада куюқлашди.

— Ашу, сиззи гапиз-чи, гапиз эртак. Манга давлат олтита...—У бармоқларини букиб ниманидир ҳисоблади, сўнг полвонга кўзлари чақнаб тикилди:— Йўқ, еттита қизил ўнталиқ беради, билдиз.

Қоровулнинг ўз қадрини яхши билиши, керак бўлса ўзини ҳимоя қила олиши гўрковга қаттиқ таъсир қилди. Ётим бола унинг қўлида югурдаклик қилиб юриб катта бўлган, эсини танибдики, шу ерда қоровул штатида. «Думбул бўлгани билан ўз ишига пишиқ». У Файзуллага зимдан нигоҳ ташлаб қўйди.

— Дўкончини қачон чиқаришар экан, Исроил?!— Полвоннинг бехосдан ташлаган саволидан гўрков ҳушёр тортиди.

— Пешинда, дейишди.— Шундай дедию дўкончи ҳақида гапиришни истамаганидан ортиқ сўз қўшишни лозим топмади. Унинг бу мавзуда гапиришни истамаслиги полвоннинг сергаплигидан хавотирлигида эди. Агар унинг синчковлиги тутиб, бир гапга тушса борми, эшитган, билган нарсалари ҳақида ҳам қайта-қайта сўрайвериб безорижон қилиб юборди. Гўрков эса шу пайтгача бундан беш-олти йил аввал бўлиб ўтган гапларни ҳеч кимга юрак очиб гапирмаган. Хотини Илёс дўкончиникига совчиликка борганда уни мулоимлик билан: «Қизимиз ҳали ёш, ўқиши керак», деб қайтаришган, орадан ярим йил ўтмай бир танишларига узатишган эди. Гўрков эса орқаваротдан: «Кўрпасига қараб оёқ узатсин», деган таҳқиरोмуз таъна эшитганди. Ушанда полвон бир-икки: «Ҳа, нима гап, ўзим бориб гаплашиб келайми», дея сўз очганда, гўрков мийиғида жилмайиб: «Эшикма-эшик юриш хотинларга мансаб, сен аралашма!», деб қайириб ташлаган эди. Аммо дилини оғритган дард ўша-ўша қайтмади, ўғлининг ногирон бўлиб қолиши эса бу дардни баттар зўрайтирди. Йиллар йўқота олмаган алам эрта билан совуқ хабар келганда тарқагандек бўлди, лекин Исроил бунини илғаб ўзини койиди: «Бировнинг мусибатидан қувониш муслмоннинг иши эмас».

Полвон гапни қисқа қилганимдан бошқа хаёлга бормасин, дея мулоим овозда қўшиб қўйди:

— Пешинга дейишди, уйда мисан?

— Ҳа, ман кириб бироз мизғиб олай, албатта чиқаман.— Полвон уйқусизликдан қизарган кўзларини уқалаб, ўрнидан турди. Қаншарига тушган дўпписини орқага суриб, пешонасини қашиди.— Яхшими-ёмонми — кўшни маҳалла, тўй-маъракаларда бирга бўлганми. Савоб бўлади. Нима дединг, Исроил?

Гўрков: «Ҳақ гап», дегандек бош силкиди. Қаердан-дир қўлига тушиб қолган занглаган миҳ билан ер чизиб ўтирган Файзулла қоровул полвонга гап отди:

— Яна уйизга кири-иб, кеннойим билан гаплаши-иб қоб кетманг!

У «гаплашиб» сўзини чўзиб, шундай киноя билан айтдики, гўрков кулгидан ўзини тийолмади. Полвон эса қаҳ-қаҳ отиб юборди.

— Э, бемаъни, кундузи ҳам гаплаши-иб ўтирадимми? Файзулла гап билан полвонни болаганидан хурсанд, девор остига ташлаб қўйган супургисини олиб, мазор ичкарисига йўл олди. Унинг дастаси узун супургини у қўлидан бу қўлига олиб ўйнаб, мийғида хиргойи қилиб кетаётганини кузатиб ўтирган гўрков кулгидан ёшланган кўзини артиб, кўрпачага ёнбошлади. Бостирмадан кафтдагидек яққол кўриниб турган мазорга, кўм-кўк ўт-ўланларга тикилди. Йўлнинг икки четда темир панжаралар, мармар сағаналар, қабрлар тизилишган. Ариқ бўйидаги гулзордан эсган енгил шабада атиргул ҳидини олиб келгандек туюлди. Аммо гўрков ҳидга эътибор бермади, унинг хаёли паришон, миясида: «Шох-мисан, гадомисан — келар жойинг шу ер!», деган малтал чарх урарди.

* * *

Хўроз бир қичқирган вақт эди.

— Толиб, уйғоқмисан, ўғлим?..

Толиб ётган хонанинг эшиги аста очилиб, остонада отасининг басавлат гавдаси кўринди. Туни билан уйқусизликдан қийналиб чиққан Толибнинг юраги шув этиб кетди. «Тинчликмикан?!» Отасининг саволига жавоб қайтаришга ҳам сабри чидамай, бош томонидagi тунчи-роққа қўл чўзди. Хонага ҳовлидан ғира-шира ёруғлик оқиб кирарди, отаси Толибнинг мақсадини пайқаб, шивирлади:

— Керакмас, ёқма! Ман бир нафасга.

Толиб итоат этиб қўлини тортиди. Юмуш билан ҳатто кундузи бу хонага кирмайдиган отасининг бемаврид ташрифиди уни шошириб қўйган эди. Ярим соатча илгари кўча эшик тақиллаб, олапар бўғиқ вовуллагани, отаси қисқа-қисқа йўталиб ҳовли чироғини ёққанини у сезган эди. Йилнинг исталган ойи, куннинг исталган соати кўча эшикнинг тақиллаши Толиб учун одатий бир ҳол. Зеро, бу остонага бош уриб келиш одамларнинг истак-ихтиёридан ташқарида, ҳаётнинг бешафқат қонуни туфайли туғилишини ҳам у жуда яхши биларди. Шунинг учун кейинги вақт биров эшикни тақиллатиб келса, беихтиёр: «Яна кимнинг бошига мусибат тушди экан?», деган фикр кўнглини хижил қилиб ўтади. Аммо, у ҳозир бу ҳақда ўйламас, уни отасининг бемаврид ташрифиди шошириб қўйганди. Бехосдан кўнглида туғилган бетоқатлик, «Нима бўлдийкин?», деган савол отаси дераза олдидаги эски стулни олиб каравоти ёнига сургунча тилига кўчди:

— Укам тузукми, ада?— Толибнинг ёдига лоп этиб қўлидаги чақалоғи билан куни кеча касалхонадан чиққан ўғай онаси тушди.

— Яхши, тузук!— Отаси истамайроқ жавоб қайтарди, хонанинг иккинчи бурчагида пишиллаб ухлаб ётган

Холмат томон қараб қўйди:— Ярим кечаси келдимми?

Толиб укасини уйғотиб юбормаслик учун шивирлаб жавоб қайтарди:

— Телевизор тугаган эди. Тинчликми?

Отаси деразадан тушаётган нурга тескари ўтиргани учун юз ифодаси кўринмас, овозидан ҳам ҳеч нарсани англаб бўлмасди. Аммо Толиб ички бир сезги билан унинг Холматни қачон келганини сўраш учун кирмаганини, муҳим бир гап борлигини сезиб ётарди. Орага сукунат чўкди.

— Кеча врачинг билан гаплашган эдим,— дея ниҳоят отаси сукунатни бузди, лекин унинг гап оҳангида бу мавзуга иштиёқ сезилмади.

«Мендан ниманидир яширяптилар!»— Толиб кўнглига келган фикрга ёпишиб олиб, нима бўлиши мумкин, деган саволга ўзича жавоб излай бошлади. Уни хаёлдан отасининг ўзи қутқарди:

— Белига йиғилган туз аста-секин тарқайди, фақат муолажаю вақт керак, деяпти. Бироз вақт ўтсин, яна санаторийга йўлланма туғрилаб берадиган бўлди, қайта даволаниб келасан. Дориларинг етарлими?

Фикрини жамлаб олган Толибнинг кўзлари чақнади, негаки санаторийдан келганидан бери ўзида анча ўзгариш сезган, агар яна бир марта бориб келса, бутунлай тузалиб кетиши аниқ эди.

— Ҳа, ҳозирча бор. Холмат олиб келяпти.

Отаси гапини эшитди, йўқми — англаб бўлмади. У бошини тик тутганча, Толибнинг боши оша деворга тикилиб, ўтирган жойида ухлаб қолганга ўхшарди. Хонада яна сукунат. Зум ўтмай чирилдоқлар овози ҳукмрон бўлди. Уларнинг товушига Холматнинг пишиллаб ухлаши кўшилди. Толиб кўнглида бехосдан пайдо бўлган бетоқатлик тарқаб, қум тушгандек ачиша бошланган кўзлари ором истаётганлигини ҳис қилди. Отаси яна бироз жим ўтирса ухлаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Унинг томоқ қириши Толибни сергак тортирди, юмилай-юмилай деб турган кўзлари очилиб кетди.

— Сан ухлайвер, мен чиқиб сахарни ўқий.— Отаси гурзидек муштини тиззасига тираб, ўрнидан турди.— Холмат ишдан кеч қолмасин-а, уйғотарсан.

Толиб ҳеч нарсга тушунмади: ухлайверсинми ёки Холматни уйғотиш учун бедор ётсинми? Отасининг хатти-ҳаракати, пойма-пой гапининг тагида қандайдир сир яширинга ўхшаб туюлди. Эшикни очаётган отаси унинг кўнглидаги фикрни уққандек, ортига ўгирилиб:

— Қўшни маҳалладаги Илёс дўкончи қазо қилибди, пешинга чиқаришар экан,— деди. Сўнг чуқур «уф» тортиб қўшимча қилди:— Бу дунёга ҳеч ким устун бўлмайди!

* * *

Толиб зирқираб оғриётган белига кафтини тираб, оҳиста каравотдан турди. Оғриқ пасайишини кутиб бир оз оёқларини осилтириб ўтирди.

— Ака, соат неча бўлди?— Холматнинг уйқусираган овози унинг хаёлини бўлди.

— Энди уйғотмоқчийдим, тура қол, ишга кеч қоласан!

Толиб ўрнидан туриб, икки букчайганча бир-бир босиб ҳовлига чиқди. Баҳор эпкинни унинг сочини тўзғитиб ўйнади. Тонг ҳавосидан кўксини тўлдириб симирди. Тоза ҳаводан руҳи енгиллашиб, фикри тиниқлашди.

Ховли этагидаги молхонадан сигирнинг шитир-шитир пичан чайнаши қулоққа чалинди. Бир ҳафта олдин кўзиланган қўй аҳён-аҳёнда чўзиб маърайди. Унга жавобан катагидан тумшугини чиқариб ётган Олапарнинг ёнгиши эшитилади.

Толиб ҳовли юзини эринмай кузатаркан, хира чироқ ёруғидаги дераза пардасида ўгай онасининг соясига кўзи тушди. Бешик тебратиб ўтирибди. Тўрдаги уйнинг дераза пардасига тушаётган соя соат капгиридек оҳиста тебранади. Туни билан ухламай чиққан кўринади. Толиб илк бор унга нисбатан ачиниш, раҳм-шафқат ҳиссини туйди. Ўз онаси қазо қилиб, шу аёл бу уйга келибдики, унга ҳеч вақт меҳр кўзи билан қарамаган эди. Аммо ҳозир... «Қийналиб кетди, қақалоқ туғилганидан бери боши касалдан чиқмайди-я».

Толиб юз-қўлини юваркан, унга астойдил ачинди. Шу вақт жигарранг ёпинғичининг ёқасини тўғрилаб, ётоқхонадан Холмат чиқди.

— Бугун кечроқ келаман.— Холмат олма шохидаги сочиқни олиб акасига узатди.— Рецетингизни олдим, бошқа нарса керакмасми?

Толиб «йўқ» дегандек бош чайқади. Холматнинг товушига Олапар катагидан югуриб чиқиб, оёғига суйкалди.

Толиб хонасига кираётганда кўча эшик занжирининг шарақлаши эшик тавақасининг ғижирлашига қўшилиб кетди. Бу овоздан Толиб бир сесканиб тушди. Ёдига ҳар тонг кўча эшик занжирини шарақлатиб тушириб, мактабга ошиқишлари келди. Ҳайрон бўлди: «Нима бўляпти менга? Эшикнинг очилиши ҳам хотирани кавлаштира...» Уни хаёл мактаби сари, дунё кўзига бутун гўзаллиги билан намоён бўлган бетакрор кунлар сари етаклади...

* * *

Мактабни битириш арафасида Толиб қизиқ одат чиқарди. Ҳаммадан олдин келиб синфга киради-да, дераза олдига туриб ташқарига кўз тикканча хаёлга берилади. Бундай пайтларда у Назира билан ё афсонавий гўзал боғда қўл ушлашиб юрган, ёки гулларга бурканган анҳор ёқасида сувнинг шилдираб оқишига маҳлиё бўлиб, сўзсиз роз айтишиб ўтирган бўлади. Мактабни тугатишлари билан ўзи бир томонга, Назира бошқа томонга парвоз этиб, ширин хаёлларию неча йиллик орзу-умудлари саробга айланишини сезгандек кўнгли бўм-бўш бўлиб қолади.

Шундай ҳардамхаёл юрган кунларининг бири у одатча ҳаммадан эрта мактабга келиб, синфга кирдию... кўзларига ишонмади. Олдинги қатордаги партада қизил кофтасини елкасига ташлаб Назира ўтирар, шоша-пиша дафтарига нималарнидир кўчирарди. Тим қора, битта қилиб ўрилган қалин сочлари кўксига. У ўз ишига шунчалик берилиб кетган эканки, Толибнинг кириб келганини ҳам сезмади. Толибнинг юраги кўксини ёриб чиққудек гурсиллаб ура кетди. Қўлидаги портфелини партасига қўйишни ҳам унутиб, Назирага яқинлашди.

— Назира!— Толиб ҳаяжонини яшира олмай, тез-тез нафас олар, кўзлари чакнаб турарди.

Ялт этиб ўгирилган Назиранинг чеҳраси бир оқарин-қиради, сўнг аста-секин қизиллик югурди.

— Санмисан? Одамни кўрқитиб юбординг-ку.

Толиб гапни нимадан бошлашни, ўзини қандай тутишни билмай, беихтиёр унинг елкаси оша ёзаётганларига кўз ташлади. Алгебрадан уйга берилган топшириқ.

— Кеча Карима билан дарс тайёрладик, ечимига нотўғри чиқаверди, шунга вақтлироқ келиб... Сан ишландингми?

Толиб ҳаяжон ичида жавоб қайтаришга ҳам сабри чидамай, портфелидан дафтариини чиқариб, унинг олдига қўйди.

— Жавоби тўғри, текшириб ўтирмасанг ҳам бўлади.

Назира тез дафтарини очди-да, ортиқ унга эътибор ҳам бермай, гўё унинг борлигини унутгандек кўчиришга тушди. Толиб нима қилишини билмай бир оз довдираб турди, сўнг сеvimли жойи — дераза олдига бориб, боққа тикилди. Кечагина шохларни бурқаб ётган гуллар ерда гиламдек ёйилган. Қинидан чиққан довуччалар оғзининг сувини келтирди. Толиб бир ютиниб Назирага зимдан нигоҳ ташлади. «Бундай имконият бошқа бўлмайди,— деди ичида ҳаяжон билан.— Ҳозир шартта яқинлашиб, бармоқларини кафтимга оламан-у, «Ман сани севаман,— дейман.— Ман билан бир умр бирга бўлишга розимисан?» Толиб Назира томон ўгирилдию бир қадам ташлади. Аммо олдида ўтиб бўлмас тўсиқ пайдо бўлгандек, иккинчи қадамни ташлашга юраги дов бермай, жойида қотди. «Хафа бўлса-чи? Мен сендан бундай гап кутмагандим, деса-чи? Ёки... Кўрқоқсан, кўрқоқ! Икки оғиз сўз айта олмай туришингни қара! Қизлардан баттар кўрқоқсан!» Назира мук тушиб олганча мисол кўчирар, елкасидаги кофтаси сирғалиб тушиб, кўйлагининг очик еридан сутдек бўйни, қулоғининг пастроғида эса мошдек холи кўзга ташланиб, гўё енгиб бўлмас куч билан ўзига чорларди. Толиб юрак ютиб унга яқинлашди-ю, бир зум ўзини бошқара олмай қолди. Нима қилаётганини ҳам ўйлаб ўтирмай, нафасини ичига ютганча Назиранинг холига лаб босди.

— Жинни бўп қопсан!— Назира ўрнидан сапчиб туриб, лаблари титраганча ўзини четга олди. Ҳамон титраётган лабларидан ғазабга тўла сўзлар отилиб чиқди.

— Шунга бердингми дафтариингни?!

— Ман, ман... Назира... ман...— Толиб дудуқланиб қолди.

Назира партага сирғалиб тушган кофтасини титроқ қўллари билан оларкан, қошлари чимирилди, киприклар пирпиради.

— Битта-яримта келиб қолса нима бўларди?!— деди секин ўпкалаган оҳангда.

Унинг кўзларини ерга қадаб зўрға айтган шу бир оғиз сўзи Толиб учун оламжаҳон маънога эга бўлди. Шу сўзлар замирида унинг барча саволларига жавоб ҳам, Назиранинг унга кўнгли борлигига ишора ҳам бор эди. Толиб ўзини йўқотар даражада бахт оғушида энтикиб турганида йўлакдан эшитилган қадам товушлари иккинсини ҳам сергак торттирди. Толиб уч ҳатлашда дераза олдида пайдо бўлди-ю, ташқарига тикилди. Назира эса жойига ўтириб, шоша-пиша ёзишга тутинди. Шу он эшик шарақлаб очилиб, Каримнинг хаста, дўриллаган овози эшитилди:

— Салом ҳаммага! Мисолни ишлаганлар қўл кўтарсин!

* * *

Пешинга яқин Толиб хонасида ўтира олмади. Бели сим-сим оғриб турганига қарамай, кўчага йўл олди. Дарвозадан чиқдию бостирма тагида Салим ота билан гурунглашиб ўтирган отасига кўзи тушди. Уларга салом бериб, бир кўнгли суҳбатларини тингламоқчи бўлди, лекин истиҳола қилиб мозор ичкарисига йўл олди.

Кўёш терак бўйи кўтарилиб, табиат баҳор латофатини кўз-кўз қилганча кўзни қувонтирарди. Йўл чеккасидаги олмазорда қушлар вижири, асаларилар ғўнғир-ғўнғири, тиллакўнғизлар виз-визи.

Толиб оҳиста, ўзи билан ўзи гаплашганча одимларди. Ен-атрофни кузатиб бораётганга ўхшаса ҳам, хаёлида Назира. Кейинги пайтлар: «Бўлар иш бўлди, энди афсус чекишнинг фойдаси йўқ», дея тақдирга тан бера бошлаган эди. Тонг саҳарлаб отаси айтган хабар дилининг тубига кўмиғлик Назира билан боғлиқ аччиқ-ширин хотираларни кучли довулдек юзага итқитиб ташлади. Қулоғи остидан отасининг: «Иллс дўкончи қазо қилибди», деган гапи кетмас, назарида, отасининг мунг аралаш гап оҳангида пинҳона севинч ҳам яшириндек туюларди.



— Ашу, ман санга айтсам, ҳалиги бор-ку!

Толиб ногаҳон қулоғига чалинган бўғиқ овоздан чўчиб тушди. Ялт этиб овоз келган томонга ўгирилди. Йўл четидаги ўрик дарахти остига ўрнатилган ёғоч ўриндиқда Файзулла қоровул ўтирарди. Яғири чиқиб кетган эски костюмини икки буклаб тагига қўйиб олган. Оёқлари остида дастаси узун супурги. «Думбул бўлгани билан ўз қадрини ҳам, жонининг ҳузурини ҳам яхши билади». Толибнинг хаёлига келган биринчи фикр шу бўлди.

— Э, ҳа, сизмидингиз,— деди Толиб уни кўрмай қолганини яшириб ўтирмай.— Жа-а, сиззи ишингиз маза-де, қачон қарама — дам. Биров мушугингизни пишт демайди.

— Сан нима, хўжайинми?— Қоровул лов этиб ёниб

айтмоқчи бўлган гапи ўрнига пўнғиллаб берди.— Аданг хўжайин, санмас, билдинг!— Шундай деди-ю, дақиқа ўтмай, лов этиб ёнган олов устидан бир пақир сув сепаиб юборилгандек, ўчди-қолди.

— Э, менга қара, ўлган санга қизини бермаган-а?

Унинг болаларга хос жиззақилиги, шу билан бирга соддалигини яхши билган Толиб қоровулнинг гапидан хафа бўлиб ўтирмади.

— Топдиз, топдиз,— дея кўнглига келган фикрдан кулиб юборай деди, аммо сездирмай тегажаклик қилди:— Манга қаранг, жойини тузукроқ ердан қазингизми, ёки қизини Толибга бермаган, деб...

— Ашу, ман санга айтсам, манга барибир,— деди у чўзиб, бепарво қўл силтар экан,— манга ҳамма бир, ишонмасанг, юр, ҳозир кўрасан, ҳу шийпон бор-ку, шуни орқасида.

Толиб қоровулнинг астойдил ўрнидан тураётганини кўриб, тўхтатди.

— Керакмас, ўзим биламан, сиз овора бўлманг!

Шийпон томон кетган йўлга бурилар экан, савол ташлади:

— Пешин намозига чиқаришар эканми, асргами?!

Файзулла қоровул оёғи остидаги супургига эгилаётиб, бепарво пўнғиллади:

— Пешин. Пешинга!

* * *

Файзулла қоровул айтган қандак ўрик ҳам, унинг ёнидаги шийпон ҳам мазор этагида эди. Толиб йўлнинг охирига, тўрт устунли шийпон зинасига етиб борганида пешонасида тер томчилари йилтилларди. Қари одам ҳассасига таянгандек, тиззасига кафтини тираб, шошмай шийпонга кўтарилди. Полнинг кўча бошлаган бўёғига кўзи тушар экан, уни бир пайтлар ўзи қандай ҳавас билан бўяганини эслади.

Шийпоннинг кунботар томонида ўйдим-чуқур, баланд-паст майдон, унга туташ жарликда — анҳор. Йўлкага туташ ерларда, уч-тўртта янги жимжимадор панжараю мрамар сағаналарни ҳисобга олмаганда, деярли ўзгариш йўқ. Фақат дўппайиб турган қабрлар ораси анча яқинлашиб қолганга ўхшайди. Толиб анҳорга орқасини қилиб, ранги ўчиб кетган ўриндиққа оҳиста чўкди. Унинг вужуди бўшашиб, оёқ пайлари зирқираб огрий бошлаган эди. «Ҳозир ўтиб кетади, анчадан бери бунчалик юрмаган эдим,— дея ўйлади оғриққа эътибор бермасликка ҳаракат қилиб,— ҳозир ўтиб кетади». Дарҳақиқат, кўп ўтмай вужудда шундай бир роҳат сездик, қани энди ҳеч ҳам ўрнидан қимирламаса. Толиб тўрт қиррали устуннинг қиррасига елкасини тираб, илиқ шабадага юзини тутди...

Орқа тарафдан қадам товуши, сўнг кимнингдир гўнғиллаб гапириши қулоғига чалинди. Толиб фикрини жамлаб, шошиб анҳор томон ўгирилди. Угирилдию шийпон томон келаётган уч нотаниш йигитга кўзи тушди. Унинг диққатини йигитларнинг ғалати қадам ташлаши, ғайритабиий кулиши, елкаларига тушган сочлари тортган эди. Толиб ҳарчанд синчиклаб тикилмасин, уларни таний олмади. «Бу ерлик болаларга ўхшамайди, нима қилиб юришганикин?» Йигитлардан бири узун бўй, озғингина, эғнидаги костюм елкасида шалвираб ётарди. Иккинчиси эса унинг акси: паканадан келган, хумбош, эғнида спортчилар кийими. Уларнинг ўртасидаги йигит эса барваста қоматли, қимматбаҳо йўл-йўл костюм-шим кийган, оғзида папирос. Йигитлар ерни гиламдек қоплаган ўт-ўланларни босиб-янчиб келишарди. Толибнинг ёдига лоп этиб кун-кеча укаси топиб

келган гап тушди: «Анҳор бўйида уч-тўрт бекорчи пайдо бўлиб қолибди. Ҳозир кўприкдан ўтиб келаётиб кўзим тушиб қолди, жа-а суҳбатлари авжида. Узоқдан таний олмадим: кўринишларидан бу ерлик болалар эмас». Толиб: «Ушалар бўлса керак», деб ўйлагунча улар шийпонга етиб келиб, кўтарилишди.

— Гугуртингни ол! — Паст бўйлиси минг йиллик қадрдонини учратиб қолгандек сансираб қўл чўзди.

Унинг муомаласидан Толибнинг жаҳли чиқса ҳам билдирмасликка ҳаракат қилди:

— Чекмайман!

Хумбош унинг жавобини тушунмагандек, ғалати қараб турди-да, шерикларига ўгирилди. Улар аллақачон гир айлантериби қоқилган энсиз тахталар устига чиқиб олишган эди.

— Топ!

Йўл-йўл костюм-шимли уларнинг каттаси бўлса керак, буйруқ қилди. Хумбош нимадир ёдига тушди-ми, ғалати илжайди.

— Айн момент.— У бир сакраб ерга тушдию шийпон ертўласига ўрнатилган кичкина эшикнинг қулфини чангаллади. Толибнинг назарида қулф зулфини билан осонгина суғурилиб чиққандек бўлди.

— Ану куни қўйиб кетганимиз турибди-ку, биза бўл-сак...— Хумбошнинг қўлида бир пачка гугурт қорайиб кўринди.

Жингалак сочлари тўзғиб ётган қимматбаҳо костюм-шимли унинг қўлига чанг солди:

— Буёққа олсанг-чи, бошни қотирмай!

У шошиб гугурт чақди-да, ютоқиб папирос тортди. Шундай қаттиқ тортдики, сачраган учқун Толибнинг оёғи остига келиб тушди.

— Э-э, қолдир, ўзи охири! — Узун бўйли жонҳолатда унинг енгидан тортди. Ютган тутунини чиқармай ичида тутиб турган жингалак соч папиросни зўрға шеригига узатди. Унинг кўзлари сузилиб, юз-кўзида мамнунлик ифода этди. Шундай бўлса ҳам унинг овозидан норозилик оҳанги сезилди.

— Кечаги бундан ўткир эди.

«Холмат айтган бекорчилар шулар бўлса керак». Толиб ўзича хулоса чиқарган бўлди.

Кўёш тикка кўтарилиб, баҳор ҳавоси вужудни ланж қила бошлаган эди. Толиб ортиқ ўй-хаёлларга эрк беришни истамай, охиста ўрнидан туриб пастга тушди. Соғ пайтидагидек қаддини ростламоқчи ҳам бўлди, аммо оғриқ кучайиб кетишидан чўчиди. «Шийпон уларнинг ўз уйларидек бўлиб қолибди-да,— дея хаёлидан ўтказди.— Файзулла акага айтиб, бошқа қулф ўрнатиб қўйиш керак».

* * *

Илёс дўкончининг бевақт вафоти қариндош-уруғларидан тортиб маҳалла-қўйгача жумбоқ бўлиб қолди. Ҳали элликка бормаган, бирор ҳафта касал бўлиб ётмаган одамнинг тўсатдан вафот этиши... Дўкончининг ўлими ҳақидаги узунқулоқ гаплар, миш-мишлар чўзилгандан-чўзиларди. Бир: «Жуда катта камомад қилиб, тўлай олмаслигига кўзи етгач, жонига қасд қилибди», деса, иккинчиси: «Бир машина камёб мол билан қўлга тушиб, юраги дош беролмабди», деб бир-бирига гап бермасди. Лекин ҳеч ким аниқ далили бир фикр айтолмас, врачларнинг хулосаси эса оддий эди: «Инфаркт!»

Биргина Назира отасининг тўсатдан вафот этиши сабабини тахминан билар, унинг ўлимида ўзини айбдор ҳис қиларди. Лекин фикрини тасдиқлайдиган одам

ҳам, бирорта гувоҳ ҳам йўқ. Отадан айрилиш, устига устак, унинг ўлимига ўзини сабабчи деб ҳис қилиш, лекин бу фикрнинг тўғри-нотўғрилигини аниқ билмаслик Назирани жинни қилиб қўяёзди. Онасининг ҳар чеккан охи унинг дардини баттар кучайтирарди. Еноқларини тинимсиз юваётган ёшларни сезмай, гоҳ хуш, гоҳ беҳуш юрган Назира тобут кўтарилаётганида чидаб туролмади. Оламини бузганча дод солиб, деразадан чиқарилаётган тобутнинг баҳмал ёпинғичига ёпишди.

— Отажон! Бизни ташлаб кетманг, отажон! Сиз эмас, мен ётишим керак тобутда, отажон! Мени кечиринг, отажон, кечиринг!

Унинг жон аччиғида қилган фарёди бағритош одамларнинг ҳам мижжасини ёшга тўлдирди. Онаси икки синглиси ўртасида беҳуш, Назиранинг дод солиб чинқириши ҳам қўлоғига кирмасди. Тобутга ташланган Назиранинг қўлтиғидан қўшни аёллардан кимдир тутиб қолди. У қаттиқ дод солганча бир силтандию ҳушидан кетди...

Қанча вақт ўтди — билмайди. Димоғига урилган ўткир ҳиддан ўзига келди. Бурнига кимдир тутиб турган нашатир шимдирилган пахтани чап қўли билан нари итарар экан, онасининг деворга суяниб қолган гавдасига кўзи тушдию ўкириб йиғлаб юборди. Шу йиғлаганча қоронғу тушгунича кўзида ёш тинмади. Нима иш қилди, кимлар билан гаплашди, ҳеч бирини эслаёлмайди. Алламаҳалда холаси зўрлаб: «Бор, болангнинг олдига кир, кун бўйи тик оёқдасан, сен ҳам ётиб қолмагин тагин», дея хонасига киритиб юборди. Назира даванда пишиллаб ухлаб ётган қизчасига маъносиз тикилганча бироз талмовсираб турди-да, ўзини ўринга ташлади. Ярим тунда қизчаси чой сўраган бўлди. Шунда ҳам ўрнидан тура олмади. Фақат тонгга яқин қарахлик тарқаб, мияси сал тиниқлашгач, пича ором олгандек бўлди. Кўзини юмиб мизғимоқчи бўлган эди, шу заҳоти кўз олдида отасининг мулоғим чехраси пайдо бўлди-ю, сира нари кетмади. У отасининг дард тўла нигоҳидан ўзини қаерга яширишни билмай, тўлғанатўлғана ўрнидан туриб кетди. Холаси кийгизган кўкимтир кўйлак этаги остига тиззасини яшириб, тиз чўкиб олди. Отасининг норози қиёфаси ҳамон кўз олдидан кетмас, унга қарашга Назиранинг юраги дов бермай, фикрини жамлаб олишга уринарди. Отасининг ўлимида ўзининг айби йўқлигини исбот қилмоқчидек, қалбини тирнаётган ўйларга жавоб топишга интиларди. Назира куни кеча бўлиб ўтган воқеалар занжирини бирин-сирин эслаб кўриб хулоса чиқаришга, уларнинг отасининг ўлимига ҳеч қандай алоқаси йўқлигига ўзини ишонтиришга уриниб, Карим билан ўрталарида бўлиб ўтган воқеани бутун тафсилоти билан кўз олдига келтиришга ҳаракат қилди...

...Кун пешинга яқинлашиб қолганди. Каримнинг дорихонасига кириб келган Назира керакли дориларни бу ердан ҳам топа олмади. Авваллари бу ишда қўлидан келганча ёрдам берган Карим бу гал ҳам бир неча жойга қўнғироқ қилиб кўрди-ю, аммо натижа чиқмади. Назиранинг хомуш чехрасига бир оз разм солиб турди-да, шаҳд билан ўрнидан турди.

— Эсим қўрсин, уйимда бор-ку! Ман бўлсам боядан бери қаерга қўйгандим, деб ўйимнинг тагига етолмай ўтирибман.— Карим шундай дея шеригига ўгирилди:— Бугун ўзинг овқатланавер, ман йўл-йўлакай уйда... сал кечиксам, ўзинг савдо қилиб турарсан!

Назира Каримга ҳеч нарса демаси эргашди. Улар дорихона қаршисидаги дарахт панасида турган «Жигули»га ўтиришаркан, Назира ўзини кимнингдир нигоҳи таъқиб қилаётганини сезди. Ўгирилиб, кўча юзида турган нотаниш машина эгасига синчиклаб қаради, лекин

таниёлмади. Карим чапдастлик билан бошқарган машина катта йўлга чиқиб, тезлигини оширди. Аммо Назиранинг кўнглида пайдо бўлган ғашлик борган сари кучаяр, ҳаёлида кимдир уни изма-из таъқиб қилиб келаётганга ўхшарди. Бир кўнгли Карим билан бекорга йўлга чиқдим, деса, иккинчиси қизчамга зарур дори учун синфдошим ёрдамидан фойдалансам нима қилибди, деган ўй билан банд эди. Буни бир гапириб, ўн кулиб бораётган Каримга билдирмай, машина ойнасидан липлип ўтаётган дов-дарахтларга кўз тикди. Карим ҳамон мактаб йиллари, Назирага нечта йигит ошиқ бўлганию ҳеч қайсиси етиша олмагани ҳақида пичинг аралаш гапириб, мийғида кулиб борарди. Гап орасида уни деб ким билан муштлашганию неча марта совчи қўйганигача қистириб ўтди.

— Ҳеч ким ҳаёти қандай кечишини олдиндан билмас экан,— деб қўйди Назира алам билан пастки лабини тишлаб.

Карим яна нима ҳақдадир гап бошлади. Аммо Назира унинг гапини эшитмасди. Унинг қалбида алғов-далғов ўйлар чарх урарди: гоҳ кафтида кўтариб юришга рози Толибнинг меҳр тўла кўзларини эслар, гоҳ копток қилиб тепкилаган эри Маратнинг ёввойи қиёфаси кўз олдида туриб қоларди. Сувга оқизилган ёшлигини эслгани сари Маратга нисбатан ғазоби кўзирди. Ажралишганига бир йилдан ошибдики, ҳамон собиқ эрини эслади дегунча кўксидан нафрат тўлқини тошиб кела бошлади. «Шунчалик юрак олдириб қўйган эканман-а, тагин узоқ қариндошимиз бўлади-я! Бегона бўлса ҳам майли эди!»

У Каримнинг жим қолганини сезиб, аста юзига тикилди. Карим ўйга толганча йўлдан кўз узмай, машина чамбарагини айлантирарди. Шу пайт Карим Назиранинг кўзига жуда келишган, омадли йигит бўлиб кўриниб кетди. Ҳақиқатда, ерга урса осмонга сапчийдиган Карим эт қўйиб, оғир-вазмин, басавлат йигитга айланган эди. «Хотинимга кўнглим йўқ», деяпти, унинг ҳам турмуши ачини эмас экан-да?!» Назира бу фикрдан унга ҳам ачиниш, ҳам қандайдир ўзи сезмаган ҳолда ҳамдардлик билан қараб қўйди. Шу заҳоти кўнглига: «Агар Каримга турмушга чиққанимда бахтли бўлармидим?», деган ўй келди. Бу ўйдан сўнг кўнглида қандайдир туйғу уйғонганини сездди. Бу тотли туйғу Боягина қалбини ғаш қилаётган ўйларни қуваётганга ўхшаб туюлди. «Толибга-ку беришмади, жиллақурса Каримнинг совчиларига хўп дейишмайдими?»

...Уша куни Назира институтдан кеч қайтди. Дарвозадан шошиб кирар экан, чароғон айвонда — тўкин дастурхон атрофида ўтирган холаси ва жиянини кўриб кўзлари порлаб кетди.

— Вой, ассалому алайкум, қачон келдиди? — У дипломатини айвон суянциғига қўяркан, кўксига отилган жияни Мастурани бағрига босди. Икки юзидан чўлпиллатиб ўпиб, эркалади. — Вой-бў, катта бўлиб кетибсан-ку, неччига ўтдинг?

— Бориб хабар олмаганингдан кейин неччига ўтганини ҳам, катта бўлиб қолганини ҳам билмайсан! — Севара холаси кўришиш учун ўрнидан тураётиб, гина қилди. — Бундай бир холам бор, жиянларим бор деб хабар олмасанг! Ҳаммаям институтда ўқисин экан!

Ҳақиқатда, Назира иккинчи курсга ўтганидан бери холасиникига бирор марта ҳам бормаган эди. Ёзи билан қурилиш отрядида бўлди, қишқи таътил эса кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Мана, ҳадемай учинчи курс. Назира айбини ювмоқчидек холасини қучоқлаб, бағрига сингиб кетди.

Кийимларини алмаштириб, юз-қўлини ювиб чиққан Назира хонтахтага тирсагини тираб, онаси келтирган

бир коса ошни иштаҳа билан ер экан, холаси бекорга келмаганини сездди. Онаси билан Севара холасининг зимдан кўз уриштириб ўтиришганидан юраги шиг этиб кетди. Унинг хавотирлиши бежиз эмасди. Кеча ўқишдан сўнг Анҳор ёқасида Толиб билан учрашган ва анча вақт гаплашиб ўтирган эди.

— Уйдагиларни юбораман. — Толиб хайрлашар чоғи Назиранинг кафтини бармоқлари орасидан бўшатмай, унинг хушрўй чехрасига тикилди. — Нима дейсан?!

Назира ялт этиб қарадию юз-кўзи лола янглиғ тус олди. Лаблари устидаги мошдек хол қалқиб кетди.

— Керакмас. — Унинг овозида ўз орзусига қарши чиқаётган одамнинг алам оҳанг мавжуд эди. — Институтни битирмагунча оила қурмайман. Кейин...

Назира сўз тополмай қолди. Унинг қулоқлари остида отасининг ярим ҳазил, ярим чин айтган гапи жангалаб кетган эди: «Қизимни шундай жойга узатайки, одамлар тилини тишлаб қолсин». Сўзини шамолга учирмайдиган отасининг ҳазили остида нимадир борлигини сезиб, Назира бир титраб кетганди. Шу боис очигини айтди-қўйди:

— Адамлар нима десалар — шу бўлади. Лекин бу яқин-орада эмас. Уқишим бор!

Толиб унга эътироз билдириб ўтирмади, лекин қисқа қилиб қарорини айтди:

— Эртага барибир уйдагиларни юбораман!...

Онаси билан Севара холасининг кўз уриштириши бежиз эмаслиги Толибнинг кечаги гапига боғлиқлиги, холаси бежиз келмаганини қизларга хос ички бир сезги билан ҳис этди. Иштаҳаси бўғилиб, оғзидагини зўрға ютди. Коса тагида қолган икки қошиқ ошни емай, ўрнидан турди.

— Еб қўй, «ёмондан ёрти қошиқ» қилганинг нимаси? Онаси гапини тугатмай, холаси олиб кетди:

— Куёвни бой қиладиган келин бўлади, Назира, опа! Назира хафа бўлгандек холасига чимирилди ва аразлаган каби косани кўтариб кетаётган эди, онаси им қоқиб жойига қайта ўтказди.

— Мастура йиғиб олади, сан бирпас ўтир, гап бор. Совчиларни юбораверинг деган одам, бир оғиз онасининг олдидан ўтмайдимми?!

Онасининг томдан тараша тушгандек пичинги Назирани ҳайкал қилиб қўйди. Холаси ҳам шу маъно, шу оҳангда гап бошлаётган эди, Назира чидаб туролмади:

— Ёлғон, ким айтди сизларга буни, ман ҳеч кимга ҳеч нарса демаганман!

— Бўлмаса, гўрковнинг хотини нима қилиб юрибди бу ерда? — У ўзини куч билан босиб, дастурмол билан пешонасидаги терни артди. — Қизингиз билан ўғлим ўн йил бирга ўқиган, бир-бирлари билан синашта эканлар, агар тақдир бўлса, деб келдик, дейди. Ҳовлимизни тушида кўриб келмагандир?

Онаси жавоб кутаётгандек жим қолди, кетма-кет чой хўплади. Сал жаҳлдан тушгач, насиҳат қилган бўлди:

— Мани гапларимга хафа бўлма, қизим! Авваламбор, отангни ўйла, феълени биласан-а! Яна... санга кимлар оғиз солмайди. Келиб-келиб... Яна ўзинг биласан.

— Ўзинг биласан, деганингиз нимаси, опа! — Холаси чидаб туролмади. — Ўзи билса-билмаса, келиб-келиб гўрковга келин бўладими? Бизнинг оилага бу иснод эмасми?! Топган одамини қаранг-у!

Назира шу пайтгача холасидан бундай оғир гап кутмаган эди. Юраги гупиллаб уриб, миясига қон қўйилгандек бўлди.

— Нима, гўрковнинг ўғли одаммасми? — Бу гап оғзиндан қандай чиқиб кетганини Назира сезмай қолди.

— Ана, ана, айтмадимми! — Холаси бармоқлари билан юзини сидирди. Бармоқларидаги қўша-қўша ёқут



кўзли узуклар чироқ нурида йилтиллаб кетди.— Бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур!

Онаси Назирани биринчи марта кўраётгандек анграйиб қолди. Ранги оқариб, чап қоши пирпираб уча бошлади.

— Урталарингда бирор нарса бўлмаганми?— У ўзи берган саволдан ўзи алланечук бўлиб кетдим, изоҳ берган бўлди:— Ваъда бермаганмисан, деяпман!

— Кимга ваъда берман, кимга?!— Назиранинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб, бўғзидан аламли нидо отилиб чиқди.— Узила бичиб-тўқийвурасилами?!

— Мунақа жаҳлинг чиқмасин, опамлани гапларини тўғри тушунгин!— Холаси энди мулойимлик билан Назирага тушунтира бошлади.— Сани обрўйинг — бизани обрўйимиз. Санга тикан кирса фақат бизани жонимиз ачийди. Опамла телефон қилиб, совчилар келиб кетди, бир келгин, деганларига оёғимни кўлимга олиб келиб ўтирибман. Хафа бўлмагин-у, ман сани камида министрға келин бўласан деганман! Шундоқ хуснинг, қадди-қоматинг билан... Э, қўй-э!

— Кўзингни арт, қизим!— Ниҳоят, онаси кўнглидагини тилига чиқарди.— Сани ҳеч ким кўл-оёғингни боғлаб узатаётгани йўқ. Умр савдоси осон эмас, шунинг учун бу йўлда янглишма, деяпман, холос. Ақл билан иш тутгин, дейман! Кейинги афсус бефойда!— Онаси ичкарига бир қараб қўйди-да, кўшимча қилди:— Келган совчилардан ҳали отангнинг хабари йўқ. Эшитса, унда кўрасан томошани. Ҳали ҳам кеч эмас, Толибни эсдан чиқар, ўйлаб иш қил!..

...Карим қаттиқ сигнал бериб, Назиранинг хаёлини бўлиб юборди. У машинасини тўққиз қаватли бино ёнидаги кабобпазлик дўкони ёнида тўхтатди. Сакраб тушиб, иккита ёпган нон орасига саккизта кабобни қўйдириб, сувқоғозга солиб олди. Улар йўлга чиқишганда Назира: «Ҳозир уйига борамизу дорини олиб, ортимизга қайтамыз», дея ўйлаган эди. Каримнинг кабоб харид қилганини кўриб, болаларига олган бўлса керак, деган хаёлга борди. Карим машинага ўтириши билан нимадир сўрамоқчи бўлиб, у томонга ўгирилган Назиранинг тили айланмай қолди. Улардан ўн қадамча нарида боя Каримнинг дорихонаси олдида ўзига сигнал берган машина турарди. Ҳайдовчи Назирадан кўз узмас, орқа ўриндикда эса таниш нусха ўтирганга ўхшарди. Диққат билан тикилган Назиранинг юраги уришдан тўхтаб қолгандек бўлди. «Марат!» У бир зум ўзини йўқотиб, ҳушдан айрилгандек суюнчиққа шилқ этиб тушди. Карим зудлик билан машинани юргизар экан, унга жонкуярлик билан сўз қотди:

— Бошинг айландими? Чарчаган бўлсанг керак, ҳозир уйда дам оласан, ҳозир.

Карим машинани ўқдек учуриб кетди. Ойнадан ғириллаб урилаётган шабада Назирани сал ўзига келтирди. «Наҳот қочиб келган бўлса?! Отаси қамалгандан кейин уйда наша сақлагани учун унга ҳам бир йил беришган эди-ку. Уй-жой, машина мусодара қилинганди. Ҳали бир йил ўтгани йўқ-ку! Еки мен янглишиб бошқа одамни унга ўхшатдимми?! Ким бўлиши мумкин?!» Назира, эс-хуши ўзида эмас, турли ўйлар исканжасида карахт одамдек ўтирарди.

Аммо тезда ўзини қўлга олиб, хотиржам тортди. «Кўрганда нима дерди? Менга хўжайин бўлмаса, қонуний ажралишган бўлсак». Назира Каримга ўгирилди, гўё ҳеч нарса бўлгани йўқ, тинчлик, дегандек мулойим қараш қилди. Шу билан бирга Марат билан тўқнаш келиш яхшиликка олиб келмаслигини ҳам ички бир туйғу билан ҳис этди.

— Мазанг қочдим, сув бор жойда тўхтамайми?— Карим лаблари титраб сўради.

— Йўқ, йўқ! Керакмас!— Назира унинг қўлини тиззасидан олиб қўйди-да, плашининг этаги билан оёқларини ёпди.— Илтимос, тезроқ ҳайда.

Карим газга зўр берди. Катта йўл иккига ажралган ерда янги қурилган иморатлар томон бурилди. Назира қаерга кетишаётганини ҳам, нима учун катта йўлдан чапга бурилишганини ҳам сўраб ўтирмади. У хаёлини алғов-далғов қилиб юборган ўйлардан тезроқ қутулиш учун шу пайт дунёнинг нариги чеккасига ҳам кетишга тайёр эди. Улар тўрт қаватли уйнинг биринчи йўлаги қаршисидаги сершоҳ дарахт тагида тўхташди. Карим соатиға тез қараб олди-да, машина ойналарини ёпа бошлади.

— Юр, тезда чиқамиз, сал ўзингга келиб оласан!

Карим тушиб, Назиранинг жавобини ҳам кутмай машина эшигини очди. Назира унинг гапига эътироз билдиришни ҳам, кетайлик дея қисташни ҳам билмай, ноилож эргашди. Карим уни гўё бежавотир жойга бошлаб борарди. Иккинчи қаватга кўтарилиб, қора чарм қопланган эшик олдида тўхташганда Назира бирдан сергак тортди. «Нима қияпман, уйдагилар билиб қолса, нима деган одам бўламан? Минг синфдошим бўлгани билан...» У Каримнинг енгидан тортиб тўхтатмоқчи, ўзинг кириб олиб чиқа қол, демоқчи бўлди. Аммо Карим эшикни чаққонлик билан очиб, билагидан тутди:

— Киравер, кир, тез чиқамиз. Хавотир олма, ҳеч ким йўқ.

Назира ноилож остона ҳатлаб кирдию ўзини бежавотир ерда, гўё қалбини алғов-далғов қилиб юборган ўйлардан халос бўлгандек сезди. Таранг асаби ҳам бўшашди. Карим ошхонага кириб кетди, ортидан чойнакнинг қопқоғи тарақлади. Ўзини анча босиб олган Назира дим уйда нафас олиш оғирлаша бошлаганини сезди. Плашини ечиб, стул қиррасига ташлади-да, дераза форточкасини очиш учун ойна олдиға яқинлашди. Стулини суриб устиға чиқди-да, чўзилиб форточкани очди ва беҳосдан ташқарига кўзи тушди. Кўзи тушдию Каримнинг машинаси олдида турган йигитни таниб, чинқириб юборай деди: «Марат!» Уша, ўша! Наҳот қидириб келган бўлса?! Назиранинг юраги уришдан тўхтаб қолгандек бўлди, бирдан ҳолсизланиб, йиқилиб тушмаслик учун дераза бандига ёпишди. Шу пайт ошхонадан чиқиб келган Каримнинг кўзи унга тушди-ю, икки ҳатлаб ёнида пайдо бўлди.— Йиқиласан!— У Назиранинг тиззасидан қучоқлаб, даст кўтариб олди. Назира эса ҳимоячисини топган одамдек жонҳолтада унинг йўғон бўйнидан қучоқлади. Аммо шу заҳоти юзи лолдек қизариб, кўзини Каримнинг елкасига яширди. Карим уни эҳтирос билан бағрига босиб, ичкари хонага кўтариб олиб кираркан, Назира бир зум борлиқни унутди. Ёдидан чиқиб кетган эркак иси димоғига урилиб, баданига титроқ югурди...

* * *

Толиб Илёс дўкончини кўмиш маросимига бормади, яна битта-яримтанинг кўнглиға: «Ана, Илёс дўкончининг ўлиmidан шодланиб, касал ҳолиға қарамай томошаға чиқибди», деган ўй келмасин деб истиҳола қилди.

У хонасига қамалиб тоқчадан китоб олди, ўрниға чўзилганча дуч келган саҳифани очиб, ўқишға тутинди. Нигоҳи сатрдан сатрга сирғалар, аммо мясияға ҳеч нарса кирмасди. Охири кўзи тиниб, китоб тутган қўлиға титроқ кирди. «Китоб ўқишға ҳам қайфият бўлсин

экан!» Толиб китобни кўксига тушириб, кўзларини юмди.

...Толиб армиядан қайтган кун кечгача келди-кетди тинмади, кечкурунга яқин қариндошлар, дўстлари дара қуришиб, Толибнинг омон-эсон хизматни ўтаб қайтганини нишонлашди. Манти ейилгач, Холмат қосаларни йиғиб ташқарига йўналди. Узилиб қолган суҳбат қайта жонланиши арафасида, аллақачон сархуш бўлиб олган Карим Толибга луқма ташлади:

— Қушчанг ҳам учди-кетди сан келгунча! Ҳозирги қушчалар ҳам анойи эмас, бизнинг кулбаи вайронамиздан олтин қафасни ортиқ кўришади, дўстим!

Торгина хонада қисилишиб ўтирган ўн чоғлиқ меҳмон орасига ноқулай жимлик чўқди. Толиб ичини тилиб ўтган аламни сездирмади. «Оғзинг қонаса ҳам душманинг олдида тупурма» қабилида иш тутди. Эшитмаганга олди. Олдидаги шу пайтгача ичмай ўтирган арақ тўла пиёлани бир кўтариб бўшатди-да, газак ҳам қилмай ташқарига чиқиб кетди...

Толиб шу кеча ухлаёлмади. Назиранинг эрга тегиб кетиши орзуларини саробга айлантирган эди. Туни билан мижжа қоқмаган бўлса ҳам, эртаси Назиранинг институтига қидириб борди. Аммо ичкарига кирмай, бекатда пойлаб ўтирди. Кун пешиндан оғонда Назира бир дугонаси билан кулишиб чиқиб келди. Қуёш нурида жилва қилаётган атлас кўйлак унинг ҳуснини янада очиб юборган, оқ-сарикдан келган кулча юзида ҳаётдан мамнун инсонлардагина бўладиган хотиржамлик ва қониқиш ифодаси зоҳир эди. Толиб Назиранинг дугонаси кетишини кутди. Ниҳоят, Назира у билан хайрлашиб, бекат томон юрганини кўргач, олдидан кесиб чиқди. Кўнглидаги бор дардини тўкиб солишни мўлжаллаган Толиб унга рўпара бўлиши билан негадир тили айланмай қолди. Назира ҳам уни кўрдию ранги оқариб кетди, лекин тезда ўзини қўлга олиб, сўрашган бўлди:

— Яхшимисан, яхши келдингми?— У ўзини қанчалик тетик тутишга уринмасин, овози синиқ эди.

— Сани бир кўрай деб...— Толиб аранг шундай дедию Назиранинг бармоғидаги никоҳ узукка кўзи тушди.— Муро бўлсин,— деди синиқ товушда.

Назиранинг бирдан авзойи ўзгарди, атлас кўйлакни туртиб чиққан кўкраклари тез-тез кўтарилиб туша бошлади. Юзидаги сохта табассумдан асар ҳам қолмади.

— Нега бу ерга келдинг? Ман ўзим хоҳладим, бошқа учрашмаймиз, билдингми? Мен уни яхши кўраман, ҳа, яхши кўраман!— Назиранинг кўзлари ёшланди.— Уртамизда ҳеч нима бўлмаган, бўлмайди ҳам. Хайр! Бошқа йўлимни тўсма!

Назира қора дипломатини бағрига босганча йўлқадан чопқиллаб кетди. Толиб унинг ортидан боришни ҳам, овоз чиқариб қақаришни ҳам билмай, турган ерида ҳайкалдек қотиб қолди. «Ёлғон, ёлғон! Сани мажбуран, мажбуран узатишган!» Толиб уйга келгунча шу фикр миясидан кетмади. Хонасига киргач, Назиранинг барча хатларини олиб майда-майда қилиб йиртди. Бу ҳам камдек, уйиб ёқди ва жажжи култепа устида аза тутган одамдек анча вақт хаёл суриб ўтирди.

* * *

Қизчасини овқатлантираётган Назиранинг хаёли ўзида эмас эди. Ногаҳон бошига тушган ғам унинг ҳаётини остин-устун қилиб юборган юз-кўзидан сезилиб турарди. Юрса ҳам, турса ҳам гоҳ гоҳ шафқатсиз Марат, гоҳ ўта меҳрибон Карим, гоҳ ҳаётда ҳеч нарса кўрмай ногирон бўлиб қолган Толиб фикри-зикрини банд этиб, тинчлик беришмасди.

Шу пайт кўча эшик олдида енгил машина келиб тўхтади-да, кўп ўтмай дарвозанинг ғичирлаб очилгани эшитилди. Назира енгил билан кўз ёшини сидириб, ҳовлига чиқди. Мозорбошига чиқиб кетган онаси, холалари эшикдан мум тишлагандек кириб келишарди. Узининг фикр-ўйлари ҳам унутилиб, онасига бир пиёла иссиқ чой тутиш ниятида ошхонага кириб кетди. Газни баландлатиб, човғумнинг шақирлаб қайнашини кутиб турар экан, остонада машинасини гаражга қўйиб чиққан укаси кўринди.

— Бошим ёрилиб кетай деяпти. Бир пиёла аччиқ чой бўлса...— У опасининг жавобини ҳам кутмай, «Илтимо!» дегандек термулди-да, қайтиб чиқиб кетди.

Назира укасининг бир бурда бўлиб қолган юзига, йиғидан қизарган кўзларига тик қарай олмади. Гуноҳини яширмоқчидек, нигоҳини човғумдан узмай: «Хўп», дея бош силкиди. Укаси чиқиб кетгач эса отасининг қабрига улар билан бирга чиқмаганидан сиқила бошлади. Ахир, улардан олдин бориб, отаси қабри устида бош эгиши, йиғлаб, кечирим сўраши лозим эмасмиди?! «Қабрингиз қошига ҳаммадан олдин мен чиқишим керак эди, отажон, мен.— Унинг вужуди титраб, елкалари силкиниб, яна кўзларида ёш айланди.— Фақат мен айбдорман, отажон, мен...»

— Чойинг қайнадики, болам?— Холасининг овозини эшитиб, Назира сармак тортди. Унинг шишиб кетган кўзларига аянч билан термуларкан, елкасига бош қўйиб ўкириб юборди.

— Узингни бос, ўзингни бос, болам!— Холаси унинг елкасини силади.— Бу дунёга ҳеч ким устун бўлмайди. Бу савдо ҳамманинг бошида бор. Аттанг, поччам ёш кетдилар. Укангни орзу-ҳавасини кўролмай кетдилар. Шуниси алам қилади, болам. Дўстан бўлдим, душманданми... Туппа тузук ишлаб юрган одам... Тепадек қабрларини кўриб... Шундоқ мазор этагида, гулларга бурканиб ётган ўрик тагида... Э-воҳ, бу дунё бевафо, болам, бевафо...

Назира холасининг: «Тепадек қабрларини кўриб... шундоқ мазор этагида... ўрик тагида», деган сўзларини эшитиб, ўйлари исканжасидан чиқиш йўлини толгандек, шошиб қолди. Холасининг бармоқларини чангаллаб, ҳиқиллаганча илтижо қилишга тушди:

— Холажон, сиздан илтимо, онамга ҳеч нарса деманг. Йўқлигимни билдирманг. Мен бир зум отамнинг қабрлари қошига бориб қайтаман. Йўқса чидаёлмайман, жинни бўлиб қоламан.— Назира шу сўзларни айтдию енгил тортди. Холам йўқ деб қолмасин, деган кўрқувда уни оғиз очишга қўймай, юзини кўксига босди:— Кеча тушимга кирдилар. Агар бирров бориб келмасам, бугун ҳам мижжа қоқолмайман. Йўқ деманг, жон холажон!

— Қоронғи тушиб қолди, жон болам. Эртага чиқарсан. Бугун биз бориб келдик-ку.— Холаси «хўп» дейишга кўнгли чопмай, ялинишга тушди.

— Йўқ деманг, холажон. Эртагача чидаёлмайман.

Назирани йўлдан қайтара олмаслигига кўзи етдими, холаси сал юмшади:

— Уканг билан бор бўлмаса, ёлғиз кўрқасан.

— Укам чарчаган, холажон. Узим тез бориб келаман. Яқин жой, хавотир олманг. Фақат қизчамга кўз-қулоқ бўлиб турсангиз — бас. Хавотир олманг. Ахир, ўзимизнинг маҳалла-ку.

Назира холасини гапиртиришга ҳам қўймай, ошхонадан югурганча чиқиб кетди.

* * *

Толиб ҳовлига қаттиқ ҳаяжонда кириб келди. Олма тупи остида ястаниб ётган Олапарнинг югуриб келиб

оёғига суйкалишига ҳам эътибор бермади. Ҳозиргина хаёлини банд этиб, вужуд-вужудигача титратиб юборган воқеа таъсирида хонасига кирдию ўзини ўринга ташлади. Қанча ётди, қачон кўзи илинди, билмайди. Бир маҳал дераза ойнаси секин чертилиб, уйқуси қочди. Шошиб кўзини очган эди, тавақаси очиқ дераза олдида кўйлагининг ёқасини тузатиб турган отасига кўзи тушди.

— Толиб, опанг билан Ҳамид тоғангникига ўтиб келамиз,— деди отаси одатича салмоқлаб.— Уканг келса, молларга ем солиб кўйсин. Овқатларингни сузиб ерсанлар, қозонда. Эртароқ қайтишга ҳаракат қиламиз.

Толиб индамай, фақат маъқул маъносида бош силкиди. У Ҳамид тоғасининг қиз узатаётганини эшитганди.

Толиб ортиқ ёта олмади. Ҳовлида ниманингдир шитирлагани, Олапарнинг ҳуришини эшитиб, ўрнидан турди-да, икки-уч қадам босиб дераза олдида борди. Дераза ойнасидан ташқарига қараш ўрнига, турган жойида ҳайқалдек қотиб қолди. Унинг кўз олди чарақлаб ёришиб кетган, мияси яшин тезлигида ишларди: «Наҳот, наҳот оғриқсиз ўрнимдан турдим?— У бу фикридан қичқириб юбораёзди.— Оғриқсиз икки қадам босдим-а! Нима бу? Унгимми, тушимми?» Вужуди энгил тортиб, сал қимирласа қушдек учиб кетадиганга ўхшарди. Юраги ҳаяжондан кўксини ёриб чиққудек потирлаб кетди, чаккасидан сизган тер ёноқларида йилтиллади. У ўзича нимадир демоқчи бўлар, аммо тили айланмас, оғриқ яна бошларини қоладигандек эҳтиёткорлик билан белига қўлини тираб турарди.

«Наҳот қутулган бўлсам?» Бир-икки қадам босиб кўрди. Ҳаракатлари энгил, оёқ бўғинларида оғриқ сезилмасди, фақат мушаклари таранг тортилган вужудида қандайдир титроқ ҳукмрон. Толиб сал нотўғри ҳаракат қилса оғиб кетаётгандай юрак ҳовучлаб, оёғи ерга тегаетганини ҳам сезмай эшик олдида етиб олди-да, чап томонга ўрнатилган тўртбурчак тугмачани чиқиллатиб босди. Тун пардасига ўралган хона чарақлаб ёришиб, кўнгли янада равшан тортиди. Уйда ҳеч ким йўқлигини ҳам унутиб, эшикни тарақлатиб очди-да, ҳовлига чиқди. Қоронғи бурчакда мунғайиб ўтирган Олапар уни кўрдию сапчиб туриб, ғинғишганча у томон чопди. Толиб чўккалаб кучукни бўйнидан маҳкам кучди. Сўнг кафтини тиззаларига тираб, қалтираганча ўрнидан тураркан, ҳовлига аланглади. «Нима иш қилсам экан, кўчага чиқиб айланиб келайми?» У бир қарорга келишга улгурмай, молхона тарафдан сигирнинг мўърагани эшитилди. Отасининг: «Уканг келса, молларга ем солсин», деганини эслади. «Молларга ем солай, оч қолишганга ўхшайди. Холмат негадир шу пайтгача келмади. У ҳам иш-хонасидан тўппа-тўғри тўйга ўтиб кетдимикан?!» Шу хаёл билан молхона томон икки қадам ташлаган Толиб негадир фикридан қайтди. Айвон устунидаги чироқ тугмасини босиб, ҳовлидаги лампочкани ҳам ёқди-да, кўчага йўналди. Назарида, ҳозир кўчага чиқадию кўни-қўшни, таниш-билишлар билан худди соғ пайтларидагидек дадил юриб бориб, қўл олиб кўришади. Улар аввалига ундаги ўзгаришни сезмайдилар. Сўнг нима гаплигига тушуниб, қичқириб юборадилар. Бир зумда кўча одамга тўлиб кетади. Бунинг устига отаси келиб қолса борми, хурсандчилик тўйга айланиб кетиши аниқ. Отаси ўша заҳоти оғилдан қора қўчқорни олиб чиқиб...

Толиб ҳаяжондан титраб кўча эшикни очди.

* * *

Ҳеч қаёққа қарамай, югургандек кетаётган Назира мазор кўчасига бурилдию қоронғида қаршисидан чи-

қиб қолган басавлат йигитга урилиб кетай деди. Узр сўрашга ҳам, кимлигини билиш учун юзига қарашга ҳам сабри чидамай, ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлди.

— Назира!!!

Назира таниш овоздан жойида қотиб қолди. «Карим!» У кулоқларига ишонмади. Аммо ички бир туйғудан юраги дуқиллаб уриб кетди.

— Сен? Нима қилиб юрибсан? Тинчликми?— Каримнинг овозида ҳамдардлик аралаш хавотир сезилди. Шу пайтда қаёққа шошиб кетяпсан? Тинчликми ўзи?

Назиранинг кўнглида унинг кўксига бош қўйиб, тўйиб-тўйиб йиғлаш фикри йил этди. Йил этдию сўнди. Миясига чақмоқдек урилган: «Бошимга шундай мусибат тушган пайтда-я», деган фикр уни жойига михлади.

— Карим, илтимос, ҳеч нарса сўрама!— Назира зўрға ўзини тутиб, пиқиллаганча илтижо қилди.— Мозорга бориб келайлик. Адамларнинг қабрига. Фақат йўқ дема!

Карим жонҳолатда теваракка аланглади.

— Хўп, хўп деяпман-ку, ахир,— дея ғўлдиради.— Узингни тутсанг-чи! Олдинроқ юр, мен ортингдан бораман. Фақат йиғламагин, хўп. Битта-яримта кўрса нима дейди?

Назира унга миннатдор боқди. Лекин овози чиқмади. Каримнинг докадек оқариб кетган юзи, чор атрофга аланглаётган бежо кўзларидан ичида нимадир чирт этиб узилиб кетгандек бўлди. Ток ургандек қўлларини унинг билагидан тортиб олди-да, кўк кўйлагининг ёқасини чангаллади. Шундай ўзи ишонган одамнинг у билан ёлғиз туришга ҳам кўрқаётганини юракдан ҳис қилди. Лекин индамади. Аксинча, пичирлаб, ўзига тасалли берган бўлди: «Биргалашиб кечирим сўраймиз. Адамларнинг олдиларида иккаламиз ҳам айбдормиз».

Кўп ўтмай ёғоч дарвоза кўринди. Унинг бир тавақаси очиқ. Назира яна бир Каримга ўгирилиб қараб, ярим очиқ дарвозадан дадил ичкарига юрди.

Назира илгари бу ерда бир неча марта бўлган, бувисининг қабрини зиёрат қилгани келган эди. Бувисининг қаерга қўйилганини жуда яхши эслаб қолган. Холасининг айтишича, отаси ҳам бувисининг ёнида, мазор этагидаги ўрик дарахти остида ётибди. Демак, уларнинг хилхонаси ўша ерда. Шу асно оёқлари чалишиб, ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилиб кетаётган Назиранинг устидан қандайдир қуш патираб қанот қоқиб ўтдию у чўчиб, қўлларини бошига пана қилганча чўккалаб қолди. Товонигача музлаб кетган Назира нажот излаб ортига ўтирилди. Ун қадамча нарида келаётган Каримга кўзи тушди. Назира ўпкасини тўлдириб чуқур нафас олди. Шу дам мазор этагидан итнинг вовуллаши қулоққа чалинди. Бир жуфт кўршапалак пастлаб келиб, қанотлари билан юзига ургудек учиб ўтди. Устига устак, оёқлари остида нимадир вишиллади. Назиранинг сочлари орасидан муздек тер сизиб чиқди, юраги уришдан тўхтади гўё. Ким билсин, шу пайт кулоғи остида Каримнинг илиқ нафасини сезмаганида, ўзини ташлаб юборармиди?

— Назира, қайт, қоронғи тушиб қолди, ахир.— Каримнинг овози узоқдан келаётгандек аранг эшитилди. У икки қўли билан Назиранинг елкасидан чангаллаб турарди.— Кечқурун мазорга киришнинг хосияти йўқ, дейишади. Эртага келарсан. Юр, қайтайлик, уйингача кузатиб қўяман.

«Кўрқапти! Йигит киши бўлатуриб кўрқапти!» Назиранинг томоғига ёнғоқдек бир нарса қадалди. «Ишонган одамим шу бўлса... Отажон, мен калтафаҳм қизингизни кечиринг!» Назира юлқиниб, Каримнинг чангалидан чиқди. Ёноғини юва бошлаган ёшни мушти

билан артганча қадамни тезлатди. Унинг лаблари тинмай пичирлар, нималарни илтижо қилаётганини, кимдан нажот тилаётганини ўзи ҳам билмасди. У мазор этагига етгач, чапга бурилди. Худди шу ерда тепаликдек сағана тизза бўйи ўтга бурканиб, қўрқув солиб турарди. Сағанадан қари ўрик дарахтигача ўн беш-йигирма қадамча бор.

Назира чапга бурилдию ҳайратдан донг қотди. Қари ўрик дарахтидан сал наридаги гулчамбарларга бурканиб ётган янги қабрда назарида шам ёниб-ўчаётганга ўхшаб туюлди. У кўзларига ишонмай киприкларини қаттиқ юмиб-очди. Не синоат?! Ҳеч нарсага тушуна олмади. Агар холалари шам ёқишган бўлса, бир текисда ёниши керак-ку. Ёки бутунлай ўчиши керак. Бу бўлса бир ёниб, бир ўчмоқда. Унинг назарида қабр тепасида кимдир чўнқайиб ўтиргандек туюлди. У гоҳ эгилади, гоҳ қад ростлайди. Назиранинг қулоғига қандайдир пичир-пичир овозлар ҳам эшитилди. Унинг бутун вужуди қулоққа айланиб, бир зум қотиб турди-да, аста ортига ўгирилган эди, кимгадир урилиб кетди. Додлаб юбормаслик учун кафтини оғзига тираб жонҳолатда чўнқайиб ўтириб қолди. Елкасини чангаллаган титроқ бармоқларни ҳис қилгачгина, Карим эканлигини сезди.

— Анави ёниб-ўчаётган нима? — Каримнинг ваҳима тўла овози Назиранинг шундоқ ҳам қўрқув исканжасида турган юрагини баттар титратиб юборди. Тили калимага айланмай аста ўрнидан турар экан, бувисининг кўпинча сўзлаб берадиган жинлар базми ҳақидаги ҳикояси лоп этиб эсига тушди. Бувисининг айтишича, жинлар вақти-вақти билан ҳилват жойларда базми жамшид қилиб туришаркан. Шундай вақтда уларга беҳосдан дуч келиб қолган одам жинларнинг буйруғини бажариб, тонггача базмда иштирок этиши керак бўларкан. Чилдирманинг гиж-бадабанги остида рақсга тушиб бериши, кўшиқ айтиши лозим экан. Агар тонг отгунча жинларнинг кўнглини овлай олмаса, улар ўша одамнинг оғзини қийшиқ, оёқ-қўлини шол, ҳеч бўлмаганда кўзини ёйлаб қилиб, ташлаб кетишаркан. Назира бунга ишонмаса ҳам, бувисини ранжитиб қўймаслик учун мийғида кулганча қулоқ солаётганга ўхшаб ўтирарди. Бувисининг ҳикояси тугагач эса ўзини ўта жиддий тутишга ҳаракат қилиб, ҳар гал битта саволни берарди:

— Буви, агар ўша одам тонггача жинларнинг айтганини қилиб, барча синовлардан ўтса, нима бўлади? Уша одамга мукофот беришадими?

— Жим, болам, бунақа гапни гапирма. Мукофоти ҳам қурсин, уларга йўлиқшудан худонинг ўзи асрасин, — дея бувиси қандайдир душон пичирлаб ўқирди. Сўнг яна насиҳатга ўтарди. — Ҳеч вақт «Бисмилло»ни тилдан қўйиш керак эмас, болам. Улардан қутулишнинг бирдан-бир йўли шу. Буни сира эсингдан чиқарма...

Назира бор иродасини жамлаб, ўзини қўлга олди. Олдинига ичида, сўнгра шивирлаганча бувиси ўргатганидан ёдида қолган бир жумлани қайта-қайта такрорлай бошлади:

— Авзу биллоҳу шайтону ражим, бисмиллоҳу раҳмонур раҳим... Эй, худои худовандо, ўз паноҳингда... Авзи биллоҳу шайтону ражим... бисмиллоҳу раҳмонур раҳим. Эй худои худовандо, ўз паноҳингда асра...

Назиранинг аста-секин кўнгли тинчиб, вужудига куч қуйилгандек бўлди. Қачонлардир миясига ўрнашиб қолган ярим-ёрти сўзларни оғзидан қўймай, яна отасининг қабрига тикилди. Чироқ ҳамон ёниб-ўчар, гўр ортига эгилган гавда борган сари қабр ичига чуқурроқ кириб борарди. Гавда икки қўли билан гўрдан тупроқ тортиб чиқараётганга ўхшарди. У чироқ ёнганда ҳаракатга келар, чироқ ўчиши билан гавдаси қорон-

ғиликда кўринмай кетарди. Назиранинг сўзлари Каримга ҳам таъсир қилдими, у ҳам қўшилди: «Бисмиллоҳу раҳмонур раҳим... бисмиллоҳу раҳмонур раҳим...»

* * *

Толиб ширин хаёллар оғушида эшикни қия ёпиб, кўчага бир қадам ташлаган эдики, мазор этаги томон аланглаб кетаётган қорага кўзи тушди. Синчиклаб тикилди. Баланд бўй, сочи елкасига тушган йигитнинг гавдаси танишдек туюлди. Бошини чап ёнга қийшайтириб қадам ташлашдан Каримга ўхшарди. «Бемаҳалда нима қилиб юрибди бу ерда?» Каримдан бешолти қадам наридаги аёл гавдасини ҳам илғади. Унга ҳам синчиклаб тикилди. Аёлнинг юриши, юрганда гавдасини тик тутиши Назирани эслатди. «Ё тавба, ахир бу Назира-ку. Отасининг қабрига бир ўзи чиқиб келяптими? Пайшанбалик қилиб онаси, қариндош-уруғлари ҳам чиқиши керак-ку. Дарвоқе, Карим нима қилиб юрибди? Нега бир-бирларини пойлагандек изма-из кетишяпти?» Толиб саволлар исканжасида нима қилишни, ўзини қандай тутишни билмай, бир неча дақиқа гаранг туриб қолди. У касал бўлиб ётиб қолгач, Назирани бир неча марта, шунда ҳам узоқдан кўрганди. Толиб азоб чекиб ётганида кимдандир Назиранинг эри билан ажралишганини эшитганини эслади. Ушанда Толиб аҳд қилган эди: «Агар соғайиб кетсам, энг аввал Назиранинг олдига бораман. Утган ишга салават. Менга турмушга чиқ. Сенинг фарзандинг — менинг фарзандим, дейман. Олий маълумотли, топармон-тутармон бўлмасам ҳам, бир амаллаб боқиб оларман. Давлат нафақа тўлаяпти. Амаллаб бир кунимизни кўрармиз. Фақат йўқ дема, деб айтаман». Толиб шу аҳдини эслаб шошиб қолди. «Бундай қулай фурсатни бой бермаслик керак. Ҳозир аста ортларидан бораман. Отасининг қабри тепасида таъзия изҳор этиб, кўнгил сўрайман. Зора, шу билан тил топишимиз осон кўчса».

Толиб кўлига қаердандир тушиб қолган йўғонлиги билан калтакни ҳасса қилганча мазор этагига қараб йўл олди.

Йўлқанинг қари ўрик томон бурилиш жойига келганида нафас ростлаш учун тўхтади. Тун қоронғусида йилтиллаб кўрина бошлаган юлдузларга назар солаётиб, ўпкасини тўлдириб нафас олди. Муздек ҳаво, сокин борлиқ унинг қизиб бораётган миясига ўтга сув сепилгандек таъсир қилди. Тоза ҳаво миясига дам бериб, фикрини тиниқлаштирди. Шунда қаердандир кўнглига: «Йўлни кесиб чиққанам яхши эмасми», деган ўй келди. Дарҳақиқат, айланма йўл билан боргандан кўра, ўртадан тик кесиб ўтилса, тўппа-тўғри шийпонга чиқилади. Шийпон билан ўрик ораси эса бир қадам. Толиб шийпонга келганида анча ҳолдан тойганини сезди. Шийпонга кўтариларкан, баданидаги титроқ янада кучайиб, тиззалари зирқираб кетди. Бели ҳам увиша бошлади. Қўлидаги калтакка суяниб, ёғоч ўриндиққа аста чўкаркан, ёнгинасидаги устунга ўрнатилган ёққичичи бураб, чироқни ёқиш ҳам хаёлига келмади. Пешонасига тепчиган тер томчиларини кафти билан сидириб, Илёс дўкончининг қабри томон ўгирилди-ю, жиққа ҳўл кафтини артишни ҳам унутиб, бақрайиб қолди. Толиб янглишмаган, Илёс дўкончининг қабри шийпондан янада яхши кўзга ташланар, фақат... фақат қабрининг шийпонга қараган томони ўпирилиб, қорайиб кўринар, ёнида эса қазиб чиқарилиб, сочиб ташланган қорамтир тупроқ уюми... Сочи ўсиқ озгин йигит ўрага энгашганча ниманидир тортиб олишга уринарди. Тупроқ уюми устидаги қўлчиروқ унинг сарғимтир юзини хира

ёритарди. Толиб унга диққат билан тикилди-да, кеча пешинда шийпон ёнида учратган уч йигитнинг бири — жинси шим-куртка кийган, оғзидан арақ ҳиди келмаса ҳам, маст одамдек чайқалаётган заҳил юз новча йигитни таниди. Унинг янги қазилган гўр тепасида шериклари билан тортишгани ёдига тушди: «Овора бўлишга арзийдимми ўзи?» Хумбош тиллари орасидан чирт этказиб тупурди. Узун соч йигит унга ўқрайиб қўйиб гўнғиллади: «Бир дона тилла тиш фалон пул, арзиганда қандоқ!»

Толибнинг кўнглига даҳшатли ўй келиб, сапчиб ўрнидан туриб кетди. Пастга тушиш мақсадида чап қўли билан шийпон устунини ушлаган эди, бармоқлари чироқ тугмасига ботиб, лампочкани ёқиб юборганини ҳам сезмай қолди. Чироқ нурида шошиб қолган йигит ўрнидан тураётиб, тирсаги билан кўзини тўсган эди, кучоғидаги кафанга ўроғлик мурда гупиллаб тупроқ уюмига тушди. Шу дам ўрик ортидан Назиранинг қичқирғи эшитилди:

— Ота-жон-он!

Сағана ортидан қуюндек отилиб чиққан Назира чинқирганча карахт бўлиб турган йигит томон отилди. Сукунатни бехосдан тилган қичқирқ йигитни жойига михлади. Назира чопиб келиб унинг сочига чап солди, аммо қўли етмай, ёқасидан чангаллаб олди. Ёқасини бўшатиш учун жонхололда ўгирилган йигитнинг юзига кўзи тушган Назира янада қаттиқроқ бақириб юборди:

— Уйинг куйгур Ма-ра-ат?!

Исмини эшитган Марат бир силтаб ёқасини бўшатиб. Сакраб ўрнидан тураркан, қайта ўзига ёпишаётган Назиранинг қорнига зарб билан тепди. Кучли зарбдан мурданинг устига учиб тушган Назира мазорни бошига кўтариб додлаб юборди:

— Ойи-жон-он!!! Ка-ри-им!!!

Сағана ортида ниманингдир шитирлагани, кимдир сирғалиб йиқилиб, сўнг ўтларни шитирлатиб узоқлашаётгани аранг эшитилди. Назиранинг Карим дея бақиргани қалбини тилиб ўтган Толиб анҳор томон қочмоқчи бўлган Маратнинг йўлини кесиб чиқди. Бор кучини тўплаб қўлидаги калтак билан Маратнинг юз-кўзи аралаш зарб билан туширди. Марат оғриқдан ярадор ҳайвондек бўкириб юборди. Башараси қоп-қора қонга беланганига қарамай, жон аччиғида Толибга ташланиб, унинг бўғзидан олди. Иккиси бир-биридан қутулиш чорасини топмай, бўғишганча янтоқ устига гурсиллаб қулашди. Шу пайт, қўлида тиғи ялтираган теша, ўра ичидан Маратнинг паст бўйли шериги отилиб чиқди. У ҳансираганча Марат билан олишаётган Толибнинг устига ўзини отди. Назира хира чироқ нурида ялтиллаб кетган теша тиғи Толибнинг елкасига икки-уч марта санчилганини кўрди. Унга ёрдам бергани сапчиб ўрнидан турмоқчи эди, қорнида кўзғалган кучли оғриқдан икки букчайиб қолди. Кўз олдини хира парда тўсиб, мурданинг оёқлари устига шилқ этиб йиқилди...

* * *

Назира қаттиқ чарчаб, донг қотиб ухлаб қолган-у, энди чарчоғи тарқаб, ўзига келгандек фикри тиниқлашиб уйғонди. Кўз олди ёришиб, қуруқшаб қолган лаблари салгина очилди. «Нега ўрнимдан туролмаяман?! Нега ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит?» Назира ички бир сезги билан бегона ерда ётганини ҳис қилди. Нигоҳи хона бўйлаб сирғала бошлади. Дори идишлари унга ғалати туюлди: «Уйда ким касал эди?» У ҳеч нарсага ақли етмай, ёнбошига ўгирилмоқчи эди, биқинида кўзғалган

кучли оғриқдан инграб юборди. Инграши баробар қулоғига онасининг йиғламсираган овози эшитилди:

— Қўзғалма, жон болам, қўзғалма! Нима берай: сувми, чойми?

Шундагина Назира ичига ўт тушгандек қизиб, томоғи қуруқшаб бораётганини сезди. Ҳа, дегандек бош силкиб, тирсагига тиралди-да, хиёл гавдасини кўтарди.

— Қимирлама, сенга қимирлаш мумкин эмас!— Онаси унинг елкасидан босиб, қайта жойига ётқизаркан, чап қўли билан тумбадан совиб қолган чойли пиёланга олиб, лабига тутди:— Ича қол, болам, ича қол! Дориси бор, ич.

Назира дори ҳидидан кўнгли ағдарилиб, бир-икки хўплаган бўлди. Сўнг онасига ўгирилдию кечаги воқеалар лоп этиб ёдига тушди. Ичида бир тўлқин кўзғалиб, бўғзини куйдирганча кўзидан тошиб чиқди.

— Узингни бос, болам, тинчлан, санга ҳаяжонланиш мумкин эмас.— Онаси титроқ овозда шундай деди-да, чўнтагидан дастрўмол олиб, Назиранинг юз-кўзини артди.— Бир ўлимдан қолдинг, болам! Умринг узоқ бўлади.— У ҳўнграб юборди. Пиқиллаганча онасига қўшиларкан, оғзидан узоқ-юлуқ жумлалар отилиб чиқди:

— Онажон, мени кечиринг, ҳаммасига ман айбдорман, ман!

Эшик оҳиста очилиб, ёшгина ҳамшира қиз билан елкасига оқ халат ташлаб олган нотаниш киши кўринди. Кишининг қўлтиғида қизғиш чарм папка. Назира йиғидан тўхтаб, кўз ёшини артиш ҳам эсига келмай, тикилиб қолди: «Ким бу одам? Нима истайди?» Унинг жиддий қиёфасидан ташвишга тушиб, бирдан юраги орқасига тортиб кетди: «Толибга нима бўлди? Тирикми-кан?» Нотаниш киши очиқ чеҳрада саломлашди, ҳамшира қўйиб берган стулга ўтираётиб: «Раҳмат», деб қўйди.

— Район ички ишлар бўлими терговчиси капитан Ҳакимов.

Ўзини расман таништирар экан, гапни айлантириб ўтирмай, муддаога кўчди:

— Мен кечаги иш бўйича.— У нимадир ёдига тушдими, мавзуни ўзгартирди:— Аҳволингиз дурустми?

Назиранинг «ҳа» дея аранг бош қимирлатганини кўриб, чеҳраси ёришди.

— Баракалла, қизим, юрагингизга балли!

Бу киши нега келди экан, деб ўтирган онаси унинг гапидан сўнг пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Қўйинг, опа, йиғламанг! Қизингиз ҳадемай соғаяди, кўрмагандек бўлиб кетасизлар.— У яна Назирага ўгирилди:— Сиздан бир нарса сўрасам, чарчатиб қўймайманми?

Назира: «Йўқ, чарчатиб қўймайсиз», ишорасини қилди. Ҳакимов тиззасидаги қизғиш папкани очиб, қўлига ручкасини олди.

— Кеча кечқурун мазор этагида юз берган воқеани батафсил гапириб бера оласизми?— У Назиранинг жавобини ҳам кутмай, ёзишга шайланди.

Назира нигоҳини бир нуқтага тикканча, уйдан нима мақсадда чиққанию йўлда юрак ҳовучлаб юрганларига-гача, мазор этагида ёниб-ўчаётган чироғу Маратни қандай таниб қолганигача сўзлади. Фақат йўлда Каримни учратганини айтмади. Назира гапини тугатгач, Ҳакимов «Ҳмм», дея ўй суриб қолди.

— Ҳаммаси биз ўйлагандек, аммо...— У Назирага синқом назар солди.— Бир нарсага ҳайронман! Гўрковга хабар етказган йигит у ердаги воқеалардан қандай хабар топди экан? Мазорга ёнбош кўчадан уйига қайтаётиб, кимнингдир бақирганини эшитиб қол-

ган эмиш. Югуриб келиб гўрковга хабар берибди. Гўрковга нима деганини биласизми?

Назиранинг ичиди нимадир узилиб кетгандек бўлди. Ҳақимов ҳеч нарса сезмагандек сўзида давом этди: — Эндигина тўйдан қайтиб, ечинишга ҳам улгурмаган гўрковнинг гапига қараганда, Карим, яъни бояги йигит: «Исроил ака, тезроқ боринг, Толибни уриштири, мазор этагида», деган-у, орқа-олдига қарамай, уйига югуриб кетган. Гўрков кичик ўғли билан мазор этагига югуриб борса, Толиб қонга беланиб ётган экан. Очилган гўр ёнида эса қафанга ўроғлиқ мурда... Қисқаси, «тез ёрдам» вақтида етиб келмаганида, сизнинг ҳаётингиз ҳам хавф остида эди. Лекин, менинг кузатишимча, мазор этагида уч-тўртта из бор. Улар ҳақида сиз айтиб бердингиз, аммо... биласизми, ҳид олган ит излардан бирини гўрковнинг эшиги тагида йўқотди. Бу ҳид Каримники бўлса, у ҳам фожиа юз берган жойда...

Ҳақимовнинг: «Фожиа юз берган жойда...», деган сўзларидан Назиранинг юраги орқасига тортиб кетди. «Наҳотки, Толиб...» Юрагини ўттириб тигдек тилиб ўтган ўй уни каловлантириб қўйди. Тез-тез нафас оларкан, бор кучини тўплаб тирсагига тиралди:

— Толибга... — У ортиқ бир сўз гапиролмай, капитанга қўрқув аралаш тикилиб қолди.

Ҳақимов Назиранинг дардли кўзларидан нигоҳини олиб қочибдан бошқа илож топмади. Охириг умиди ҳам пучга чиққан Назира шилқиллаб ўрнига чўзиларкан, кўксидан отилиб чиққан фарёд хонани тутди: — Ҳаммасига мен айбдорман! Мен, мен!!!

* * *

Толибни сўнгги манзилга кузатишга узоқ-яқин қариндош, таниш-билишлар, маҳалла аҳли йиғилди. Мазор этагидаги шийпон ёнида, мевага кирган кекса ўрик дарахти остида қизил бахмалга ўралган тобут. Йиғилганларнинг ҳам соя солган чеҳралари, оёқлари остига қадалган нигоҳларида дард ифодаси. Воқеа тафсилотини билганлардан сўраб-суриштираётганларнинг кўзларида ғазаб, бармоқлари мушт бўлиб тугилган. «Ит эмганлар! Қабрни очиб, мурданинг тилла тишларини қоқиб олмоқчи бўлибдиларми-а? Кимдан таъмин олган бу ит эмганлар?!»

Кеча кечқурун Толибга сўнгги манзил бўлган шийпонда маҳалла кексалари, фаоллар, масжид муллasi ўтиришибди. Тобут атрофида ола чопони устидан белини сириб боғлаган Исроил гўрков, ўсиқ сочларига дўпписини бостириб олган Холмат, бир-икки қариндошлар бош эгиб туришарди.

Уриқдан йигирма-ўттиз қадам нарида, эски сағанана яқин ерда бир йигит кўзлари бежо турарди. Бу йигит — бир кечада сочлари қордек оқариб кетган Карим эди.

Жаноза ўқилгач, Файзулла қоровул сакраб гўрга тушди. Холмат ва икки тоғаваччаси бахмал ёпинчиқни очиб, тобутни кўтаришди. Исроил гўрков гарангсиб тобутга ёпишмоқчи эди, Ориф полвон қўлтиғидан тутиб қолди. Шу он чор-атрофга гўрковнинг ўтли нидоси таралди: «Мени кимга ташлаб кетяпсан, болам! Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди, болам! Сен мени кўмиш ўрнига, мен сени кўмсам, болам!..»

Карим ич-ичидан тошиб келаётган тўлқинни тутиб қололмаслигига кўзи етиб, пасти лабини алам билан тишлаганча маросимдан узоқлашмоқчи бўлди. Гўё, бу ердан тезроқ кетса, кечаги воқеалар ҳам, Назира, Толиб, улар билан боғлиқ кечмишлар ҳам ортда қолади-

гандек. У эҳтиёткорлик билан ўт-ўланларни босиб, беихтиёр кеча кечқурун Назира иккаласи ваҳима ичра туриб қолган сағана ортидаги сўқмоққа бурилди. Бурилдию жойида таққа қотди. Осмондан тушдимми, ердан чиқдимми, қаршисида пайдо бўлган Ҳақимовга кўзи тушиб, юраги орқага тортиб кетди. Узига тикандек қадалган нигоҳга дош беролмай, кеча кечқурун ўзи жонҳолатда югуриб кетган ёлғизоёқ йўлга бақрайганча қотиб қолди.

* * *

Тун чўқди. Осмон олтин исирғасини тақди. Бу ҳам камдек, сал юқорироғига шабнамдек марварид қадади. Борлиқ эртақлардаги каби сеҳр оғушида.

Файзулла қоровул уйига жўнаш олдидан одатига кўра яна бир мазор этагини айланиб келишни мўлжаллади. Этакдаги яқинда экилган олма ниҳолларига сув очиб кўйгани ёдига тушиб, оёғи тортмай турган бўлса ҳам одатини қанда қилмади. Бир йўла сувни ҳам беркитиш мақсадида кетмонни елкасига ташлади.

У саҳар намозига турганидан бери бир зум тиним билмаган эди. Пешингача иккита гўр қазиди. Исроил гўрковнинг қон босими ошиб, ётиб қолгани учун ўликларни кўмишгача асосий оғирлик унга тушди. Пешиндан сўнг мазор этагидаги шийпон ертўласи эшигининг зулфи, қулфини янгилади. Гулзордан кўчириб келтирилган бир туп атиргулни Толибнинг қабри олдига ўтказди. Сўнг чўк тушиб тиловат қилди, анча вақт Толибни эслаб ўтирди. Кеча яқин лой қориб, сомон аралаштирди-да, ҳафсала билан қабрни сувади. Уз ишини мамнун кўздан кечириб, бошқа юмушларга унади. Мана, энди мазор этагини яна бир кўздан кечириб чиқса, бугунги юмуш тугади, ҳисоб, уйига жўнайди.

Димоғида қандайдир кўшиқни ҳиргойи қилиб шийпонга яқинлашган Файзулла қоровул қулоғига чалинган гўнғир-гўнғир товушлардан жойида қотди. «Ким бўлиши мумкин?! Алламаҳалда-я?! Товба, мазорга кўз тегди ўзи». Унинг хавотирида кечаги воқеа таъсири сезилиб турарди. Қоровул кетмон дастасини маҳкам чангаллаганча эҳтиёткорлик билан шийпон атрофини кўздан кечириб чиқди. Ҳеч зор кўринмади. Таажжубдан елкасини қисиб, олма ниҳоллари томон бурилган эди ҳамки, гўнғир-гўнғир овоз яна эшитилди. Кўнгли бир нарсани сездими, ёки бехосданми, шийпон ертўласи лоп этиб ёдига тушди. Оёқ учиди ертўла эшигига яқинлашиб, чўк тушди. Чўк тушдию лаблари титраб, ранги гезариб кетди. Кундузи не машаққатлар билан ўрнатган зулфин узилиб ётар, янги қулф ҳам кўринмасди. Қия очиқ пастак тахта эшик тирқишидан кўнгилини оздирувчи папирос ҳиди сизиб чиқар, гўнғир-гўнғир овозлар ҳам шу ердан эшитиларди. «Толибни ўлдирганлар — шулар! Хи, онангни...» Файзулла қоровулнинг хаёлига келган фикр шу бўлди. Нима қилиш керак? Олдинига у битта-яримтани ёрдамга чақириб келишни ўйлади, лекин шу заҳоти фикридан қайтди. «Қочиб кетишади, ярамаслар, қочиб кетишади!» Устларидан қулфлаб қўяй, деса, иложи йўқ. Бир оз ўйланиб турдию нима қилиб бўлса ҳам уларни бу ердан чиқармасликка аҳд қилди. «Қонини ичаман, қочиб бўпти, хи!»

Вақт имиллаб ўтар, қоровул кетмон дастасини чангаллаганча қулоқларини динг қилиб, ертўла эшигидан кўз узмай ўтирарди. Охири гўнғир-гўнғир овозлар тинди-да, ертўладагилардан бири эшикка яқинлашиб, уни оҳиста очди. Файзулла қоровул нима қилишни ҳам ўйлаб ўтирмай кетмоннинг даста томонини боши узра азот кўтарди. Пастаккина ертўла эшигидан эмақлаб

чиқаётган жингалак соч йигитнинг хумдек боши кўриниши билан аяб ўтирмай чунонам солдики, бечора жон аччиғида чинқириб, ортига қочиб кириб кетди. Ертўладан сўкиш, таҳдид овозлари эшитила бошлади. Қоровул таҳдидларга қулоқ солмай, кетмон дастасини яна боши узра кўтарганча қимирламай турарди. Кўп ўтмай пастаккина тахта эшик ғийқиллаб очилди-да, маст одамнинг жаҳл аралаш сўкиши эшитилди:

— Ҳо, онангни... Яхшиликча кет бу ердан. Бўлмаса чиққан жойингга тиқиб ташлайман. Шу ерда жанозангни ўқишади. Ти, восмёрка!

Файзулла қоровул бу дағдагадан юраги бир орқага тортди, орқа-ўнгига қарамай қочвормоқчи ҳам бўлди. Аммо Толибнинг мажруҳ гавдаси кўз олдига келдию кетмон дастасини қаттиқроқ чангаллади. «Сўк-а, сўк, қутилиб бўпсан мандан!» Шу пайт ертўла эшигидан пичоқ тутган кўл кўзга ташланди. Пичоқнинг тиғи ой нурида совуқ йилтиллаб кетди. Қоровул мўлжаллаб туриб бир туширган эди, тиғ ортга чекинди, кетмон дастаси эса ертўла остонасига терилган пишиқ ғиштга зарб билан урилиб, икки бўлак бўлди. Устига устак, Файзулла қоровулнинг ўзи ҳам мункиб кетди. Мункиётиб, яна тиғнинг совуқ йилтиллаганини илғади. Ертўла эшигидан ўқдек отилиб чиққан Марат пичоқни унинг бўйнига санчишга чоғланди, бироқ қандайдир зарбдан думалоқ ошиб, чалқанча йиқилди. Тиғ йилтиллаган заҳоти: «Улдим, тамом», дея кўзларини чирт юмиб олган қоровул бир неча дақиқа ўзига келолмай ётди. Ўзига келиб эса кўзларига ишонмади: Марат билан хумбош шериги кўллари орқасига қайрилганча ерда думалаб ётишар, икки барваста нотаниш йигит энгашганча уларнинг кўлига кишан солишмоқда эди. Файзулла қоровул чуқур тин олиб, бир четга учиб кетган дастаси синиқ кетмони томон бурилган эди, қаршида кулимсираб турган Ҳакимовга кўзи тушди. Кўзи тушиб, севинчдан хўнграб юборди...

Бир неча сония аввал булутлар бағрига яширинган ой яна сузиб чиқди. Оламни чигирткалар хониши тутди. Борлиқ яна эртаклардаги каби сеҳрга чўмди.

«Интиҳо» қиссаси ҳамда япон ёзувчиларининг ҳикояларига ишланган суратлар муаллифи А. АНОСОВА.

Ғайрат Раҳматуллаев
1950 йилда Тошкентда туғилган.
ТошДДнинг филология куллиётини тугатган. Ҳозир жумҳурият радиосида ишлайди.

«Ёшлик» ойбитиғида «Бир сиқим тупроқ» қиссаси (1982 й.) эълон қилинган.

Нормўмин Эрқаев



Курашчи

*Мен ўлимга отилган ўқман.
Далалардан учиб ўтарман,
Тоғ-тошни ҳам тешиб ўтарман.*

*Дил, ўзингга тилагин тўзим,
Уммон билан олишай бир зум,
Тўфон билан талашай бир зум.*

*Фақат макр дуч келиб беҳос,
Ростгўй дилга қадалмасам, бас,
Нишонимдан адашмасам, бас...*

* * *

*Энди сен йўқ, тирналар юрак,
Бош чайқашиб хўнгарар дарахтлар.
Безовтаҳол тўзон кўтарар
Қовжираган, қуйган япроқлар.
Энди сен йўқ, тирналар юрак,
Ҳаволарда айтмаган сўзим.
Ҳаёт мисли тўлган бир варақ,
Севдим дегин ғойибдан, Севгим...*

Ота

*Замондан замонга ўтади Замон,
Ғўза пайкалларда сўлади армон,
Умр — елкангиздан тушмаган осмон,—
Шафаққа қўшилиб кетяпсиз, отам.*

*Нечун қишлоғимга ҳамон кетмадим,
Нечун қадрингизга омон етмадим,
Қирза этигингиз бир бор ечмадим.
Фалакка қўшилиб кетяпсиз, отам...*

* * *

*Агарда юлсалар сизни, берармисиз дош
Узилаётган умр товушига, қизғалдоқ?
Яшил гиламларда туғилиб, ўлса Кувейш,
О, сўлмайсизми?!*

*Гезарган лабларда учрашса қайғу ёшлар.
Баланд пошналарда тўқнашса рост ва ёлгон,
Сирпанчиқ йўлларда эзғиланса бошлар,
О, сўлмайсизми?!*

Муҳаммад Очил



Қашқадарё вилоятида туғилган. ТошДДнинг биология-тупроқшунослик куллийтини имтиёзли тугатган. Вилоят Ленин Комсомоли мукофоти совриндори. ССЖИ Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. «Ҳажв гулдастаси», «Қуллуқ», «Нишонга теккан ўқ», «Шайтон операцияси», «Бермуд учбурчаги» ҳажвий тўпламларининг муаллифи.

ШАПАЛОҚ

Ҳикоя

Ноҳия рўзномасида бир мақолам чиқди-ю, бурним араванинг шотисидай кўтарилди-қолди. Ҳатто осмонга боқиб юриб, икки-уч марта кўлмак сувга ҳам оралаб кетибман...

Бу гапларни эшитиб, эҳтимол сиз каминани қалами ўткир муҳбирлардан бўлса керак, деб ўйлаётгандирсиз. Ҳеч-да! Бор-йўғи колхозда оддий почтальонмиз. Бир-иккита оғзидан ел ўйнаб кириб, ел ўйнаб чиқадиганларнинг «Пўлат пўрриқ» деб учирма гап қилишларига эйтибор бермай, «Пўлат пўчта» десангиз бўлади, этаги белига турмакланган боладан тортиб милкида тиши арғимчоқ ўйнаб қолган чолларгача «Ҳу, ана» деб каминани кўрсатиб қўйишади. Лекин, ўзим газет-журналнинг ичида юрганам билан, шу пайтгача қизларга аталган (у ҳам ёшлик даврларимизда денг) «изҳори ишқ» мактубларидан бошқа қоғоз қоралаган одам эмасман. Муҳбирликка эса ишқимиз тўсатдан тушиб қолди. Тўғрироғи, ҳаётнинг ўзи мажбур қилди. Бир ҳафтача бурун офтобрўяда, пўс-такда ёнбошлаганча пинакка кетиб ўтиргандим, кампир энамиз чақириб дашном бериб қолдилар:

— Сўқимга ўхшаб ағанаб ётгунча, фермага бориб озроқ ем-пем ундириб кесанг бўлмайдимиз? Оғилда инанг ҳасса таяниб турибди. Ковш қайтарай деса, оғзида сўлағи ҳам йўқ жониворнинг. Баччагиналаринг бўлса бир қошиқ оқликка зор. Буғалтер ҳамсояннинг гўнажанига қара, елини ёрилиб кетса бир ҳовуз сут беради... Нима, бизники ўғаймиди...

Энамизнинг жаҳллари ёмон. Гапини икки қилсангиз, гармдори чайнатади. Мен-ку ҳали боласи, олтмиш олтига кирган ўзимдек бўшбаёвгина отам энамга гап қайтаргандан буён ҳалигача даҳлизда чопон ёпиниб ётади.

Шу боисдан «Волидан-мушфиқнинг гапини икки қилганнинг тилига тирсақ чиксин», дедим-у дарҳол колхоз томон йўл олдим. Борсам ҳаммаёқда дув-дув гап. Ҳа, нима эмиш, ёш чўлиқ Дали дўнги кеча отарга оралаган хангидай бўри билан яккама-якка олишиб, уриб ўлдирганмиш...

Хурсанд бўлиб кетдим. Нега десангиз, Дали дўнги бизга сал чатишган қариндош ҳисобланади. Уни бўри билан олишиб енгиб чиқишига ҳам ишончим комил. Чунки Дали-

бойнинг отаси ҳам кўп чекагир чавандоз, бунинг устига полвон одам эди. Якка ўзининг бир ўтиришда уч кило гуручнинг ошини ошаб, ёғига нон ботириб еб, юқини қоши билан маҳсисига суркаб, сўнг кекириб ўрнидан туриб кетганини ўз кўзим билан кўрганман. Даливой, ана шу полвоннинг «супра қоқди»-си-да!

Шу тариқа ўзимча хаёл суриб, оғзим қулоғим билан ўпишганча хурсанд бўлиб тургандим, узоқдан Дали дўнгининг қораси кўриниб қолди. Даливойнинг афти-башараси бўйни аралаш оқ мато билан боғлаб ташланганди. Афтидан, жанг осон кўчмаганга ўхшайди. Уруғимиздан шундай қаҳрамон етишиб чиққанидан қувониб кетиб, Дўнги билан кучоқлашиб кўришдим.

— Бир кунда элу халқнинг назарига тушиб қолдим, тоға,— деди Даливой ҳам гердайиб.— Бугун кечга ферма мудирини чойга айтган. Эртага эса пешинда бош зоотехникни кига! Энди, тоға, сиздан бир илтимос бор. Газет-журналнинг ичида аралашиб юрадиган одам-сиз. Мана шу воқеани газетга ёзиб чиқарсангиз... Уқиб, зора ферма мудиримизнинг қизи тўйимизга розилик берса! Йўқ деманг, тоға... Ана, Холбой чиноқ газетда бир чиқдию ҳаш-паш дегунча бош чўпонликка кўтарилди. Лекин-чи, чимилдиққа кирган куним битта олача чопон кийдирардим-да. Майли, муштлаб тикилган ўн қоп сомон ҳам бераман...

Қизлар учун амма-хола қандай ўрин тутади билмайман-у, аммо мен сизга айтсам, тоға учун энг яқин жигар бу жиян бўларкан. Мана, Дали жияннинг зийраклигига қаранг, кўзимга тикилиб туриб, ҳатто сомон кераклигини ҳам сезибди-я. Ваъдани қуюқ қилиб, унга қайтдим. Айтилган сўз— отилган ўқ. Шу боис эртаси куни саҳарда ноқ стулга ўтириб, елкага гуппи чопонни ташлаб, бошни беш панжа билан қашлаб, қаламнинг учидан тишлаб, ҳар замон-ҳар замонда мияни памил чой билан пешлаб, икки варақ қоғозни қоралаб, кон-вертларнинг энг сарасидан саралаб, ичига солиб елимладим-да, «газет идораси» қайдасан деб йўлга тушдим.

...Кичкинагина хонада жиккакгина йигитча мени илтифот билан кутиб олди. Олдин ёзганларимга, сўнг ўзимга кўз ташлади.

— Яхши воқеа экан,— деди ниҳоят негадир менга эмас, шифтга тикилганча узун сўлиш олиб.— Қайта ишласа бирон нарса чиқар...

Ҳа, айтгандек, бу бўрини нима қил-диларинг?

— Кўмиб ташлашган бўлса керак. Ука, энди шуни бир иложини...

— Бўпти,— бош силкиди мухбир йигит. — Нўмерга қўйдираман. Эртага ўқийсиз. Лекин, шу шарт биланки, бизга тез-тез қатнашиб турасиз. Чунки, ишчи-деҳқон мухбирларининг хат-хабарларига биринчи ўринда эътибор берамиз.

Гапнинг рости, шу ушоққина боланинг «эртага ўқийсиз» деганига ҳеч ишонгим келмади. «Катта кетдинг-ов, укағагарди ули?!»— деб қўйдим ичимда. Тўғри-да! Мана бизнинг колхозда Гулмат гўшна деган одам бор. Савлатини кўрсангиз, аждоди филдан тарқалганми дейсиз. Ана шу барзанги «Аралаш моллар магазини»да мудир. Мабодо Гулматдан:— Ҳой, гўшна! Сенда палончи нарса топиладими?— деб сўраб қолгудек бўлсангиз, дарҳол жавоби тайёр:— Пистончи куни келинг, тайёр қиламиз! Айтган куни йўқлаб борсангиз яна ўша думи хуржун ваъда... Шундай савлатдор одам айтганини қилолмагандан сўнг, бундай жиккакларга йўл бўлсин... Йўқ, акалар гап гавдага қараскан. Эртаси куни сизга ёлғон, менга чин, «лоп» этиб «Йиртқич билан олишув» деган мақола босилиб чиқса бўладими! Тагида эса каминанинг исми-шарифлари. Фақат паспортимда ёзилгандек «Тахиров Полад» эмас, балким «Тоҳиров Пўлат» деб битилган. (Қаранг, шу баҳонада исм-шарифимни ҳам тўғри ёзилишини ўрганиб олдим). Бир сўзли одамларнинг садағаси кетсанг арзийди. Хурсандчилигимдан босар-тусаримни билмай катта кўчага отилиб чиқдим. Бурун осмонда, кўлмак оралаб кетаётгандим, шанғиллаган овоздан ҳушёр тортдим. Қарасам, ўқитувчи қўшним хотини билан «ади-бади» айтишиб турибди. Икки ҳатлаб уларнинг ўртасида пайдо бўлдим.

— Ҳў-ў, шляпа! Ҳў, улама соч!— ўдағайладим ҳамсояларга.— Бу нима ғиди-биди-а! Энангларнинг нақ Учқўрғондан кўрсатиб қўймайин тагин. Биласиларми, мен энди кимман?!

Шундай дея костюмимнинг ички чўнтагидан ҳалиги мақола босилган газетани шартта олиб, эрининг иягига нуқидим.

— Ҳўдингларми? Вот-т!.. Биз шунақамиз! «Тарбияга муҳтож тарбиячилар» деб энди сизларни ёзмамиз-да?!

Ёпирай, газетнинг кучини кўринг. Шу заҳотиёқ қўшнилари балет тушишаётгандек оёқ учларида

оҳиста йўрғалашганча имо-ишора қилишиб, кўча саҳнидан бир зумда ғойиб бўлишди.

Кайфиятим кўтарилиб кетди. Қўшиқ хиргойи қилганча яна сал нари юргандим, боғ қоровули Тонготар бобо тутзорга адашиб кириб қолган бизнинг ола ғунажинни калтаклаётганига кўзим тушди. Дарҳол газетани силкитганча чолнинг ёнига етиб бордим.

— Ҳў-ў, салла! Борми ўзи калла? Нега табиат жониворига азоб бера-япсиз? Нима, сигир «Қизил китоб»га кирмади деб, уни ҳақоратлаш керакми? Йўқ, адашасиз... Мана, ўқинг!— шундай дея шартта газетани бобойнинг олдига дастурхон қилиб ёздим.— Меники... Вот-т! Биз шунақамиз! Бу сафар «Табиат зараркундаси» деб ўзларининг устидан-а?

Ё, тавба! Шу тобда қаламнинг учи жуволдизнинг учидан ўткирроғмикин деб ўйлаб қолдим. Тонготар бобо сигирнинг сағрисидан силаб, қайта-қайта ундан ва мендан уэр сўраб жўнаб қолса бўладими!

— Қизик,— дедим ўзимга ўзим вужудимда қандайдир ғайритабиий қудрат сезиб.— Кунора икки-уч мақоласи патиллаб чиқиб ётган ёзғувчи акаларимизнинг нега хурсандчиликдан юраклари портиллаб ёрилиб кетмайди-а? Бўлди энди, бундан кейин ёзишни касбикор қилганим бўлсин. Пўчтачилик ҳам ҳунар бўлди-ю. Шу пайтгача товонни чақа қилишдан бошқа кароматни кўрганим йўқ. Ҳа, айтгандек, бу Дали жияннинг ўзи газетти ўқидимкин?

Кўнги ёлғон, асли ўзи тўғри-да. Ҳали хаёлимни йиғиштириб улгурмасимданоқ Дали дўнгининг ўзи ҳаллослаганча етиб келиб қолди. Ҳойнаҳой, жиян бизга қуллуқ қилмоқчи-ёв деб кучоғимни кенг ёзгандим, бетавфиқ юзини терс ўгириб олса бўладими! Ҳайратим ошиб:— Иби, ҳа Даливой?— дегандим, олган жавобимиз шу бўлди:

— Сал шошибсиз-да, тоға! Шошган пишак кўр туғаркан. Одамни кўпчилик олдида шарманда қилдингиз-ку!

— Ие!— аччиқланганимдан чакка томирим бўртиб чиққанини сездим.— Ҳали хизматга тухматми? Қизик бачча экансан-ку! Узинг айтмадингми, ахир...

— Э-э,— дея қўл силтади Дали дўнги.— Ҳўзи айтди деб ҳаммаёққа жар солаверасизми? Қоронғида кампир ҳам киз кўринаркан... Мен ўлдирган бўри эмас, қишлоқнинг дайди кучуги бўлиб чиқди. Қорон-

ғида занғар кўзимга бўри бўлиб кўринган экан...

Ростини айтсам, шу дамда Дали дўнгидан жуда хафа бўлиб кетдим. Яна жиян эмиш! Э-э, қанақасига жиян? У ер-бу ерда икки-уч марта «тоға, тоға» деб суйкалганига, сағир боланинг сазаси ўлмасин деб, бош силкиб қўя қолган эдим. Бўлмаса, бизнинг палакдан бунақа сапача қариндош чиқмаган. Асли, бунинг отаси бемаза одам эди. Эсимда, бир куни бизникида отам билан гаров ўйнаб тўрт кило гуручнинг ошини еёлмай кўзи олайиб қолганди. Ушанда, отам бечора кўрққанидан «ўлиб-нетиб қолса нима қиламан?» деб кечаси билан мижжа қоқмай чиққанди. Дали дўнги ана шу одамнинг боласи-да! Отаси хол қўйгандан кейин ўғли қурбақанинг кўзини уриб чиқарармиди?! Мана, «қахрамон»лигининг чуви чиқиб қариндошчиликка қоракуя суртиб ўтирибди. Ҳа, занғар, мухбирлигининг ҳадисини энди олай деб тургандим-а!

Шу воқеадан кейин носкодисини йўқотган носкашдай икки-уч кун ўзимга келолмай юрдим. Аммо яна бир ҳодиса сабаб бўлди-ю, қаламни қайтадан қўлга олишга тўғри келди. Қўшни колхозга тўйга боргандим, эски танишлардан— шу хўжаликнинг маданий ишлар бўйича раис мовуни Норқизиков деган одам билан бир товоқдан ош еб қолдик. Газетдаги мақоламини ўқиган экан, у олдин «янги касб» билан мени табриклади, сўнг оғзидан гуруч доналарини сачратганча мақтанганнамо деди:

— Шуям воқеа бўптими? Мана биз жужуқларга отаб бир боғча қураяпмиз, кўрсанг, оғзинг нақ сабзи ўрадай очилади-қолади. Иморат эмас, сарой дейсан. Бир ҳафтадан сўнг ишга тушади. Оғайним бўлсанг, ёз шуни!

Оғайниларнинг гапини қайтариш инсофдан эмас. Аммо бир марта оғзим куйганлигидан бу сафар Норқизиков айтган ўша қурилишни эринмай бориб кўрдим. Дарҳақиқат, қўш қаватли ғиштин иморат анча бўй чўзиб қолган экан. Қурилишдан узоқ одам бўлганлигим учун, ҳар эҳтимолга қарши, қайта сўрадим.

— Ростдан ҳам бир ҳафтада тугатиб, фойдаланишга топширасизларми? Нега унда қурилишда ишчилар кўринмайди?

— Сўзим ёлғон чиқса, отамнинг боласи эмасман!— қасам ички раис муовини. Ҳатто-чи, бир ҳафтага ҳам чўзмай, келинчакнинг юзидай ўсма-хинасини келиштириб, ишга

туширамиз. Иккинчи саволингга келсак, жўражон, душанба қурилишда дам олиш кун. Шунингчун бугун ҳеч қим йўқ... Кейин, бу объектни шахсан ўзим оталиққа олганман. Дунёга келиб биз ҳам бир газетга чиқайлик-чи, ҳеч бўлмаса пенсияга фойдаси тегадир... Ие, нега ишонмайсан. Ёлгон гапирсам, отам боласи эмасман дедим-ку!

Шунча гапдан сўнг ишонмай бўладими? «Ота ўғли» оғайнимнинг кўнглини чўктирмастик учун бир ҳафтани ўтказдим-у, «Боғча ишга тушди» мазмундаги хабарни газетга жўнатдим. Мухбир бола бало экан. Қаранг, орадан уч кун ўтгач, бу мақола ҳам босилиб чиқса бўладими. Яна бурун осмонда, кўлмак оралаб дуч келганига дўқ-пўписа қилиб юрдим. Ҳурмат-иззатни кўриб баттар ҳаволини кетдим. Уша ўзингиз билган ола ғунажинни бозорга чиқариб сотиб, пулига ёзув машинкаси, ўн дона шарикли ручка, бир шакар халта оқ қоғоз олиб қайдим. Болаларни энаси билан бирга сандаллик ҳўжрага «командировка» қилиб (бу ёғи куз яқинлашиб қолганди), ўзим печкали уйни ижодхонага айлантириб олдим. Шу тариқа пўтчаликни бутунлай йиғиштириб, мухбирликка энди муккамдан кетай деб тургандим, тўсатдан редакциядан «чакириқ қоғози» келиб қолди. Ҳойнаҳой, янги топшириқ беришса керак, деган ўйда ўпкални қўлтиқлаганча бир зумда етиб бордим. Яна ўша менга таниш кичкинтой мухбир укамнинг ўзи қарши олди. Аммо бу сафар негадир унинг пешонаси мола қилинган майдондай тарамтарам, қоғоғи эса сузма халтадай осилиб турган экан.

— Биз сиздан хафамиз, — деди у салом-аликни ҳам насия қилиб. — Нега ёлгон ахборот бериб газетхонларни чалғитасиз? Сиз «битди» деган болалар боғчаси ҳалигача ишга тушмабди-ку? Сиз қаламга олган ўша қурилиш икки йилдан буён туя гўшти еб ётган объект экан... «Бўрингиз»ниям тарихини эшитдик. Мана, сиз учун ҳайфсан олиб ўтирибмиз, Буни бизнинг тилда, эмаган сомсага пул тўлаш, дейишади...

...Редакциядан калтак еган одамдай эзилиб чиқдим. Чиқдим-у, йўлни тўппа-тўғри қўшни колхоз томон солдим. Бориб не кўз билан кўрайки, дарҳақиқат «бир ҳафтадан сўнг битиши лозим бўлган» қурилиш олдин қай ҳолатда кўрган бўлсам, ўша туришда турибди. Жаҳлим чапқайиға чиқиб кетди. Тепа сочим тикка бўлиб, раис муовинини излаб

топдим-да, бор захримни унга тўкиб солдим.

— Нега нотўғри ахборот бериб мени чалғитдинг? Сени деб отамдан эшитмаган сўкишни эшитдим. Буни бизнинг тилда эмаган сомсага... Ёлгон гапирсам «отам боласи эмасман» демаганмидинг?!

Норқизиқов осмонга қараб оғзини очиб, қорнини силкитиб кулгандан сўнг, табассумининг таҳини бузмасдан елка учирди.

— Ҳали-ям отамнинг боласи эмасман! Отам ёшлигимизда бизни ташлаб, бошқа аёлга уйланиб кетган. Бизни энам тарбиялаган... Уқдингми? Энди газетда чиқишга бир кўнгимиз сушт кетганди-да! Биров бир нима деса, ишониб ёзаверасанми, меров! Кўрпангга қараб оёқ узатсанг-чи...

Ҳанг-манг бўлганча хода ютгандек қотиб қолдим. Ҳушим ўзимга келгач, аччиғим чиқиб кетди. «Одамларга ўзи яхшилик ёқмаскан, — дедим аламимни тупугимга қўшиб ютарканман. — Шошмай турларинг, энди бирортангни ҳам мақтаб бўлман, энафарлар! Кўзимга кўринганингни пелитун қилиб мухбир укамнинг олдида бир айбимни ювмасам!»

Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас деганлар. Ота ўғли одам айтганини қилади. Отамиз... э, узр, энамиз бизни бир сўзли қилиб тўққанлар. Шу боис, эртасигаёқ ниятни амалга ошириш учун қора чарм жилд қопланган дафтарни кўйинга солиб, қора кўзойнакни қаншаримга кўндириб (кимдандир пелитунчилар шундай юради деб эшитгандим) ишга киришдим. Сергайрат йигит эмасманми, кечгача кўйин дафтарим фактлардан қаппайиб қолди. Энг «шубҳали шахс»ларни алфавит тартибда алоҳида бетга ёзиб қўйдим:

1. Алимардонова Холчучук — 32 ёш. Бригадир. Қайноасининг таъкидлашича, Холчучук «терим»ни баҳона қилиб бир ҳафтадан буён ярим кечада уйига қайтармиш. Баъзи кунлари, ҳатто дала шийпониде тунаб ҳам қоларкан. Тунда нима иш қилади, синчиклаб текшириб кўриш лозим.

2. Бурҳонов Итолмас — 26 ёш. Ўзи ёш бўлса-да, аммо бош агроном вазифасини эгаллаб юрибди. Утган йили ғўзапоя сўраб борганимда: «Бу йил, ака, ғўзапояни майдалаб ерга ўғит қилиб соламиз», деб ваз-қарсон кўрсатганди. Наҳотки бу тирранча ғўзапоядан халқ хўжалиғида нималар олиншини билмаса? Фирт саводсиз одамнинг

гапи-ку, бу ахир! Мабодо раисга қариндош эмасмикин?

3. Бўтаев Жўлли — 56 ёш. Касби қассоб. Тунов куйи экономистнинг энасининг «пайғамбар тўйи»да Жўлли қассоб қўй сўйганда унинг тўпигидан оғзи билан пуфлаб шишириш ўрнига велосипед насоси билан ел бериб жонлиқнинг терисини шилди. Ота-боболаримизнинг удумини бузишга ким ҳуқуқ берди унга?

4. Фозиев Сотқин — 67 ёш. Отини яшириб, ўзига «Саша бобо» деган ном қўйиб олган. Нега бу одамга «Сотқин» деб ном қўйишган. Ёки бирор жойда-а? Сўраб-суриштириш лозим.

5. Шаропов Тўқбой — 35 ёш. Мактабда жисмоний тарбий ўқитувчиси. Тўйларда кураш тушиб жамғармисига «Москвич» машинаси сотиб олган. Негадир, отасидан кўра ҳамсояси Носир носфурушга ўхшаб кетадиган белгиларини сезгандай бўлдим... Орияти йўқ йигит экан-да. Гап ташлаб кўриш керак.

...«Қора дафтар»даги қаламимга илинган «номзодлар»ни яна икки-уч бор синчиклаб ўрганиб чиққач, стулга ўтирдим. Хўш, кимдан бошлаймиз? Ие, шунга ҳам бош қотириш керакми? Албатта, Холчучукдан-да!

Нега десангиз Холчучук рўйхатнинг бошида турибди. Иккинчидан, қайта текшириш мобайнида бошқа номзодлар нобоп чиқиб қолди. Жумладан, бош агроном Итолмас Бурҳонов буғалтернинг «солдат» тўйида раиснинг ўнг ёнбошида ўтирди. Баъзи миш-мишларга қараганда, у раиснинг қизи билан чеккачеккада дон олишиб юрармиш. Демак, биқинидан жой олиб ўтириши ҳам бежиз эмас... Агар, иш шу тарзда кетадиган бўлса, яна тўққиз ойдан сўнг раис бовага куёв бўлиб турибди-да. Шундай одамни пелитун қилиб бўладими? Раиснинг олти ўғли орасида яққола янгона эркаси шу қизи бўлса, севикли куёвини хор қилдириб қўймас. Шу боисдан Итолмасбойнинг устидан чизиқ тортишга тўғри келди.

Жўлли қассоб ҳам жўмард экан. Секин олдига бориб: — Устингиздан шикоят бор. Пелитун қилгани келди! — деганими биламан, бойнинг оғзидан носи, кўлидан пичоғи тушиб кетса бўладими! Сўнг патак соқолини юзимга ботириб «чўлп-чўлп» этиб ўпа кетди. Отанг қатори одам, бўйинингга осилиб, қўлтиғингга кўйининг бир сонини солиб юборса, гап тополмай каловланиб қоларкансан киши. Шундай одамни «қора дафтар»да сақлаб бўладими?! Шартта фамилияси-

нинг устидан бир эмас, иккита чиқиқ тортвордим.

Саша бобонинг саксон саккизга кирган кампир энаси бор. Ушандан:— Момо, нега одамлар улингизни Сотқин деб аташади?— деб сўраганим, негадир кампиршо кўзига ёш олди.

— Э, ярамга туз сепдинг-да, бачам,— деди у тамшанганча.— Етти болани кетма-кет ерга берганман. Турсунтош ҳам дедим, Қолсинбой ҳам дедим, барибир биронтаси турмадиям, қолмадиям. Шугина болани Сотқинбой деб тирик олиб қолганман. Лекин у ҳаётда сотқинлик қилгани йўқ, урушгаям биринчилардан бўлиб кетган. «Саша» деган номниям ўша ёқдан олиб келган. Болагинам ҳозир эски контузиси кўзиб баннисада ётибди. Ҳай, бачам, нега сўроқлаб қолдинг?

Гапнинг очигини айтсам, чўчиб кетдим. Тўғри-да, уруш инвалидига қарши бир нарса деб бўладими? «Уғлингиз ҳақида мақтаб мақола ёзмақчийдим», деганча кампирга тасалли бердим у жуфтани ростладим.

Кечга яқин Тўқбой полвоннинг уйига эниб бордим. Қарасам, кураш тушгани етмагандай, бу сафар дарвозахонанинг болорига илинган бир қоп увадани муштраб ётибди. Бокс бўйича район мусобақасида қатнашармиш. Шу пайтгача уни ҳеч ҳам ярим яланғоч қиёфада кўрмагандим. Гавдасига қараб капалагим бошимдан учди-кетди. Ҳар билагименинг сонимдан катта, кўкрагининг ёлига сичқон ораласа, адашиб кетади. Ана энди ўзингиз айтинг, шундай жондорсифат одамга «Нима учун отангдан кўра, ҳамсоянга ўхшаб кетасан?» деб бўладими! Чақалоқнинг калласидек келадиган мушти билан бир уриб, жажимани ушатиб қўяди-ку!

Полвоннинг елкасига қоқиб: «Маладец! Шундай, ўзим... Катта ўғилчани сизга шоғирдликка гаплашгани келгандим... деганча сенкин жўнаб қолдим. Уйга келиб Тўқбойнинг тўғрисига ўроқдек сўроқ белгисини қўйдим. Ҳозир фурсати эмас экан...

Хуллас калом, «қора дафтар»да Холчучук бригадирдан бошқа «номзод» қолмади... Тўғри... Холчучукка ҳам учрашиб, «Устингдан шикоят бор! Мени биласанми, кимман...» дея энди гап бошлагандимки, бир қоши баланд, бири паст бўлиб, талаб ташласа бўладими!

— Биламан кимлигингни... Бориб турган иш ёқмас, дангаса ва ифвогарсан! Хотинингни ҳасратидан-ку чанг чиқади. Уни рашк қилиб ишлатмаганинг етмагандай, ҳозир

ўзинг ҳам бекорчихўжа бўлиб юрганмишсан. Уйда қоққани қоқиқ, илгани хурмача топилмайди, дейди бояқиш. Бобой билан момойнинг пенсия пули корига яраб турганмиш. Бу бир. Иккинчидан, шикоят қилган одамнинг ўзининг тили, забони бордир. Керак бўлса, ўзи келиб гаплашсин. Манинг бекорчи вақтим йўқ. Ҳозир ҳамма икки қўли, ўттиз икки тиши билан пахта териб ётибди-ю, сен нега қарғага ўхшаб ахлат титиб юрибсан. Далага чиқсанг муртинг тўкиладими? Беллингдаги белбоғми ёки иштонбоғми?

Ана кўрдингизми, бунинг заҳарлигини? Кундузи кўзойнак, кечаси чироқ ёқиб қидирсангиз ҳам бундан ортиқ пелитунбоп одамни излаб тополмайсиз. Бўлди, шу сочи узун, ақли калтани ёзганим бўлсин. Шошма, ўзи фактлар етарлими?

Хотирамини супра қоқди қилиб кўрсам, Холчучук тўғрисида бир бўғча бўлгулик фактлар бор экан. Нега десангиз, мен бу жувонни ёшлигимдан биламан. Урта мактабда ҳам ўн йил бираг ўқиганмиш. Болалигида денг, ана шу Холчучук тол хивичдай нозиккина нарса эди. Кейин далада ишлаб юриб, нима бало, селитранинг устида ухлаб қолдимки, кўп ўтмай чинордай бўй тортди. Тан олиш керак, ўша пайтда ҳам юрганида товонидан ўт чақнарди. Қилиқларини айтинг, қилиқларини. Пахта пайкалининг четиде курилган шийпон ёнидан каттакон сой пишқириб оқиб ўтарди. Уғил болалар шийпоннинг тоmidан туриб ўзини сойга отса, Холчучук томдан-да баландроқ тол шохига чиқиб, сувга калла ташларди. Чиллак ўйнаганимизда-ку, қарсиллатиб урган чиллагини қаерга бориб тушганлигини тополмай тинкамиз тоза қурирди. Ўзингиз инсоф билан айтинг, мана шу қилиқлар қиз болага ярашадими? Ярашгани курсин, булар ҳали ҳолва экан. Юқори синфга ўтганда Холчучук кўпқари чапандиган одат чиқарди. Асли, отаси Ориф чавандознинг сиёғи йўқ-да. Бўлмаса нортуюдай-нортуюдай ўғиллари буёқда қолиб, отининг жиловини рўмол ўраган шу қизига тутқизиб қўядими! Кўп куйсам, кўзимнинг оқига зарар деб юргандим, барибир бўлмади. Орияти бор одамга бу ишлар бизидек ботаркан. Қаттиқ ботганлигидан шу қизига баҳс қиламан дедим-у, аммо сувни кўрсам сакрайдиган, отни кўрсам оқсайдиган бўлиб қолдим. Нега десангиз, сузишни кўрсатиб қўйяй деб сойга калла ташлагандим, чўкиб кетишимга озгина қолди. Чавандозликда доғда қолдирай

деб ният қилгандим, бу сафар ҳам омадим юришмади. От олиб қочиб ерга тоблаб урганди, гўнг уюмининг устига тушган бўлсам ҳам, уч ойгача оёғимни босолмай юрдим. Шу билан ғавво тугадими дерсиз? Қайда, расвоси бошланди.

Урта мактабни тугатгач, Холчучук бир йил звеновой, иккинчи йилга ўтиб эса бригадир бўлиб олди. Биз ҳам қолишганимиз йўқ, биринчи йили дорилфунундан, иккинчи йили эса техникумдан «йиқилиб» келдик. Шундан сўнг бекорчиликдан кўра эрмак, деб энамизга пенсия пулини санашга ёрдамлашиб юргандим, шунда томдан тараша тушгандай, тўсатдан Холчучукка уйлангим келиб қолса бўладими? Кўнгил-да! Мен сизга айтсам, кўнгил дегани кўрпишакдай нарса бўларкан. Ожиз бўлсаям, лаҳм гўштга кўнгли султ кетаркан; бўлмаса, бориб, бориб.. Балким, севги қолгандирсиз деб ўйларсиз. Бе, қайда, севгининг кўчасида танга йўқотган одам эмасман. Шунчаки ўзим, кунларнинг бирида шифтдаги қалдирғоч уясига тикилганча шу қарорга келдим:

«Пўлатбой жўра, мана, туядай бўйинг чўзилиб қолди. Энди ҳунарли бўлмасанг ҳам, хотинли бўлишнинг йўлини қилгин-да! Қачонгача юрасан ёстиқни кучоқлаб. Билсанг сўққабошлик давлат ҳам, савлат ҳам эмас. Қара, мана шу қалдирғоч ҳам қорагина бўлса-да, ўз жуфти ҳалоли бор. Яна десанг, хўрози бир хас ташиганда, макиёни тўрт марта бориб келяпти. Сенга ҳам ана шундай ўзингдан кўра рўзғор учун елиб-югурадиган бир эчпил хотин даркор. Менга қара, ёмон кўрсанг ҳам шу.. Холчучукка уйлансанг қандай бўларкин-а!».

Хаёлимга келган бу даҳшатли фикрдан чўчиб, беихтиёр ўрнимдан сакраб туриб кетдим. Учук-пучук чиқмадимикан деб лаб-лунжимни ҳам ушлаб кўрдим.

«Утир уккиғарнинг ули!— деди шунда ҳалиги ички овозим буйруқ оҳангида.— Нега ноз қиласан. Қара, қиз эмас, қайнаб турган қумғоннинг ўзи-ку! Тикилиб қарасанг, кипригинг қайрилиб кетади-я! Елкалари обкашдай, овози чанқовуздай, чиройи эса... Э, э, чиройига нон ботириб ерминдиг, сен унинг бақуватлигига қара. Пўлат бўлсанг ҳам шу қиз сени бир урса-чи, пўла қилиб қўяди. Ке, жўра, пулинг куйсаям шунга уйлан!»

Шу тариқа хийла пайтгача ўзимни-ўзим авраб ётдим. Бировга «йўқ» деб ўрганмаган, бўйни бўшгина одам эмасманми, кўп таранг қилмай рози бўла қолдим. Ўзимни-

ку бир амаллаб кўндирдим, аммо, энамга бу гапни қандай қилиб тушунтирсам экан, деб ўйлаб қолдим. Секин деразадан мўраласам, энам супада урчуқ йигириб ўтирибдилар. Фурсатни бой бермай тезда ёнларига бориб тиззаландим-да кимтиниб-тортиниб бўлса-да ярим-ёрти қилиб дардимни ёрдим.

— Эна, ҳақкалакам-дуккалакам ўйнагим келмай қолди. Лекин, шу «чори чанбар, бўри анбар» айтишга Ориф чавандознинг қизига, бу атрофда тенг келадигани йўқ-да! Нима дейсиз-а?

Энам бироз хаёлга чўмиб турдилар-да, сўнг урчуғига ияк тираб кулдилар.

— Энангни боласисан-да, бачам. Дидинг чаккимас. Холчучукни айтасан-да? Тунов кунги гузарда кўрувдим. Узиям сўпитўрғайдаккина қиз бўпти. Сочи ер супуриб, илон-билонг қилиб кетаётганакан. Оғзим очилиб, челагим ерга тушиб кетганини ҳам сезмабман. Майли, мен рози... Бўлмаса, бориб, киндик кесган момангни айтиб келай. Саксонга кирсаям, ҳали сақичи оғзида. Тили-жағи бутун. Йўқни йўндиради, ишни дўндиради. Совчилик десанг, ирғишлаб югради...

Шундан кейин вада-ванг тўй бўлгандир, дерсиз?! Қайда, шифтга термилиб сурилган хаёлнинг ҳаммаси ҳам амалга ошармас экан. «Йўқни йўндирадиган» момом, менга келганда ҳеч нарсани дўндирилмабди. Уни Холчучукнинг ўзи қарши олиб, «Уша аммамнинг бузоғига бориб айтинг, олдин мишигини артиб олсин», деб шизга қайтариб юборган эмиш.

Ишонасизми, етти марта совчи жўнатибмиз. Холчучук киндик кесган момомни ҳалиям ҳурмат қилиб сийлаган экан, қолган олти совчини ари талагандан баттар қилиб қувиб солди. Бузоқча ноз қиламан, деб, тол шохини синдирган экан. Бу қиз менинг йигитлик қадримни оёқости қилди. Қадрим-ку майли-я, совчиларга кетган харажатга қуяман! Эс-сиз, сувдай оққан сўлкавойларим... Шунча сарф-харажатга кетган пулга бозордан ҳанги эшак сотиб олганимда, ҳечқурса сомон ташшида нафи тегарди...

Лекин, бир ҳисобда Холчучукка уйланмаганим ҳам яхши бўлган экан. Нега десангиз, кейинчалик ўзи топиб, ўзи суйиб теккан эри сиқувдан бўлса керак, ғажиб ташланган суяқдай бўлиб қолди. Холчучук далада кетмонни қандай ўйнатса, уйда— эрининг бошида ҳам чўмични шундай ўйнатади. Ишонмайсизми? Бир марта ўз кўзим

билан кўрганман, эри шўрлик ариқ бўйида чўккалаганча қозон-товоқ ювиб ўтирганини... Эрак ҳам шундай мижғов бўладими?! Бўлмаса, уйланишдан икки ҳафта бурун, ўша куёв бўлмишнинг йўлини тўсиб айтгандим:— Ҳу, биродар! Бу келин бўлмишнинг кимлигини билсанми ўзи? Ёки оҳ-воҳ қилиб менга ёзган хатларини кўрсатайми а? Гап-сўз кўпаймасин, деб ёқиб юборувдим, бўлмаса олдинга дастурхон қилиб тўшаб ташлардим. Эсингни йиғ, ука... Шу қизга уйлансанг-чи, шернинг қафасига ташланган кўзидан фарқинг қолмайди... Ҳа!..

Бошқа одам бўлса бу гаплар учун менинг ёқамдан олган бўларди. Бу киши эса тиржайганча «Узумга бўй етмагач, пуф сассиқ экан-да» дея жўнаворди. Баччағар, тезда тўй қилиб уйланишга улгурди. Бу-ку ҳали эри, Холчучук бригадасидаги эркаларнинг ҳам бурнини ерга ишқалаб ишлатармиш. Бунга юз фоиз ишонаман. Рости бўлмаса, уч йилдан буён судралиб юрган бригаданинг бирдан плани ошиб-тошиб кетадими? Шундан кейин мукофотларнинг остига қолиб кетди. Биринчи ўн кунликда рангли телевизор, иккинчисида кажавали мотоцикл, терим охирида эса «Москвич» машинаси... Уша кунлари катта йўлда уч-тўрт марта олдини кесиб ўтдим. Қайда, ўзини кўрмасликка олди. Бошқа диёнатлироқ аёл бўлганда айтарди: «Шу қоракўз ҳам кўчада бекорга қоқиниб юргани йўқдир. Нима қилсаям биринчи муҳаббатим-ку! Бир пайтлар мени деб, қанча соғлиғу сўлкавойидан ажралганди. Ке, шу бечорадан энди қарзимни узай. Машина майли, мотоцикл шугинанинг бўйгинасидан айлансин», деб. Йўқ, қайтага йўлини кесиб чиқавериб, пошнамнинг узилгани қолди, холос.

Ана энди айтинг, шундай аёлни пелитун қилмай бўладими? Аммо, бу фактлар камлик қилар-ов, яна бир бор орқасидан пойлаб «свежий» далилларни қўлга тушириш керакка ўхшайди.

Мақсадимни амалга ошириш учун эртаси куниеқ оқшом пайти Холчучукнинг бригадасига қараб йўл олдим. Шийпон яқинига бориб оқиста мўраласам, каттакон гужум тагида Холчучук ҳисобчи Полвонбой билан чўт қоқиб ўтирибди. Хирмонда эса икки-уч нафар колхозчи тележкага пахта ортиш билан овора...

Биров кўриб қолса, тагин туришимдан шубҳа қилмасин деган мақсадда яшириниш учун атроф-

га кўз югуртирдим. Сал нарироқдаги шарқираб оқаётган сой бўйида ҳашак ғарами уйиб қўйилган экан. Пусиб бориб... Мен сизга айтсам, бировнинг орқасидан пойлаб, сир ўғирлаш ҳам осон иш эмас экан. Узумга жой очаман деб фарам ичига қўл суққанимни биламан, бармоқларим оғриқдан жижиллаб кетди. Илон чақди-ёв, деб ўйлаб ҳушимдан кетиб қолаёзиман. Пайпаслаб кўрсам, йўқ, ҳашақча чақиртиканак аралашган экан. Хуллас, бир амаллаб фарам ичига жойлашиб олиб, тиззамга дафтарни қўйганча қўлоғимни динг қилиб кузатишга киришдим.

Холчучук ўрндан қўзғалиб, пайкал оралаб юрган қизларга қарата қўлини карнай қилиб қичқирди:

— Қизларжону-у-ув! Бўлди, чарчадинглар, эртага нариги пайкалда биринчи теримга тушасизлар. Бугун эртароқ қайта қолинглар...

«Ана!— дедим гумоним тўғри чиқаётганлигидан қувониб.— Демак йигитлар билан ўзи ёлғиз қолмоқчи. Шошмай тур...»

Холчучук дуррачасини ечиб, қайта танғиркан, бу сафар тележка атрофида турганларга қарата қўл силкипти.

— Ҳой, йигитлар... Бўлди, сизлар ҳам тезроқ пунктга жўнай қолинглар... Биз Полвонбой билан ҳали бир оз ишлаймиз...

«Ҳа, ана,— кўнглимдаги шубҳа баттар чўғланди.— Демак, ҳисобчи билан хилватда танҳо қолиб-а?..»

Димомим чоғ бўлган пайтлар чекмасдан туролмайдиган одатим бор. Шу тобда ҳам ҳаяжонимни босолмай қолдим, ҳовучимда яшириб папирос тутатдим...

— Опа, бир қўшиқ айтмайсизми?— деб қолди бир пайт ҳисобчи қўлини икки томонга ёзиб керишганча.— Мия озроқ дам оларди-да!

«Ҳа,— дедим ўзимча.— Ҳали сен хумпар, дўмбира чалиб опангни ўйнатсанг ҳам керак. Демак, олдиндан булар...»

Холчучук ҳам шу гапни кутиб турган эканми, овозини баралла қўйиб «Чаман ичра»ни бошлаб юборди. Қурғуннинг овози жуда ҳам ширали экан. Шу қўшиқ оҳангида юрагим сариеғдек эриб, ҳашак ичида пинакка кетиб қолибман. Кўнглининг кенглигига қаранг, шу ерда ҳам туш кўрибман... Тушимда каттакон боғ эмиш, булбуллар роз айтаётганмиш, мен Холчучукнинг қўлларидан ушлаб... Бир пайт «ярқ» этиб яшин чақнабди-ю, бутун борлиққа ўт кетибди. Холчучукдан

нажот кутиб унга қарасам, қўлида паншаха, бир гала хотин-қиз билан устимга бостириб келаётганмиш... «Ҳали сенми,— дермиш Холчучук кўзларидан ўт чақнаб,— менинг ортимдан пойлаб, фиску фасод билан шуғулланиб юрган?! Шунча пайтгача индамадим, энди...»

Зум ўтмасдан қизлар оёқ-қўлимни боғлаб даст кўтаришибди-ю, ловуллаб ёниб турган оловнинг қоқ ўртасини мўлжаллаб...

Дод солиб уйғониб кетдим. Қарасам, ҳашак ғарами лов-лов ёнаётган экан. Чамаси, ухлаб қолиб, папиросни ўчирмаган кўринаман... Ҳушим бошимдан учиб, дод сол-

ганча ғарамни айланиб чопа бошладим. Тарозиди пахта ўлчатишаётган қизлар мени кўриб ажина деб ўйлашди шекилли, чинқирганларича ўзларини пахтазорга уришди. Ҳисобчи Полвонбойни айтинг, полвон бўлмайд ўл, жойида серрайганча қотди-қолди... Биргина Холчучук «Бу жинни тагин хирмонга ўзини урмасин!»— деган ўйга борди чоғи, югуриб келиб, белбоғимдан даст кўтарганча, пишқириб оқаётган сойга отиб юборса бўладими! Утда ёниб ўлдинг нима-ю, сувда чўкиб ўлдинг нима! Кошкийди сузишни билсам... Яхшиям «дод» дейдиган тилим бор. Ҳисобчи йигит қирғоқ ёқалаб уёқдан-

буёққа югуради-ю, менга қўшилиб «дод»лашдан нарига ўтмайди. Ҳаётдан энди умидимни узиб тургандим, яна ўша кўрганда афтим буришадиган, иқим суймайдиган, орқасидан пойлаб юрганим, ёмон кўрганим Холчучук ўйлаб-нетиб ўтирмай ўзини сойга ташлади.

...Ҳушимдан кетган эканман, кўзимни очсам, нишолдага ботирилган жўжадай хирмоннинг қоқ ўртасида ялпайиб ётибман.

Дармоним қуриб-қақшаган бўлса-да, тура солиб, қулочимнинг борича шапалоқ тортиб юборгим келди. Кимни дейсизми? Кимни бўларди... Узимни-да!

Мавлула Авазова

Мавлула Авазова



Фаргона вилоятининг Фарғона ноҳиясида туғилган. Қўқон педагогика олийгоҳининг ўзбек тили ва адабиёти куллиётини тамомлаган. Жумҳурият ёш ижодкорларининг V кўрик-кеңгаши иштирокчиси. ССЖИ Журналистлар уюшмасининг аъзоси. Ҳозир 7-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

* * *

Қирқта шамчироққа эгадир аёл,
Бириси ўчганда бириси ёнар —
От думига боғланг, бу фосиқ хаёл,
Ўжар қиз бу сирли алдовдан тонар.
Ахир қирқта шами бир тан бўлмаса,
Аёл аёлмиди ушбу оламда.
Қирқ шами ҳам порлаб, ойдай тўлмаса,
Лов ёниб, ўчган соз қуруқ ғарам-да.
Бириси ўчганда бириси ёниб,
Қай бири аёлнинг айлини ёритди?
Билъақс, нурланмоқ аҳлидан тониб,
Ишонччи ноумид шайтонга сотди.
Водариг, ишончи қул бўлган гуллар
Қўлида сўник шам, бир нажот излар.
Бўй кўрсат, саодат, Ёрирми тунлар?
Афсус, гўрда ётар шамга зор қизлар...
Аёлнинг қирқ шами теппа-тенг ёнсин,
Қисматин шундай ёз, эй қодир эгам.
Унга не раводир, барига қонсин,
Демасин: бу дунё яралган бир кам.
Қирқта шамчироққа эгадир аёл...

Муҳаббат

Эшикни юзингга маҳкам ёпгандим,
Ортга қайрилмайин елдай чопгандим,
Сендан ҳаёт эмас ўлим топгандим,
Қасамим унутиб чорлайман фақат,
Зангелаган қулфларни бузгин, Муҳаббат!
Номинг ўчиргандим энг юксак тоғдан,
Гулларим кўчириб сен юрган боғдан,
Юз бурдим сен ила яшаган чоғдан,
Оҳ, ночор ҳисларим боғлайман фақат,
Чирик арқонларни узгин, Муҳаббат!
Ушал он тошдайн қотган эдим-ку,
Ёнишни бутунлай отган эдим-ку,
Ёлғизлик жомига ботган эдим-ку,
Ўзимни Ширинга чоғлайман фақат,
Фарҳодга зоримни айтгин, Муҳаббат!
Ишончим бағримдан суғурганди ёр,
Умидим чўққисин қоплаганди қор,
Ҳолимдан кулгану ор қилганлар бор,
Мунис қучоғингни хоҳлайман фақат,
Келгин, жоним бўлсин сайдинг, Муҳаббат!..

Қувонч

Ғафлатни дўзахга қилдим бадарға,
Озод туйғуларнинг юзи ёришди.
Осмон — юрагимдан топди қўналға,
Муҳаббат ранглари нурга қоришди.
Хиргойи бошлади қишлоқ толлари,
Кўзимда ўтлади митти қўзичоқ.
Дилим дафтарини очди болари,
Турналарим қайтди солиб аргимчоқ.
Қовунчи бува^анинг қовунларидай
Етилди, шарбатин узатди тошлар.
Юракда ниш урган сумалак бугдой
Қўшигини ичди бағриқуёшлар...

* * *

Ёнмайман дейман-да, ёнаман яна,
Ёзмайман дейман-у, ёзаман қайта.
Қувончу ғамимни гоҳ қона-қона
Ифода этаман мунис бир байтда.

Эзгулик — кўнгулнинг энг ноёб мулки,
Ёмонлик — чўлдаги сувсиз бир қудуқ.
Бирида йиғласам, бирида қулги,
Лоқайд яратмадинг, табиат, қуллуқ.

НИГОХ

Шуҳрат Сирожиддин

НАВОИЙ КИМНИ

СЕВГАН?



Бу масала совет даврида Навоий ҳаёти ва ижоди ўрганилишининг илк кунларидан ҳозиргача кўпчиликни қизиқтириб келмоқда. 1959 йил 4 февралда ўтказилган навоийшунослар анъанавий анжуманида улўф санъаткоримиз, академик Ғафур Ғулом шоирнинг:

**Ердин ҳеч ким манингдек зору маҳжур ўлмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машҳур ўлмасун.**

матлаъли ғазалига асосланиб, Навоийнинг атайлаб ҳеч бир ерда ўз севгилисининг номини тилга олмаганлигини, уни ёридан жудо қилганларини, ёрини тортиб олган одамнинг давлатмандлигини, лекин доимо маст ҳолатда бўлишини уқтириб, у одам — Хусайн Бойқаро эканлигини исботлашга ҳаракат қилган¹.

Шарқшунос олим Е. Э. Бертельс «Навоий ва Жомий» монографиясида Навоий билан Гул исмли қиз орасидаги севги, шундан хабарсиз Султон Хусайннинг ҳам уни севиб қолиши ва Навоийнинг совчиликка юбориши ҳақидаги ривоятни келтиради. Навоий уйланишга журъат этолмаслигини айтгач, қиз аста-секин таъсир этувчи ажал дорисини ичади ва Навоийга эрлик қувватини йўқотувчи дорини ичради. Е. Э. Бертельс ёзишича, «Бу афсона, шубҳасиз, Навоийнинг бўйдоқ ўтганлиги сабабларини тушунтириш мақсадида тўқилгандир. Улар асосида бирор факт ётади, деб ўйлаш, албатта, мумкин эмас. Бу афсона — Яқин ва Урта Шарққа хос бўлган ишқий қиссадир»².

Бироқ яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт томонидан чоп этилган ва асосан, Алишер Навоий ҳаётига бағишланган «Тарих бадияти» номли мақолалар тўпламида ҳам Бертельс келтирган ривоят такрорланиб, шундай хулоса чиқарилади: «...Чунки Навоий ичган иккинчи пиёладаги гулоб эрлик хусусиятига таъсир кўрсатиш қувватига эга экан, Албатта, бу ривоят. Аммо ҳар бир эртак, афсона ҳам маълум даражада ҳақиқатга асосланади»³. Ҳурматли тадқиқотчининг ишорасини тушунган бўлсангиз керак.

Биз бу ўринда Хусайн Бойқаро қаламига тегишли⁴ «Мажолис

ул-ушшоқ» («Ошиқлар мажлиси») номли тазкирада Алишер Навоий ҳаётининг ёритилиши масаласи ҳақида ва баъзи манتيқий тахминларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Маълумки, Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро ёшликларида бир-бирларини яхши билишган. Уларнинг дўстлиги ҳақида кўпгина манбаларда айтиб ўтилган. Шу боис Султон Хусайн тазкирасини диққат билан ўрганиш, айниқса, тазкира шоир вафотидан кейин яратилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қимматли маълумотлар бериши мумкин. Тазкиранинг етмиш тўртинчи мажлиси «Сухан иқлимнинг хисрави Амир Низомиддин Алишер Навоий»га бағишланган. Муаллиф Навоийнинг ўзи билан ишқ мактабида ҳамсабоқ, давлат ва ҳукумат ишларида мунису ҳамдам эканлигини сўзлайди, унинг ижодига юқори баҳо беради. Сўнг унинг ҳаёти тавсифига ўтади ва муҳим бир гапни айтади:

«Мурғи дилаш ҳамвора дар доми сайёде хунхоре гирифтор буд. Фаммо дар охири кор ўро тааллуқи узбат ба онаст, жавоне (жувоне) нежном даст дод ва узбати оташе дар хирмани умраш уфтод...» (Унинг кўнғил қуши қонхўр овчи тузоғига илинган эди. Хуллас, унинг бўйдоқлигига келсак, у яхши хулқли бир жувонни учратиб қолди ва умр хирманига ажиб чўғи тушди).

Айтиб ўтиш жоизки, бу асарнинг бизгача етиб келган нусхаларида «узбат», яъни «бўйдоқчилик» сўзи нотўғри ўқирилиши оқибатида «ғариб» тарзида қабул қилинган (Узбат ва ғариб сўзлари бир хил ёзилиб, фақатгина нуқталарнинг ўрни билан фарқланади). Фақат 1606 йили кўчирилган қўлёзмада¹ ўша сўз «узбат» шаклида ёзилган.

Гап шундаки, «Ба онаст» кўрсатиш олмоши кейинги асрларда кўчирилган нусхаларда «нисбат» тарзида ўзгартирилиб юборилган. Натижада, «узбат ба онаст» сўз бирикмаси «ғариб нисбат», яъни «ғарибга ўхшаган» деган маънони англатувчи сўзга айланиб кетган. Жумладаги маънони тўғри тушуниш учун ундаги «жавон» сўзига эътибор бермоқ керак. «Жавон» — жувон сўзи ёш маъносига келиб, йигит-қизларга нисбатан баробар ишлатилган. Кейинчалик пайдо бўлган «ғариб нисбат» тушунчаси «йигит» сўзига контекстда тўғри келганлиги сабабли «Мажолис ул-ушшоқ» нусхаларида «нек», яъни яхши маъносини англатувчи сифат «бек», яъни исмга айлантирилиб ўқилган ва ёзилган.

Фикримизча, биринчи нусхада яхши хулқда ном чиқарган жувон, яъни турмуш қуриб улгурган ёш аёл назарда тутилгандир. Биз ўз хулосамизга сал қуйироқда далил келтирамиз. Энди воқеа ривожига назар ташласак.

Тазкирачи, шоир ул нозанинни учратганидан сўнг, ўзлигини унутиб, қўли ишдан қолди, дейди.

¹ Мажолис ул-ушшоқ. ЎзФАШИ. № 3476.

¹ Қаранг: А. Хайитметов. «Навоий лирикаси». Т., 1961, 167-бет.

² Бертельс Е. Э. «Навои и Джами». М., 1965, стр. 201.

³ Равшанов П. «Тарих бадияти», Т., 1989, 94-бет.

⁴ Баъзи тадқиқотчилар «Бобурнома»га асосланиб, уни Хусайн Бойқаро номидан ёзилган Камолiddин Хусайн Гозургоҳий асари, деб айтадилар. Бу фикр қисман тўғри. Бизнингча, тазкира Хусайн Бойқаро қаламига мансуб бўлиб, Гозургоҳий тарафидан қайта ишланган ва тўлдирилган.

Муаллиф Навоийнинг ўша ҳолатидан жуда яхши хабардор бўлганлиги аққол сезилади:

«...Фи-л-воқеъ ончи ўро дар ин қазия пеш омада буд, тоқати шендани он ҳеч касро аз табақоти арз нест ва ончи аз он воқеа маро маълум аст, аз ғояти тавил қобилияти арз не». (Ҳақиқатан ҳам, у шунчалик азобларни бошидан ўтказдиким, уни эшитишга ҳеч кимнинг тоқати йўқ ва у воқеадан менга маълумларини айтиб ўтиш жуда ҳам узун бўлганлиги учун мақсадга мувофиқ эмас).

Тазкирачи шоирнинг ишқ моjarоси билан боғлиқ асосий гапни айтиш билан чегараланади:

«...Алқисса, баъд аз гуфтугуи бисёр ва мазойиқҳои падару модари он жувон ва жангҳои ҳешу табор рӯзе дар фасли баҳор, он жувон мутаважжиҳи хонаи Мир шуд ва оромии дили он ҳақир гашт...» (Алқисса, кўпдан-кўп тортишлар, ул жувоннинг ота-онасининг қаршиликлари ва қавм-қариндошларининг уришишларига қарамасдан бир кун баҳор айёмида ул жувон Мирнинг уйига равона бўлди ва ул ҳақирнинг (Навоийнинг) дилига ором бўлди).

Бу парча «Мажолис ул-ушшоқ» тазкирасининг бизгача етиб келган нусхаларидаги «Бек исмли йигит бола» тушунчаси хато эканлигига ёрқин исботдир. Бундан ташқари, агар йигит бола, деб тушунсак, унда йигитнинг ота-онаси ва қариндош-уруғлари билан интим масалада гаплашишни ақл бовар қилмайди.

Табиийки, ўқувчида шундай савол туғилади: хўш, нима сабабдан, ул жувоннинг Навоий билан бирлашувига унинг ота-онасию қавм-қариндошлари қарши чиққан? Ахир, тазкира муаллифи таъкидлаганидек, бу воқеа «Навоий катта мажлислар тартиб берган даврда», яъни амирлик пайтида юз берган. Наҳотки, улуғ амир билан қариндош бўлишдан бош тортишган?

Воқеанинг куйидаги хотимасига назар солсак-да, сўнг ўз мулоҳазаларимизни билдирсак. Хуллас, ота-онаси ва қариндош-уруғларининг эътирозига қарамасдан, Мирга бўлган оташин муҳаббатдан ўзини йўқотган ул жувон Мирнинг уйига кириб боради: «...Чун он рахшандаи кавкаби авжи буржи оламо-ройи на ферузандан гавҳар дар дуржи зебон

**Рухе чун тоза гулҳои диловез,
Гулоби ў чу гулҳои арақрез.**

сахар аз дари хонаи Мир даромад ва дуд аз жони он фақир бар омад. Аз аввали рӯз то онки, моҳ хиргоҳ зад ба сарҳади шом, азбарои он моҳи тамом мажлис биёрост... Дар авқотеки, бағоят паршон буда ва ошифта, ғазалиёти бисёр жиҳати ў гуфта. Оқибат ал-амр, ў низ рахт (аз дунё) бар баст... ва орзуи ўро ба хок бурд». (...Ул олам буржининг тоқидидаги чароғон юлдуз, зеболик дуржининг ярқироқ гавҳари:

**Юзи худди янги очилган гулдек,
Унинг гулоби [юзидаги тери] гулларнинг ширасидек.**

Эрта тонгда Мир эшигидан кириб борди ва ул фақирнинг (Навоийнинг) охи дуди жонидан чиқиб кетди. Кун чиққандан то ой шом сарҳадида чодирини ёйғунча ул моҳтобон учун зўр мажлис ясапти... Жуда паршон ва ошифта бўлган маҳаллари унга атаб кўплаб ғазаллар айтган. Хуллас, у (Навоий) ҳам дунёдан кўз юмди ва унга етишиш орзусини тупроққа олиб кетди). Кўриниб турибдики, у аёл кечгача шоирнинг уйда меҳмон бўлган. Улар ўртасидаги оташин ишқ моjarоси ҳақидаги фикрни тазкира муаллифи шу ерда тугатади ва Навоий уни эслаб кўп ғазаллар ёзганлигини ҳамда унинг орзуси билан умр кечирганлигини таъкидлайди.

Демак, Навоий шу аёлга бўлган юксак муҳаббати туфайли бошқага уylanмаган ва умри давомида ҳижрон азоби уни тарқ этмаган.

Бу аёл ким бўлиши мумкин?

Маълумки, Навоийнинг йигирма беш ёшигача ёзган ғазалларидан иборат 1465—66 йилларда тузилган девон ҳозиргача сақланган. Бироқ ундаги оташин ишқ уфуриб турган ғазаллар Навоийнинг амирлик даврида эмас, балки анча илгари бу савдони бошидан ўтказганлигидан далолат беради. Айниқса, тазкирадаги «Навоий билан ишқ мактабида ҳамсабоқ эдик», деган фикрга кўра, Алишер ва Хусайн Бойқаро ўспиринлик даврларида, яъни Абулқосим Бобур саройига кириб- чиқиб юрганларида кимгадир илк бор муҳаббат қўйганлар, дейиш мум-

кин. Биз шоирнинг илк девонидаги ишқий ғазалларни «Мажолис ул-ушшоқ» тазкирасидаги тафсилотлар ҳамда Хусайн Бойқаронинг таржимаи ҳоли билан қиёслаганимизда, мавзу майдонида султоннинг суюкли хотини Хадича бегимнинг номи қалқиб чиқди. Дарҳақиқат, Бойқаронинг Хуросон тахтига чиққандан сўнг, ўз душмани марҳум Султон Абу Саид Мирзонинг ғайриқонуний (!) хотини, яъни ғунчачиси Хадичабегим билан қонуний турмуш қуриши ва Хадичабегимнинг энг сеvimли хотини сифатида, ҳатто султонга тазийқи ўтказадиган даражага етиши Султон Хусайннинг унга уйланиши тасодифий бўлмаганлигини билдиради. Биз Хадичабегимнинг насл-насаби билан қизиққанганимизда бирор манбада унинг ота-бобоси ҳақидаги маълумотга кўзимиз тушмади. Бироқ Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақоъ» асарига Амир Шоҳвали ҳақида сўз юрита туриб, унинг Хадичабегимга кўналдош бўлганлигини қайд этади. Шунингдек, Амир Шоҳвалининг отаси Амир Едгор Кўналдош улуғ амирлардан бўлиб келганлигини ва Шайбонийхон Ҳиротни босиб олганида Амир Едгорнинг Ҳиротдаги обрў-эътиборидан фойдаланмоқ мақсадида уни улуғ мансаблардан бири билан сийлаганлигини ёзади. Шунга қараганда, Амир Едгор Кўналдош Султон Хусайн Бойқаронинг нуфузли амирларидан бўлган. Ундан ташқари Кўналдош лақаби авлоднинг теурийларга яқинлигини билдиради. Агар Амир Шоҳвалининг Хусайн Бойқаро билан тенгдошлигини ҳисобга оладиган бўлсак (бунга «Бадоеъ ул-вақоъ»нинг 1105—1111-бетларида ишора бор), Амир Едгор Абулқосим Бобур давридан бошлаб Хуросон султонларига хизмат қилиб келган амир, деб ўйлаш мумкин. Модомики, Амир Шоҳвали Хадичабегим билан кўналдош экан, Хадичабегимнинг отаси Амир Едгор Кўналдошга ҳам жуда яқин кишилардан эканлиги шубҳасиз. Бу эса Хадичабегимнинг юқори даражали оилага мансублигидан ҳамда Хусайн ва Алишер уни-ўсган муҳит доираси уни ҳам четлаб ўтмаганлигидан далолатдир. Султон Хусайндек аёлларга нисбатан нозиктаъб (Бадиуззамоннинг онаси Султонбегимни кәжхулқлиги ва иккинчи хотини Абу Саиднинг қизи Шаҳрибонунни отга минмай, ўжарлик қилганлиги учун талоқ қилиши — Ш. С.) бир ҳукмдорнинг Султон Абу Саиднинг ғунчачисига уйланиши ва кўпинча унинг маслаҳати билан иш қуриши эътиборга олинса, подшоҳнинг Хадичага бўлган ишқига биринчи муҳаббат натижаси сифатида қарашга тўғри келади. Аёнки, биринчи муҳаббат инсон қалбиде ўчмас из қолдиради. Шу жиҳатдан Хусайн ва Алишер ўспиринлик йилларида гўзал чехрали Хадичани севишган бўлсалар ажаб эмас. Албатта, Навоий табиатида кўра ўта эҳтиросли бўлганлиги учун ҳам қизни қаттиқроқ сеvgан. Бу ўринда Навоийнинг йигитлик даврида ёзилган бир ғазали диққатга сазовордир:

**Ул паривашким, бўлбмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.
Уқларингдан дам-бадам таскин топар кўнглум ўти,
Бордурур бир қатра су гўёки ҳар пайкон анга.
Бир диловардир кўнглумким, ғам сипоҳи қалбиде,
Оҳи новак, тоза доғидур қизил қалқон анга!**

Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Навоий Машҳадда юрган-да ҳам у қизга атаб жуда кўплаб ғазаллар битади. Абу Саид Мирзо Ҳирот тахтига ўтириб, Хуросон нисбатан тинчланган даврда Навоий Ҳиротга қайтади. Бу пайтга келиб, балоғатга етган ва тўлин ойдек тўлишган гўзал Хадича Навоийни янада баттарроқ мафтун этганлигини тасаввур этиш қийин эмас:

**Оразу холингни бир дам кўрмасам, эй дилрабо,
Айладурменким, кўрунмас кўзиме оқу қаро.
Ҳажр аро раъно қадинг нахлин тилармен теғридин,
Шомлар шамъ истагандек ҳайр аҳлидин гадо.
Гар фироқ айёмининг билмон ҳисобин, не ажаб,
Ким, юзунг ҳажрида кундуз кеча янглиғдур манго...**

Унинг оташин ғазаллари Ҳирот аҳли ўртасида машҳурлик тутиб, хушовоз хонандалар томонидан жўшиб куйланадиган бўлди. Девони ошиқларнинг ажралмас ҳамдардида айланди... Эҳтимол, шу даврда Хадича қалбиде ҳам Алишерга нисбатан

¹ Алишер Навоий. Илк девон. Ҳ. Сулаймон тайёрлаган факсимил наشري. Т., 1968, За-варақ.

ишқ куртак ёзган бўлиши мумкин. Навоийнинг илк девонида ёрдан келган мактублар ҳақида бир неча ғазалар борки, бу нарса улар ўртасида яқин муносабатлар мавжудлигидан дарак беради. Албатта, кўпчилик мухлисларга маълумки, Навоий ёр деганда фақатгина маҳбубани эмас, балки юксак тимсолларни ҳам тушунган. Илк девонда мазмунидан дўст тушуниладиган рамзлар бор. Бироқ биз маҳбуба маъносида келаётган ёр мактублари ҳақидаги ғазаллардан бирини келтирамиз:

**Ердин келмиш менга бир турфа мактуб, эй кўнгул,
Ким, эрур ҳар сатри бол ҳар лафзи марғуб, эй кўнгул.
Лафз йўк, ҳар ҳарфи жон хирзи, даҳи ҳар нуқтаси,
Мардумак янглиғ бияйниҳ кўзга матлўб, эй кўнгул.
Айладим тумор, агар тумор этар дафъи жунун,
Бу мени қилмиш жунун илгида мағлўб, эй кўнгул.
Сафҳада эрмас муҳаббат шарҳиким келмиш кийиб,
Хуллаи кофурғун бир турфа мактуб эй, кўнгул.
Асру кўп такрор этардин ул париваш номасин,
Бўлмишам эл ичра мажнунлиққа мансуб, эй кўнгул⁴.**

Хадичабегимнинг тенгсиз жамоли сарой аъёнлари ўртасида овоза бўлган бўлса ажаб эмас. Балки шу туфайли султон Абу Саид уни ўз нафси қомига тортган, ғайриқонуний хотин, яъни ғунчачи сифатида ўз ҳарамига киритгандир. Ширин орзу-умидларнинг саробга айланиши Навоийда султон Абу Саидга нисбатан ғазабкор рашк туйғулари ва ички адоватнинг пайдо бўлишига олиб келди. Боз устига Хадичабегимнинг Навоийга бефарқ эмаслигини пайкаган султон шоирга нисбатан совуқроқ муомалада бўла бошлагандир. Даргазаб бўлган Навоий ватандан бош олиб, Самарқандга жўнаб кетади. У ердан Сайид Хасан Ардашерга ёзган шеърин мактубида кетишининг асосий сабаблари ҳақида ишора этишга, албатта, йигитлик ғурури йўл қўймас эди. Урта асрлар шароити ва Навоийнинг улўф султонлар табақасига муносабатини, хусусан темурий султонларга юксак ҳурмат-эҳтиромини ҳисобга олсак, унинг Абу Саидга қаратилган исёнкор сатрлари фақат чексиз адоват, нафрат натижасидагина отилиб чиқиши мумкин эди. Бизнингча, не-не

умидлар билан энтиқиб қутилаётган Бахтдан зўравонлик оқиба-тида ажраб қолишгина буни юзага келтириши мантқан тўғривидир. Мавжуд тадқиқотларда Навоийнинг Самарқандга кетиши султон Абу Саид Мирзонинг золимлиги, Навоийнинг тоғаларини қатл эттириши ва асосан, Навоий билан Хусайн Бойқаронинг дўстликлари туфайли юз берган, дейилади. Баъзи тадқиқотларда ҳатто, «Абу Саид Мирзо Навоийни Самарқандга бадарға қилди», деган фикрлар ҳам учрайди, ваҳоланки, Бобур «Билмон, не жарима била султон Абу Саид Хирийдин ихрож этди», деганида Навоийни Самарқандга бадарға қилди, маъносини эмас, балки «Билмайман, қайси гуноҳи учун шоир кишини салтанатдан бадарға этди?», деган маънони кўзлаган эди. Негаки, шоирлар ва илм аҳлига ҳомилийк қилиш барча султонларга обрў келтирган. Акс ҳолда, шоирларнинг ўткир ҳажвлари султонни етти иқлимга шарманда қилишга қодир эди.

Шоирлар ва илм аҳли сиёсатда бетараф бўлганлар. Улар бўйр подшоҳдан қанчалик муруват кўрсалар, унинг вафотидан сўнг, унга муҳолиф бўлган кейинги подшоҳлардан ҳам шунчалик муруват кўрганлар. Шу боис Навоийнинг тоғалари ёки Бадахшон ҳокимининг Абу Саид Буйруғи билан қатл этилиши султон ва Навоийнинг бир-бирларига совуқ муносабатда бўлишларига асос бўла олмайди (Навоийнинг жияни Амир Хайдарнинг Хусайн Бойқаро томонидан қатл эттирилиши каби). Қолаверса, Навоий Абу Саид Мирзо замонида сиёсат билан шуғулланмайдиган ёш шоир эди. Хусайн Бойқаро эса Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Навоий билан кўришмаган, унинг Абу Саидга қарши юришларига Навоийнинг мутлақ алоқаси йўқ эди. Агар султон Навоийга Хусайн Бойқарога кўкалдошлик алоқаси борлиги учун душманона кайфиятда бўлганда эди, унда у Абулқосим Бобурнинг амирларини ҳам ўз хизматига олмас эди (Худди Султон Хусайн Бойқаро Абу Саиднинг амирларини ўз хизматига олгани каби). Темурий султонлар кўкалдошлар ва амирларнинг қайси темурий султонга қилган хизматини эмас, балки уларнинг умуман темурийлар сулоласи султонларига содиқликларини қадрлаганлар. Шунинг учун ҳам султонлар алмашгани билан кўпчилик амирлар иззат-ҳурматда қолаверганлар ва кўкалдошлар ҳам темурийларга яқин кишилар сифатида шу давлат ҳудудида хос эътиборга эга бўлганлар. Бу жиҳатдан Абу Саиднинг Навоийга Хусайн билан кўкалдошлиги учун ёмон муносабатда бўлиши ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди.

Султон Абу Саид вафот этгач, Хадичабегим висолига ёти-

⁴ Алишер Навоий. Илк девон. Т., 1968, 88а-варақ.

Танишинг: Шўҳрат Сирождин



«Ёшлик» ойбигининг мухтарам муштарийларига маълум бўлмай, шеърят ва тафаккур осмонининг Чўлпон юлдузларидан бўлмиш Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратларининг табаррук сиймолари кўзларга жило бағишлаб қолмай, балки бул ҳазратнинг қаламлари остидан чиққан мўътабар асарларидаги умумбашарий ғоя-

лар Машриқу Мағрибдагилар кўнглининг тўридан жой олиб, шундай табаррук зотни етиштирган халққа нисбатан миннатдорлик ва шўкроналар айтилишига боис бўлмоқдаки, бундан биз ҳақли суратда фахрланамиз.

Ана шундай улўф зотнинг ҳаёт ва ижодиётларини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш қанчалик зарур бўлса, бул мухтарам алломанинг шахсияти, фазилатлари, қутлўф дамларию ўкинчлари, фиғону фарёдларини синчиклаб ўрганиш шунчалик фарз ва қарзидир. Зеро, бу соҳада ҳам бугунги авлод учун ибрат ва намуна бўладиган жиҳатлар жуда кўп. Аммо ҳали ечилиши лозим бўлган жумбоқлар ҳам анчагина.

Мир Алишер Навоийнинг замондошларидан бошлаб, ҳозирги навқирон ёшлару турли тоифадаги кишиларни қизиқтириб келаётган жумбоқлардан бири ул ҳазратнинг севгилари, суюклилари ва оила қўрган-қўрмаганлари муаммосидир. Эҳе, бу соҳада қанча-қанча мулоҳазалар, тахмину фаразлар, ривояту ҳикоятлар яратилмади. Аммо бу жумбоқ ҳамон аниқ ва ишонарли жавоб кутмоқда. Шу маънода Шўҳратжоннинг мулоҳазалари кўпчи-

лики қизиқтиради деб умид қиламиз.

Шўҳратжон Тошкент Давлат дорилфунни шарқшунослик куллиётининг эрон бўлимини тугатиб, байналмидал жангчи сифатида Афғонистонда хизмат қилди. Ҳозирги кунда ҳазрат Алишер Навоийнинг табаррук номлари билан аталадиган Самарқанд дорилфунни ўзбек адабиёти тарихи кафедрасининг тадқиқотчиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Унинг тадқиқоти илк манбалар асосида ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳаёти, фаолияти ва шахсиятини ўрганишга қаратилган бўлиб, азиз муштарийлар муҳокамасига ҳавола этилаётган мақола ана шу изланишларнинг дастлабки натижаларидандир. Азизлар! Эҳтимола, ҳамма мулоҳазалар ҳам мақбул ва маъқул дейилмас, эҳтимола, баҳсу мунозарага сабаб бўлар. Худди ана шу мақсад учун ҳам ушбу мақолани мутолаа қилиш фойдалани холи бўлмайди.

Ботир ВАЛИХЎЖАЕВ,
филолог, фанлари доктори,
профессор, Жумҳуриятда хизмат
кўрсатган фан арбоби.

шиш имконияти туғилади ва Хусайн Бойқаро тахтага ўтиргач, Навоий яхши умидлар билан Ҳиротга қайтади. Хадичабегим ҳам у билан турмуш қуришга рози бўлган бўлса карак. Мақола бошида келтирилган парчалар шу ҳақда гувоҳлик бергандек... Унинг ота-онасию, қавм-қариндошларининг эътирозига сабаб, биринчидан, Хадичабегим ғайриқонуний бўлса ҳам, ҳар ҳолда Султоннинг хотини ҳисобланиб, ундан бир қизи бор эди. Шу боис унинг вазир билан турмуш қуриши сарой аъёнлари ўртасида ҳар хил фисқу фасоднинг юзага келишига сабаб бўларди. Иккинчидан, балки улар Султон Хусайннинг ҳам Хадичага кўнгли борлигидан хабардор бўлишса, ажаб эмас. Навоий ҳам Хусайн Бойқаронинг Хадичабегимдан умидини уза олмаётганлигидан ва унга уйланиш режаси борлигидан беҳабар бўлмаган. Шунинг учун ҳам уйига кириб келган маъшуқасини изига қайтариб юборади. Фикримизча, Хусайн Бойқаро Навоийнинг Машҳаддан қайтиб, Самарқандга кетгунича бошидан ўтказган воқеалари, ишқий кечинмаларини билмаган. Чунки Навоий ва Хадичабегим ўртасида ўтган гапларни бири вазири, иккинчиси хотини бўлганликлари учун ҳам ундан қаттиқ сир тутишган. Жуда кам боҳабарлар эса Хадичабегимдан ҳайқириб бу сирни ичларига ютганлар. Шу сабабли Алишер ва Хадича муносабатлари ҳақида бирор манбада ҳаттоки ишора ҳам йўқ. Бизнингча, бу кейинчалик баъзиларга маълум бўлиб, тилдан-тилга кўнган ва афсонага айланган. «Мажолис ул-ушшоқ» тазкирасидаги воқеаларнинг ҳаққонийлигига келсак, уларнинг ростлигига шубҳа йўқ. Бу воқеани султон кексалик йиллари эшитиши ва оғринмай қабул қилган бўлиши мумкин. Аниғи шуки, Султон Хусайн халқнинг гап-сўзини уйламай, Абу Саиднинг ғунчачисига уйланиб, уни ўзининг энг яқин махрами ва сирдошига айлантириши Хадичабегимга бўлган севгиси ёшликдан бошланганлигини ва ўша илк муҳаббат туйғулари умрининг охиригача сўнмаганлигини билдиради. Навоий ҳам дўсти учун ўз ишқини қурбон қилганлиги унинг шеър, ғазалларидан сезилиб туради. У ҳар кунни Хадичабегимни кўрар экан, ишқ олови янада кучаяр ва оқибатда бошқага уйланиш учун ўзида қувват топа олмас эди:

**Ваҳки, кўнглум ғуссаси ҳар лаҳза қасди жон қилур,
Ҳажрим андуҳи бузуғ сабрим уйини вайрон қилур.
Кўп мададдур ҳажр андуҳида совуғ охлар,
Ким, сингурса мен киби ўзига қасди жон қилур.
Неча йиллик меҳнатим ишқ ичра билгай ошиқе,
Ким, ҳадисини ёр ила ағёрдин пинҳон қилур.
Жонни истармен чиқарсам уйдин, кўзларни ҳам,
Кўнглум ул дамким, ҳаёлни лаҳзае меҳмон қилур.**

Хадичабегим эса, Бобур айтганидек, «ўзини оқила тутар эди, вале беақл ва пургўй» хотин, мол-давлатга берилган, унинг учун ишқ-муҳаббат туйғуси иккинчи даражали бўлса ҳам, ҳар ҳолда баъзида Навоийга илтифот қилиб кўяр, бу эса Навоий дардининг яна қайталашига сабаб бўларди. Буни қуйидаги ғазалдан ҳам яққол сезиш мумкин:

**Бор эди, ул ҳамки, бир чоғ, бизга ёр эди,
Кулли ар ёр ўлмаса, филжумла боре ёр эди.
Васлидин бутқармаса, таскин берур эрди сўруб,
Хаста кўнглум дар иниким, хажридин афғор эди.
Мен агар маҳрум эдим, маҳрам ҳам эмас эрди ул,
Кўнглум ар озурда эрди, лек миннатдор эди.
Шамъ агар ёрутмаса, куйдурмаса ҳам яхшидур,
Не улусқа улфат ондин не менга озор эрди.
Гўйиб шукр этмадимким, онсиз ўлмишман бу дам,
Ул қуёшимни ёшурган чархи кажрафтор эди.**

Ушбу ғазални биз таниқли адабиётшунос А. Ҳайитметовнинг «Навоий лирикиси» китобидан олдик. Олим бу ғазал асосида Навоий реал севги ва ёр соҳиби бўлганлигини чуқур мулоҳаза билан изоҳлайди ва «Навоийнинг ҳамма ишқий ғазаллари традицион-романтик мазмунда эмас... Улар орасида гоҳо шоирнинг шахсий ҳиссиётлари билан боғланган ғазаллар ҳам учрайди. Бундай ғазалларда шоир тўғридан-тўғри ўз образини гавдалантиради², дейди. Ҳақиқатан ҳам, Хусайн Бойқаро томонидан «Мажолис ул-ушшоқ» тазкирасида келтирилган Навоий таржиман ҳолига оид муҳим факт олимимиз фикрини тўла-тўқис тасдиқлайди.

¹ Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, 1-жилд, Бадоеъ ул-бадиъ. Т., 1987, 136-бет.

² Ҳайитметов. А. Навоий лирикиси. Т., 1961, 167-бет.

Мажолиснавислик

Зоир Чориев

МАРДИКОРЛАР

Ўзбек халқи тарихининг энг қора саҳифаларидан бири саналган, бироқ ўзоқ йиллар мобайнида ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра ўрганилмай келинган мардикорликка олиш воқеаси ҳақида сўз юритилдими, бас, ушбу мискин қўшиқ хотирангиз қатидан қуйилиб келаверади:

**Поезднинг жилдирган,
Ўтхонаси билан дўнғалаги,
Двинискага кетишди
Мард йигитларнинг бир бўлаги.**

Қўшиқ яқин мозийнинг аламангиз кулфатлари, доғули замоннинг зулми туфайли юрти сабил бўлганлар тўғрисида сўзлайди. У Ҳақ ва Адолат талаб бўлиб чиққан улуснинг аччиқ аъмолидан афғондир. Кўнгли яримта халқимиз мазкур қўшиқни гамзада кўнларнинг хотири сифатида дилда зўр алам ва армон билан кўйлаб келган. Ва нола баробарида шу элнинг эртаси бўлмиш болаларига ҳам ўргатган. Зеро, барча замонларда ҳам аждодларнинг фоже қисматларидан сўйлагувчи қўшиқларни унуттиш гуноҳ каби саналган. Надоматлар бўлсинки, маънавий карахлик даврида халқнинг аччиқ қисматидан куйлагувчи қўшиқлар ўз-ўзидан қувноқ лапарларга эврулди. Энди юқорида айтганимиз, «Мардикорлар қўшиғи» ҳам сохта нарма билан ижро этилаверади. Бу не кўргиликки, ҳар сагирдан изтиробнинг аччиқ ёшлари томиб турган қўшиқни сохта-лаштирадилар. Бу не кўргиликки, ота-боболарнинг руҳларини қирқиллатиб қарсақ ила муқом этсалар. Қўшиғини, қўшиқларини унутган юртнинг қисмати қандай кечади?..

Шукрларким, дўзахий унсурлар ошиғи олчи жамиятимизнинг харобазорларига эсаётган қайта қуриш насимлари фикратдаги моғорларни бир қадар сидиргандай. Карахлик бутун вужудини тарк этаётган бугунги авлод халқ тарихидаги мискин ва шодон қўшиқларидан нечоғлик узилиб қолганини англаб етди. Ва англаш ҳамиятида маънавиятида вужудга келган қаромулуд бўшлиқни тўлдирши учун бугун эл тарихи ҳақидаги ҳар бир муждани зўр ҳаяжон ила ўрганоққа тугинди. Бу ўз навбатида ҳар бир тарихчига катта маъсулият юклайди. Қуйида тўхталмоқчи бўлган мавзуйимиз 1916 йилги мардикорликка олиш воқеалари тўғрисида. Сизга аён ва ноаён бўлган тарих ҳақида. Таассуфки, тарихимиз саҳифаларидаги кўпгина воқеалар яқин ўтмишнинг буқаламун мафқурасининг таъсири оқибатида ўз равишанлигидан айрилган. Лекин имкон қадар тарихий ҳақиқатга шак келтирмай ижод қилганлар ҳам бор эди, албатта. Буларнинг бари давр ва шахсларнинг фожиасидир.

1916 йилги Туркистон ва Қозоғистонда бўлиб ўтган халқ қўзғолони тўғрисида П. А. Ковалёв, Х. Т. Турсунов, М. Ғ. Ваҳобов каби тарихчилар ёзишган. Халқ қўзғолонининг сабаблари, хусусияти ва ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида маълум бир тўхтамга келганлар. Бироқ мазкур муаррихларнинг асарлари ўз даврининг бирёқлама қарашларини ифода этади. Аммо бу уларнинг хизматларига асло соя солмаслиги керак. Маълумки, тарихий воқеаларни ўрганишда ҳеч ким охириги нуқтани қўя олмайди. Ҳар бир авлод ўз аждодларининг кечмишидан ўзича хулоса чиқаришига, ўзига хос ёндашишига ҳақли.

Шу ҳақиқатни англаган ҳолда ўлкамиз тарихининг энг чинага, зиддиятли ва ёрқин саҳифаларидан бири бўлмиш 1916 йилги халқ кўзғолони ҳақида фикр юритиш учун ўзимизда бир журғат сездик. Бундан қарийб етмиш беш йил муқаддам юртдошларимиз зўрлаб олиб кетилган бепоян Урсиянинг ҳудуди бўйлаб, кўнгилда зўр илинж ила сафарга чиқдик.

...Оқпошнинг Олмоня билан бошлаган уруши мамлакатда этилиб келаётган зиддиятларни янада чуқурлаштирди. Уруш ҳамнинг бошига бирдайин кулфат уруғини сочди. Кундан-кун минглаб одамларни ўз домига торта бошлади. Чор қўшинига пешма-пеш янги кучлар сафарбар қилинаверди. Империя танг аҳволга туша бошлагач, Оқпошио ва унинг маъмурлари 1915 йили Давлат Думасида «бегона халқ»ларни ҳам ҳарбий хизматга қақирши керак, деган масалани ўртага қўйди. Мустамакачилик сифатининг ҳадини олган чор ҳукумати бу борада Туркистон генерал-губернаторлигидан «бегона аҳоли»ни ҳарбий хизматга олиш мақсадага мувофиқми ёки йўқми деган масалада фикрини сўрайди. Чор империясининг аҳволи оғирлигига қарамай, Туркистон муваққат генерал-губернатори Мартсон 1915 йилнинг 20 августида Бош Қароргоҳга юборган хатида «ерли аҳолини ҳарбий хизматга қақирши мутлақо мумкин эмас», чунки бу тadbир амалга оширилса, халқ ўртасида галаёнлар бўлиши мумкин, дея таъкидлайди.

Чор мустамакачиларининг бундай хавфсираши бежиз эмас эди, чунки ўлкадаги миллий зулм шу қадар кучайган эдики, алам-ситам жонидан ўтган мазлумлар истаган пайтда уларга қарши исён кўтаришлари аниқ бўлиб қолганди. Шу шончисизлик ва хавфсираш натижасида чор ҳукумати Туркистон, Козогистон ва бошқа ўлкалар ерли аҳолисини ҳарбийга сафарбар этишдан воз кечишга мажбур бўлди. Бироқ доғули, айёр ҳукумат вакиллари шоншилч янги режа ишлаб чиқдилар. Мазкур режага кўра Туркистон, Козок ўлкаси ва бошқа шу сингаги миллий мустамака халқларини фронт ортидаги ҳарбий ишларга олиш мўлжалланган эди.

1916 йил 25 июнда подшо Николай II нинг «Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги қўшин ҳудудида ҳарбий иншоотлар ва шунинддек, давлат мудофаси учун зарур бошқа ҳар қандай ишларга жалб этиш тўғрисида»ги фармони олийси эълон қилинди. Фармонга мувофиқ уруш мобайнида «бегона халқлар» аҳолисининг 19 дан 43 ёшгача бўлган барча эркакларини ҳарбий манфаат учун турли ишларга мажбурий сафарбар қилиш буюрилган эди. Подшо фармонига биноан сафарбарлик Астрахан, Сибир губернияларида, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Оқмулла, Шамай, Етгисув, Урол, Тўрғай, Закаспий вилоятлари ҳамда Кавказ ортининг мусулмонлар яшайдиган қисмида ўтказилиши лозим бўлган.

Фармон нафақат ерли аҳоли, балки чор аёнлари учун ҳам кутилмаган иш бўлди. Аммо улар тез орада ўзларини ўнглаб олиб, сафарбарлик ишларини намунали ўтказишни Ватан ва Подшо олдидидаги бурчлари деб билдилар. Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори А. Н. Куропаткин мардикорликка олишга ўз муносабатини қўйидагича баён этганди: «Қирқ-элик йил мобайнида Урсия қарамоғидаги собиқ Ўрта Осиё хонликларидаги ерликлар ўрис найзалари ҳимоясида тинч ҳаёт кечирдилар, ривожландилар ва бойдилар. Ватан учун оғир дамларда талаб этилаётган мардикорлар шубҳасиз етказиб берилди».

220-бўйруққа кўра қақирилувчиларнинг миқдори 200470 нафар киши қилиб белгиланди. Мардикорликка сафарбарлик ишлари 1916 йилнинг сентябрдан бошлаб юборилди.

Икки томонлама зулм исканжасида қолган оддий халқ бу сафарбарликни зўр қайғу ва нафрат билан қаршилади. Бунинг устига кулфат мавридси келганди. Деҳқон йил бўйи етиштирган ҳосилни йиғиштириши, қоронғу қишга болачақасининг ризқини ғамлаши зарур эди. Подшонинг амру фармони замона ғанимларини четлаб ўтиб, фақат камбағалларга куч кўрсатди. Устига-устак маҳалли амалдорлар мардикорлар рўйхатини тузишда турли адолатсизликларга йўл қўйдилар. Хуллас, авомнинг сабр косаси қалқиди. Йиллар мобайнида тортеган жабр-ситамларнинг оғриғи бир бўлиб, халқнинг дилидан исён янглиғ отилиб чиқди.

Кўзғолон алангаси бутун Туркистонни қамраб олди. Жиззах, Самарқанд, Андижон ва Фарғона музофотидаги аҳоли мавжуд тартибга қарши исён туғини баланд кўтарди. Уша кўзғолонлар хусусида Х. Турсунов ўз асарларида кенг тўхталган. Туркистонликларнинг бундай бош кўтаришини кутмаган чор мустамакачилари кўзғолонни аёвсиз бостира бошлаб кетдилар. Шаҳарларда жазо тўда ва бўлимлари оч бўридай изғир ва янги-янги қурбонлар билан ўз нафсини қондирар эди. Ана шундай фожеалардан энг даҳшатлиси Жиззахда бўлиб ўтади. Мардикорлик олишга норози бўлган халқнинг кўзғолони шафқатсизларча бостирилади. Ҳарбий қисмлар эски Жиззахга ўт қўйиб, ер билан яқсон қиладилар. Минглаб жижзахликлар ёш-қари демай казак қиличлари чопқинга учради. Эски шаҳар нуфузи бошпанасиз қолиб, қишлоқмақшилоқ саргардон бўлади. Ҳарбий қисмлар ўтган қишлоқларда отиб ўлдирилган мурдалар ва дорларда шамдай қотган марҳумларига қоларди, холос. Бу ваҳшийликлар халқнинг қалбини ларзана солади. Унсизгина, лекин тишларини қайраб-қайраб мунгли қўшиқ тўқийдилар.

**Тахта кўприк битдимми?
Николай подшо ўтдимми?
Жиззах шаҳрин вайрон қиб,
Муродига етдимми?**

Фожеанинг кўлами ниҳоятда беқиёс эди. Оқпошнинг авахталари маҳкумлар билан тўлиб кетди. Дала судлари қўли-қўлига тегмай исёнчи «туземец»ларни турли жазоларга ҳукм қиларди. Хуллас, бош кўтарган йиғитларнинг боши кесилиб, мушфиқ оналарнинг охи осмонга ўрлаб қолаверди. Жами 79885 одам қирғинга учраган эди.

Минг тўққиз юз ўн олтинчи йилнинг 16 сентябрида Туркистондан Урсияга қараб мардикорлар ортилган биринчи темирйўл карвони жўнатилди. Яқинда юз берган фожеалардан карахт бўлиб қолган йиғитларни поезд шитоб билан номаълумлик қаърига олиб кетаётганди. Ғам-қулфатдан дийдаси қотаабган мардуми бечоралар ўзларини кутаётган аниқ қисматдан беҳабар эди. Поезд шитоб ила Туркистон заминидан узоқлашаркан, юрагининг бир парчаси шу муқаддас соху тубробда қолаётган мардикор йиғитлар унга сўнги бор тўйиб-тўйиб қараб қолмоқда эди. Тақдир тоши улоқтирган йиғитлар 1916 йилнинг октябрь ойи бошларида Урсия империясининг гарбий ҳудудларига етиб келдилар. Мардикорлар подшо фармонида биноан Украина, Белорусиянинг Гарбий ва Гарби-Жанубий вилоятларидаги саноат корхоналари, ҳарбий истеҳком қурилишларида, ўрмонзорларда ишлашга мажбур эдилар. Бундан ташқари мардикорлар Урсиянинг саноат марказлари бўлмиш Москов, Петроград, Киев, Харьков, Одесса, Курск, Псков, Қозон, Орёл, Рязан, Нижний-Новгород, Тула, Брянск, Екатеринбург, Оренбург, Екатеринбург, Запорожье, Батуми, Тифли каби шаҳарлардаги машинасозлик, паровозсозлик корхоналарида ҳам фаолият кўрсата бошладилар. Белоруссия, Кубан, Бессарабия ўрмонларидаги энг оғир юмушлар уларнинг гарданияга тушган.

Сарғайиб кетган ҳужжатларда абгор бўлган мардикорларнинг қисмати тўла-тўқис ўз аксини топган.

Чор маъмурларининг 390-сонли махфий барқиясида қайд этилишича, мардикорларнинг қақирини уюштириш бемаврид ва фойдасиз бўлган. Чунки туркистонликлар мазкур жойларга асосан кузда олиб келинганди. Усти юпун мардикорларнинг оғир касалликларга чалиниб, ўлат тарқалиши хавфи чор маъмурлари учун ортиқча таъвиш туғдирар эди. Иқлим шароитининг кескин ўзгариши, оғир иш ва ҳаёт кечиршининг машаққати туркистонлик йиғитларнинг соғлиғига таъсир этди.

Мусофир мардикорларнинг тарқатилишини кузатадиган бўлсак, улар сен ва тармоқ эҳиҳатида турлича, умуман жўнатилган мардикорлар 500—1000 кишилик жамоа асосида жойлаштирилиши лозим эди. Бироқ пала-партишлик туфайли бунга эътибор берилмаган. Масалан, Курск губерниясидаги Теткин қанд лавлага корхонасида 100, Сум машинасозлик корхонасида 80, Харьков шаҳридаги Мельёозе машинасозлик корхонасида 118, Гельферих-Заде корхонасида 202, Харьков паровозлик корхонасида эса 149, Сартан шаҳридаги маъдан корхонасида 450 нафар мардикор ишчи меҳнат қилган.

Чор маъмурларининг хулосасига кўра, туркистонликларнинг иш қобилияти паст бўлиб, бир ўрис ишчиси 3—4 мардикорнинг ўрнини босган. Беписандлик билан айтилган бу баҳо мардикорларнинг чеккан заҳматларини тан олмаслик эди. Тўғри, уларнинг аксарияти малакаталаб ишларда ишлаб олмасди, лекин барча оғир юмушларни бажариш туркистонликларнинг зиммасида бўлган.

Улар аксарият ҳолларда қора ишчи ўрнида фойдаланилган. Мусофирларнинг иш ва турмуш шароити билан ҳеч ким қизиқмасди. Ана шундай эътиборсизлик ва беписандлик натижасида Харьков шаҳридаги Гельферих-Заде корхонасида ишлайдиган мардикорлардан ўн нафари қўл ва оёқларини совуққа олдириб қўяди. Юқори маҳкамаларга берилган кўрсатмаларда қайд этилишича, мазкур корхона ихтиёридаги аксарият-мусофир мардикорлар камқонлик ва юрак касалликлари билан оғриган. Бундан ташқари, ётоқхоналарда яланг оёқ юриш оқибатида барча мардикорлар йўтал орттириб олинган. Айниқса, сентябр воқеаларидан кейин корхона ишчи кучига эҳтиёж сездди. Шу талаб ва эҳтиёж қондириш мақсадида, бу ерга 100 га яқин ўзбек юборилди. Уларнинг ҳам 67 нафаридо юрак хасталиги бор эди. Корхона маъмурияти ўзбек ишчиларига ваҳишона муносабатда бўлдилар. Шу сўғсат қурбони сифатида бечора мардикорлар бир кечаю кундузда 16—18 соатлаб оғир жисмоний меҳнат қилганлар. Эвазига эса бир кунда атиги 75 тийин ҳақ олишарди. Иссиқ кийимлар билан таъминланмаган ўзбек ишчилари 22—25 даражаги қаҳратонда очиқ ҳавода ишлаб, қўл-оёқларини совуққа олдиришган. Мардикорларнинг оммавий шамоллаши, аъзоларини совуққа олдириш оқибатларига корхона маъмуриятининг эътибори қаратилганда, улар беписандгина қилиб: «Маъмурият мардикорларни кийинтириш мажбуриятини ўз зиммасига олмаган», деб қўя қолишган.

Харьков паровозсизлик корхонаси тасарруфидаги мардикорларнинг аҳволи бундан-да аянчли бўлган. Ўрис бўлмаган миллатларнинг беморлари учун корхона маъмурияти алоҳида шарт-шароитсиз ётоқхона ажратиб, уларни тиббий ёрдамсиз қолдирган. Бу ҳол ҳеч кимни ажаблантирмаган ҳам. Ўзбеклар, туркманлар, қozoқлар ва бошқа шунга ўхшаш ўрис бўлмаган халқ вакиллари батамом ҳуқуқдан маҳрум эдилар. Уларни турли корхона корчалонлари истаган пайтда зўрлик билан олиб кетаверар эди. Масалан, Фарғона вилоятининг Ўш уезидан берган Юсуфжон Юнусов арзномасида маъмурларнинг ана шундай бебошлигидан азият чеккан мардикорлар ҳақида гап боради. Унда айтилишича, Ҳарбий Саноат Кўмитасининг Ёгонсозлик бўлими ихтиёрига 220 нафар мардикор берилган. Улар 3 ноябрда Олевск кентига жўнаб кетадилар. Кентдан ўрмонгача пиеда йўлга тушган ишчилар манзилга етиб келиб, ажиб манзарани кўрадилар: иш жойида ҳатто бирор бошпана ҳам йўқ эди. Бутун мардикорлар тиззасигага сувга ботиб, ботқoқ ичида аросатда қолганлар. Куннинг совуқлиги уларнинг жон-жонидан ўтиб кетган. Шунга қарамадан маъмурлар улардан ишлашларини талаб қилганлар. Чор маъмурияти мардикорларга бўлаётган зулмни ниқоблаш ниятида улардан фойдаланиш қондаларини ишлаб чиққанди. Бироқ инсонийлик қиёфасини йўқотган корхона хўжайинлари бунга қатъий эътироз билдирадилар.

Мардикорлар қанчалар тазийқ билан ишлатилмасин, теваарак-атрофда бўлаётган воқеалардан четда қолмаганлар. Ўрис ишчилари ўртасида норозилик чиқишлари, ўз ҳақини талаб қилишлар мардикорларнинг кўзини оча борган. Гарчи, чор ҳукумати туркистонликлар билан бирга ишлаётган ўрис ишчиларига имтиёзлар бериб, уларни бир-бирига душманлигини, ғаразини кучайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса-да, бу шунч ният амалга ошмади. Иш ҳақлари ва яшаш шароити нисбатан бирмунча яхши бўлган ўрис ишчилари хўрланган мусофир мардикорларга ўз ҳамдардликларини билдириб турганлар, ўз навбатида мардикор ишчилар ҳам ҳамма жойда зулмкорларнинг «миллати» бир эканига шонч ҳосил қилганлар.

Чор маъмурлари мардикорлардаги бундай ўзгаришга бепарқ қарамаганлар. Ўша суронли йиллар нафасини бугунга қадар олиб келган ҳужжатларда қайд этилишича, илғор ўрис ишчилари ўзбек мардикорларининг ётоқхоналарига ки-

риб, уларни хўжайинларга қарши бош кўтаришга ундаганлар. Сийсий-маърифий тарғибот ишларини олиб борганлар. Ўзбек ишчилари орасидан ҳам сийсий онги тиниқлашиб келаётган Мир Файзимир Жалоев ва Абдул Қосим Шоматерианов каби фаоллар етишди. Илғор ғоялар ва инқилобий кайфият ўзбек ишчилари ўртасида ёйилаётганидан таъвишланган маҳсу ҳарбий идора вакиллари тезда чора қўриб, фаол ишчиларни корхонадан четлаштирдилар. (ЦГА УССР, Ф304, д 1648, л 149). Чор мустамлакачилар ҳар бир мардикорнинг ерга қадалган кўзларида исён учкунлари йилтиллаётганини сезиб турарди. Эҳтиёт юзасидан фронт ортидаги ҳудудларда жойлашган мардикорларни соқчи назорати остида ишлатиш тартиби жорий қилинди. Ҳатто генерал-лейтенант Корольковнинг шахсан ўзи мусофир ишчилар яшайдиган ётоқларга умуман беғона кишиларни доритмаслик тўғрисида буйруқ берди. Лекин шундай тақиқ ва таъқибларга қарамай, мардикорлар ўртасида тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилаверган. Масалан, 1917 йил 14 январда Гельферих-Заде корхонасида ишлайдиган наманганлик ишчилар ётоғига икки номағлум шахс келиб, ўзларини мусулмон деб таништирганлар ҳамда улар билан муносабатга киришишга уринган. Ҳа, бу вақтга келиб, бутун мамлакатдаги каби мардикорлар ўртасида ҳам бевозта инқилобий руҳ кеза бошлади. 1917 йилнинг апрел ойидан бошлаб туркистонликлар ўз иш жойларидан қочавердилар, ишдан бош тортдилар. Бу ҳаракатлар уларнинг адолатсиз чор мазлумларига исёнидан бир аломат эди. Корхона назоратчисига ёзилган ахборотда ана шундай бўйсунмас қочоқларнинг номлари бирма-бир зикр этилган. Тубандагилар маҳкумликдан кўра озодликда жон беришни ағло билганлар: Акбарали Умарбоев, Муҳитдин Мулла Абдуқодир, Калим Давлатов, Абдужалил Абдусатторов, Карачий Бегалиев, Алдонгор Большаков. Кундан-кун мардикорларнинг маъмуриятга ёзғириши кучая берди. Вазиятни инобатга олиб, чор амалдорлари 1916 йил 28 декабрда ишга яроқсиз бўлиб қолган, касалманд мардикорларни уйларига қайтаришга руҳсат бердилар. Қўл-оёғини совуқ олган, зотилжам ва майиб-мажруҳ мардикорлар ўлиги шу юртларга қолиб кетмаганига минг шукроналар айтиб йўлга отландилар.

Уларни кузатиб қолаётган дўстлари, ҳамюртлари Туркистонсиз, унинг сахий қуёшсиз яшаи нақадар азоб эканини чин дилдан ҳис этиб, армон уммонида гарқ бўлиб қолавердилар.

Маъмурият мардикорлардаги кайфиятга қараб, уларнинг талабларини қисман инобатга ола бошлади. Масалан, ишчиларнинг ҳаққига хиёнат қилган юзбошилар мавжудлиги, агар улар ана шундай товламачилик қилса, оддий ишчи даражасига туширилиши ёхуд қамоққа олиниши ҳақидаги буйруқ барча мардикорларга ўқиб эшиттирилди. Мусулмон ишчиларнинг диний байрами — мавлуди набийни ўтказиш учун уларнинг ишдан озод этилиши ҳақида ҳам буйруқ берилади. 1916 йил 23 декабр кечқурун ва 24 декабр кун бўйи мусулмонлар ибодат билан машғул бўлишади. Афсуски, улар ибодатни ҳам юқоридан берилган кўрсатма асосида ўтказдилар. Маросимда «Император Ҳазрати олийларининг тинчлиги ва бутун салтанатнинг ғанимлари тез орада кунья кун бўлишини талаб илтижолар» қилинди.

1917 йил Феврал инқилобига мусофир мардикорларнинг сарсон-саргардонликда тентирашларига чек қўйди. 1917 йил май ойида Муваққат ҳукуматнинг буйруғига мувофиқ уларга Ватанига қайтишга изн берилади. Ҳаёт минг куйларга солган мардикорлар Ватанга ошиққан, Ўрсияда ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши қандай курашиш йўлларини англаб етганларига имонлари комил эди. Шу боис ҳам улар кейинчалик Туркистонда олиб борилган Миллий озодлик курашининг олдинги сафларида бўлганлар.

Баҳром Рўзимухаммад



Тунги эътироф

Кундуз — ошкор бўлган сир.
Беҳуда
Яна ундан ненидир кутиш.
Ухла
Ва уйғон уйқу ичида
Илоҳий оламга боғланганда туш.

Кун суврати

Шошамиз,
чиққимиз келмайди трамвайларга,
айниқса, йўлни кесиб ўтаётганда
шошамиз уйга тезроқ бориб
вақтни бекор ўтказмоқ учун.
Қўшиқнинг енгил-елписи,
муסיқанинг узук-юлуғи,
тарихнинг...
Замон сувратига ўхшайди
бизнинг бўм-бўш ўтаётган кунимиз.

Паришонхотир

Дунёга
келганим
унутиб
у умрини яшамай қўйди...

Шеър ёзиш машки

Бугун ҳеч бир фикр тушмади
мен қўйган тузоққа,
биттаси яқинлашиб келди-ю,
шакланмади тузоқни кўргач...

Қайга ҳам сизарди
сенинг жимлигинг...



Суврат ва сийрат

Тошбақа ўзини тошга яширгани каби
яшириндим
ўзимнинг тортинчоқ танимга
тинмай ўйлайман ўйлайвераман
қандай кўринарди оёқ-боши тош бўлса
тошбақанинг
косаси ғадир-будир тери шаклини олса
ва мендаги ҳаё
ичакка ўхшаб
яшаса ичимда...

Сомеълик

Мен ўзимни унутдим
сен ҳам унут ўзингни
исмингни ёдингдан ўчир даставвал
ҳали оламга келмадим деб ишон
шундай ишонки яралмаган каби бўл
мен ўзимни унутдим
нега ёлғизман мен
нега унутмаяпсан сен ўзингни

«Тонг яқин» туркумидан

Шайтон ҳайиқади ичимга кирмакдан
мен, мен кираман шайтон ичига
ичига ўрнашиб ололсам борми
икки карра яралмагандай бўлади дунё

Қушча

Қўкка отиб муштдек кесакни
тушмоғини кутган бир одам каби
сени ерга отиб юборган
осмон қайтишингни кутади.

Маҳкумлик

Қочиб бормоқдадир ёв
ёмғирдек ёғилмоқда ўқлар
ботирлар бош кўтармоқда қўзиқорин каби
душмандан ўн карра кўпроқдир улар
кимки ёвни қувса ҳаммаси ботир
ҳамма тош отмоқда душманга қараб
майдонга чиқдингми сен ҳам маҳкумсан
тош отмоққа ёки қочиб кетмоққа
ҳамма ёқда ғиз-ғиз учар экан тош
қайга ҳам сизарди сенинг жимлигинг

Эски шаҳарда

Қитир-қитир
қурғур сичқон иштаҳа билан
ея бошлар семиз китобни
қитир-қитир
қишлоқ йўлида тунда
кетиб бораркансиз нотаниш итлар
шундай
бир-бирига басма-бас вовуллашади

Ишсизлик

Шоир дўстимга

Иш сўрайди қўлим
жовдираб қарайди ақлимга
топилмайди иш
қинга қайта солинган қилич каби
чўнтагимга киради қўлим
кейин эса
кейин
бошқаларга топилади иш
яъни қалқон ушлаб келгувчиларга

Кулранг манзара

Тамаки тутатдим кун бўйи
чечакларнинг ҳиди чекинди
этигини ечмаган бир деҳқон каби
мен кириб бордим тун салтанатига
ўзимнинг хонаки ташвишим билан
жозибали эди тун
ҳар ҳолда узоқдан кузатилганда



Фол очиб кўрилмаган келажак

Тушини таъқиқлади давлат арбоби
башоратчининг
ухламасин деб теварагига соқчилар қўйди
тушида кўрмасин давлат келажagini
башоратчи ухламади
кўзларини очиб ўлди
кўриб кетди фол очиб кўролмаган
нарсаларини
зулмни кўриб кетди фол очиб кўрабилмаган

Демак...

Илондан қўрққанига қараганда
узунчоқ ва совуқ нарсамас руҳим
оловга талпинганига қараганда
ўхшамайди музга ҳам асло
бу жирканч танимдан нафратландими
демак ойдек шаффоф нарса руҳ.

Илинж

Умидга ўхшайди
қаттиқ ишонаман худди умиднинг ўзи
ҳеч бўлмаса чорак аср шундай турса
чорак аср умидга ўхшаб турса у
кейин кўзим хиралашади
нимага ўхшаса ўзи билади
кейин хиралашади онгим
йўқ бўлса ҳам майли руҳсат бераман
аммо ўшангача умидга ўхшасин
мен ҳам яшай олай умримни.

Ибтидо

Ҳали дунё дунё бўлиб яралмасидан аввал
аллақандай махлуқ қўрқинчли туш кўриб
алаҳлаб бўкирган
Сен ўша овоздан тан ясаб ичига руҳингни тикди
одам
Дунё эндигина шаклланаётган сонияда
баҳайбат бир дев ҳўнғир-ҳўнғир йиғлади
Ўша кўзёш томчисининг аксисан
одам
Дунё ҳеч қачон бузилмайман деди
яралди
бузилмай кўр-чи, деган сенсан
одам
дунёни бузади ичингдаги дунё

Пахта

Пахта шу қадар кўп экилганки тупроғимизга
ерни ковласанг чигит чиқади
Тинимсиз ковлайвер чиқаверар у
қайта-қайта ҳатто балчиқдан
ерга ўхшамаган заррадан ҳатто
мабодо ер деганнинг адоғи етиб
ҳавосиз бир бўшлиқ пайдо бўлса гар
ўша бўшлиқдан ҳам чиқади чигит

Бахт

Сенинг кўзларинг мени кўрганлиги учун
мен бахтлиман
Сенинг кўзларинг мени кўрмаганлиги учун
мен бахтлиман
Қара
Йўқотган нарсамни топиб олай мен
қуёшга қараб тош отгандек
бўламан ненидир тополсам агар

Дажжолнинг боласи

Дажжол боласининг пешонаси ярқироқ
тепа сочи тикка бўлмас ҳеч қачон
Дажжол том устида сўзлашни ёқтирар эди
у бўлса минбарда
Дажжолга қилич ботмаган эди
унга эса ўқ
Кўлтиқлаб юрганди Дажжол иккита тоғни
у эса китобини икки даҳонинг
Дажжол кимсасиз оролга қувғин қилинган
у-чи мақбарада қотиб ётибди
Дажжол дунёни эгалламоқ режасидайди
у эса Владит қилмоқчи бўлганди Мирни



Равшанбек Маҳмуд

ЮЗНИ ЎҚИШ САНАЪАТИ

Халқимиз иқтидорли, истеъдодли халқ. Унинг тарихи битмас-туганмас хазина. У илм-фан, маданият ривожига жуда кўп жасорат ва мўъжизалар кўрсатган. Урта Осиё халқлари жаҳонга Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Жомий, Навоий, Кошифий, Бобур, Ҳамза сингари мутафаккирларни етштириб берди. Бу мутафаккирларнинг ҳар қайси бири ўзи яшаган даврининг, жамиятининг тараққиётига катта ҳисса қўшганлар.

Лекин турғунлик йиллари деб аталаётган даврда баъзи олимларимиз Урта Осиё халқларининг инқилобга фақатгина икки фойизи саводли бўлган, холос, деб кимларгадир яхши кўриниш учун ҳақиқатни камситиб келдилар. Ҳозирги барча яхши нарс ва ҳодисалар фақат инқилобга мажбуран боғланди.

Инқилобий қайта қуриш, ошкоралик туфайли тарихий ҳақиқат юзага чиқмоқда. Ҳолбуки, жаҳондаги илк фазогир, улуг бобомиз Абу Райҳон Берунийнинг гувоҳлик беришича, Урта Осиёлик Ал-Жавҳарий бўлиб, у IX асрда осмонга учган. Ал-Хоразмий яратган кашфиётга бутун жаҳон аҳли лол қолиб, уни ҳар бир халқ ўз вақили деб аташга ҳаракат қилганлиги барчага аён. Еки бутун онгли инсоният Ибн Сино тафаккури олдида хануз бош эгиб келмоқда.

Урта Осиё мутафаккирлари шугулланмаган биронта фан ёки санаъат тури қолмаган. XV асрда яшаб ўтган биргина Камолуддин Хусайн Воиз Кошифий ахлоқ, нўжум, мантик, адабиётшунослик, риёзиёт, ҳисоб, ислом тарихи, илоҳиёт, тарих, мусиқашунослик, тасвирий санаъат, табобат каби соҳалар билан шугулланиб 200 дан ортиқ асар ёзган. У ўз замондошларидан фарқли ўларок, юзни ўқиш санаъати бўйича ҳам ибратли фикрларини баён қилган. Воиз Кошифий инсоннинг чеҳра, соч, қулоқ, тиши-

га қараб ахлоқини, характерини айтиб бериш истеъдодига эга бўлган мутафаккирдир.

Хусайн Воиз Кошифий 1440 йилларда Хуросон вилоятидаги Сабзавор шаҳрининг Байҳақи кентига туғилади. Ешлик йилларини Сабзаворда, Нишопурда, Машҳадда ўтказди. 1470 йилларда Абдурахмон Жомийнинг тавсияси билан Ҳиротга келади. 1505 йилда Ҳиротда вафот этади. Мутафаккир ҳаёти ва ижоди ҳозиргача кенг ўрганилган эмас. Аввало, уни илоҳиётчи олим деб бир томонлама муносабатда бўлиниб келинган бўлса, иккинчидан, асарлари форс, араб тилларида бўлганлиги учун ҳам жумҳуриятимизда кам эътибор берилди. Хайриятки, қайта қуриш туфайли илоҳиётчи олимлар ижодига эътибор кучайди. Воиз Кошифий фақатгина илоҳиётчи олимгина эмас, балки ўз даврининг таниқли, халқ меҳрини қозонган шоири, адаби, риёзиётчиси, мантиқшуноси, файласуфи, қисқаса, ахлоқшунос олими бўлган.

Воиз Кошифий бутун Хуросон диёрида Хусайн Бойқаронинг воизи (нотиғи — Р. М.), таъбирчиси, маслаҳатчиси сифатида машҳур эди. У мусулмон халқларининг муқаддас китоби Қуръонга оддий халқ тушунадиган қилиб, соддалаштириб, 4 китобдан иборат шарҳ ёзган. Афсуски, бу шарҳларнинг бир китобигина тарқалган, холос, қолган 3 китоби эса қўлёзмалигича қолиб кетган. Асосий гап бунда эмас. Асосий гап Кошифийнинг илоҳиётчи, ахлоқшунос олим сифатида бутун дунёда машҳур бўлганидир. Унинг «Тафсири мавоҳибул халид маъо Қуръони Карим», «Ба тафсири Қуръони мавоҳиб ул досир», «Тафсири мавоҳибул халид жалалин маън ал-Қуръон», «Тафсир-э Ҳусайн ма, Қуръон», «Тасхил ал-байоён фи тафсири ал-Қуръон», «Рисолайи олия фи-ал-аҳадиса набавийа» сингари асарлари Урта Осиё мусулмон халқлари орасида машҳур бўлган. Булардан ташқари мутафаккирга шўхрат келтирган асари «Ахлоқи Муҳсиний»дир. У Хуросон мамлақати мадрасаларида ахлоқдан дарслик сифатида ўқитилган. Олимларнинг гувоҳлик беришича, бу асаринглиз, немис, француз, грек, ҳинд, татар, эски ўзбек, араб каби ўнлаб тилларга таржима қилинган. Асар 40 тобдан иборат бўлиб, у, асосан, инсонпарварликка, ахлоққа бағишланган. Ахлоқнинг категориялари, ахлоқ нормалари, инсоний фазилатлар қизиқарли мисоллар, ҳикматлар орқали кўрсатиб берилган.

«Ахлоқи Муҳсиний»нинг «Фаросат тўғрисида» номли 34-бобида инсон учун фаросатлиликнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Кошифий бу бобда

фаросат ёрдамида инсоннинг ташқи кўринишига қараб унинг характерини, ахлоқини айтиб бериш мумкинлигини кўрсатиб берган. Инсон юзини ўқиш жуда қийин, катта истеъдод талаб қилади. Хусайн Воиз Кошифий Урта Осиё олимлари ичида юзни ўқиш санаъати билан шугулланган ягона мутафаккирдир.

Қуйида улуг олимнинг «Ахлоқи Муҳсиний» асаридан бир парчани журнал-хонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Кишининг ранги бағоят оқ ва кўзи кўк, яшил бўлиши юзи қаттиқлик, бешармлиқ, хиёнат фисқу-фасод, кам ақллиқ, кажтаб (қинғир табиатли, қилғи ёмонлик) далилидир. Бу аломатлар билан бирга у кўса, тезназар, ясси пешона ва бошида сочи кўп бўлса, ҳукамо айтибдурларки, мундоғ кишидан хазар қилмоқ, уларнинг сўхбатидан йироқ бўлмоқ керак.

Сочнинг дурушт(дағал) ва қизил бўлмоғи шижоат ва кўнгли тозалик белгисидир.

Сочнинг юмшоқлиги бедиллик, кўрқоқлик ва дийдаси қаттиқлик, камфаҳмлиқ аломатидир.

Гарданида, кифти (елкаси)да кўп мўй бўлиши журъату аҳмоқлик, сийна ва қоринда кўп мўй бўлиши эса ваҳшаттаб (ёввойи феъл) ва фаҳми кам, жафога мойил бўлмоқнинг белгисидир.

Сочи сарик бўлмоқ такаббур ва аччиғи тезликнинг нишонасидир.

Сочнинг қора бўлиши ақл-идроқлик, омонатга хиёнат қилмаслик ва адолатпарварлик белгисидир.

Сочнинг қоралиғи ва қизиллиғи ўртача бўлиши ҳамма сифатлар ўрта даражада бўлмоқ нишонасидир.

Пешонаси кенг бўлиб, унда ажин, тириш бўлмаса, бу хусумат, беақллик, лофчилик, хасислик, ожизлик белгисидир. Миёна (ўрта) ҳол пешонаким, анда чин (ажин) ва шиканж (азоб, машаққат белгиси) бўлса, сидку муҳаббат ва фаҳму илм, хушёрлик, тadbирлилик далилидир.

Қулоқнинг катта бўлиши жоҳиллик, аммо баъзи ҳолларда ҳофизлик (сақловчи, муҳофаза қилувчи) ва аксар вақтда ҳўйи тез бўлмоқнинг белгисидир.

Қулоқнинг кичиклиги аҳмоқлик ва дузд (ўғри)ликнинг нишонасидир.

Миёна (ўртача) ҳолдаги қулоқ мўтадил (ёқимли) бўлмоқнинг белгисидир.

Қошнинг кенглиги ва мўйининг қалинлиги, узунлиги сўзи дурушт (кўпол) бўлмоқнинг аломатидир.

Қошнинг қайрилгани лофчилик ва такаббурлик нишонасидир.

Қошнинг қаролиғи (узун ёки қисқа бўлмай) меъёрида бўлса фаросатлик, диёнатлилик аломатидир.

Билгички, кўзининг тез назар бўлмоғи ҳасадгўйлик, хиёнаткорлик ва беҳаёлик нишонасидир.

Кўзнинг катта, кам ҳаракатли бўлиши нодонлик далилидир.

Кўзнинг катталиги ва кичиклиги ўртача бўлса фаҳму хушёрлик, ростгўйлик, диёнатлилик нишонасидир.

Бурун улук (катта) бўлса мулоимлик ва юмшоқлик белгисидир.

Бурун эгри бўлса шижоатлилик, агар бурун ясси бўлса шаҳватни дўст тутмоқни далилидир.

Бурун тешиги кенг бўлиши ҳасад ва ғазаб нишонасидир.

Бурун йўғон бўлиб, учи ясси бўлса ёлғончилик далилидир.

Оғизнинг кенг бўлмоғи шижоатлилик белгисидир.

Лабнинг қалин бўлмоғи аҳмоқлик нишонасидир.

Лабнинг қалин ва юпқалиги меъёрида бўлиши кенгашлик, яхши хоҳишликни билдиради.

Тишнинг эгри бўлмоғи макру ҳийла, хиёнат, тишнинг ораси очик ва силқилиги эса адолат, тadbиркорлик белгисидир.

Юзнинг гўшти тўла ва ўсуқ бўлмоғи жаҳолат, хўйи тезлик белгисидир.

Овознинг баланд ва йўғонлиги шижоат аломатидир.

Овознинг ингичкалиги бадгумонлик, ваҳмонлик далилидир.

Овознинг мўътадил (ёқимли) бўлиши тadbиркорлик, ҳар ишга яхши саранжом бермак нишонасидир.

Сўз айтиш вақтида қўл тебратмоқлик зийраклик ва тadbирлилик белгисидир.

Бўйиннинг қисқалиги макр, ичи ёмонлик далилидир.

Бўйиннинг узунлиги ва нозиклиги эса аҳмоқлик, кўрқоқлик аломатидир.

Бўйиннинг йўғон бўлмоғи жаҳлу ҳамоқат (нодонлик, аҳмоқлик) ва суст кўнгил, пурхўр (кўп егувчи) бўлмоқ далилидир.

Қорни катта бўлмоқ жоҳиллик ва аҳмоқлик, суст кўнгил бўлмоқ нишонасидир.

Бармоқларнинг узун бўлмоғи барча санъатларда бузург (улуғ, ҳурматли) бўлмоқни билдиради.

Панжанинг йўғон ва гўштдор бўлиши нодонлик, юзи қаттиқ бўлмоқ аломатидир. Уларнинг меъёрида бўлиши мўътадиллик далилидир.

МУҲАРРИРИЯТДАН: «Юзни ўқиш санъати» мақоласининг муаллифи таъкидлаганидек, Урта Осиё мутафаккирлари шуғулланмаган бирорта фан ёки санъат тури қолмаган. Афсуски, бу улкан меросни инқилобдан кейинги даврда кенг миқёсда ўрганиш чегаралаб қўйилди. Шу боис ҳозирги имкониятдан фойдаланиб боболаримиз ҳаёти ва ижодини тадқиқ ва тарғиб қилиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Тўғри, улардаги барча фикрлар ҳам тўғри, мутлақ ҳақиқат бўлавермаслиги мумкин. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги неча асрлар аввал яратилган. Хулоса шуки, ўқувчилар Кошифийнинг «Ахлоқи Мухсиний» асаридан парча эълон қилишимизнинг асосий мақсадини тўғри тушунишадди, бизни қўллаб-қувватлашадди.

Ажабий танқид



Наргис Довурбоева

«Жажман»нинг жилвалари

Ғарбшунос олималардан бири М. Д. Смирнова Проспер Мериме ижоди ҳақида гапириб, унинг сарлавҳага жуда катта эътибор беришини таъкидлайди. Дарҳақиқат, сарлавҳа бутун асарнинг муҳим қисмини ташкил этади, сўз борадиган мавзунини аниқ белгилайди. Худди шу фикрни биз ёзувчи Х. Дўстмуҳаммад ижодига нисбатан ҳам айтишимиз мумкин. Адиб ҳар бир ҳикоя ёки қиссага сарлавҳа кўяр экан, асар моҳиятини ўзида ифода этадиган сўзни топади. «Паноҳ» қиссасида туғилиб ўсган замин одамларга зилзилада паноҳ бўлса, «Нигоҳ» қиссасида асар қаҳрамони — трамвай ҳайдовчиси Бекнинг тақдири оғир призмаси — нигоҳидан ўтказилади. Сарлавҳаларнинг ўзидан жилволанган сўзнинг теран бадияти кўзга ташланади: «Паноҳ»да рамзий, «Нигоҳ»да мажозий маъно мавжуд. Энди «Жажман» ҳикоясининг сарлавҳасига келсак... Яхшиши, шу ҳақидаги фикрларимизни ҳикоя таҳлилининг якунига асраб қўя қолайлик.

Тилшуносликда яхши бир мезон бор: текширилаётган сўз синхроник ва диахроник аспектларда олиб қаралади. Биз ҳам бу ҳикояни бир неча аспектларда кўриб чиқамиз.

Қадим даврларда кишилар оловга эътиқод қўйганлар. Бу эътиқод фанда зардуштийлик деб аталади. Ҳикоя қаҳрамони шу номни, яъни Зардушт бобо номини олган. Агар яхшилаб эътибор қилинса, ҳикоядаги Зардушт бобо бозор яралгандан бери шу ерда яшаётгандай туюлади. Аслида ҳам шундай, унинг на ибтидоси ва на интиҳоси бор. У ер юзида дастлабки одамлар — ибтидоний жамоа вакиллари яшаган даврдан то ҳозирги кунимизгача яшаб келаётган эътиқодли, имони бут кишиларнинг умумлашма образидир.

Тонг саҳарда тимга ғаройиб махлук оралайди. Сокин бозор уяси бузилган арилардай тўзиб кетади. Уша махлук қайси бир муштипарнинг сағирлари ризқини ўмариб кетади. Оҳ-воҳ чекаётган аёлга дарров ҳамдардлар топилади, лекин ҳеч ким бирор ҳаракатга

журъат этолмайди. Фақатгина «Тўддан чеккароқда бошини солинтириб турган Зардушт бобо бирон ерда писиб ётган ўғри — каззобнинг гирибонидан олишга имони комилдай вазмин одимлаб тимнинг этаги томон юрди, икки ёни кета-кетгунча чўзилган раста оралаб бораётиб кунда-шунда бозорчиларнинг мудраб-кершиб зўр-базўр уйғонаётганини кузатганча ўйлади: «Ҳамма ўзи билан овора: тирикчилик ташвиши... сотиш, сотиш, пулга чақиш дардида бари».

Келтирилган кўчирмадан кўриниб турибдики, Зардушт бобо бу ерга рўзғор илинжида келмаган. Бозорчилик дунёнинг пасту баландини, одамларнинг яхши-ёмонини кузатиб бориш учун бир восита, холос. Аслида бозор бу рамзий тушунча бўлиб, у бизнинг ҳаётимиз, қолаверса, жамиятимиздир. Бозорга кириб-чиқиб юрганлар эса инсонийлик нима эканлигини тушуниб-тушунайидиган ўткинчи дунё йўловчиларидир.

Ҳикоянинг биринчи аспекти макон ва замонда ҳаммаша мавжуд бўлиб келган яхшилик ва ёмонликнинг абадий курашидан иборат. Инсон пайдо бўлиши билан эзгулик ва ёвузлик яралган. Улар ўртасида доимий эиддий мавжуд. Улар бир-биридан ажралган ҳолатда яшай олмайди. Бозорга Жажман ташлаган баҳайбат қўл ёмонликнинг абадий маҳв бўлмаслигига ишорадир. Бунда одамлар Аҳурамаздан дунёсининг, жажманлар эса Аҳраман дунёсининг кишилари каби кўрсатилади. Зардушт бобо бу ерда илоҳий инсон, тўғрироғи, валийдир. Ёзувчи уни воқеаларга деярли аралаштирмай, «тўддан чеккароқда» олиб юради. Шунинг учун ҳам ўша нимадан тарқагани номаълум жондорни кўрганда беихтиёр «тимга жажман оралади, яхшилар!» деб юборади. Аммо у жажман сўзини илгари ҳеч қаерда эшитмаган эди. Худдо ўз бандаларини огоҳ этиш учун бу сўзни илоҳий сезгилар орқали чолнинг кўнглига солган эди. Бобо жажманин кўрган чоғда ҳовлиқиб кетмаганидек,

уни ўлдирамиз, деб ошиққан бозорчиларга қўшилиб югурмайди. Негаки, у жажманни ўлдириш билан яхшиликка эришиш мумкин эмаслигини жуда яхши тушунади. Токи ер юзида жажманлар бор экан, абадий эзулик ҳақида ўй суриш бекордир. Эвузликнинг интиҳосиз эканлигини баҳайбат қўл саноқсиз жажманлар ташлаш билан ҳам тасдиқлайди.

Асардаги иккинчи қараш ҳам бевосита жажманнинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ. Жажман бу ўринда пораҳўрлар, товламачилар, халқ мулкни ўмарувчилар, ташмачилар, умуман айтганда миллат ичидаги митти-митти юҳолар сифатида кўринади. Бу юҳоларни биз истаган ном билан аташимиз мумкин. Бу юҳолар истаган миллат ичидан хоҳлаганча топилади. Ҳикояда туркий миллатлар характери жуда яхши очиб берилган. Бу фикрни далиллаш мақсадида биз яна ҳикоянинг бошланғич қисмига қайтаемиз. Сотиладиган майизнинг ярмини ўғирлатиб оҳ-воҳ қилаётган жувон қошига келаётган Зардушт бобо ўзининг қопидан энг сара майиздан белбоғига уч-тўрт кафт ташлаб, жувоннинг яримлаган қопи устига тўкади. Чолнинг орқасидан аста-секин бошқа кишилар ҳам ўзининг илинганини олиб келиб бирин-кетин аёлни қопига тўка бошлайди. Худди шу ўринда ўзбекона юксак одамийлик ва ҳамдардлик яққол кўринади. Яна шу жойда миллат ёки халқ қачон ягона куч бўлиб бирлаша олади, деган масаланинг ечимини ҳам топамиз. Ҳа, миллат қайғусида бир-бири билан осонроқ топишади. Бунинг учун ана шу гамни-фалокатни барчага етказиб билиш, одамларнинг кўзини очиб керак. «Жажман» ҳикояси шу маънода халқни уйғотишга ва бирлашишга чорлайди.

Учинчи аспектда биз ҳикоянинг янада чуқурроқ қатламига дуч келамиз. Бу энди миллий, тўғривоқ, миллатлар тўғрисидаги масаладир. Ҳозир Урта Осиёнинг босиб олинishi қайта муҳокама қилинаётган пайтда бу ҳикоя маълум фикрлар уйғотади. Биз Россияга «қўшиб олинishi»нинг қандай оқибатларга олиб келганини кўрдик. Асарда тасвирланган бозорни Урта Осиё деб олсак, жажманни рамзий маънода ғайридин қишилар дейишимиз мумкин. Жажман биринчи марта тимга оралаб туршак-майизларни паққос туширган пайтда нимадан тарқатгани номаълум бу маълумни тўйдириш учун одамлар дастлаб қизқиш ва эрмачка ким ўзди қилишса, уни тўйдириб бўлмаслигини англагач, ундан аста-секин ўзларини торта бошлашади. Авваллари «бир чўкиб ўн марта атрофга қарайдиган» жонзот бора-бора одамлардан тап тортмай кўяди.

«Кейинроқ Жажман биров чақирмасам ҳам ердан ёриб чиққандек пайдо бўлишни, растага уюлган мева қоқисидан бемалол паққос туширишни одат қилди. Тимдагилар бунга кўиники, сўнг... ўша кезлар, ким эди-я, ҳа-я, анави Сўзамол ёнғоқфурушнинг бобоси — Бобо ёнғоқфуруш Жажмани «Йўқол-э!» — деб қувиб солди. Қопда-

ги ёнғоқни қарсиллатиб чақётган Жажман пинагини бузмади, ошиқмай-нетмай қолчигини тўлдириди-да, «лип» этиб кўздан ғойиб бўлди».

Уни эрмак деб билганлар бу митти юҳонинг иштаҳаси ва қинғирлигидан даҳшатга туша бошлади. Аввал фақат мева-чевага қаноат қиладиган махлуқ кейинроқ пул ўғирлашга, аниқроғи, тортиб олишга одатланди. Охири одамлар «Йўқол-э!» деб қувиб солишдан, уни «ур-қалтак» қилишгача бориб етишди. «Манаша сичқонбашара билан келишайлик» деган Муросазоларнинг кейинги уринишлари ҳам бефойда кетди. Энди «қуш дон чўкиган қўлни» таниб қолган эди. Маълумки, Урта Осиё босиб олингандан сўнг турли емишларга ўрганган «Жажманлар» «катта бозорга танда қўйиб қолишди. Агар иложи бўлсайди, улар ўзбек тупроғини ҳам ташиб кетардилар. Даставвал, мажбурийлик остида «эҳсон» тутган халқ кейинчалик кўркув остида беҳтёр бордини уларга қўш-қўллаб тутказа бошлади.

Ҳикояда мифологиядан жуда ўринли фойдаланилган. Айниқса, Зардушт бобонинг болалик хотиралари мифларнинг янги бир кўринишидир. Зардушт бобонинг катта бувиси — Оташ момо эътиқод ва маънавий-ахлоқий қадриятларимиз рамзидир. Жажманлар туфайли биз эътиқоддан, юксак қадриятлардан айрилдик. Оқибатда дунёнинг ишлари олиш ва сотишдан иборат деб билганларга қолди. Ожизлар Зардушт бобо айтганидек, оловга, яъни юксак эътиқодга муҳтож бўлиб қолишди. Чунки одамларга эътиқод руҳий куч, оёйишталик ва сокинлик бағишлайди. Эътиқод бу — имон, одамнинг софлиги, ҳалоллиги ва яримта майизни бировга тутта билиши, яъни инсонлигидир. Оташ момо девлар ҳовучида кетди. Уни олиб қолишга миллатнинг зардуштлари оз эди ва уларни чинор танасидек йўғон билаклар итариб ташлади. Халқимизда ўғил боланинг туши ўнг келади, деган нақл бор. Бу қанчалик тўғри билмаймиз, лекин Зардушт бола тушининг ўнг келиши бу гапларда маълум ҳақиқат борлигини тасдиқлайди. Худди шу миф, яъни Оташ момонинг девлар юртимизга танда қўйиши ҳақидаги башорати (яна қанақа денг, мовий кўзли девлар!) ва худди шу девлар Оташ момони ҳовучида олиб кетиши бугунги воқелигимизни тўлақонли бадинийлаштиришга ёрдам берган. Бу фикрни Аҳраман ва Аҳурамазда ўртасидаги кураш мифологиясига нисбатан ҳам айтишимиз мумкин.

Асарнинг яна бир қатламида башариятнинг таназзулга юз тутшининг сабаблари нимада экани очиб берилган. Машҳур чех ёзувчиси Карел Чапекнинг «Саламандралар билан жанг» («Война с саламандрами») романида шунга яқин сюжетга дуч келамиз. Асар қаҳрамони Пан Повондранинг денгиз шайтонлари — саламандраларни қўлга ўргатиб олиши натижасида бу одамфаҳм жонзотлар жуда тезлик билан кўлайиб, аста-секин одамларни ер юзидан сиқиб чиқара бошлайди ва катта-катта давлат-


ларни сув остига чўктириб юборади. Инсон бойиш учун восита деб билган бу жонзот унинг ҳалокатига сабаб бўлади. Бу ҳикояда ҳам битта Жажмандан бошланган эрмак сон-саноксиз жажманларнинг ёпирилиб келишига имкон яратди.

Бешинчи аспект эса ёзувчи Альбер Камюнинг «Бефойдалиқ ҳақида эссе» ва «Сизиф ҳақидаги миф» («Эссе об абсурде», «Миф о Сизифе») асарлари билан боғланади. Сизиф бир тепаликнинг тўкилиб тушган тошини тинимсиз юқорига ташиб чиқаради. Бахтга қарши бу тошлар яна қайта пастга тушиб кетади. Жуда қийинчилик билан қилинадиган бу ҳаракатлар асло тугамайди. Сизиф ҳориб-нарчаб, азобланиб кетишига қарамасдан тошни тепага қайта олиб чиқишга мажбур. Бунда Камю таъкидлаганидек, инсон умрининг ва поёнсиз меҳнатининг охир-оқибат ба-рибир бефойда эканлиги кўрсатилади. Сизиф ҳар қанча азоб чекиб ҳаракат қилмасин, унинг бу меҳнатидан ҳеч кимга фойда йўқ. «Жажман»да эса одамлар митти юҳони ўлдиришга жуда кўп уринишади, аммо у ўлмайди. Одамларнинг тинимсиз ҳаракатлари бефойда кетади, чунки баҳайбат қўл бозорга яна чексиз жажманларни ташлайди. Сизифда меҳнат интиҳосиз, ҳикояда жажманлар. Демак, бу ерда поёнсизлик — интиҳосизлик тушунчаси ҳам бор экан.

Энди охириги сўз сарлавҳа ҳақида. Жажман сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да девалектларда «жажжи», яъни «кичик» деган маънони англатиши қайд этилган. Агар бу изоҳни сўз маъносининг биринчи варианты деб оладиган бўлсак, иккинчи варианты Навоийнинг «Сади Исқандарий» достонида келиб боғланади. Биз шу достондаги яъжуж-маъжужларни жуда яхши биламиз. Бунда биз кузатаётган икки образ (Навоийда Яъжуж-маъжуж, Х. Дўстмуҳаммадда Жажман) вазифалари жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетади. Чунки улар иккаласи ҳам одамларга фалокат ёғдиради. Балки ёзувчи ана шу яқинликка тасолиб, Навоийда қўлланган ўша сўздан қисқартма ҳолда янги сўз ҳосил қилгандир. Яъжуж-маъжуждаги бу икки қисмга тегишли бўлган «жуж» бўғинини олиб, унга — ман сифат ясовчи аффикс қўйиш билан шу кўшимчадаги унли «а» товушига «жуж»даги «у» товуши уйғунлашган бўлиши ҳам мумкин. Бунда бало-офат маъносини берувчи янги сўз ҳосил қилинган бўлса, эҳтимол...

Биз бу мулоҳазаларимизга нуқта қўйишга шошилмаймиз, чунки яна бошқа фикрлар ҳам бўлиши мумкин. Мен ҳикоя ҳақидаги энг сўнги сўзни сиз айтишингизни истар эдим...

НИГОЖ





ОХУНЖОН МАДАЛИЕВ

«Ойбитигимизнинг санъат бўлимига келаётган мактубларнинг кўпчилигида бир хил истак, бир хил илтимосни ўқиймиз: «Нигоҳ» саҳифасида «Камолот» кўрик-танловининг ғолиби, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти соҳибидори Охунжон Мадалиевнинг суратини чиқарсангизлар!»

Ниҳоят, мухлисларимизнинг орзулари ушаладиган бўлди. Яқинда сувраткашимиз Абдул Ғани Жума Тошкентдаги концертдан зўр ҳаяжон билан қайтиб дарҳол Олтиариққа йўл олди. Мана, у кишининг қўшиқчи ҳақидаги дастлабки таассуротлари:

— Яхши йигит. Кувонарлиси, ҳали ўсадиган қўшиқчи!

Мен унинг оиласи, ота-онаси ҳақида сўрайман. Чунки мухлисларни бу нарсалар жуда қизиқтиради.

— Унинг ўзи Фарғона дорилмуаллимини битириб, айти пайтда ҳунар-техника билим юртида мусақадан дара беради.

Рафиқаси Хабибахон билан Охуннинг икки қизи, бир ўғилчалари бор. Нусрат ота билан Турсуной ая ҳаммиса уларга бош-қош экан...

Назаримда, суюкли қўшиқчимизнинг табиий истеъдодини камол топиб, бутун элга машҳур бўлиш сабабларини, аввало инсоний меҳр-муҳаббат мужассам бўлган мана шу оилавий муҳитдан қидириш керакдек. Зеро, у юрак-юракдан, ёниб-ўртаниб бежиз қўйламайди:

Куйга тўлдир дунёни, одамийлик ўлмасин!

Бизнинг ҳам қўшиқчига ягона тиласимиз шу!

МУҲАММАД ВАЛИ





Турмуш қурмаганлар наздида оила

Гавҳар Саодатова: Оила борки ажралиш бор. Бу аччиқ ҳақиқатдан гоҳида эзиласан, гоҳида... Кишининг ҳаётда хато қилмаслигига ким кафолат беради. Лекин бу ҳам юракка таскин бермайди. Оила бугунги кунда, сир эмас, ҳаётий муаммога айланди. Арзимаган сабабларга кўра севиб-севилиб турмуш қурганлар ҳам, ота-она хоҳиши билан қовушганлар ҳам ажралиб кетишяпти. Ота-боболаримиз улўлаб, сиғиниб келган пок муҳаббат туйғуларига, чинор томирларидек мустаҳкам ришталарига путур етмоқда. Бугунги кунга келиб ёшларимиз даврасида «муҳаббат» сўзини тилга олишнинг ўзи кулгуга сабаб бўляпти. Нега? Мана сизлар муқаддас оиланинг остонасида турибсизлар. Оила деганда нимани тушунасиз ва нималарни кўз олдингизга келтирасиз? Оила нималарга асосланиши керак? Умуман, оила қуришга ўзларингизни тайёр деб ҳисоблайсизларми?

Улжамол Хоннаева: Ҳар бир киши балоғат остоналарида турар экан, беахтиёр оила қуриш, уни қандай бошқариш ҳақида ўйлайди. Оила қурганларнинг яшаш тарзини кузатади. Кимларнингдир яхши фазилатларига ҳавас қилади. Ўзи қурмаган оила ташвишларини кўриб ҳайратланади.

Мен ҳам турмуш қурганлар ҳаётини кузатиб, шу нарсага амин бўлдимки, фақат муҳаббатнинг ўзи ҳаётни ширин қилмас экан. Ҳаёт қийинчиликларини билмай туриб ҳаёлий, китоб ва кинолардагидек севишиб юрганлар турмуш қуриб озгина етишмовчилик туфайли бир-бирларини ранжитишлари мумкин. Албатта, севишиб турмуш қурганга етмайди. Фақат қиз ҳам, йигит ҳам тўйдан кейин бир-бирини инжиқликларига чидаши лозим. Кўп ҳолларда севишиб аҳду паймон қилган ёшлар тўйдан кейин гўё бир-бирининг «қайта кашф» этиб характерлари тўғри келмаганлиги учун ажралишга шошилади. Оила бузилишининг асосий сабаблари шу сабрсизликданми деб ўйлайсан киши. Назаримда узоқ севишиб юргандан кўра кам учрашиб турмуш қурилса ҳаёт бутун сирлари билан умрингизни безайди. Чимилдиқдагина учратган йўлдошининг хафа қилишга ҳам ботинолмайсиз. Менимча, оила қургандан кейин эр-хотин орасида севгидан ҳам кучлироқ меҳр пайдо бўлади.

Оилада эркак киши устун бўлиши керак. Бу устунлики мен бошқача тушунаман. Эркак киши ўз ҳокимлиги билан аёлга ҳеч қачон озор бермас. Аёлни ҳам ўз маслаҳатчиси сифатида кўрс. Аммо бизда кўп ҳолларда эркаклар оиладаги устунлики бошқача тушуниб ўз

Ҳурматли муштарий! Эътиборингизга ТошДД журналистика куллийти талабалари тайёрлаб келган ўзларининг оила ҳақидаги фикрларини ҳавола қиляпмиз. Тўғри, оила қурмаган ёшларнинг муқаддас оила ҳақида гапирishi бирмунча ғалатиноқ. Лекин ҳаёт бизнинг олдимиизга оила қуришга ёшларини тайёрми, йўқми, улар оила ҳақида тўғри тасаввурга эгами ёки аксинча деган муаммони ҳам кўндаланг қилиб қўймоқда. Шу маънода бизни қўллаб-қувватлайсиз ва ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирасиз деб умид қиламиз.

турмуш ўртоқларини камситиб юришади. Рўзғор ишларида, бола тарбиялашда кўмаклашишни ор биладилар. Бу жуда нотўғри.

Эр-хотин ҳеч қачон ўзгалар олдидан бир-бирини камчилигини айтмас. Ёлғиз қолганда огоҳлантирилса. Учинчи киши олдидан, ҳатто фарзандларининг олдидан, ҳам ҳурмат билан муомала қилса. Ўзгалар олдидан бачкана қилиқлар қилиб, уришиб, тортишиб турган эр-хотинлар ёшларда жуда салбий таассурот қолдиради. Ҳатто турмушга нафрат ўйғотиши мумкин.

Шунинг учун улар ўз ораларидаги сирли пардани ўзгалар олдидан сақлаб билишсалар яхши бўларди.

Мен турмуш ўртоғим қанақа бўлишини тасаввур қилганим билан тасаввуримдаги бўладими, йўқми — билмедим. Қандай бўлишини ёлғиз оллоҳ ва яна ота-онам билса керак, ҳойнаҳой. Ҳар қалай, умр йўлдошим менга нисбатан жуда билимдон бўлишини истайман. Иш юзасидан ҳам, бола тарбиясида ҳам, рўзғор туттишда, пандалиқда ҳам ундан маслаҳатлар сўрасам.

Саодат Ҳакимова: Боболаримиз, момоларимиз қиз узатишаётганда, ўғил уйлантираётганда барча тилакларининг охирида «рўзғорингиз бут бўлсин», дейишади. Ҳаммага маълум, рўзғори бут оила осойишта умр кечиради, уруш-жанжаллар етишмовчиликдан келиб чиқади. Хўш, рўзғорининг ўзи нима? Рўз — бу кун деган маънони билдиради, ғор эса ғор. Демак, кун сайин топган-тутганингни ғорга ташлайверсан. Ғор бўлса чуқур, унинг тўлиши учун сабр, йиллар керак. Баъзи аёллар бу баҳайбат, очкўз ғорни бир кунда, бир ҳафтада тўлдириб берасан деб туриб олишади, бунинг оқибатида жанжаллар, ажралишлар. «Яхши хотин уй эгаси, ёмон хотин йўл эгаси» деган ўзбек халқ мақоли бор, менимча эрини, болаларини, уйини севган аёл қаноат қилиб яшайди. Шундагина турмуш завқли, тотли бўлади. Истагим: аёллар қаноатли, садоқатли бўлишсин. Эркаклар эса хушфеъл, вафодор бўлишсин. Аёл учун турмуш ўртоғининг бир оғиз ширин каломи ҳар нарсадан юксак.

Биз ўзбеклар мусулмонимиз, мусулмончиликда эркак киши аёл кишидан бир поғона юқори бўлади, дейилади. Истардимки, турмуш ўртоғим мендан бир поғона юқори турсин, оилада унинг роли каттароқ бўлсин. Ичмасин, чекмасин демайман, ичсин, чексин, фақат меърида. Энг асосийси эркаклар аёлларни кадрласин.

Дилбар Адамбоева: Оила табнатнинг мукаммал аса-

ридик, оила ҳаёти ўзаро муҳаббат асосида бўлса бахт келтириши мумкин. Аёл киши учун энг муқаддас нарса бу — оилавий бахтдир, агар у ўз оиласида бахтли бўлмаса, унга мансаб ҳам, шон-шухрат ҳам бефойда. Шундай экан, бахтли яшаш учун ҳар бир йигит ёки қиз ўзига мос умр йўлдоши излайди, қарабсизки, улар бир йил ўтар-ўтмас ажралишади, сабаби характери тўғри келмаганмиш, бу фақат баҳона холос, ҳолбуки ўша пайт йигит кўзига бошқа қизлар яхши кўриниб қолади, қизга эса...

Мен ҳали оилавий ҳаёт ҳақида унча ўйлаб ҳам кўрганим йўқ, ҳали анча фурсат бор. Лекин оилада эркак кишининг қаттиққўллиги менга ёқади, умуман оила бошлиғи оилани моддий таъминлаб турса, аёл кишининг ишлаши ҳам менимча шартмас. Негаки, ҳам уйини, ҳам фарзандларини, ҳам хўжайинини, қайнонаси-ю, ўзини эплайдиган бекалар кам учрайди. Аёл киши нима учун ишлайди? Албатта, оиладаги етишмовчиликларни камайтириш учун, демак, унинг иши сифатли бўлиши ҳақида ким кафолат бера олади? Умуман олганда қиз бола учун 5—6 йил ўқишнинг кераги йўқ, ундан кўра тикувчиликми, пазандаликми, тўқувчиликми ўрганиб яхши бека бўлсалар яхши бўларди, балки ўшанда уруш-жанжал, қўйди-чикдилар камроқ бўлармиди?

Биз қоралаган ўтмишимизда ўзбек аёллари хўжайинларига худо деб қарашган, уларнинг гапи — қонун. Ҳозирги оилавий келишмовчиликларнинг яна бир сабаби эрларини менсимаслигидир, қадимда айтилган-ку, эрига тик қараб гапирган аёлдан ҳар нарса ни куттиш мумкин деб. Баъзан қизлар йигитларни ичиш-чекиши ҳақида гапириб қолишади. Қизларнинг гапи билан ичмай-чекмай кўядиган йигит бўлмаса керак. Бу ўзларининг иши. Ҳар ким ҳаётда ўз бахтини топсин. Зеро, ўз уйида бахтли кишигина жамиятга фойда келтириши мумкин.

Абдусамат: Шу пайтгача мен келгусида ўзимнинг қолган умрим давомида ҳамроҳ бўладиган инсоннинг қандай бўлиши ҳақида чуқур ўйлаб кўрмаган эканман. Мактабда чиройли қизларга талашардик. Улғайган сайин эса қизларнинг бу сифатиға диққат сусайиб, унинг ақллилиги, уддабуронлиги ва шу каби ноёб хислатларига майл бўлар экан.

Оила қурилди — жуфтликлар биттага кўпайди. Бу жуфтликни бирлаштириб турадиган нарса нима бўлиши керак? Бировлар севги дейишади. Келинг, инсон инсонни севишига нима мажбур этишини олиб кўрайлик. Қузатишларимдан келиб чиқиб шунини айтишим керакки, ҳамма ҳам танлаётганининг аввало инсоний фазилатларини кўзда тутибмас, балким унинг ташқи кўриниши, чўнтаги, мансаби ва ҳоказоларини ҳисобга олган ҳолда иш тутади. Демак, севгини ҳам бош асос дейишга эътироз туғилади. Шу ўринда яна бир чигаллик келиб чиқади, яъни илк бор бирор кишига ҳурмат пайдо бўладими, севги?

Ваҳоланки, севган кишининг ҳурмат қилмасанг, ҳурмат қилган кишининг севмасанг оқибати ёмон. Бир киши кўпчиликни ҳурмат қилиши мумкин, лекин севмайди-ку дейишингиз мумкин. Агар юқоридаги мавзудан келиб чиқиб таҳлил қилсак, ҳурмат орқали севиш ишончлироқ деган хулосага келиш тўғри бўлармиди? Негаки, кейинчалик ҳам оилада ҳурмат биринчи ўринда туриши лозим. Акс ҳолда унинг мустаҳкамлигиға пўтур етати. Албатта, эр ҳурматлашга, хотин иззатлашга арзидиган бўлиши керак. Кўпчилик ҳолларда оилада иккала томон ҳам ҳокимликка интилиши натижасида можаро келиб чиқади.

Удмларимизда келин-куёвга никоҳ пайтида қосада зилол булоқ сувидан ичиришган, яъни турмушингиз сувдек беғубор, тотли бўлсин дея. Минг афсуски, ҳозирда булоқ сувлари тортилиб, тобора кунимиз хлорланган водопровод сувиға қолмоқда... Албатта бу рамзий маънода.

Сайёра Ҳалимова: Оила сирлари... Қизик... Бироз хижолат тортгандай бўласан киши. Ҳали бир остонага келин бўлмай туриб, оила, унинг сирлари ҳақида қалам тебратиш қийин. Бироқ мандаги умид ва орзулар қал-

бимнинг мавжкор қояларига бош ура бошлайди. Бари меники. Ҳа, ҳа меники. Ҳали улар беғубор. Поклик либосига бурканган оқ тушлар.

Ана, баҳор гулларидек гўзал икки ёш келин-куёв. Гул тутган дўсту ёрлари бахт тилашмоқда. Ортидан ҳавас билан боқиб қоласан. Янги оила. Икки ёшнинг нигоҳларида муҳаббат таровати уфурмоқда. Оила турмушнинг ҳам оғир, ҳам қудратли қарвони экан, унга мадад бергучи муҳаббат машъали бўлмоғи лозим.

Муҳаббат — икки ёш қалбининг титроғи, ҳаёсидир. Унинг нурга чайилган самосига интилиб яшайди инсон. Кинога тушиш, боғларда сайр этиш билан севги исботланмайди. Оилавий ажралишлар келиб чиқишининг биринчи сабаби иқтисодий етишмовчилик бўлса, иккинчи муҳим сабаби шу иқтисодий танглик натижасида эркак ва аёлларимизнинг ахлоқдан бузилиб кетаётганлигидан деб ўйлайман. Оила иқтисодий жиҳатдан қийналар экан, ҳар қандай муҳаббат юзига соя тушади, барбод бўлади. Бир сўзли, билимдон, оила фаровонлиги учун қайғурувчи эркак ҳеч қачон ўз аёлини қийнаб қўймайди.

Мен келажакимни қандай тасаввур қиламан. 19 баҳорни ҳам қаршиладим. Қишлоққа борсам, дугоналаримнинг кўпчилиги оила тебратишмоқда. Ҳаётимни кимга боғлайман ҳали — уни тақдир кўрсатади. Онам билан баъзан суҳбатлашиб, қалбларидаги дадамга бўлган самимий муҳаббатларини туйиб ўтираман. Сўзларидан, нигоҳларидан. Улар синфдош. Уша вақтларда бошланган севги оилаларига асос бўлган. Дадамизга нисбатан чуқур ҳурмат онам туфайли деб ўйлайман. Шунинг учун муҳаббат билан қурилган оилани қадрлайман.

Зулҳумор Алимардонова: Эзгулик, меҳр-муҳаббат туйғуларни энг аввало, оилада туғилади. Турли сохталиклардан холи муносабатлар оиланинг асосидир.

Инсон дунёга келар экан, истайдими, истамайдими, табиат қонунига бўйсунуши шарт. Зеро, табиат қонуни — икки жинсга тааллуқли жонзотнинг жуфтлашуви.

Балким, мен ҳали ёшлик қиларман-у, лекин хаёлларим умидли парвозда. Ёлғиз ўтинчим: унинг қанотлари куймасин...

Менинг назаримда оилани эр бошқаргани маъқул. Аёл оилаға файз, осойиш, эзгулик бахшида этмоқ учун яралган. Шу ўринда, аёл зотининг ожизалигини ҳам тан олмақ зарур. Эр киши эса кучли, нисбатан ақлли бўлиб яратилганки, бу нарса ўз-ўзидан юқоридаги фикримнинг исботидир.

Бу кундаги тасаввуримизга сиғмайдиган — оилада аёлнинг ҳокимлиги, эрнинг номиғагина эрлиги каби баъзи хунук ҳолатлар устидан қулишни ҳам, ийғлашни ҳам билмай, бошимиз ҳам. Советлар даврида аёлларимизга ҳуқуқни «бир газ» юқори бериб юборганимизнинг оқибатидир бу.

Ҳозирги кундаги «қўйди-чикди»ларнинг сабабларидан бири ҳам гўзаллик тимсоли саналимиш аёлларимизнинг эрига тик қараб ўзига ортиқ ишоншидир. Бу эр оиладаги устулик «имконият»идан фойдаланиб, хоҳлаган ишини қилаверсин дегани эмас.

Авалло, у аёлға ҳеч қўл кўтармасин. Уз жуфти ҳалоллини ҳар дамда тушунсин, унинг юмушларига иложи борича кўмаклашсин.

Кўриниб турибдики, оиланинг кўрки — биринчи навбатда муҳаббат бўлса, иккинчиси ҳар ким ўз вазифасини тўғри тушуна олишидир.

Ҳалим Саидов: Сиз қандай рафиқангиз бўлишини истайсиз, севиб турмуш қуришни хоҳлайсизми ёки севмасданми каби бўйдоқларга бериладиган саволларни кўп эшитавериб чарчагандайман. Лекин, ногаҳон бир умрлик ҳамроҳинг севга номонанд бўлиб дунёдан қийналиб ўтишининг хаёлингга келтирсанг дилинг ларзаға келади. Сўнг эса беихтиёр ширин хаёллар оғушида осмону фалакка парвоз қиласан.

— Ақли, фаросати, қадди-қомати, чиройи дидингга мос келса;

— Шарму ҳаёси, ширинсуханлиги кўнглингга хуш ёқса;

— Натижа — бошқа аёлга қарасанг хотинингнинг уволга қоладиган бўлсанг.

Ҳар бир киши ҳаёлидаги малакка интилади, излайди. Кимдир топади, кимдир топа олмайди. Айримлар муҳаббат дардида мубтало бўладилар, бировлар эса орзу қилиб яшайдилар.

Узим ҳам бошқалар каби яхши ният билан юраман. Дидимга мос келадиган бир малак топилиб қолса ажаб эмас.

Бобом айтадилар: «Нима бўлса ҳам ўзига (аёлга — бўлажак хотинга) инсоф берсин».

Гулнора Собирова: Оила мавзуси ҳаётини муаммодир, шахсан мен оила ҳақидаги фикрларга муаммо назари билан қарайман. Оилавий ажралишларнинг кўплиги ва унинг мавжудлиги кишини жумбоқлар гирдобига ғарқ қилади. Зеро оила муаммоси ўзининг асл жавобини топган эмас.

Баъзан дугонам билан узун кечалар пичирлашиб оила ҳақида сўзлашамиз. Орзулар, тотли хаёлларнинг чеки йўқ.

Бугун оила қуриш олдида турган биз ёшлар учун оила сирли оламдек бир гап. Тан олиб айтиш лозимки, биз оила деганда оппоқ ҳарир либосу қўлларга тақиладиган тилло узукни ёдга оламиз. Хўш, ундан сўнг-чи... Сукут...

Мен кўп аёлларни биламан, улар кўзларида ёш билан фақат жигарпоралари, яъни фарзандлари туфайлигина яшаб келаётганликларини изтироб билан айтадилар. Нега? У ҳолда оиланинг ўзи нима? У қандай қурилиши лозим? Севги, муҳаббат асосигами?

Оила... Тасаввуримда бўлажак умр йўлдошию бир-биридан ширин фарзандлар гавдаланади. Лекин унинг асосида, уларни бир-бирига боғлаб турувчи нима бор? Меҳрми, муҳаббатми, ҳурматми? Улардан қай бири оила учун кўпроқ керак? Менимча, оила учун меҳр ва ҳурматнинг ўзи кифоя. Муҳаббатни ўткинчи бир нарса деб биламан. Яна қайдам, балки ҳаёт фикрларимни ўзгартириб юборар...

Гавҳар Саодатова ёзиб олди.

* * *

Ҳурматли муҳарририят.

Мен 1953 йилда туғилганман. 1979 йил қўшни Қамаш тўғида турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим ичкиликни яхши кўрадиган, ҳаётга енгил-елпи қарайдиган одам экан. Тўйимиздан сўнг бир ойлар ўтгач, Тошкентда ўқийман деб уйдан чиқиб кетди. Уқийшнинг тайини бўлмай, Тошкентга бориб-келиб юрди. Орадан йиллар ўтди, мен эса эримнинг тиниб-тинчиб кетишига умид боғлаб юрдим. 1982 йил ўғлим туғилди. Туғруқхонадан тўғри онамникига бордик. Уғлим тўрт ойлик бўлганда хўжайиним бориб олиб келди. Қайнотам педагог, ҳозир пенсияда. Мен қайнотамга ўғлингиз рўзғор билан иши йўқ, қандай қиламан десам, «Мен нима қилай, тартибга соломмадим, иктиёринг», дедилар ва «Бошқага турмушга чиқ», деб айтди. Лекин мен орамиздаги фарзандимиз тақдирини ўйладим, отасиз қилмайин деб яна сабр қилдим. Орадан икки йил ўтди. 1983 йил декабр ойида яна бир фарзанд кўрдик. Туғруқхонада 12 кун йўл қараб ётдим. 12-кун хўжайиним олиб келишга борди. Уйга келсам эшиги йўқ, бир хона уй, печкаси, зах. 2 ойдан сўнг радикулит касалига йўлиқдим. Белимдан пастки аъзоим ишламай қолди. 2 боламин олиб оғир аҳволда онамникига келдим. Бахтимга онам бор экан, мана орадан 7 йил ўтибди, шу-шу онамникидаман. Орадан шунча вақт ўтибди, бирон марта ҳам хўжайиним икки боласини йўқлаб келгани йўқ. Болаларимга алимент ҳам тўламайди. 1988 йил Қамаш тумани халқ судига мурожаат қилдим, у ердан, қочиб кетган, деган хабар келди. Уни топгунча 20 сўм давлат томонидан ёрдам пули бериб турилди. 1989 йил 16 апрелда келган маҳаллий қидирув группасининг хабарномасига қараганда хўжайиним политехника институтида сиртдан ўқиб, қурилиш ётоқхонасида вахтёр бўлиб ишлар экан. Болаларим ва мен 70 га кирган онам қўлида яшаймиз. Бечора онамга раҳим келади, мен учун қариганда азобда

яшайпти, онам бўлмаганда нима ҳам бўлардим. Болаларимни бечора онам оқ юзиб, оқ тараб мактабга юборади.

Узим биринчи группа инвалиди бўлиб қолганман. Ҳозир аҳволим оғир. 75 сўм нафақа дори-дармонимга зўрға етади. Мен-ку азобни тортиб ётибман, аммо болаларининг ҳузурини кўриши керак бўлган онамнинг қариганда тортаётган азоблари қайси гуноҳлари учун? Бизга ёрдам беринг, нима қилайлик?

Бибисора ТОҒАЕВА,
Яккабоғ тумани, Кўчактепа қишлоғи.



МУҚАДДАС ҲАДИС ОИЛА ҲАҚИДА

(Бошқа) одамларнинг хотинларига нисбатан ифбатли бўлинглар, шунда сизларнинг хотинларингизга нисбатан ҳам одамлар ифбатли бўлулар. Ота-оналарингизга қандай яхши муомалада бўлсангиз, фарзандларингиз ҳам сизларга шундай муомалада бўладилар. Кимнинг олдида узилишиб кетган биродари узр сўраб келса, у хоҳ ҳақ бўлсин, хоҳ ноҳақ бўлсин, узрини қабул этсин. Агар қабул этмаса, жаннатдаги Кавсар ҳавзи сувидан маҳрум бўлув.

* * *

Хотинларнинг яхшиси эрининг кўзини қувонтирадиган, амрига итоат қиладиган ва у ёқтирадиган нарсасини ёқтирадиган ва ёқтирмайдиганини ёқтирмайдиган бўлади.

* * *

Қайси бирларингда жаҳлу ғазаб кўзиса, дарҳол у сукут сақлашга ўтсин.

* * *

Қайси бирларингда жаҳлу ғазаб тик турган пайтда келса, дарҳол у ўтириб олсин. Агар шунда ҳам ғазаб кетмаса, ётиб олсин.

* * *

Аёл диёнати ёки молу дунёси, ёхуд жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топгур!

* * *

Никоҳ тўйида бир қўй сўйиб бўлса ҳам зиёфат бер!

* * *

Гумондан сақланглар! Зеро, у ёлғон гапдан иборатдир. Бир-бирларингизни текшириб жосуслик қилманглар. Молдунё учун мусобақа қилманглар. Урталарингда ҳасад, адоват ва аразлаш бўлмасин. Тангрининг ўзаро биродар бандалари бўлинглар. Биров қўйган совчи устига, то улар ўзаро битишгунча ёки тарк қилишгунча, совчи юборманглар.

* * *

Никоҳнинг яхшиси — унинг маҳри енгилроқ бўлганидир.



Кунчиқар юртдан мужда

ҲИКОЯЛАР

Рюноскэ Акутагава

**РАСЁМУН
ДАРБОЗАСИ**

Бу рутубатли оқшом чоғи рўй берди. Қайсидир бир қарол Расёмун дарбозаси панасида ёмғир тинишини кутмоқда эди.

Дарбоза панасида қаролдан бўлак ҳеч зоғ йўқ. Фақат бўёғи кўча бошлаган йўғон устундан чирилдоқ хониши таралмоқда. Ҳолбуки, Расёмун дарбозаси анча-мунча гавжум Суззаку кўчасида жойлашган ва унинг панасида ҳозир бошига итимэгаса¹ ҳамда момизбоси² кўндирган йигирма чоғли эркагу аёл бемалол ёмғирдан паноҳ топишса бўларди. Шунга қарамай, қарол айни дам ёлғиз эди.

Бунинг боиси шунда эдики, кейинги икки-уч йил давомида шаҳри азим Киётодан фалокат аримади — дам зилзила, дам кучли довул, дам ёнғин, дам очарчилик тинмай қутқу солиб турди. Оқибат — пойтахт ҳувиллади-қолди. Қадимий битикларда ёзилишича, шу даражага бориб етганки, одамлар авлиё-анбиёларнинг ҳайкалларию ибодатхона анжомларини уриб синдиришган, лоқланган, тилла ҳал юритилган устунларни йўл четига чиқариб, ўтин қилиб сотишган. Мана, қандай эди пойтахтда аҳвол; шундай шароитда Расёмун дарбозаси ҳолига қараш кимнинг ҳам тушига кирарди, дейсиз?! Дарбозанинг буткул қаровсизлигидан фойдаланиб, аллақачон тулкию бўрсиқлар ин солиб олишган эди бу ерга. Уғрилар шу ерда тунашарди. Бориб-бориб, ташландиқ мурдаларни ҳам шу ерга келтириб улоқтириш одат тусига кирди. Қуёш тоғ ортига ўтиб яширингач, бу ер алланечук ваҳимали тус олар ва дарбозага яқин келишга ҳеч кас юрак бетламас эди.

Шу орада қаердандир мўр-малаҳдек ёпирилиб қар-

галар пайдо бўлишди. Кундуз кунлари улар қағиллаган кўйи дарбозанинг баланд қайрилма томи узра гир-гир айланишар, кечга бориб, уфқ феруза рангга киргач, худди кўкка сочилган кунжут доналари мисол, аниқ-тиниқ кўзга ташланишарди. Тайинки, улар дарбозанинг юқори қаватидаги мурдаларни чўқилаш ниятида елишарди. Бироқ, айни дам, вақт алламаҳал бўлгани боисми, зулумот қарғаларни ҳам ўз қомига тортган эди. Фақат дарз кетмиш жойларида йўнғичқа ниш урмиш ярим вайрона тош зиналарнинг у ер-бу еридагина қуриган қуш тезағи оқариб кўзга ташланарди. Қарол, эғнида ювилавериш йўнғиб кетган кўк яқтак, зинанинг энг юқори — еттинчи погонасида ўтирган кўйи ҳардам-хаёллик билан ёмғирга тикилар, ҳар замон-ҳар замон ўнг ёноғига ҳусн бўлиб тушмиш данакдек чипқонни силаб-силаб қўярди.

Муаллиф юқорида зикр этдиким: «Қарол ёмғир тинишини кутмоқда эди». Бироқ, ёмғир тинган тақдирда ҳам, барибир борадиган жойининг тайини йўқ эди унинг. Аввалги даврлар бўлганида-ку, ёмғир тинишини ҳам кутмай, соҳибиникига жўнарди-я. Лекин, бир неча кундирки, «озод қуш» у — паттасини қўлига тутқазган соҳибни. Шаҳри азим Киётно ниҳоятда ҳувиллаб қолгани хусусида тўхталган эдик, агар эсингизда бўлса. Соҳибнинг, ҳе йўқ-бе йўқ, кўп йиллар хизматини қилимиш қаролига осонгина паттасини тутқазмиш шаҳардаги мавжуд қаровсизлигу парокандалиқнинг арзимас бир кўриниши эди, холос. Шу боис, балки: «Қарол ёмғир тинишини кутмоқда эди», дейиш эмас, «Ёмғир дарбоза панасига қувиб киритмиш қарол қаерга борарини билмай, мунғайиб ўтирарди», демоқ жоизроқдир. Устига устак, ҳаво ҳам мана бунақа — дилтанг, хэйонлик¹ қаролнинг кўнглини кўтаргудек эмас. Кўнглини кўтариш уёқда турсин, кўннинг Маймун муддатидан² бу ёғига эзиб ёғаётган ёмғир ҳали-бери тинадиганга ҳам ўхшамайди. Хуллас, қарол Суззаку кўчасидан келаётган ёмғир шовқинига қулоқ солмасликка тиришиб, узуқ-юлуқ фикрларини бир ерга жамлашга уринар, нима қилсам бу ташвишлардан қутуларканман, деб эртанги кун ҳақида қайғурарди.

Ёмғир дарбозани энлаб, шовуллаб ёғарди. Оқшом қуюқлашгани сайин осмон ерга знаётганга ўхшар, пастдан қараган кишига кўкни энламиш қўрғошиндек оғир, қора булутларни фақат дарбоза томи ўзининг бақувват сопол қирраси билан тўтиб турган каби туюларди.

Эртанги кун ҳақидаги саволларга жавоб топмоқ учун эса у қадар бош қотиришнинг ҳожати йўқ эди. Бош қотирсин, бош қотирмасин — бу саволларга жавоб битта: эртами, кечми — ё кўча-қўйда, ё бирор ташландиқ девор тагида очликдан итдай ўлиб кетади у. Мурдасини эса мана шу ерга, дарбозанинг юқори тоқига келтириб улоқтиришади. Бу ҳақда ўйламайин деса... қаролнинг хаёллари истаса-истамаса барибир шу ёққа кетар ва айнан мана шу сўқмоқдан олиб ўтиб, шу хотимага келиб тақаларди. Бу ҳақда ўйламайин деса... Ушбу ўйлар сиртмоғидан халос бўлиш чораси мавжудлигини инкор этмас экан, қарол бу иқрор замирида яширин даҳшатли ҳақиқатни ҳам тан олишга журъат қилолмасди: дод сол, ёқангни юл, яшаб қолмоқликнинг чораси битта — ўғрилиқ кўчасига кирмоқ.

Қарол қаттиқ бир чучкириб, ҳорғин ўрнидан кўзғалди. Салқин Киётно оқшоми этни шу қадар жунжиктирардики, кишини хаёл беихтиёр иссиқ уй, юмшоқ тўшак сари олиб қочарди. Дарбоза тўсинлари орасида

¹ Итимэгаса — қадимда аёллар кийган соябонли похол қалпоқ.
² Момизбоси — қадимий эркалар бош кийими.

¹ Хэйон — Киётно шаҳрининг қадимги (794—1192й. й.) номланиши.
² Кўннинг Маймун муддати — қадимги Буржий вақт ҳисобида кўра, соат кундузги 3—5 лар чамаси.

эса шамол тун билан ғувиллаб ўйнашарди. Локланган қизил тўсинлардан бирида хониш қилаётган чирилдоқ ҳам аллақачон инига кириб кетибди.

Қарол сариқ рангдаги нимча устидан кўк кимоно ташланган танасини ўнглаб, бошини елкалари ичига тортди-да, атрофга аланглади: кўздан йироқ, ёмғирдан пана — мизғиб олишга ўнғай жой топилса, тунни шу ерда ўтказсам ҳам бўларкан, дея хаёлидан кечирди у. Не бахтки, шу фикр миясидан ўтгани ҳамон нигоҳи дарбоза узра қад кўтармиш минорага олиб чиқувчи бошдан-оёқ қизил лок билан қопланган сербар зинага тушди. Юқорида бир тирик зот йўқ, фақат мурдалар... Қарол белида осиглиқ қиличини қинидан отилиб чиқиб кетмасин учун сопидан маҳкам тутиб, чипта ковушли оёғини зинанинг биринчи поғонасига қўйди.

Орадан бир неча дақиқа кечди. Расёмун дарбозаси узра қад кўтармиш минорага олиб чиқувчи сербар зинанинг қоқ ўртасида мушукдай ғужанак бўлиб бир кимса турар, нафасини ичига ютганча ҳадеб юқорига термуларди. Минорадан тушаётган хира нур унинг ўнг ёноғини ёритмоқда эди. Уша, узук-юлуқ ажин ўртасида йиринг боғлаган данакдек яра йилтираётган хаста ёноғини. Зинага қадам қўймасидан, юқорида мурдалардан ўзга ҳеч зот йўқлигига қаролнинг ишончи комил эди. Бироқ, икки-уч поғона ҳатламай илғадикки, юқорида чироқ ушлаган кимдир бор, боргина эмас, чироғини кўтариб уёқдан-буёққа юрибди ҳам. Буни илғаш у қадар қийин кечмади — хира сарғимтир ёғду бурчакларини ис қопламиш шифт бўйлаб тинмай сирпанарди. Бундайин расво-раддибало оқшом Расёмун дарбозаси болохонасида чироқ ёнаётган экан, демаски, бунда бир гап бор эди.

Қарол қумурсқадек сассиз-шарпасиз ўрмалаб, ниҳоят, сўнгги поғонага етди. Ва бутун вужуди билан зинага қапишиб, бўйинини имкони борича илгарига чўзиб, қўрқа-писа ичкарига назар солди.

Минорада, шахар ичра елдек кезинаётган миш-мишларни тасдиқлаб, мурдалар тартибсиз қалашиб ётарди. Хира милтиллоқ ёғду ҳайхотдай хонанинг кичик бир лахтагинигина ёритаётгани боис, айнан қанча мурда қалашиб ётганини қарол фарқлаёлмади. Элас-элас илғаган нарсаси шу бўлдики, мурдаларнинг айримларигина либосда, кўпчилиги шир-яланғоч эди. Тайинки, эркагу аёл мурда аралаш қалашиб ётарди. Уларнинг барчаси қоқ ерда, минг бир алфозда узала қотган, худди лойдан ясалган қўғирчоқлар мисол қўлларини икки ёнга ёзиб, ияклари бир қарич осилиб ётишар, кўрган киши уларнинг қачонлардир ўзлари каби тирик мавжудот бўлганларига шубҳаланиб қолиши ҳеч гап эмас эди. Таналарининг фақат бўртиқ қисми — елка ё кўкракларинигина ёритиб, қолган аъзоларини баттар зулумотга чирмаб намоён этаётган хасис милтиллоқ ёғдуга банди бу ўлик жонлар анқов гунг мисол жим — абадий сукутда эдилар.

Қарол майит ҳидидан нафаси қайтиб, беихтиёр бурнини бекитди. Бироқ, кейинги дақиқа қаршисида гавдаланмиш манзара шу қадар уни ҳайратга солдики, қарол димоғига қўланса ҳид урилаётганини ҳам унутиб, анграйиб қолди.

Унинг кўзлари мурдалар орасида чордана қуриб ўтирган гавдани илғаган эди. Бу эгнига хиноки¹ дарахтининг пўстлоғи рангидаги кимоно кийган, одамдан кўра кўпроқ маймунни эслатувчи ориқ, пакана, оқсоч бир кампир эди. У, ўнг қўлида қарағай мойига ботирилган машъала, мук тушганча ҳадеб мурдалардан бирининг



¹ Хиноки — оч жигаранг пўстлоқли дарахт.

юзига тикиларди. Ёйғлиқ узун сочларига қараганда, бу аёл кишининг майити эди.

Қарол қўрқув ҳамда қизиқнинг зўридан дам чикаришни ҳам унутгандек эди гўё. Қадим солномачиларнинг таъбири билан айтганда, у «тепа сочи тикка бўлаётгани»ни-да яқнол сезиб турарди. Кампир эса қўлидаги қарағай новдасидан қилинган машъални пол ёриғига суқиб, боядан буён термулаётган майитининг бошига чанг солди-да, худди болаларининг канасини теришга киришган маймун мисол, мурданинг узун сочларини битта-битталаб юла кетди. Майит анча туриб қолганиданми, кампир юлишга унчалик қийналмасди.

Майитнинг бошидаги сочлар сийраклашгани сари, қаролнинг дилидан ҳам қўрқув ариб борарди. Бироқ, шу билан бирга унинг юрагида кампирга нисбатан нафрат ҳам дам сайин ўт олмоқда эди. «Кампирга нисбатан», десак, у қадар тўғри бўлмас-ов. «Ёвузликнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан», десак, аниқроқ бўлар. Борди-ю, шу дам унга биров ўзи бир неча дақиқа бурун дарбоза зинасида ўтириб, устида бош қотираётган ўша: «Очликдан ўлмоқ афзалми, ёки ўғирлик кўчасига кирмоқми?», деган саволни бергудай бўлса, у ҳеч бир иккиланишсиз ўлимни танларди. Ёвузликка нисбатан нафрат унинг дилида ҳозир пол ёриғига суқиб қўйилган анави машъаладан-да кучлироқ ловулламоқда эди.

Қарол, тайинки, кампир нима сабабдан майитнинг сочини юлаётганини тушунолмаётган гаранг эди. Инчунин, мантиқан фикрлаганда ҳам, ёвузликми бу, эзгу ишми — қоронғу бўлиши керак эди унга. Бироқ, қарол серёмғир тун Расёмўн дарбозаси минорасида ташландиқ бир майитнинг сочини юлишаётганининг ўзиниёқ даҳшатли, йўл қўйиб бўлмас ёвузлик, деб топди. Албатта, бу қарорда тўхталаркан, у яқиндагина ўзини ўғирликка уришни ўйлаб юрганини хаёлининг кўчасига ҳам келтирмади.

Ниҳоят, қарол бор кучини оёқларига жамлаб туриб ичкарига ҳатлади. Қиличининг сопидан тутганча гурс-гурс юриб кампирга яқинлашди. Кампир шунақанги чўчиб тушдики, таърифига ҳатто сўз ожиз.

Қаролга кўзи тушгани ҳамон у худди соқонга солиб отилган каби сапчиб турди.

— Тўхта! Қаёққа?— дея қичқирди қарол мурдаларга қоқилганча қочишга тутинган кампирнинг йўлини тўсаркан. Кампир жонхайбатда уни йўлидан итаришга уринди. Бироқ қарол чайирлик қилиб, уни силтаб ташлади. Бир неча муддат улар бир-бирларига канадек ёпишиб, майитлар орасида олишиб ётдилар. Бироқ ким кимни енгизи олишув бошиданоқ тайин эди. Ниҳоят, қарол кампирнинг қўлларини орқасига қайириб, тагига маҳкам босиб олди. Унинг нимжон қоқсуяк қўллари товук панжаларини эслатар, сал қаттиқ тегилса тўкилиб кетадигандек туюларди.

— Нима қилаётган эдинг? Гапир. Агар алдасанг, ўзингдан ўпкала!

Шундай деб қарол кампирни итариб ташлади-да, қиличини яланғочлаб, совуқ йилтирамиш тиғини унинг кўзларига яқин келтирди. Бироқ кампир лом-мим демади. У тинимсиз ютинар, қоқсуяк қўллари худди совуқда қолгандек дир-дир титрар, кўзлари косасидан чиққудек ола-кула бўлиб кетган, бироқ шунга қарамай, ҳануз жим эди. Фақат шундагина қарол кампирнинг тақдири буткул ўз қўлида эканини англади. Бу эса унинг дилида гурилламиш ғазаб оташини кишибилмас сўндирди. Ғазаб ўрнини ҳар қандай хайрли поёнига етмиш ишдан сўнг пайдо бўлувчи мамнуният ва ҳаловат ҳисси эгаллади. Оёқлари остида узала тушмиш кампирга кибр

билан тикиларкан, аввалгидан хийла юмшоқроқ оҳангда:

— Шаҳар миршабхонасига алоқам йўқ менинг. Дарбоза ёнидан ўтиб кетаётган бир йўловчиман, холос. Сени ҳибс этиш ниятим йўқ асло. Фақат айт-чи, нима қилаётган эдинг бу ерда бир неча дақиқа бурун?— деди.

Кампир қон нуқси урмиш қоқоқларини йирганча, кўзларини баттар ола-кула қилиб, қаролга тикилиб қолди. Шу туришда у ўлжасидан панд еган йиртқич қушни эслатарди. Сўнг, худди оғзида ниманингдир таъмини туйгандек, бурни билан деярли қўшилиб кетган буришиқ лабларини қимирлатди. Озғин бўйнида нўхатай бир нарса отилиб чиққудек лорсиллай бошлади. Қаролнинг қулоқларига қарганикига ўхшаш:

— Соч юлаётгандим... соч юлаётгандим... улама соч учун,— деган бўғиқ, манқа товуш чалинди.

Буткул ҳафсаласи пир бўлди қаролнинг. Бу қадар жўн бўлади жавоб, деб сира ўйламаган эди у. Ҳафсаласи пир бўлгани баробар, дилида енгил нафратга омихта ғазаб ҳам қайта ўт олди. Кампир буни, чамаси, дарров илғади. Илғади-ю, қўлида ҳануз мурда бошидан юлиб олинмиш ўша бир тутам соч, вақиллай кетди:

— Майитнинг сочини юлиш, балки, чиндан ҳам хунук ишдир. Лекин бу ерда ётган мурдаларнинг барчаси арзийди-да шунга. Ана, ҳозиргина мен сочини юлган ўша аёлни олайлик: у илон тутиб, уларни тўрт сундан қилиб бўлакларди-да, қуришиб, сарой соқчиларига қоқбалиқ деб пулларди... Шу билан тирикчилик қиларди. Вабодан тўнғиз қўпмаганида, балки, ҳозир ҳам шу билан кун кечираётган бўлармиди. Лекин роса олчи эди-да ошиғи, ҳамма мактаб-мактаб ерди унинг қоқбалиғини, соқчилар нуқул ундан харид қилишарди газаклик. Лекин мен сира аёл ёмон иш қиларди деб ўйламайман. Шундай қилмаса, очликдан ўлиб кетарди, демак, беихтиёр шугулланарди у бу билан. Шунинг учун ҳам мен хунук иш қиялман, деб ўйламайман, йўқ! Ахир, шундай қилмасам, мен ҳам очликдан ўлиб кетаман, демак, беихтиёр қиялман буни. Ишончим комилки, аёл мени асло айбга буюрмасди — ахир, ишга ихтиёрсиз қўл уриш нималиғи ойдек равшан унга.

Мана нималар деди кампир.

Қарол унинг гапларини қиличини қинига суқиб, чап қўли билан маҳкам сопидан тутганча совуққина тинглади. Унг қўли билан эса, ўз-ўзидан маълум, ёноғидаги данакдек чиққонни силаб-силаб турди. Бироқ тинглаш давомида дилида жасоратга уйқаш бир туйғу ҳам туйғила борди. Уша, унга дарбоза панасидалиқ чоғи етишмаган мардона туйғу. Айни мардоналик қарол узра минорага кўтарилиб, кампирга ташланган чоғи ҳокимлик қилмиш туйғунинг тамомила акси эди. Ўғирлик кўчасига кирсаммикан, ё очликдан ўлганим афзалроқмикан, деб иккиланмасди у бўлак; иккиланмоқ қаёқда, айни дам очлиғу ўлим хаёлидан шу қадар узоқда эдики, бу фикр унинг миясида учқунлаши ҳам бирон қолипга сиймасди.

— Ҳали шунақа дегин?— деди қарол кинояомуз, кампирнинг гаплари ниҳоясига етгач. Сўнг бир қадам олға ташлади-да, туйқус қўлини ёноғидан тушириб, кампирнинг ёқасидан олди.— Унда сени тунасам, хафа бўлмайсан! Шундай қилмасам, мен ҳам очликдан тўнғиз қўпаман.

Қарол бир тортиб кампирнинг кимоносини ечиб олди. Сўнг жонхайбатда қўлагининг этагига ёпишмиш кампирни бир тепиб мурдалар устига ағдарди. Зинагача беш қадамлар бор эди. Қарол кампирдан ечиб олмиш хиноки дарахтининг пўстлоғи рангидаги кимонони қўл-

¹. Сун — 3,3 сантиметрга тенг узунлик ўлчови.

тигига қисди-да, югурганча тик зинапоядан қоронғулик бағрига кириб, ғойиб бўлди...

Кўп ўтмай мурдалар устида ўликдай тош қотиб ётган кампир ҳам ўрнидан қўзғалди. Эгнида ҳеч вақо йўқ, бир нималар деб минғирлабми, йиғлабми, ҳануз милтил-лаётган машъала ёруғида зинага довуз эмаклаб келди. Сўнг калта оқ сочларини пешонасигача осилтириб, пастга қаради. Дарбоза, унинг теграси буткул зулумот қаърида эди.

Қарол шу бўйи ном-нишонсиз кетди.

Тўхтамурад **РУСТАМОВ**
таржимаси

Ясунари Кавабата

ОЛОВГА ТОМОН ТАЛПИНАЁТГАН АЁЛ

Кўл олисдан хира мавжланиб кўзга ташланар эди. У ой ёғдусига чўмган кўхна боғдаги ҳовузга жимирлаб қуйилаётган сувнинг рангини эсга соларди. Кўлнинг қарама-қарши қирғоғида дарахтлар ёнарди. Ёнғин кўзга ургудай шитоб билан ёйилиб борарди. Чамаси, ўрмонга ўт тушганга ўхшайди.

Қирғоқ бўйлаб тутун қуюни бостириб келар ва унинг сояси кўлнинг ойнадек тип-тиниқ юзида аниқ-тиниқ акс этганди.

Бир гуруҳ кишилар юқорига кўтарилаётганидан, тепаликнинг ён-бағри қорайиб кўринарди.

Ҳаво қуруқ, мусаффо ва сокин эди. Тепалик адоғидаги шаҳарнинг қуйи қисмини ҳам олов қоплаб олганди. Юқорига кўтарилаётган оломонни ёрганча бир аёл пастга тушиб келарди. Фақат ёлғиз угина қуйига эниб борарди. Атрофни қуршаб турган ҳаёт ғайритабиий аснода сас-садосиз эди.

Тўппа-тўғри олов уммони сари бораётган аёлга тикилиб туриб, мен даҳшатга тушдим. Хаёлан аёлга ёзғирдим: «Нега ёлғиз сенгина қуйига эниб боряпсан? Нима, оловнинг қурбони бўлишни истайсанми?» — «Йўқ, ўлгим келмаяпти, аммо ғарб томонда сенинг уйинг жойлашган, шунинг учун мен шарққа қараб кетяпман».

Мен аъзойи-баданимда кучли оғриқни ҳис этиб ўзимга келдим, аёлнинг нигоҳи гўёки ловуллаб ёнаётган олов қўйнидаги икки қора нуқтага айлангандию мени ярадор қилганди.

Мен кўзларимда ёш билан ўзимга келдим.

Аёл ҳатто менинг уйим йўналиши бўйлаб юришдан ҳам нафратланиши энди менга аён эди. Нима бўпти, кўнгли буюрганини қилсин. Мен сиртдан бу ўй билан келишиб турсам-да, бари бир — аёлнинг айна чоғдаги ҳис-туйғуларининг қизиғи йўқ — аёл қалбининг туб-тубида, ўзимга нисбатан муҳаббатнинг ҳеч қурса учқунлари сақланиб қолганига умид кўзини тикким келарди. Мен ўзимнинг бу худбинлигим устидан кулар ва шу баробарида ушбу учқунни аланга олдиришни истардим.

Айни чоғда бу рўй бериб ўтган туш устида хаёлга



чўмиб туриб, менинг юрагимда ҳам аёлга нисбатан жиндай илиқлик сақланиб қолган, деб ишонч билан айта оламанми?

Бу туш менинг ҳис-туйғуларимнинг акси эди. Аёл менинг тушимда бошидан кечирган бу кечинмалар аслида мен томондан ўйлаб топилган эди. Булар менинг ҳис-туйғуларим эди. Ва яна тушда ҳис-туйғулар ёлғонга қоришмай, қандай бўлса шундайлигича намоён бўлади, ҳаётга яқинроқ туради.

Бу ўй-хаёллар мени оғир қайғуга солди.

НАЖОТКОР ЁЛҒИЗ ПАРВАРДИГОР

Тун чўкиши билан тоғ чўққиси устидаги юлдуз ҳарири фонус янглиғ чарақлади. У ҳеч қачон юлдуз бунчалик чароғон порлашинию ҳамда яқин туюлганини кўрмаганди. Юлдузлар ёғдуси аралаш унга совуқ ҳаво келиб урилди ва у оқ тошчалар ётқизилган йўлакдан югуртилагандай нариги томонга шошилди.

Илим-иссиқ сув билан тўла ҳовузга яқинлашаётиб, уст-бошини шоша-пиша ечганча бир четга улоқтириб сувга шўнғиди.

Юзига иссиқ ва хиёл намчил сочиқни босди, юлдузлар ёғдуси аралаш урилган совуқ энди танини тарк этаётганини ҳис қилди.

— Совуқ тушиб қолдим... Маъзур тутасиз, янги йил байрамида шу ерда қолиш истагингиз йўқми?

У овоз келган томонга бошини ўғирди ва баъзида меҳмонхонага бош суқиб турадиган, хонаки қушлар билан савдо қилувчи савдогарга кўзи тушди.

— Йўқ, довон ошиб, жанубга йўл олмоқчиман.

— Жануб яхши. Бир неча йил муқаддам биз ҳам у ерда яшагандик, мана энди ҳар гал қиш тушиши билан жанубни кўмсаб қоламиз.— Савдогар негадир унга тескари туриб олганча гапирарди. У ҳовузнинг ўша тарафига назар солди ва тиззасигача сувда турган савдогар зина четида ўтирган хотинини чўмилтираётганига кўзи тушди.

Ешгина жувон чўмилтиришга қулай бўлсин дебми, букчайиб ўтирганча эрининг бошига қараб турарди. Унинг кичкина, базўр кўзга ташланиб турган сийналари худди сакс солинадиган оқ финжонларга ўхшаб кетарди. Улар гўёки аёлнинг касаллик туфайли сақланиб қолган қизлик ифпатию бокиралигини намойиш қилаётгандай эди. Аёлнинг эгик қомати ва хушрўй юзи билан гул ўртасида уйғунлик бордай эди.

— Сиз жанубга биринчи марта довон орқали бормоқчимисиз?

— Йўқ, беш-олти йил илгари ҳам у ерда бўлгандим.

— Шунақами?!

Савдогар бир кўли билан хотинининг кифтидан тутиб, унинг кўкрагидаги совун кўпикларини юварди.

— Довондаги мусофирхонада бир фалаж чол яшарди. У ҳали ҳам ўша ердаямикан?— сўради у савдогардан. Ва шу заҳотиёқ ўринсиз савол берганини англаб қолди: афтидан, савдогарнинг хотинининг ҳам оёқлари фалаж эди.

— Мусофирхонадаги қариями? Негадир ҳозир уни ҳеч эслолмаяпман,— жавоб берди савдогар.

— Мен уни танирдим,— суҳбатга қўшилди аёл.— Уч йил бўлди қазо қилганига.

— Шундайми?— гўлдиради у ва туйқус аёлга диққат билан разм солди. Қайта нигоҳ ташлаётиб, у бирдан тескари ўғирилиб олди ва шошиб юзини сочиқ билан бекитди. (Уша! Айнан ўша қиз! — У қичқириб юборишга оз қолди).

У шу заҳотиёқ оқшомги ғира-ширада ҳовуздан кўтариллаётган буғ кўрпласи орасига яширингиси келди. Уни виждон азоби қийноққа солар ва ўзининг яланғоч тани қаршисида уят ҳиссини туярди. У савдогарнинг хотинига тикилиб туриб, бу аёл бир неча йил бурун довон ортидаги жанубда ўзи ҳақоратлаган ўша қиз эканини сезиб қолганди. Утган йиллари мобайнида виждон азоби унга сира тинчлик бермай келганди. Унинг ўжар ҳис-туйғулари ўша олис тушни такрор ва такрор эслашга мажбур этганди.

Аёл билан уни манави ҳовузга юзлаштирган тасодиф шунчалар шафқатсизмиди? Унинг нафас олиши қийин тортди ва юзидан сочиқни юлқиб олди.

Савдогар унга ортиқ эътибор қилмай ҳовуздан чиқди-да, хотинининг қаршисида борди.

— Энди сен ҳам бир марта сувга шўнғиб олгин,— таклиф қилди савдогар хотинининг кўлтиғидан оқиста кўтараркан. Аёл узун бармоқларни сал олдинга чўзди, сўнг дарров худди ақлли мушукдай оёғини ўзи томонга йиғиштириб олди. Шу пайт тўлқин кўтарилиб, уни бўғзигача сувга кўмди. Савдогар ҳовузга сакради ва ҳовучини сувга тўлдириб, ўзининг сочи тўкила бошлаган бошидан қуйди.

У кўз ости билан савдогарнинг хотинини кузатиб турарди. Афтидан сув ҳаддан зиёд иссиқ туюлдими, аёл қошларини чимириб, кўзларини юмиб олди. Аёлнинг қизлик пайтидаги унинг юрагини тўлқинлантирган ўша қора аждардай сочлари ҳозир оғир хазина янглиғ сувда ёйилиб, тўлганиб ётарди.

Ҳовуз бемалол сузиш мумкин бўлган даражада катталигидан аёл нариги бурчакда яшириниб турган кимсани танимасди.

У хаёлан аёлдан кечирим сўраб ёлворарди. Бу аёл менинг айбим туфайли шундай бахтсиз бўлиб қолган, деб ўйларди у. Аёлнинг буткул аъзойи-баданидан ёғилиб турган азоб ҳам уни айблаётгандай эди: қара, мени қанчалар бахтсиз қилиб қўйдинг!

Бу сарчашмада ҳамма савдогар ўзининг фалаж хотинини қанчалик муҳаббат билан яхши кўриши ҳақида гапирар эди. Тўғриси ҳам қирқ ёшни қоралаган бу кимса ҳар кун хотинини авайлаб-асраб, ҳовузга кўтариб келишида ҳазилакам меҳр-садоқат йўқ эди. Савдогар хотинини чўмилтириш учун кўпинча қишлоқ ҳовуздан фойдаланар, шу туфайли у бугунги кунга қадар ва аёлга кўзи тушиши, демакки, ўша қизни таниб қолишига имкон туғилмаганди.

Кўп ўтмай савдогар сувдан чиқди ва худди бу ерда бегона эркак турганини унутгандай хотинининг кийимларини ҳовузга олиб тушадиган зина устида тахтлай бошлади. У кийинтиришда осон бўлсин деб хотинининг ички кийимлари энгларини ўнглади, устки ридонинг таққичларини тўғрилади-да, сўнг ҳовуз лабига келиб, хотинини сувдан олиб чиқди. Аёл яна худди ақлли мушукдай оёқларини ўзи томонга тортиб олди. Савдогар хотинини кийимлар устига ўтқизди, ўрта бармоғи билан унинг иягини хиёл кўтариб, сочиқда бўйинини артди. Кейин тароқни олиб, унинг сочларини таради, сўнг худди қуриган гулни яшил япроқлар билан бекитаётгандай кийинтира бошлади.

Савдогар хотини устидаги ридонинг белбоғини тортиб боғлагач, уни опичлаб, елкасига кўтариб олди-да, ой нури тўшалган қирғоқ бўйлаб юриб кетди. Хотинининг белидан қучиб турган савдогарнинг мушаклари

билан таққослаганда аёлнинг оёқлари янада кичкина кўринар эди.

У тобора кўздан ғойиб бўлиб бораётган савдогарнинг қиёфасини нигоҳи билан кузатиб қоларкан, дафъатан кўзларига эзгулик ёши қалқди.

— Худо бор!— ҳаяжон билан пичирлади у.

У бу аёл менинг гуноҳим туфайли бахтсиз бўлиб қолган, деб ўйлаб хато қилганини, инсон ўзи каби бошқа бир инсонни бахтсиз қилишга қодир эмаслигини, хаёлан аёлдан кечирим сўраб янглишганини, ўзи таҳқирлаган ва ғурури камситилган кимсадан кечирим сўрашдан маънан юксаклиги боис, таҳқирланганнинг хоҳишини тушуниб етди. Тушундики, инсон ўзи каби инсонни ҳақоратлашга қурби етмайди.

— Худойим, сен қудратлироқ экансан!— кичқирди у ва ўзини ҳайқириб оқаётган дарё тўлқинлари бағрига фарқ бўлиб, номаълум ўлкага оқиб кетаётгандай ҳис этди.

Шодиқул ҲАМРОЕВ таржимаси



Синитиро Накамура

ҚЎРҒОНГА ЙЎЛ

— Ойижон, қаёққа боряпмиз? — сўради қизча онасига чўчинқираб қараб.

— Отанг бошлаб боряпти бизни,— жавоб берди онаси.

— Ота, биз қаёққа боряпмиз?— сўради қизча отасидан.

— Бир яхши жойга. Сен ҳали тушунмайсан,— узукюлуқ жавоб қилди отаси қизчанинг қўлидан ушлаб олдинга бошларкан.

— Айта қолинг, қаёққа?!— тинчимади қизча.

— Жуда ажойиб жойга,— деди онаси қайсар қизини тинчлантириш ва эрининг жаҳлини чиқармаслик учун юмшоқ оҳангда. Қизча иккала қўлидан ушлаганча

гавжум кўчадан етаклаб бораётган ота-онасига ортиқча қаршилиқ қилмай қўйди. Уни ҳеч қачон бунчалик кеч ўйдан етаклаб чиқишмаганди. Булар ҳаммаси қизча учун янгилик эди ва ота-онаси етотида расталари ойдан қилиб ёритилган дўконларни томоша қилганча кетиб борарди. Мабодо, бирор йўловчи ёруғликни тўсиб қўйса, у расталардаги манзарага бўйнини чўзиб қарарди. Орадан сал ўтиб у яна гапирга кетди:

— Ойижон, қорним очди.

Отаси қизчага зарда аралаш қараб қўйди. «Қизни жуда талтайтириб юбординг, ўзини ҳеч тутолмаяпти», деган тўнғиллашни эшитгач, «Бироз чидаб тур», деди онаси аччиқлангандек. Қизча отасининг норози бўлаётганини сезиб, онасига ачиниб кетди. У юзини маънос бужмайтириб онасига қаради, онаси эса ҳозир қизча очликдан йиғлаб юборади деб ўйлади.

— Болани овқатлантириш керак, жуда очқаб кетди, бечора,— деди аёл эрига журъатсизгина кўз ташлаб.

— Бўпти. Ана, бўғирсоқ дўкони, бирон нима олиб бера қол,— отаси йўл четида тўхтади ва жимгина кўшиб қўйди:— Ҳа, айтгандай, сўраб кўр-чи, балки улар Қўрғон йўлини билар?

У шундай дея қизчага маънодор кўз ташлади, чунки у қизим «қўрғон» сўзини эшитиб қолди, деб кўрққан эди. Қизча қандайдир қўрғонга кетишаётганини англади, бироқ ота-онасининг гапини эшитмаганга олиб, ўзини кўчани берилиб томоша қилаётгандек тутди.

Улар уч киши бўлиб бўғирсоқ дўконига киришди. Онаси бўғирсоқ танлаётганида отаси паст овозда сотувчи аёлдан нимадир сўради. Қизча отасининг лаблари «Қўрғон» сўзини талаффуз қилганини сезди.

— Бу қизнинг кўғирчоқдек ясаниб олганини қаранг,— эркалади сотувчи аёл.— Нечача кирдинг, дўндиқча?

— Бешга,— деди қизча ва унинг эркалашига эътибор ҳам бермай, онасининг ёнига бориб турди.

Ташқарига чиқишди.

— Оз-моз ойдинлашди,— деди отаси йўлакнинг ўртасида тўхтаб,— ҳозир тўғрига юриш керак, йўлчиروқдан сўнг чапга буриламиз.

— Шошилмасак бўлмайди, қоронғи тушиб қолди.

— Қаёққа шошардик, буёғи бир қадам,— деди отаси одатдагидай инжиқ товушда.

— Ойи, сув ичгим келяпти,— деди қизча.

— Муюлишда хиёбон бор, фаввораси ҳам бўлса керак, ўша ерда ичасан,— онаси ўрнига жавоб берди отаси. Улар унча катта бўлмаган хиёбонга кириб, узун курсилардан бирига ўтирдилар. Қизчанинг ҳеч нарса егиси келмади, аммо онасини ташвишга солмаслик учун бўғирсоқни шошиб чайнай бошлади.

— Тез чайнама, одобли қиз бундай қилмайди,— жеркиб берди уни отаси, лекин айни пайтда унинг хаёли мутлақо бошқа ёқда эди.

— Болани ўзимиз билан олиб бекор қилибмиз, чоғи,— деди онаси ҳорғин овозда.

— Сенга уни момоси билан қолдирайлик, деб айтгандим,— аччиғланиб деди отаси. Бироз жим тургач, паст овозда кўшиб қўйди:

— Узинг қара, кеч тушди. Чироқлар ёна бошлади.

— Агар у жойни бугун тополмасак, нима қиламиз?— сўради онаси.

— Тун бўйи излаб чиқамиз,— деди қатъий қилиб отаси.

— Бола билан-а?

Онасининг ўзи ҳақида ўйлаётганини эшитган қизча яна хархаша қилди:

— Ойижон, мен чарчадим.

— У эрталаб олтидан бери тик оёқда. Уйқу элитяпти. Онаси қизини тиззасига ўтқизиб, кучоқлаб олди. Қиз-

ча кўзларини юмди. Тунги чироқлардан таралаётган шуъалар қизил, оқ, яшил рангда киприкларида жилва қиларди.

— Билмадим, биз нега уйни ташлаб чиқдик, — шивирлади ўзича онаси.

— Жин урсин ўша уйни. Биз энди унга қайтмаймиз, — жерқиб ташлади отаси.

— Менинг тўқиш асбобларим меҳмонхонада ўша ҳолича қолиб кетди, — эрининг гапини эшитмагандай давом этди онаси.

— Ие, бу нима? Буни қара, чўнтагимда эшикнинг калити келибди. Чўнтагим лаш-луш солинган ахлат ўрасига ўхшаб қолибди. Бу нарсалар билан биз ҳеч қачон Кўрғонни тополмаймиз.

Калит фавворага шалоплаб тушди. Қиз сувсагани ёдидан кўтарилганини эслади. Бироқ кўзини очиши мумкин эмас, ота-онасининг гапини бўлиб қўйиши мумкин.

У яна ўзини ухлаганга солди. Кўзларини юмиб ётаётган охири ростакамига ухлаб қолди.

Қиз кўзларини очганида оқиш нурга чулганган хонада ётарди.

— Кўрғон шуми? — сўради у.

— Нима-а? — тутақиб кетди отаси. — Катталарнинг гапига қулоқ солишга қандай ҳаддинг сиғди?

— Ахир у ёш бола эмас-ку. — Қизчанинг ёнини олди онаси, — яхшиси ҳаммасини унга очик айтиш керак.

— Қани, тур ўрнингдан. Ойинг сени кийинтирсин.

Отаси хонанинг бурчида жойлашган ювиниш жойига бориб соқолини ола бошлади. Онаси уни оёққа турғазиб, кийимининг тугмаларини қадаркан, тушунтирди.

— Бу ҳали Кўрғон эмас. Кўрғонни энди излаймиз.

Қизча хурсанд эди, унга ўзининг яхши кўрган кийимларини кийгизишди, устига-устак, ота-онасининг қўлидан ушлаб сайр қилиш қандай яхши.

Улар Кўрғонни узоқроқ излашса янаям кўнгилдагидай бўларди.

Тутдан сўнг улар изма-из ўтаётган юк ташувчи машиналарнинг шовқинига тўлган катта йўлга чиқдилар. Бу атрофда йўловчилар деярли кўринмасди.

— Жонгинам, ахир бу ер шаҳар чеккаси-ку, — деди хавотирланиб онаси.

— Тўғри. Кўрғон шаҳарнинг ўртасида жойлашган, деб айтишганди.

— Кеча бўғирсоқфуруш сенга чапга буриласизлар, деб айтмаганмиди?

— Ҳа, шундай деганди. Балки биз у айтган йўлчиноқдан ўтиб кетгандирми?

Отаси ташвишли қиёфада қўлларини кўкрагига солиштирганча узоқ ўйлади. Қизча, ўзининг қизил бошмоғига қаради ва бирдан йиғлагиси келди — бошмоқлари куюқ чангга беланганди.

— Ҳа, адашибмиз. Орқага қайтамиз, — қарор қилди отаси ва ортга бурилди. Қизчанинг қўлидан ушлаганча онаси эрининг изидан эргашди. Отаси зарда билан тез-тез юриб борар, ўзича нимадир деб тўнғилларди. Онаси ҳам қаттиқ ўйга чўмган, шу билан бирга орқада қолмасликка ҳаракат қиларди. Қизча анча жойгача унинг етовига бўйсуниб, деярли югуриб борди, сўнг бирдан тўхтаб, баланд товушда:

— Бошқа юришни истамайман, — деди.

— Бу ёққа қара! — Онаси отасини ёрдамга қақирди. Отаси тўхтаб, изига бурилди:

— Нима дейсан?

Унинг овози одатига хилоф равишда сокин ва қуруқ эди: бу товуш қизчага ёқмади... «Ундан кўра уришиб бергани яхши эди», деб ўйлади қизча.

— Кўтариб ол! — буюрди отаси: онаси қизчани қўлида кўтарганча эрининг изидан югурди. Улар бир-бирига

бир оғиз ҳам гапирмай, анча жойгача ёнма-ён боришди. Аёл орқада қолиб кетар, шунда эркак қизчани ўз елкасига оларди.

— «Кўрғон уфқнинг қизғиш нурларига кўмилиб ётади», деб айтишганди. Чамаси, ғарбга қараб юришга тўғри келади, — деди эркак нохуш жимликни бузиб ва кўчалардан бирига бурилди. Қизчанинг кўз олдида ловуллаб ёнаётган улкан шар пайдо бўлди ва ундан таралаётган ёғдуга дош беролмай кўзларини қисиб олди. Кейин отасининг елкасида ўтирганча уйқуга кетди, кўзларини очганда эса онасининг қучоғида кетар, кеч кириб қолганди. Отаси қулфланган эшикка олиб борадиган тош зинага беҳол чўкди.

— Яна омадсизлик, — у олдида тик турган аёлга мунгли қаради. — Тўғри йўлдан кетяпмиз, деб шунчалар ишонган эдим. Яна боши берк кўчага кириб қолдик.

— Ҳечқиси йўқ, — аёл эрига тасалли берди. — Биз барибир Кўрғонни топамиз, бизнинг, ахир, ундан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ-ку!

— Сени ҳам қийнаб юбордим, — тўнғиллади эркак. — Қўй, буни ўйлама. Ке, яхшиси ҳаммасини бир бошдан ўйлаб кўрамиз. Биз ҳаддан ташқари ишонувчан бўлган эканмиз.

Эркак секин ўрнидан турди ва йўлакка қараб тупурди.

— Бизнинг харитамиз йўқ, — деди у худди товуш чиқариб мулоҳаза қилаётгандай. — Барибир Кўрғон харитада ҳам кўрсатилмаган бўлса керак.

— Бироқ бизда ният бор! Чинакам киришсанг, ҳар қандай истак, бутун умринг сарф бўлса ҳам, албатта, амалга ошади, — эрига таскин беришда давом этди аёл.

— Тўғри. Тўғри-ю...

— Эслаб кўр, оила қуришга аҳд қилганимизда ҳам худди шундай бўлганди...

Шунда қизча ҳам суҳбатга қўшилди:

— Оила қурмасларингдан олдин ҳам дадам ва оғим эдингизларми? Эр-хотин қизчага қараб кулиб юборишди:

— Биз унда бола эдик, — деди отаси.

— Унда мен ким эдим? — яна сўради қизча.

— Сен ҳали туғилмагандинг.

— Туғилмасдан олдин ким эдим?

Отаси нима деб жавоб беришни билмай, онасига қаради.

Шу пайт кичкина эшик очилиб, қўлида чироқ тутган ёшгина эркак пайдо бўлди. У отасининг олдида келиб, қулоғига нимадир деб шивирлади. Онаси хавотир аралаш қизчани қучоғига тортди.

Отасининг юзи ёришиб кетди, номаълум киши билан бўлаётган суҳбат қизгин тус олди. Сўнг отаси ички чўнтагидан қалин конверт олиб, ичидан бир тахлам қоғоз чиқарди-да, йигитга узатди. У чироқни кўтариб, қоғозни санай бошлади, отаси эса онаси ёнига келиб, қувноқ товушда деди:

— Бу одам бизни Кўрғонга бошлаб боради.

— Ростданми? — ишонқирамай сўради онаси ва ёш йигитга хавотирли кўзларини тикди; ёш йигит аёлга ўгирилиб жилмайди.

— Ҳеч хавотир олманг, хоним. Мен у ерга сизга ўхшаган кўплаб кишиларни бошлаб борганман. Мендан ҳали миннатдор ҳам бўласиз. Бу нарсаларни пул учун қилаётганим йўқ.

Йигит уларни эргаштириб жўнади. Улар тор, кимсасиз кўчаларни узоқ ораладилар, қоронғи жойларда йўл бошловчи қўл чироғини ёқарди.

— У ерга йилнинг айна шу пайти ташриф буюриш керак. Ҳозир энг қулай фасл, жой ҳам етарлича топилади. Кўрғон ҳақида жуда кам одам билади, реклама билан

шуғулланишмайди. Мендай йўл бошловчисиз сизларга жуда қийин бўларди...

Йўл бўйи йигитнинг жағи тинмади, унинг қувнок, қатъиятли товушидан аёл бироз хотиржам тортди.

— Кўринишим бир ҳолатда, жуда ноқулай-ку менга,— деди аёл йўл бошловчига.

— Ҳечқиси йўқ. У ерда ҳеч ким кийимга эътибор бермайди. Кейин эса сизларни худди яқин кишиларимдай таништираман. Мен у ердаги ҳаммани танийман, ўйлайманки, бу сизларга жуда қўл келади. Мен каби йўлбошчи бўлмаганида сизлар бу йўлни ҳеч қачон топа олмадиларинг,— мақтанарди йигит.— Мана, деярли етиб келдик. Мени шу ерда кутиб туринглар. Мен бориб, хабарлашиб келаман,— деди йўлбошловчи шивирлаб. Улар қандайдир тепаликнинг олдида турардилар. Тепаликнинг юқори қисмини қоп-қора зулмат қоплаганида. Қизча ва ота-онаси тепаликка кўтарилаётган йўлбошловчига зимдан қараб турардилар. Анча юргач, йўлбошловчи бирдан тўхтаб, пастга тушиб кела бошлади.— Бундай қилсак, яхшиси мен сизларга ўзимнинг қўлчироғимни қолдирсам. Юқорида чироқ ёнса, бу сизларга ишора бўлади, ўзларингиз чиқаверасизлар. Мен сизларни ўша ерда кутиб тураман. Ўзим чироқсиз ҳам кўтарилсам бўлади, йўл таниш.— Йигитча қичқирганча тушиб келарди. Эркак унинг олдида бориб, қўлидан чироқчани олди.

Сўнг зулмат қўйнида узоқ кутишга тўғри келди. Қулоқларининг остида жаранглаб турган йўлбошчиларининг жавраши ва ўзларига бўлган ишончлари зулмат қўйнида сўниб, ўрнини нохуш туйғулар эгаллаб бошлади.

— Ҳаммаси жойидамикан?— сўради кўрқа-писа аёл.

— Билмадим... Яна бироз кутайлик-чи,— жавоб берди эркак тун зулматига маъюс нигоҳ ташлаб.— Мен унга пулимнинг ярмидан кўпини бериб юборгандим.

— О, худойим,— алам билан инграб юборди аёл. Бурнини кавлаб ўтирган қизча аёлнинг ингроғидан чўчиб йиғлаб юборди.

— Болани кўрқитиб юбординг!— ўшқирди отаси жаҳли чиқиб. Онаси қизчани қучоғига тортди.

Улар чироқ ёруғида тепаликка кўтарила бошлашди. Узоқ ўтирганларидан ва кўнгилларида пайдо бўлган нохушликдан оёқлари худди латтадай бўшашиб қолган, ўрлик эса ҳеч тугай демасди. Онасининг иссиқ елкасида кетаётган қизчанинг кўзлари юмилиб-юмилиб кетарди.

Икки кунлик таассуротлар ва ҳаяжон шунчалик чарчатиб қўйгандики, у ҳатто ўз танасини ҳам ҳис қилмасди.

— Азизим, ниҳоят чиқдик-а,— шивирлади аёл ҳорфин. Унинг оёғи остида текис йўл тўшалиб ётар, тик сўқмоқ тугаганида.

— Шундайга ўхшайди,— тасдиқлади паст товушда отаси, унинг овози худди тун зулматига сингиб кетгандек туюлди.

— Чироғинг билан атрофини ёритиб кўр-чи,— яна ҳолсиз шивирлади онаси.

— Ҳозир.

Отаси қоронғуликни чироқ нурлари билан тилимлаб чикди. Ён-берларида ҳеч нарса кўзга ташланмасди.

— Қандайдир дала, шекилли.

— Ҳа. Дала.

Бинога ўхшайдиган нарсанинг қораси ҳам кўринмасди. Кўзлари илғамаетган бўлиши мумкин эмас, чунки оёқлари тагида олис-олисларга чўзилиб кетган йўл аниқ кўриниб турарди.

— Наҳотки, у бизни алдаган бўлса?— сўради онаси, овози умидсизликдан қалтираб кетди.

Улар оёқларини зўрға босганларича далани кесиб ўтишди. Бу худди тушга ўхшарди. Оёқларини қанчалик кўтариб босишмасин, жойларидан силжимасди. Гоҳида отаси чироқ билан атрофни ёритар, бироқ ундан чиқаётган ёруғликни зулмат ютиб юборарди. Ниҳоят, у тилга кирди:

— Юриш фойдасиз, эрталабгача бирон ерда тунамасак бўлмайди.

Улар далада тунаш учун шундоқ йўл ёқасига чўкишди. Совуқ суякни қақшатар, фақат онасининг қучоғига ёпишиб ухлаб қолган қизчагина буни сезмасди. Аёл ва эркак паст овозда узоқ суҳбатлашиб ётдилар. Қизча уйку аралаш бир марта ёнбошига ағдарилганда онаси унинг юзини ўзининг сочлари билан ёпди. Шунда қизча отасининг шивирлаб айтаётган гапини эшитди:

— Сенга мен билан жуда оғир. Сенсиз мен адо бўлардим...

Орадан анча вақт ўтди, юзига ёруғлик тушиб, қизча бирдан уйғониб кетди. У кенг далани қоплаб олган майса ичида ётар, тепасида эса отаси унга тикилиб турарди.

— Ойим қани?

Отаси меҳр билан қизчани қучоқлади ва паст овозда деди:

— Қани бўл, кетдик.

— Ойим-чи?

Отаси индамай бошини чайқади, қизча шунда энди онаси ҳақида сўраш мумкин эмаслигини англади. Унга отаси бир кечада мункайиб, қариб қолгандек туюлди. Демак, менга икки киши учун ҳам қувонишга тўғри келади, қарор қилди қизча.

Шу кунги йўлда кетишаркан, отаси унга кўп нарсалар ҳақида гапириб берди. Бош мақсад қандай бўлмасин Кўрғонни излаб топиш, бу жуда муҳим, бироқ шу мақсадга олиб борадиган йўлни топиш ундан ҳам муҳимроқ. Қизча отаси ўзига худди ғойиб бўлган онасига қилаётгандай муносабатда бўлаётганини сездди. Яна унга ўша ҳам аввалгига қараганда анча каттариб қолгандай туюлди. У онаси ҳақида бошқа сўрамади, у бу дунёда гапирилмайдиган нарсалар ҳам борлигини тушунганди.

Бир мунча муддатдан сўнг у ўша саёҳатларининг биринчи кунги ўтишган кўчадан кетишаётганини сезиб қолди.

— Отажон, бу ўша кўча-ку! — хитоб қилди қизча отасининг қўлидан силтаб тортар экан. Отаси ён-верига кўз югуртирди:

— Шундайми? Негадир эслай олмаяпман.

Қизча отасининг хотираси заифлашганидан унинг қанчалар кексайиб қолганини сездди. Ва отасига тасалли бериш учун баланд товушда гапира бошлади.

— Ана, сен йўлни сўраган ўша бўғирсоқ дўкони, эслаяпсанми?

— Бўғирсоқ дўкони?— такрорлади отаси.

— Ўша, ана, қарагин.— Қизча қўли билан ишора қилди. Дўкон ойнасидан қизча ўзини «қўғирчоқ қизча» деб мақтаган сотувчи аёлни кўриб қолди.

— Ассалому-алайкум, холажон,— қичқирди у дўконга кирар экан.

— Алайкум-ассалом,— жавоб берди сотувчи.

— Эсингиздами, биз сиздан бўғирсоқ сотиб олган эдик?— сўради қизча.

— Ростданми? Бу қачон бўлганди?— ажабланди аёл.

— Эсингизда йўқми? Мен мана бу ерда, онам билан ёнма-ён тургандим,— тушунтира бошлади қизча.

— Э-ҳа, сен ўша қизчамисан?— ҳайратга тушиди аёл.— Катта қиз бўлиб қолибсан! Ушанда сеннинг ёшинг... бешда эди, шекилли? Онанг қани?!

Қизча нима деб жавоб беришини билмай, отасига қаради, отаси индамай унинг қўлидан ушлаганча кўчага етаклади. У ўзининг эшик ойнасидаги аксига чўчиб кўз ташлади ва кўзгудан ўзига ўн ёшлардаги қизча термулиб турганини кўрди. «Ажабланадиган жойи йўқ,— ўйлади у,— ахир отам ҳам анча кексайиб қолган». Шунингдек, онаси ҳақидаги хотира ҳам уни энди қийнамас, секин-секин узоқлашиб кетаётган эди. У отаси билан кўча бўйлаб юриб кетди, энди ким-кимнинг — эркак қизалоқнингми ёки қизалоқ эркакнингми қўлидан етаклаб бораётганини аниқлаб бўлмасди.

Орадан яна — балки бир неча соатдир, балки бир неча йилдир — анча вақт ўтди. Қизча ва отаси оմборга ўхшаш бинонинг улкан эшиги олдида тўхтадилар.

— Мана, ниҳоят Қўрғонимизга ҳам етиб келдик,— деди отаси.— Онанг кўрганда қанчалар хурсанд бўларди. Афсуски, жуда кеч топдик.

Қизалоқ,— йўқ, балоғатга етган қиз — кўкрагини тўлдириб нафас олди ва отасининг гапига эътироз билдирди:

— Ҳаётда ҳеч нарса кечикиб келмайди, отажон. Афсус қилма.

— Ҳа, тўғри,— жавоб берди отаси.— Мени шу ерда кутиб тур. Ичкарини кўриб чиқаман.

— Отажон, кел, ёқангни тўғрилаб қўяй.

Қиз отасининг кийимларини диққат билан тартибга солди, у ер-бу ерини тўғрилади, силаб-сийпади, отаси эса деворида биронга ҳам дарча бўлмаган бинога маймоқланиб кириб кетди.

У бинога кириб кетгунча қиз изидан қараб турди, сўнг юзини кўчага буриб, ён-атрофни томоша қила бошлади. Йўлакда болалар йўлга тош отиб ўйнар, дарах сояларида ошиқ-маъшуклар шивирлашиб ўтирар, нарироқда, дарё бўйида эса балиқ овлочилар қармоққа тикилиб ўтиришарди.

— Эй, сен, бу ерда нима қилиб ўтирибсан?— деган овоз келди изидан. Қиз бурилиб йўлакда ўзига жилмайиб қараб турган миқти жуссали, юзидан навқиронлик ёғилаётган ўсмирни кўрди. У бирдан хижолат чека бошлади, ўсмирнинг кўзлари тиниқ ва ўткир, гўё бу кўзлар худди кўнглини кўриб тургандай эди.

— Мен отамни кутяпман.

— У қаерда?

Бинонинг деворига суянганча улар суҳбатлаша бошладилар. Усмир овозининг борича хахолаб юборди.

— Қўрғон? Ол-а! Жуда кулгили. Дунёда ҳеч қандай Қўрғон йўқ.

— Сен отамни ҳақорат қиялпсан!— хитоб қилди қиз ва бирдан кўзларига ёш қалқди. Унга бу ўсмир шунчалар ёқиб қолгандики, энди эса у кўзига балодай кўринарди. Қизнинг кўзидаги ёшни кўриб, йигит дарров жиддийлашди:

— Илтимос, мени кечир. Ҳақорат қилишни ўйлаганим ҳам йўқ. Фақат шундай ёш бўла туриб, бошингни бўлмағур хомхаёллар билан оғритма демоқчи эдим.

— Отам бу Қўрғонни умр бўйи ахтариб ўтди. Биз уни шунчалар кўп изладикки, шунчалар изладикки...

— Бу отангнинг ҳаёти. Сен эса бошқача, ўзинг хоҳлагандай яшаш ҳуқуқига эгасан. Юр, яхшиси яхтада саёҳат қиламиз. Биз ёшлар учун денгиздан қизиқроқ нарса бўлиши мумкинми?

Қиз кўз ёшларини артиб, эътироз билдиргандай бош чайқади.

— Йўқ, отамни ёлғиз ташлаб кетолмайман.

Шундай деди-ю, тамом, энди ўсмирни бошқа ҳеч қачон кўрмайман, деб ўйлади ва юрагини қандайдир оғриқ зирқиратиб юборди. Усмир эса бирдан унинг қўлини қаттиқ қисиб, дўстона оҳангда таклиф қилди:

— Унда бундай қиламиз. Сен ичкарига кириб, отангни излаб кўр. Бу ерда тургандан кўра шундай қилганинг маъқул. Мен сени кутиб тураман.

Қиз бирдан енгил тортди. Унинг ёшга беланган юзи йигитга миннатдорона табассум ҳадя қилди ва ўзи ҳам йигитнинг қўлини қаттиқ қисди-да, бинонинг эшигидан юргунча кириб кетди.

Ичкари тим қоронғу эди. Кираверишда, ён тарафдаги устунда «Рўйхатга олиш» деб ёзилган лавҳа турарди, бироқ у ерда ҳеч ким йўқ эди. Юқорига зина орқали кўтариларди, қиз ёрилиб кетган тўсиққа суянганча эски ёғоч зинадан чиқа бошлади. Зина деворга тақалиб турар, шу ердан янги зина бошланарди: ундан кейин яна девор, яна нафас ростлаш жойи... Қиз шошиб юқорига кўтариларди. У ҳар қадам ташлаганда ташқарида ўзини кутиб турган йигитдан яна ҳам кўпроқ узоқлашаётганини ҳис қилади. Салдан кейин унга умуман ҳеч қандай ташқари мавжуд эмасдай туюла бошлади. Фақат мана шу туганмас зина бор, бошқа ҳеч нарса йўқ. Ниҳоят, қиз қандайдир эшикнинг рўпарасидан чиқиб қолди. У қўли билан эшикнинг сиртқи қисмини пайпаслаб кўрди, сўнг унга юзини қўйиб, қулоқ сола бошлади.

Унга ичкаридан одам товуши, тўғрироғи, фақат отасининг товуши эшитилаётгандек туюлди. Бу товуш шунчалар таниш эдики, кимгадир у ўзининг қизи ҳақида фахр билан ҳикоя қиларди. Ҳикоятчи бу мавзу ҳақида соатлаб гапириши мумкинлиги товушидан сезилиб турарди.

Қиз жилмайиб қўйди ва табақани итарди.

— Отажон,— чақирди у ва табақани кучлироқ итарди-да, остонадан ҳатлашга ҳозирланди, бироқ эшик очилиб сал бўлмаса йиқилиб тушаёзди — эпчиллик билан дастакдан ушлаб қолишга улгурди.

Эшик орқасида хона ҳам девор ҳам, осмон ҳам — ҳеч нарса йўқ эди. Бўшлиқ бор эди фақат. Қиз бўшлиққа кўз ташлади. Бўшлиқни ҳатто кўриб ҳам бўлмайди, деган фикр келди бирдан хаёлига. Ва агар ҳозир изига бурилса, ўзини бу ерга бошлаб келган зинани ҳам кўрмаслигига унинг ишончи комил эди.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ таржимаси



Жонибек Субҳон



• КҮЙ ИЗЛАЙМАН КҮНГИЛ НАЙИГА

* * *

Янгидан сафарга чорлайди ҳар кеч
Тун— эгар-жабдуқли қорабайирим.
Бироқ тизгинини тутқазмайди ҳеч
Кандасиз келгувчи асов-ғайирим.

Мени топширгунча тонгнинг қўлига
Чопади жонини бериб жабборга,
Мени солиб қўйиб Сомон йўлига,
Энди издошларинг қўйма, дер, орга...

Елиб боради-ю, кўнглида ҳадик:
«Синовга ярамас ёки ярайди?»
Таваккал деб учиб кетаётир тик,
Ўмрови қаламим тинмай қайрайди.

Сен бор— хаёл юртин кезаман зумда,
Кўнимсиз сайёҳман, қорабайирим.
Сендан— халқим каби жафокашимдан
Бўлмас асло мени тирик айириб...

Ўзгалар ўрнида

Ўзгалар ўрнини қилганича банд,
Ўмрбод дуч келган одамни қопди.
Ўлиги ҳам берар инсонларга панд,
Сурбетликнинг сўнги йўли ҳам топди:
Вақти қазо етиб, кирмасдан гўрга,
Ўзига қурдириб қўйди мақбара.
Кўнглини тўлдириб турар ғурурга
Тўрт қабрлик жойни тўсган панжара...

Сада орзуси

Қани энди имкон топиб бир лаҳзагина
Мизғиб олса соясида саратон чоғи.
Иложи йўқ, гир атрофи чақир тош— нина,
Ёнбошласа илма-тешик бўлар япроғи.

Ҳавас билан боқа-боқа ўз соясига,
Оёғида турган ҳолда кўрар тушини.
Нетсин ахир, олган бўлса ҳимоясига
Табиатнинг қанча-қанча ожиз қушини...

* * *

Етилган ҳайқириқ сингари,
Етилган оғриқдай, аламдай
Чилланинг оқармас тунлари
Қорайиб ёнарман қаламдай...

Хайрият, дераза тўсади—
Бўлмас, ямларди мени тун.
Шамоллар қамишдай ўсади,
Най бўлмоқ истайди у дилхун.

Куй излаб мен кўнгили найига
Хонамда саргардон кезаман.
Бош уриб мисралар пойига
Ўзимни мағлубдай сезаман.

Варағим сингари оқариб,
Тонготар оҳиста ўртади.
Унда— тонг, бу ёқда— мен ғариб,
Музкашта дераза— ўртади.

Қамчининг сурати

Раислик отидан сакраб тобутга,
Тартиб ўрнатгани кетди «ку томон».
Омад-да, урушдан қайтган зобитга
Қамчи берган эди атайлаб замон.

Қўлидан қўймади тириклигида
Кўксига орденлар таққан қамчини.
Эгасига сирдош, шериклигидан
Сурати тагига осдилар уни.

Қони қамчилардан томган ўлкада
Раислар суратда хаёл суради.
Эгатга майишган қанча елкада
Яшар шу қамчининг алвон сурати.

* * *

Эшикли уй борки, бўлар ялоғи,
Бўлар шу ялоққа кўз тиккан ити.
Ҳаётнинг азалий ҳукми шу чоғи,
Насибаси шу уй суяк, сарқити.

Ит ўз борлигини билдириб турар
Бирда ҳуриб, бирда тишлаб балоқдан.
Уйни қўриб эмас, аслида ҳураб
Егуликни тама қилиб ялоқдан.

Ўзга эшигида асралган кўппак
Қимгадир ёқмайди, кимга ёқади.
Менимча, ҳар киши ўзига кўпроқ
Муносиб кўппакни танлаб боқади.

Насиббек Хайит ўғли



Насиббек Хайит ўғли 1950 йилда туғилган. Унинг ўнга яқин шеъррий тўпламлари чоп этилган. Қозоғистон Езувчилар уюшмасининг М. Мақатов номидаги мукофоти совриндори.

Насиббек Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonини козoқчага таржима қилиб, адабий жамоатчилик меҳрини қозонди. Эндиликда у козoқ қардошларимизни «Хамса»нинг қолган дostonлари билан ҳам таништириш иштиёкида заҳмат чекмоқда.

Қозоғистоним

Маконим, юртим, ў, онам,
Оқ сутинг кетмас танглайдан.
Майсалар кифтим қучган дам
Офтобинг суяр манглайдан.

Сени алқамас қандай жон,
Қилмаса тавоф — у бир тош.
Ҳар гал сафардан қайтган он
Қароқларимга қалқир ёш.

Ичккан кўнғил сарсари
Хавотир-ғамда тебраниб,
Чайқалган булут сингари
Келаман сенга эмраниб.

Оралаб кўрдик ер юзин,
Кўп экан юртлар — чаманлар.
Баридан азиз сен ўзинг,
Гарчи хуш ўзга ватанлар.

Чин иқбол не деб сўрса гар
Ў, сендирсан, дегум мағрур.
Тушида кўриб тонг-саҳарлар
Туяман ажиб тот-ҳузур.

Борки ҳисларим ёнмоғи —
Токи томирим қотмас муз,
Хилтираб турган байроғинг
Нурига ҳар тонг чайғум юз.

Юксалса кўкка лочин қуш,
Қанотин қоқса виқорли —
Ёғдириб сенга минг олқиш,
Чўққига бориб қўнар у.

Дунёни кўрар кўзимсан,
Юксалар дилда шууриим.
Осмонга учсам, ўзингсан
Айланиб топар туғирим*,

Ошганда не-не тоғ-қирдан
Ўзингсан дилга солганим.
Берганим айтиб лоф урмам,
Чексиздир сендан олганим.

Ҳаётда кўндир жилғалар,
Кўпирар-тошар ўзаним.
Ўзинггагина аталар
Бор бўлса асл ўланим.

Бошингга тоғдек ғам-кадар —
Ногаҳон қулфат тушган он
Қудратин сенга баҳиш этар
Жисмида сўнғи тоғчи қон.

Шуқуҳинг дилдан аритма,
Яшнаган хуррам бўстони!
Ўзингни ёвга хор этма,
Аёвлим, Қозоғистоним!

Бўзтўрғай — юрак...

Неки бир туйғу, не орзу, —
Ёқмади менинг қонимни!
Юрак тўрғайдек бўзлар-у,
Қийнайди мудом жонимни.
Балки қандайдир дард ботиб,
Недандир зада, зирллаб,
Гоҳи бемаҳал уйғотиб
Бўзлашин бошлар чириллаб.
Эркин қуш бўлиб у балки
Қирларда қанот қоқмоқчи?
Кўкрак қафасим тарк этиб,
Кенгликлардан ин топмоқчи?
Тиним билмайин бўзлайди
Титратиб дилни, тонларни,
Билмайман нени излайди,
Топарми эзгу онларни?

* Бургут қўнадиган тахт.

Тикилдим саҳар самога,
Юлдузлар оқди шашқатор.
Эврилар милт-милт зиёга
Олис болалик — беозор.
Оҳ, олий йиллар, тенг-қурдош...
Юпанғум тагин бир зумда.
Кипригим намлар қайноқ ёш,
Қуритғум уни қулғум-ла.
Тургандай қараб ноз билан,
Кўнғелимга қалаб ўтли сўз, —
Қоп-қора туннинг қағридан
Тикилар бир жуфт қора кўз.
Етмасин қанча мавқега,
Умринг сўнғи нуқтадир.
Фараҳли онлар шавқига
Тўйдим дёлган ким, ахир?!
Бўзтўрғай юрак — жимитдай,
Қандайдир дарддан зириллар.
Ёпирай, нега тинмайди,
Бўзлашин қўймас чириллаб?!

Ён дафтарим...

У мудом ҳамроҳим — юрадир ёнда,
Мен учун дунёда азиздир жондек.
Ичида типирчилар юраккинам
Мисоли темирқанот полапондек
Ундадир сўқмоқларим — шивирлаган,
Ундадир тоғу тошим, улуғ далам.
Қувончу алашим бор, ҳасратим бор,
Бахтим бор — манглаймга буюрмаган.
Аждодим руҳи жиља қилар шунда,
Эзгулик куртакларин ёзар кунда.
Ундадир зилол мавжга қонган оним,
Тоғчи сув деб қақшаган оним унда.
Бир қиз ҳажри, фироғи шундадир жам
Ва аччиқ ёш кўксимга томчилаган.
Шундадир ўкинишим, ўтинишим,
Умидларим — умр отин қамчилаган.
Ундадир неча-неча бедор туним,
Ундадир ҳеч ким билмас зорим, уним.
Мени йўқлаб йиғлайдирган ёлғиз улдир,
Бўтадек бўзлаб қолар кетган куним.
Дардларимни биргина сен англарсан,
Ортимдан оҳ урарсан, ўртанарсан.
Меҳримни қўмсаган чоғ боққин унга,
Кўксингга бир зум босгин, юпанарсан.
Ёногинг елларга бур,қўрқма асло,
Қаршингда рангинг олам қилар шайдо.
Ушал он қароғингга сингиб кетар —
Бутун умрим нури унга бўладир жо.

Қозoқ тилидан

Мирпўлат МИРЗО таржималари

Алишер Навоий эсақидга ривоятлар

Кўрпанга қараб оёқ узат!

Султон Ҳусайн уй ўртасига жой солдириб, кичкина бир кўрпани ёпиниб, шифтга қараб ётган экан, ҳар хил хаёл олиб қочаверибди. Кўрпага бурканиб олган экан, оёғи очилиб қолибди. Оёғини ёпса, бошига етмас эмиш. Шу ётган кўйи саройдаги уламою фузалоларини ҳузурига чақиртириб:

— Манави кўрпани бузмасдан шу ётишимда бошимдан оёғимгача етказасизлар. Сизларга қирқ кун муҳлат, фармони олий бажо келтирилмаса, ҳаммангизни дорга тортираман!— дебди.

Подшонинг уламо-фузалолари бир кам қирқ кун ўйлашиб, ҳеч ҳисобини тополмай, қирқинчи кун ийғилишиб Навоийнинг уйига боришибди. Шоир қошида саф тортиб, аҳволни баён қилишибди:

— Тақсири олам, Султоннинг талабларини ёлғиз сиз бажара оласиз. Бу мушкул муаммони жаноби олийлари ҳал этиб бермасалар, ҳолимиз хароб, эртага ҳаммамизнинг бошимиз кетади. Шафқат ва марҳаматингизга мўжоз бўлиб, ҳузурингизга бош эгиб келдик,— дебдилар.

Навоий шу замон саройга қараб отланибди. Уламою фузалолар Навоийнинг орқасидан: «Худоё-худовандо Навоийга мадад бер, Султонимизнинг дилига шафқат ва ҳаммат сол, бизни ўлимдан халос эт!», деб келишаётганмиш.

Қирқ кун батамом тўлган, подшо айтган муҳлат битган, ҳамма аркону давлат ийғилишиб, таҳликада туришган экан. Султон Ҳусайн барча уламою фузалоларини ёнига чақиртирибди. Навоий уларнинг ҳаммасини бошлаб саройга кирса, султон кўрпани бошига тортиб ёпиниб, тиззасидан пасти очиқ ётган эмиш.

— Тақсир, ижозат берсалар, фармони олийни бажо келтирсам,— дебди Навоий.

Султон Ҳусайн кўрпанинг тагидан туриб, ижозат берибди. Шунда Навоий:

— Фақат мендан ранжимайсиз-да, шоҳим,— деган экан, подшо ўша ётган кўйи:

— Нега энди хафа бўлар эканман? Аксинча, шу масалани еча олсангиз, ақлингизга қойил қоламан!— дебди.

Навоий тўғри султоннинг ёнига бориб, кўрпадан чиқиб турган оёғига бир тепган экан, подшогаям жон ширин-да, ўша заҳотиёқ икки оёғини ийғиб, кўрпанинг ичига тортиб олибди. Устидаги кўрпани отиб, жаҳл билан ўрнидан сапчиб турибди-да:

— Бу нима қилиқ, Алишер?!— деб бақирибди.

Навоий бўлса қўлини кўксига қўйиб:

— Кўрпангизга қараб оёқ узатинг-да, шоҳим,— деган экан.

Тулпорнинг насли қанақа?

Султон Ҳусайннинг бир тулпори бор экан. Уни подшо еру кўкка ишонмас, фақат овга чиққанида ва узоқ сафарга отланганидагина минар экан.

Кунлардан бир кун шикордан қайтган подшо арғумогидан кўнгли тўлиб, Навоийга мақтанибди:

— Оламда бизнинг арғумоқдай учқур от бўлмаса кераг-а?! Шу тулпорнинг насли қайси зотдан экан?

Шунда Навоий:

— Сигир наслидан, тақсир!— деб жавоб берибди.

— Нима бало, эсингизни еганмисиз, шундай тулпор сигирдан эканми? Ҳеч замонда сигир наслидан от туғилганини эшитганмисиз, эй вазири нодон!— дебди жаҳли чиқиб подшо.

Навоий эса пинагини бузмай:

— Тақсир, бердисини айтгунча сабр қилинг-да, ҳали масала охиригача ечилгани йўқ. Сигир наслидан тулпор туғилади, йўқми, буни билиш учун шу отни парваришлаган сайсингизни чақиртирсангиз,— дебди.

Ҳусайн мирзо дарров амр этибди, ҳаш-паш дегунча сайис ҳам етиб келиб, аркону давлат олдида қўл қовуштириб турибди. Ҳусайн мирзо тулпорининг асл наслини билмоқчи бўлиб, сўрабди:

— Бу тулпорнинг насли аслми?

— Олампанох, бир қошиқ қонимдан кечсангиз. Мен бир камбағал одамман, ғазаб қилиб, бола-чақамнинг уволига қолиб ўтирманг! Худо хайрингизни берсин, мурувват кўрсатинг, сизга бор гапни айтиб берай,— дея ялинибди отбоқар.

— Хўп, кечдим, айтавер,— дебди Ҳусайн мирзо.

— Тулпорингиз асли сигир зотидан, тақсир,— деб гап бошлабди отбоқар.— Бияларингиздан бири шу қулунни туғди-ю, умри қисқа экан, ўлиб қолди, боёқиш. Нима қилишимни билмай, бошим қотиб қолди. Уша кун бир говмиш сигирингиз ҳам туққан эди. Қулунга раҳим келиб, кўтариб оғилхонага югурдим, ўша сигирга эмиздириб, катта қилдим уни. Очиғини айтганда, бу тулпорнинг онаси ўша сигирдир, тақсир.

Подшо ҳайратдан ҳангу манг бўлиб, ёқа ушлаб қолибди. Сайис чиқиб кетгач, Навоийдан:

— Дўстим Алишер! Сиз буни қаёқдан билувдингиз?— деб сўрабди.

— Тақсир, сиз билан кеча овга борганимизда, фалон жойдаги сувдан ўтаётганимизда разм солиб турсам, отингиз кечувдан ўтгач, худди ҳўкизларга ўхшаб оёғини орқага қаратиб силкитиб кўйди,— дебди Навоий.

Ҳўсайн мирзо Навоийнинг зийраклигига офаринлар айтибди.

Мир Алишер билан бемор

Мир Алишернинг олдига бир одам келиб, ўзининг саломатлиги ёмонлигидан шикоят қилиб:

— Мавлоно Мир Алишер! Сиз кўпни кўрган, доно одамсиз, шoirсиз, адолатпарвар амирсиз. Аммо табибликдан хабарингиз йўқлиги ёмон-да,— дебди.

— Қаерингиз оғрийди?— деб сўрабди Мир Алишер.

— Ўзим ҳам билмайман, ҳамма жойим оғрийди, танамда мажолим йўқ,— деб жавоб берибди ҳалиги киши.

— Ундай бўлса, бир шифоси бор,— дебди Мир Алишер,— ҳар куни эрталаб бир намоз вақти, пешинда бир намоз вақти, кечкурун яна бир намоз вақти ер чопиб, қолган пайтларда ўзингизнинг касбингизни қилинг, иншоолло, тез кунда тузалиб кетасиз.

Орадан бир неча муддат вақт ўтгач, ҳалиги одам яна Мир Алишернинг олдига кириб келибди-да:

— Мир Алишер, мени танидингизми?— деб сўрабди.

— Танишга танидим-у, аммо саломатлигингиз нечук?— дебди Мир Алишер.

— Отдайман! Шоирдан ҳам табиб чиқар экан-да, сизнинг айтганингизни қилиб, тамомила дарддан халос бўлдим,— дебди у киши мамнун.

Яхшидан боғ қолади

Кўклам кунларининг бирида Султон Ҳўсайн саройда ёлғиз ўтиравериб зерикибди-да, хийла вақтдан бери Мир Алишердан дарак бўлмади, бориб ҳолидан бир хабар олиб келай, деб дўсти яшайдиган маҳаллага йўл олибди.

Бориб қараса, Мир Алишер енг шимариб боғида ишлаётган экан. Буни кўрган Султон Ҳўсайн отдан тушиб, соғлик-омонлик сўрабди-да:

— Ҳорманг, дўстим! Нега шоирлар мажлисида кам-

намосиз, десам, боғбонликни пеша қилибсиз экан-да!— дебди.

Мир Алишер ҳам белбоғи билан пешонасидаги мунчоқ-мунчоқ терни артар экан:

— Кўклам келса кўчат эк, деган экан машойихлар. Шу боғдаги қуриган олмалярни кўпориб ташлаб, ўрнига уч-тўрт туп ёнғоқ экяпман,— деб жавоб берибди.

— Эҳ, дўстинам-эй, қариган чоғингизда боғнинг сизга не кераги бор? Сиз билан биз ёшимизни яшаб, ошимизни ошаган бўлсак. Бу ёнғоқларингиз қачон ҳосилга киради-ю, сиз унинг мевасидан ейсиз?! Мана шу боғдаги меваларнинг бориға шукр қилиб, соя-салқинда ғазал битиб ўтиравермайсизми?— дебди подшо.

Шунда Мир Алишер кулимсираб:

— Дўстим, яхшидан боғ қолади, деган нақлни эшитганмисиз? Мен бу кўчатларни ўзим учун эмас, ана шу маҳалламиз кўчаларини чангитиб юрган болакайлар, балким уларнинг ҳам болалари учун экяпман. Бир куни келиб, шу кўчатларнинг ҳар бири азим дарахт бўлиб, одамлар унинг мевасидан тотиб кўришганда, «Бу боғ Мир Алишердан қолган!», дейишса, шунинг ўзи менга ҳар қандай неъматдан лаззатлироқдур!— деб жавоб берибди.

Бу гапларни эшитган Султон Ҳўсайн Мир Алишернинг саҳоватига қойил қолиб, унга бир ҳамён тилла чиқариб берибди. Мир Алишер тиллага қараб:

— Ана, кўрдингизми, дўстим, экаётган ниҳолларим ҳозирданоқ ҳосил бера бошлади,— деб кулиб қўйибди.

Султон Ҳўсайн Мир Алишернинг ҳозиржавоблигига яна бир бор қойил қолган экан.

От нега кулди?

Султон Ҳўсайн мирзо билан Алишер шикорға чиқмоқчи бўлибдилар. Ҳўсайн мирзо Алишерга дебди:

— Эртага азонда кетамиз, тайёр бўлиб туринг!

Эртаси куни тонг саҳарда Ҳўсайн мирзо Алишер минадиган отнинг пастки лабини кесиб қўйибди. Тонгга яқин Алишернинг уйқуси қочиб, отидан хабар олиш учун табилага бориб қарасаки, отининг лаби кесилган. «Ҳойнаҳой, бу султоннинг ишидур, яна бир шумликни ўйлаганга ўхшайди», деб ўйлабди Алишер. Сўнгра Ҳўсайн мирзо минадиган отнинг думини тағи билан кесиб олибди.

РИВОЯТГА АЙЛАНГАН ҲАЁТ

Ўзбек халқ оғзаки насрининг ўзига хос жанрларидан бири бўлмиш ривоят аждодларимиз томонидан яратилиб, тилдан тилга, дилдан дилга ўтиб, муайян бадний силсила ҳолатига келган тафаккур мўъжизаларидан саналади. Бу сеҳрли оламда номи абадий қолган сиймолардан бири ҳазрат Алишер Навоийдир. У халқ учун адолат тимсоли, ҳақиқат мезони эди. Шу боис Навоий ҳақидаги жамики ривоятларда яхшилик ва эзгуликдан бахс этувчи бокира тушунчалар мужассам.

Ўз умрини саодат бўстонидаги турфа чечаклар ўстиришга бахш этган меҳри дарё шоир Алишер Навоий эзгуликка

ташна диллар эҳтиромига сазовор бўлган юкодкорлардандир. Шу боис Навоий ҳаёт вақтидаёқ унинг донолиги, сўзга чечан ва сахий қалб соҳиби эканлиги ҳақида хилма-хил ҳикоят ва ривоятлар тўқилган. Шоирни кўрган-билган, унинг дилбар суҳбатидан баҳраманд бўлган кишиларнинг ҳикоялари оғиздан-оғизга ўтиб, Навоийнинг таъриф-тавсифи эл орасида дoston бўлиб кетган. Навоий ҳаётида чиндан рўй берган воқеаларни бўрттириб, муболағали қилиб тасвирлашдан, шунингдек, азалдан халқ орасида айтилиб юрган эртак ва афсоналарнинг айрим мавзуларини улўғ шоир номи билан боғлаш натижасида янгидан-янги асарлар пайдо бўлган.

Халқ дилида тугун бўлиб ётган, юз йиллар давомида айтолмай келган дардларини ўз қаҳрамони Алишер Навоий тилидан баён этади, ҳақсизлик ва теиғ-

сизлик ҳукм сурган турмушга шоир нигоҳи билан баҳо беради. Ривоятларда тасвирланмиш воқеа-ҳодиса ва қаҳрамонларга нисбатан Навоийнинг муносабати аслида халқ нуқтан назаридир.

Алишер Навоий билан боғлиқ халқ ривоятларининг энг сара намуналари Ҳ. Зарифов, Б. Каримов, А. Эшев, М. Муродов, Н. Сабуров, С. Умаров, О. Холмирзаев каби фолклоршунослар томонидан ёзиб олинган ва ЎзШИЖ ФА Тил ва адабиёт институти халқ оғзаки ижоди бўлими қошидаги ҳўжукатхонада, шунингдек, Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёмалар олий мактаби фолклор фондида сақланмоқда. Биз ана шу ривоятлардан айримлари билан Сиз, муҳтарам муштарийларни ҳам таништиришни лозим кўрдик.

Маматқўл ЖўРАЕВ,
филология фанлари номзоди

Азонда булар отларига минишиб, шикорга отланибдилар. Ҳусайн мирзо отининг думи кесилганидан беҳабар, Алишерга қараб:

— Мир Алишер, отингиз кулиб келаётибдими?— деб сўрабди.

Бунга жавобан Алишер ҳам вазминлик билан:

— Ҳа, тақсир, отингизнинг думи йўқлигини кўриб кулиб кетаётибди,— дебди.

Ҳусайн мирзо отининг думи кесилганлигини кўриб, қип-қизариб кетибди.

От оёғидан сув ичсин!

Султон Ҳусайн подшоҳ, Мир Алишер вазир эди. Бир куни подшоҳ вазирлари билан шикорга чиқди. Шу боришда уларнинг йўллари бир кўл устидан чиқиб қолди. Қарасалар, қамишларнинг учлари қуриб, қовжираб қолган экан. Шунда Мир Алишер:

— Кўлдаги қамишлар сув истаб, чанқаб қолибди. Буларга ёмғир керак экан-да! — дебди.

Мир Алишернинг ёнида бораётган подшо, унинг сўзини бўлиб:

— Ахмоқ, сувда турган қамишлар қандай сувсизин?!— дея пичинг қилибди.

Мир Алишер индамабди. Шу йўсинда бу жойдан ўтибдилар. Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, ниҳоят, бир биёбонга етиб келиб, ов қилишиб, дам олишни бошлабдилар. Улар бир неча кун ов овлаб, ҳордиқ чиқариб, сўнгра қайтадиган бўлибдилар. Чунки бу бийдек дашту биёбонда ичишга сув топилмабди.

Йўлда буларнинг олдидан бир катта ариқ чиқибди. Подшо билан вазирлар отларини ичиргани олиб борибдилар, ўзлари ҳам сувдан ичибдилар. Аммо Мир Алишер ўзининг отини сув ичиргани кўймай, ариқнинг саёзроқ жойида жиловни маҳкам тортиб тураверибди.

Султон Ҳусайн ҳайрон бўлиб ундан сўрабди:

— Мир Алишер, нима учун отни сувламаяпсиз?

— Сув отнинг қорнига тегиб турган бўлса, уни сувламак на ҳожат? Чўллаган бўлса, яна, оёғи билан ичаверсин,— деб жавоб берибди Мир Алишер.

Буни эшитган Султон Ҳусайн ўзининг илгари айтган гапи ёдига тушиб, енгилганини тан олибди-да, Мир Алишерга икки минг танга инъом этибди.

Бош ва тил

Кунлардан бир куни Султон Ҳусайннинг саройида катта ўтириш бўлибди. Гапдан гап чиқиб, подшоҳ: «От оёғидан сув ичсин!», деган сўзи учун Мир Алишерга икки минг танга инъом этганини айтиб берган экан, буни эшитган бошқа вазирлар жанжал кўзгабдилар. Улар подшога арз қилиб:

— Тақсир, ҳар сафар Мир Алишерга бир оғиз доно сўз учун минг танга берилар эди. Энди эса икки минг танга берибсиз! Нима учун бизларга ҳам икки минг танга берилмайди? Биз бу илтифотга лойиқ эмасми?— дейишибди.

Подшо уларга қараб:

— Агар менинг саволларимга яхши жавоб топсаларинг, ўша икки минг танга сиздан айлансин! Олсаларинг олаверинглар, менинг сираям қаршилигим йўқ,— дебди.

Вазирлар:

— Майли, бизлар ҳам топамиз! Қанча савол бўлса бераверинг, олампахо, — дейишибди.

Султон Ҳусайн вазирларига қараб туриб, кўрсаткич

бармоғи билан бошини кўрсатибди. Ҳеч нарсага тушунмаган вазирлар бир-бирларига қарашиб, елка қисишиб, анграйиб тураверибдилар. Шу пайт Мир Алишер ҳам ўша бармоғи билан тилини кўрсатибди.

Султон Ҳусайн ҳамон безрайиб турган вазирларига қараб:

— Мен бошимни кўрсатдим, Мир Алишер эса бармоғи билан тилини кўрсатди. Сизлар шунинг маъносини топиб келинглар,— деб буюрибди.

Вазирлар уч кун муҳлат сўраб олибдилар. Уч кун ўйлаб-ўйлаб, барибир ҳеч бир натижа чиқаролмабдилар. Ахийри Мир Алишернинг ёнига бориб, бояги имо-ишоранинг маъносини сўрабдилар. Мир Алишер ҳам:

— Агар ҳар бирингиз минг тангадан берсаларинг, майли, айтиб берақолай,— дебди.

Қирқ вазир қирқ минг тангани қурутдек санаб берибдилар. Шунда Мир Алишер ўша кунги имо-ишоранинг сирини айтиб берибди:

— Султон бошга бало нимадан келади, деб сўрадилар. Мен ҳар кишинингки бошига бало келса, ўзининг тилидан келади, деб жавоб бердим,— дея сўзини тугатибди Мир Алишер.

Буни эшитган вазирлар саройга қараб югуришибди. Подшонинг олдига бориб, бири-бирига гал бермай, «Мен топдим-чи, йўқ, мен топдим!», деб гап талашиб қолибдилар. Султон Ҳусайн уларни тинчлантириб, гап сўраса, улар боягина Мир Алишердан ўрганган гапларини оқизмай-томизмай айтиб берибдилар. Подшо уларнинг сўзларига ишонқирамай:

— Тўғрсини айтинглар, бу сўзларни ким ўргатди сизларга?— деб сўрабди.

— Узимиз топдик, тақсир!— дейишибди вазирлар.

Подшо вазирларининг ёлғон гапирганидан аччиқланиб, ҳаммасини ўлимга ҳукм қилибди. Шунда қўрқиб кетган вазирлар қалт-қалт титраб, бу гапларни Мир Алишердан эшитганларини айтиб беришибди.

Султон Ҳусайн вазирларига қараб кулиб:

— Мен Мир Алишернинг бир кунига икки минг танга берсам, сизлар эса унинг бир оғиз сўзига қирқ минг танга берибсизлар-да!— дебди.

Алишер билан шайх

Кунлардан бир куни Алишер гулшан боғда ғазал битиб ўтирган экан, унинг олдига шу маҳаллалик бир шайх кириб келибди. У Алишерни ғазал ёзишдан тўхтатиб:

— Мавлоно Алишер! Бу замоннинг одамлари хўп айнаиб кетишган-да! Шу денг, кеча оқшом бир киши олдимга қуп-қуруқ сўппайиб кириб келгани етмагандай, яна мандан: «Тақсир, дунёда энг таъмағир одам ким?», деб сўради. Ўзи қуруқ келаганига жоним чиқиб ўтирувдим, баъд аз жавоб бергим ҳам келмади, эртага келарсан, деб қайтариб юбордим. Алишер, сиз донишманд одамсиз, айтинг-чи, нима деб жавоб берсам экан?— дебди.

Шунда Алишер:

— Ҳеч иккиланмай: «Шайхлар», деб жавоб бераверинг, сира янглишмайсиз, тақсир!— деган экан, шайхнинг жаҳли чиқиб, зарда билан боғдан чиқиб кетибди.

Эркисиз шоҳдан эркин гадо афзал

Кунлардан бир куни саройда ўтиравериб диққинафас бўлган Султон Ҳусайн Бойқаро билан Навоий саёҳатга чиқишибди. Улар бир қишлоқдан ўтаётиб, чолдевор уй олдига бир аёлга дуч келишибди. Аёлнинг эг-

нидаги кўйлак қирқ ямоқ, ювилавериби эскириб кетган, ўзиям озиб-тўзиб, эти суягига ёпишган экан. Булар иккиси тузукроқ син солиб қарашса, бир неча йил бурун саройдан чиқиб кетган канизақлардан бири эмиш. Бир вақтлар Султон Ҳусайн бу канизагига аччиқ қилиб, уни саройдан ҳайдаб юборган экан.

Ўзининг канизагини дарров таниган Султон Ҳусайн Навоийга дебди:

— Дўстим Алишер, бу аёлдан сўраб кўринг-чи, қани, саройдаги куни яхшимиди, ё бу куни афзалроқмикин? Навоий ўйланиб туриб:

— Унинг қайси куни яхшилигини-ку мен биламан-а, майли, сизнинг ҳам сазангиз ўлмасин, сўраб берақолай,— деб ҳалиги аёлни олдига бориб:

— Эй, синглим, сен бир вақтлар кўшқда яшардинг, еганинг олдинда, емаганинг ортингда эди. Энди бўлса уст-бошинг йиртиқ-ямоқ, танангда эт қолмабди. Сен бизга тўғриси айт, ўшандаги — саройдаги кунинг яхшимиди, ё ҳозирги аҳволинг дурустми?— деб сўрабди.

Аёл жавоб берибди:

— Тақсир, тўғри айтдингиз, мен бир вақтлар кўшқда қирқтанинг бири эдим. Султоннинг пойқадами менинг ҳужрамга қирқ кунда бир марта етарди. Қирқин қизнинг ҳаммасига турмуш татимасди. Юрагимиз қон, бағримиз хун эди. Энди бўлса, кўриб турганингиздек, ярим оч, ярим юпун бўлиб юрсам ҳам, ўз эрим, ўз уйим, ўз ётоғим бор. Эрим мени севади, мен ҳам унга содиқман, оч кунимда унинг бир табассуми менга ҳар қандай неъматдан тотли, бир оғиз ширин сўзи атласу шоҳи кийимдан аълороқдур. Сўраганингиз учун айтмоғим лозим, эрксиз шоҳ бўлгандан кўра, эркин гадо бўлган афзалроқдур!

Рост билан ёлғоннинг фарқи

Кунлардан бир куни Алишер Навоий ғазал ёзиб ўтирса, бир киши унинг ҳузурига кириб келибди-да, қуюқ саломлашибди. Соғлиқ-эсонлик сўрашгандан кейин:

— Навоий ҳазратлари, кўп вақтлардан бери бир савол мени қийнаб келади. Ахийри олдингизга келишга мажбур бўлдим, қани, айтинг-чи, рост билан ёлғоннинг орасида қанча фарқ бор?— деб сўрабди.

Навоий ўнг кўлининг кафтини чаккасига қўйиб, индамай ўтираверибди. Ҳалиги киши анча вақт кутиб қараб турибди-да, тоқати тоқ бўлиб:

— Навоий ҳазратлари, жавобингизга мунтазирман!— дебди.

Шунда Навоий жилмайган кўйи:

— Саволингизга ўша заҳотиёқ жавоб бердим-ку, тушунмадингизми?— дебди.

— Лом-мим деб оғиз ҳам очмадингиз-ку, ахир?! Ниманиям тушунай?— дея таажжубдан қотиб қолибди ҳалиги киши.

— Мана, кафтим чаккамда,— деб тушунтира бошлабди Навоий,— кўзим билан қулоғим орасида турибди. Бунинг маъноси — кўз билан кўриб турганингиз рост, қулоқ билан эшитганингиз ёлғон бўлади. Рост билан ёлғоннинг орасидаги фарқ ҳам шудир.



Назми

Шухрат Умаров



Уйқудасан

*Уйқудасан, Ширин уйқуда,
Қизил гулга ўхшайсан фақат.
Киприklarинг ўткирдир жуда,
Еноқларинг гул барги монанд.*

*Хонанг ичра таралар хушбўй,
Лабларингда қотган сўзларинг.
Шоирингнинг юрагида ўй
Офатидан сендек гўзалнинг.*

*Гул сўзламас, сўзлама, қўйғил,
Чўчитмагил ширин тушларни,
Чўчитмагил, титраган кўнғил,
Кўкрагингга қўнган қушларни.*

Умид юраги

*Тоғлар менга зор бўлиб турар,
Етолмадим улар қошига.
Дунё менга тор бўлиб турар,
Бош урдим мен дунё тошига.*

*Хаёлимни босиб келар у
Чўққиларнинг зумрад қорлари.
Кўйлаётир ҳазин-ҳазин кўй
Юрагимнинг нозик торлари.*

*Тоғлар менга зор бўлиб турар,
Уфқ, чақмоқ чироғин ёқиб.
Дўстларимдан хабар кутарман
Тоғ айлига жимгина боқиб.*

*Дўстлар, сиздан ёлғиз тилагим —
Юксакларда мени кутгайсиз.
Ҳеч бўлмаса умид юрагин
Чўққиларга олиб кетгайсиз...*



Мебаранга куй оқар

* * *

Ииғлама, кўзёши қувончлар бўлгур,
Шусиз ҳам бўғзимга тиқилди шаҳар.
Кайдасан қаноти тиллоранг туйғу,
Нега кўзларимдан йиқилди шаҳар?

Юрак, қайғудошим, нега тунд қотдинг,
Рўёлар қилчи қоларми озод?
Мазлума қайғуни қандайин сотдинг,
Танингда бобоқон музлади наҳот?

Кишлоқда нима бор, қочиб келдинг-ку,
Сен учун ер чопди отанг ҳам онанг.
Кабарган қўлларнинг ҳурмати ҳаққи
Тилингни куйдириб чўкмасми ноланг.

Ииғлама, кўзёши қувончлар бўлгур,
Гард кўнар тўрлардан бўғилди нафас.
Кўксимда бир ишқ бор, сен уни ўлдир.
Ўргимчак ҳаётдан тўйдим, етар, бас...

* * *

Тераклари қулаган кишлоқ,
Рақсга тушади шамоллар.
Эртага ким бору кимлар йўқ,
Эртага ҳоким қай ағмоллар.

Карсиллаб олмалар шохиди
Шамоллар қаҳқаҳа уради.
Замоннинг йўриғи — маккалар
Эгилиб-букилиб туради.

Симёғоч симлари увиллаб
Келмишдан эртақлар бичади.
Измига эрк бериб изғирин —
Дарахтлар кўйлагин ечади.

Эртага ким бору кимлар йўқ,
Эртага ҳоким қай ағмоллар...
Бола варрак учирар кўкка,
Ҳушини ўғирлар шамоллар.

* * *

Тушовланган тулпорлар
Ўзиб-ўзиб кишнайди.
Қаро зулмат, қари тун
Куйижарда пишнайди.

Дир-дир титрар япроқлар,
Хилват топиб қочолмас.
Ғафлат босиб ухлар эл,
Тўп отсанг кўз очолмас.

Фалакдан қора аждар
Юлдуз ямлаб келади.
Кўк яловли қуйижар
Юрт устига елади.

Юртни қоплар кул бўрон.
Тошиб келар шивирлар.
Етти одим берида
Қирқ минг майса қимирлар...

Оқ кеча, оппоқ кеча,
Ой келиндай сузилар.
Ўй қуча, ёстиқ қуча
Соғинч ипи узилар.

Бог девори кўйлагимни
Адо қилди, санамжон,
Суйганимни сен билмадинг,
Девор билди, санамжон.

Оқ олчалар ҳар кеча
Битта-битта узилар.
Дарчангдан ошиб тушиб
Худайчилар тизилар.

Васлингни зор қўмсаган
Кўнглим куйсин, санамжон.
Акиллаган итгинангни
Қисмат суйсин, санамжон.

Оқ кеча, оппоқ кеча,
Ой келиндай сузилар.
Ўй қуча, ёстиқ қуча
Пигит кўзи илинар...



Иболар юртига малика,
Мажнунлар туймаган кўз қирин.
Илондай чирмайди шуурни
Саллона сочлари — қирқ ўрим.

Тунларим кунларга айланди,
Қулбамни ёритган висол — туш.

Хаёлга хон бўлиб сайланди
Қалбимни титратган ҳур қуёш.

Теграмда куй оқар, куй булбул,
Теграмни куй ёқар, кул бу дил,
Ҳаёлар ҳушимни олдилар —
Куй бу дил, кул бу дил, гул бу дил...

Бобомурод Эралиев



1965 йилда Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида туғилган. ТошДД ўзбек филологияси факультетининг 5-курс толиби. Шеърлари жумҳурият матбуотида эълон қилинган.

Хотира

Олис қишлоқ кечасида ҳурган итлар,
Ниманидир узоқларда кўрган итлар.
Рух мавжида кема каби сузар юрак,
Йўл тополмай умидини узар юрак.
Сўқмоқлардан чопиб-чопиб келар бир қиз,
Сўқмоқлардан чопиб-чопиб кетар бир қиз.
Ҳассасини фарзандим деб сўйган кампир,
Синиб қолса, дилбандим деб куйган кампир,
Турналардай учиб кетган йилларим-эй,
Оғир-оғир силкинмоқда кўлларим-эй.
Олис қишлоқ кечасида ҳурган итлар,
Ниманидир узоқларда кўрган итлар...

Хазонлар соврилар кузги боғларда
Самовий жимликка чўмар далалар.
Турналарнинг учиб кетишини кўриб
Илкис хўрсинади ҳатто болалар

Хира шом. Толларнинг хивичларини
Чақинлар қорайтар куйдириб тунда.
Изғирин сермайди қиличларини,
Кўрарсан: юлдузлар учар чақиндай.

Булутлар ичида ой сузиб борар
Бир ҳовуч ёғдуси ёғиб сувлоққа.
Сунбулани олиб кетади шамол
Олиб кетганиндай қизни овлоққа.

Қайга ҳам қочардинг сукут
дастидан,
Хаёлга келтирмоқ, ўйламоқ оғир.
Қора соя чиқар дарахт остидан
Ханжарга рўбарў келгандай бағир.

Энди яшаш қийин қувлаб арвоҳни,
Бир зумда йўқолар сенга таниш из.
Юракдан кечади ҳали неча бор
Ўша қоронғулик, алдаб кетган қиз...

Август туни

Далаларнинг оромин бузмай
Осмон тўлиб юлдуз оқади.
Ўйга чўмиб, ундан кўз узмай
Деразадан бир қиз боқади.

Алла айтиб мушфиқ оналар
Овунтирар болаларини.
Ухлаб қолар сувчи ҳам тинглаб
Найнинг узун нолаларини.

Ногаҳонда боғлардан чиқар
Шамолларнинг пистирмалари.
Янги тўлган ойда ёришар
Оғилхона бостирмалари.

Хаёллардай чўзилар сўқмоқ,
Қанча юргин, оёғинг толмас.
Ялпизларнинг ҳидини туйиб
Юрагингда сира ғам қолмас.

Ёруғ тонгдан хабарчи келар
Ой оғишган паллаларида.
Билдирмасдан ғўзалар гуллар
Ўзбекистон далаларида.

Қайтиш

Рухимда сукунат ҳокимдир,
Шамоллар жим қотган учолмай.
Юзимда сирғалар томчи ёш,
Қалдирғоч айланар учолмай.

Рухимда сукунат ҳокимдир,
Қайтаман бир сўздан кечолмай.
Эшикка суяниб қоламан,
Нечундир очолмай, очолмай.

Рухимда сукунат ҳокимдир...





Абул Ҳасан ал-Кисоий

Оламнинг аббаси, охири ва пайғамбарлар ҳаёти

Иброҳим алайҳиссаломнинг байтул ҳарамга сафари, араблар бобокалони Исмоилнинг туғилиши

Каъбул ахбор, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилибдурки, Иброҳим ўз дўстлари, сафдошларини йиғиб Сурия сафарига отланди. Улар Ҳаррон шаҳрига етиб келгунларига довул ҳеч бир ерда тўхтамадилар. Бу ерда Пайғамбар анча узоқ муддат умргузаронлик қилди. Ҳорун отлик подшоҳ Иброҳимнинг пайғамбарлигига мусаллам бўлиб, қизи Сорани унга берди. Сўнгра Иброҳим алайҳиссалом Ердон (Иордания) диврига борди. Бу ерда Содиқ деган подшоҳ бор эди. Ул зот Иброҳимдан:

- Сен кимдурсан?— деб сўради.
- Аллоҳнинг дўсти Иброҳимман,— деб жавоб берди пайғамбар.
- Бу аёл киминг бўлур?— деб сўради подшоҳ.
- Синглим бўлур,— деб жавоб берди ҳазрат Иброҳим.
- Синглингни менга хотинликка бергил,— сўради подшоҳ.
- Беролмайман,— деди ҳазрат Иброҳим,— чунки сен динсиз, зеро кофирдурсан.
- Ундай бўлса синглингни зўрлик бирла олурман,— деди подшоҳ ва хизматкорларига «Сорани тутиб, ёнимга келтирингиз!» деб буйруқ берди.
- Аллоҳ, ўзинг мадад бер,— муножот қилди ҳазрат Иброҳим.— Дўстингни бир кофир қўлида хору забун қилмагил. Подшоҳ Сорага қўл узатмоқчи эди, шу заҳоти қўли ва томоғи қуриб, тош бўлиб қолди.
- Бул жазо сенга худонинг дўсти Иброҳимнинг хотинига беодоблик қилганинг учундир,— деди Сора.
- Сен Иброҳимнинг хотинимсан!— сўради подшоҳ.
- Шундоқ,— деди Сора.
- Ундай бўлса тавба қилдим,— деди подшоҳ.— Бу қилган гуноҳим учун худодан кечирим сўрайман.
- Ҳақ-таъоло гуноҳига иқрор бўлиб тавба қилгани кечирур. Содиқни ҳам кечирди. Подшоҳ Иброҳимнинг пайғамбарлигига иқрор бўлиб, унга иззат-ҳурмат кўрсатди. Шундан сўнг у ўзининг хусн-малоҳатда ва хулқу одобда беқиёс қизи Ҳожарни пайғамбарнинг хотини биби Сорага чўриликка берди.

Ниҳоят фаришта Жаброил пайғамбар қошига келиб, хушхабар етказди. «Аллоҳ-таъолонинг амри шулки, Сиз биби Сорадан ўғил кўрурсиз, андин кўп пайғамбари солиҳлар дунёга келур. Биби Ҳожардан ҳам ўғил кўрурсиз, анинг авлодларидан пайғамбарларнинг энг баркамоли Муҳаммад алайҳиссалом туғилур».

Биби Сора кексайиб қолиб, шундан сўнг ўзга фарзанд кўрмади. Лекин, у гўзал чўриси биби Ҳожарни пайғамбарга ниқоҳлаб берди. Ҳазрати Иброҳим биби Сорадан бир ўғил кўрди, унинг исмини Исмоил қўйдилар. Ой юзли, манглайида нури нубувват зоҳир эрди. Ул нубувват бизнинг хожамиз, пайғамбарлар баркамоли Муҳаммад Мустафо саловати алайҳи вассаломга келажакда насиб этгувчи нури босафо сингари эрди.

Алқисса биби Сора фарзанд кўролмаслигидан ва ҳазрати Иброҳим доимо биби Ҳожар билан бўлишдан рашк азобини тортар эрди. Охири ул рашк ўтига чидолмай:

— Эй, Иброҳим, биби Ҳожар бирла бир уйда туришга тоқатим йўқдир! Уни бу ердан бошқа ёқларга олиб кетгил!— деди.

Ҳақ субхонаху ва таъоло дилига солгач, Иброҳим алайҳиссалом биби Ҳожар билла Байтул Ҳарам тарафга йўл олди. Ул муборак маъвога етгунларича, бир неча чўллардан, шаҳру қишлоқлардан ўтдилар. Ахийри, улар Каъба ибодатгоҳи олдида тўхтадилар. Оламни тўфон босганидан буён Каъба биноси нураб, қум ва тупроқ остида қолган эрди.

— Сизлар шу ерда қолинглар, худонинг амри шулдур.

— Бизни кимларга ташлаб кетмоқчисиз?— йиғламсираб юкунди Ҳожар.

— Сизларни Аллоҳ паноҳига топширдим,— ишонтирди ҳазрати Иброҳим. Унгу сўл томонларга қараб эрди, ҳеч бир дарахт, ҳеч бир жонзот кўзга чалинмади. Шунда ҳазрати Иброҳим «Қуръон»да келтирилган жозиб сўзларини айтдилар:

— Аё, парвардигор! Авлодимнинг бир қисмини, яъни, болам Исмоилни ва аёлим Ҳожарни намоз ўқисун деб, сенинг муборак уйинг қошидаги экинсиз бир водийда қолдирдим. Бегоналарнинг дилларини уларга мойил қилгин, уларни шукр қилсун деб турлук мевалардан риққ бергил! Қудрати чексиз парвардигорим! Сен бизнинг яширин ва ошкора қилмишларимизни билиб турасан, еру осмондаги ҳеч нарса Аллоҳга махфий эмасдир! (Қуръони Карим, 14-сура, 37-38 оятлар, Муҳаммад Солиҳ таржимаси, Пекин, Миллатлар нашриёти, 1986 йил.)

Аллоҳ таъолога айни муножотни қилиб, ҳазрат Иброҳим ўғли Исмоил билан аёли биби Ҳожарни Байтул Ҳарам вайронасида қолдирди ва ўзи биби Сора ёнига қайтди.

Мақкада биби Ҳожар билан гўдаги Исмоил жазирама иссиқдан ҳолсизланиб қолишди. Биби Ҳожар кўйлагини дарахт шохига илиб, соясида Исмоилни жазирамадан асради. Аммо кўзадаги сув тугаб, улар ташналик азобини чека бошладилар. Биби Ҳожар не қилишни билмай, гоҳ Сафо тепалигига, гоҳ Марво тепалигига югуриб чиқар, аммо бирор томчи сув тополмас эди. Ҳамма ёқдан сув излаб, тополмай, ахийри худого мурожаат қилди:

— Эй, Парвардигор! Бизни ташналик азобидан халос этгил!

Шул пайт самодан ҳазрат Жаброил тушиб: «Тез фурсатда халос бўлурсиз» деб хабар бердилар. Биби Ҳожар бу сўзларни эшитиб, орқасига қайрилиб қараса, гўдак Исмоил мимит бармоғи бирла ерни ўймоқда, ул ердан сув отилиб чиқмоқда эди. Биби Ҳожар ерга энгашиб, худого таъзим бажо қилди ва шукрона айтди. У булоқ яқинига келиб, сув қуриб қолмаслиги учун атрофини ҳарсангтошлар билан ўради. Сўнг сувга қараб:

— Зам! Зам!— деб кичқирди. Шундан буён ҳозиргача мазкур булоқ Замзам деб аталур.

Биби Ҳожар билан Исмоил булоқ олдида кўп вақт кун кечирдилар. Бир куни Ямандан Сурияга бораётган савдо карвони булар ёнига яқинлашди. Карвонни қўриқлаб келаётган одамлар олсдан Макка водийси устида қушлар учиб айланиб юрганини кўриб қолишди.

— Бу ерга қушлар қаёқдан келиб қолдикини?— деб ажабланишди улар.— Ахир қушлар сув ва одамлар бор ерда учишади-ку?

Шундай деб, одамлар яқинлашдилар ва булоқ, Ҳожар ва Исмоилни кўришди.

— Сизлар кимдурсиз? Одаммисиз ёки жинмисиз?— деб сўрашди. Биби Ҳожар жавоб берди:

— Мен Аллоҳнинг дўсти Иброҳимнинг чўриси-дурман. Бул

гўдак ўғлим Исмоилдур. Биз худонинг қудрати бирла кўзи очилган шул булоқ бўйида яшаймиз.

— Карвонимиз шу ерга кўниб, одамларимиз дам олса, булоқ сувидан ташналигини қондирса, розимисизлар!

— Бемалол, ичаверинглар!— деди биби Ҳожар.

Карвон одамлари оилалари билан яқин келиб, Байтулҳарам теварагида чодир тикдилар.

Исмоил балоғатга етиб, аслзода уруғлардан бирининг қизига уйланди. Шундан кейин кўп ўтмай, биби Ҳожар вафот этди.

Ривоят қилибдурларки, ойлар, йиллар ўтиб, ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоилни соғиниб, кўргани боришга аҳд қилди. У биби Сорадан топган ўғлини кўриб келишга ижозат сўради. Шул пайт ҳазрати Жаброил жаннатдан бир тулпор олиб келди. Иброҳим алайҳиссалом худого шукрона айтиб, жаннат тулпориде кўз очиб юмгунча Байтул Ҳарамга етиб келди. У ерда ўғлининг уйини топиб:

— Ассаломалайкум, хонадон соҳиблари!— деб салом берди.

Ҳазрат Исмоил шикорга кетган эди. Хотини ҳазрат Иброҳимнинг саломига алик олмади. Аксинча:

— Сенга нима керак? Ҳожам уйда йўқ!— деб кўрс жавоб берди.

Ҳазрат Иброҳим айтдики:

— Ҳожанг келганида айтгин, у эшиги остонасини янгилаб кўйсин.

Шундай деб, ҳазрати Иброҳим яна Шомга (Сурияга) қайтиб кетдилар. Ҳазрати Исмоил овдан келиб эди, хотини нотаъиниш бир чол келганини ва нималар деганини оқизмай-томизмай айтиб берди. Ҳазрат Исмоил гап нима хусусда эканлигини тушунди ва:

— Ундай бўлса, тугунларингни йиғиштир, қаёқдан келган бўлсанг, ўша ёққа кетавер,— деб хотинининг жавобини берди.

Сўнг ҳазрати Исмоил бошқа қизга уйланди. У аёлдан кўп фарзандлар кўрди. Йиллар ўтиб, яна бир куни ҳазрати Исмоил овга кетган вақтида отаси ҳазрати Иброҳим келди.

— Ассалому алайкум, хонадон соҳиблари!— деб салом берди ҳазрати Иброҳим.

— Ваалайкум ассалом, отахон!— жавоб берди келин.— Ҳожам уйда йўқ, аммо сиз кираверинг, улар ҳали замон келиб қоладилар,— деди.

— Егулик нарсанг борми?— сўради ҳазрати Иброҳим.

Келин елиб-югуриб, дастурхон ёзиб, чой кўйиб, қуш гўштидан қовуриб, дастурхонга қўйди. Ҳазрат Иброҳим ноз-неъматлардан тўйиб тановул қилди.

Сўнг келин ҳазрат Иброҳимнинг сочини ювиб, соқолини тараб, мушк-анбарлар сеғди. Ҳазрат Иброҳим йўлга чоғланди:

— Эринг келса мендан салом айтиб қўй,— деди у келинга,— яна шунга айтгинки, мудом остонасини яхши асрасин.

Ҳазрати Иброҳим йўлга чиқди. Уғиллари ҳазрати Исмоил овдан қайтди. Хотини меҳмон келганини, дастурхон ёзганини ва йўловчи кетатуриб, нималар деганини айтди.

— Энди сени аввалгидан зиёдроқ ҳурмат қилурман,— деди ҳазрати Исмоил.— Сен чиндан ҳам тўқис остонам экансан.

Яна йиллар ўтиб, Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоилни соғиниб, учинчи марта Байтул Ҳарамга келди. Ҳазрати Иброҳим Каъбага учинчи бор келишда ўғиллари ҳазрати Исмоилни уйдан топди. Уни кўриб, сўхбатлашиб, хурсанд бўлди. Сўнг яна Шомга қайтиб кетди.

Ривоят қилибдурларки, ҳазрати Исмоил (кўпгина халқларни дину иймонга даъват қилиб) бир юзу ўттиз етти йил умр кўрди. Вафот этганларида уни ҳазрати Исмоилнинг волидалари биби Ҳожар мадфун бўлган ҳужрада дафн этдилар.

Иброҳим Алайҳиссаломнинг қазоси етгани.

Исҳоқ алайҳиссаломнинг нубуввати

Биби Сора узоқ йиллар фарзанд кўрмади. Еши тўқсонга етиб қолганида унинг ҳузурига инсон қиёфасидаги тўрт фаришта келиб, яқинда биби Сора фарзанд кўришини, Исҳоқ пайғамбар туғилишини ундан эса Яъқуб пайғамбар дунёга келишини,

сўнгра яна кўп пайғамбарлар ҳам дунёга келмоғини ваҳий қилдилар.

Қаъбул ахбор розийаллоху анху ривоят қилибдурки, Аллоҳ таъоло Лут алайҳиссалом қавмини ҳалок этган кечаси биби Сора ҳазрат Исҳоққа ҳомиладор бўлди. Вақти-соати етиб, Ашуро байрамида жумъа куни биби Сора бағир юкидан бўшанди. Шу кеча туғилган гўдакнинг нурли жамоли тевараки яшнатиб юборди.

Ҳазрати Исҳоқ она қорнидан тушибоқ, Аллоҳга сажда қилди, қўлларини осмонга кўтариб, Аллоҳ таъолони шарафлади.

Ҳазрати Иброҳим фарзанд кўриш муносабати билан эл-юртга, фақирларга дастурхон ёзиб ош берди.

Орадан йиллар ўтди. Гўдак Исҳоқ улғайиб, оёққа турди. Отаси уни далага мол-қўй боқишга бирга олиб кетадиган бўлди.

Бир куни ота-бола даладан чарчаб-ҳориб қайтаётганларида ҳазрати Иброҳим ухлаб қолди. Тушида унинг қошига одам қиёфасидаги бир фаришта келиб айтдики:

— Эй, Иброҳим! Аллоҳ таъоло сендан қурбонлик талаб қилмоқда!

Ҳазрати Иброҳим уйғониб, семиз бир сўқимни қурбонликка сўйди ва гўштини камбағалларга бўлиб тарқатди. Аммо кечаги тушида яна бояғи фаришта келиб, Аллоҳнинг амрини етказди.

— Эй, Иброҳим! Аллоҳ таъоло сендан улўғроқ қурбонлик талаб қилмоқда!

Ҳазрат Иброҳим уйғониб, шу куни семиз бир биясини қурбонликка сўйди ва гўштарини камбағалларга улашди. Аммо бу кеча ҳам тушида ҳалиги фаришта кириб, қайта Аллоҳ таъолонинг амрини етказди.

— Эй, Иброҳим! Аллоҳ-таъоло сендан жуда улўғ қурбонлик талаб қилмоқда!

Ҳазрати Иброҳим фариштадан:

— Яна қандай улўғ қурбонлик бўлиши мумкин?— деб сўради.

Шунда фаришта индамай, гўдак Исҳоққа ишора қилди. Ҳазрат Иброҳим чўчиб, уйғониб кетди ва ўғлидан сўради:

— Эй, ўғлим, отанг нима деса, айтганига кўнасанми?

Гўдак Исҳоқ рози бўлгач, Иброҳим алайҳиссалом ўрнидан туриб, арқон ва катта пичоқни қўлига олди ва Исҳоққа:

— Мен билан юргил, сени бир гўзал боққа олиб борурман,— деди.

Ота-бола йўлга тушган заҳотиёқ Иблис-лаъин биби Сора ҳузурига келиб:

— Эй, Сора! Иброҳим ўғлинг Исҳоқни ўлдиргани олиб кетаётир! Тезроқ бориб, ўғлингни қутқаргил!— деди.

Аммо биби Сора шайтонни таниб қолди ва:

— Васваса қилма, йўқол, малъун!— деб уни ҳайдади.

Шундан сўнг Иблис ҳазрати Исҳоқ яқинига бориб, ваҳима қилди:

— Эй, Исҳоқ, отанг сени ўлдиргани олиб кетаётир!

Бу овозни эшитган Иброҳим ўғлига:

— У Иблисдур, гапига қулоқ солмай, мен билан юрабергин!— деди.

Алқисса, ота-ўғил баланд бир тоққа етиб келдилар. У ерда Иброҳим ўғлига ҳақиқатни билдирди:

— Уғлим! Тушимда бир фаришта келиб, сени Аллоҳ йўлига қурбонлик қилишим зарурлигини айтди.

— Ота!— жавоб берди ҳазрати Исҳоқ.— Аллоҳнинг амри вожибдур. Сенга не буюрилган бўлса, ўшани қилабер. Кўрурсанки, мен бетоқатлик қилмасман... Фақат, ўтинчим шулки, кўйлагимни ечиб қўйгил, қонли кўйлакни кўрганида, онам доимо йиғлайдур. Тагин қўлларимни орқамга боғлагил, қурбон қилаётганимда сенинг қўлингга ёпишиб олсам, қўлинг оғрийдур. Пичоқни бўйнимга олиб борганимда юзингни тескари ўйргил, йўқса, раҳминг келиб, худонинг амрини бажаролмасан. Улганимдан сўнг кўйлагимни эсдаликка онамга элтиб, мендан дуо дегил!..

Шул пайт осмондан хитоби илоҳий етдики:

— Иброҳим! Аллоҳнинг дўсти! Мурғак ўғлингга раҳминг келсун! Ул сенга нақадар итоатгўй эрур!

Аммо ҳазрати Иброҳим бу овозни тоғнинг сўзлари деб ўйлади ва:

— Эй, тоғ! Овоз чиқармагил ва менинг ишимга халал бермоқдасан. Аллоҳ мендан ушмундоқ қурбонликни талаб қилур!— деди.

Ҳазрати Иброҳим ўғлининг кўйлагини ечиб олди, қўлларини айтганидай қилиб боғлади ва:

— Бисмиллоҳи-р-раҳмони-р-раҳим!— деб ишини бошлади. Аммо пичоқ ўғлининг бўйнига тегиб сирғалиб кетаверди. Шунда ҳазрати Иброҳим:

— Ло илоҳа илла-л-лоҳ! Аллоҳу акбар! Ва жалли жалол-луҳу!— деб ҳайқирди.

Сўнгра ҳазрати Иброҳим пичоғини қайроқ тошда қайрай бошлади, пичоқ охири устарадай дами кескир бўлди. Сўнг пичоқни Исҳоқнинг бўйнига урган эди, яна сирғаниб кетди. Шу пайт ҳазрат Иброҳим Қуръондаги мана бу сўзларни эшитди:

— Эй, Иброҳим! Тушингда биз сенга амр қилган эдик, амри-миз чинлигига ишондинг... Биз сенинг садоқатингни синаган эдик... Энди биз ўғлингга катта қурбонлик эвазига тилаб олдик... Эй, Иброҳим! Биз сенга юборган кўчқорни олгил ва уни бизга қурбонлик қилгил! Бул айём сен учун ва сенинг авлодларинг учун ҳамиша ийд-байрам бўлғай! (Қуръон 37-сура, 105-107-оятлар).

Ҳазрати Иброҳим бул илоҳий сўзларни эшитиб, кўнгли хушнуд бўлиб, Аллоҳ таъолони шарафлаб, Исҳоқнинг оёқ-қўлларини ечди. Кўчқорни келтириб, сўйди. Шу заҳоти кўндан тутунсиз олов тушиб кўчқорни куйдирди. Кўчқорнинг фақат куйган бошигина қолди. Ҳазрати Иброҳим кўчқор бошини ва ўғли Исҳоқни олиб, биби Соранинг ёнига қайтди ва унга бўлган ҳодисотни айтиб берди. Онаси бул кароматни эшитиб, Аллоҳ-таъолога шукрлар айтди.

Биби Сора фоний дунёдан рихлат қилгач, ҳазрати Иброҳим Канъон аёлларидан бирига уйланди. Ундан олти фарзанд кўрди. Бу аёл вафот этгач, унинг синглисига уйланди. У эса тўрт фарзанд туғиб берди.

Ҳазрати Иброҳим қариб, мункиллаб қолганида унинг қошига Малакулмавт Азроил ёш йигит қиёфасида келди. У ҳазрати Иброҳимга салом берди. Ҳазрати Иброҳим ундан:

— Сен ким бўлурсан, эй, барно йигит?— деб сўради.

— Мен ўлим фариштасидурман,— жавоб берди йигит.

Ҳазрати Иброҳим таажжуб билан сўради:

— Сен шундай соҳибжамол қиёфада келсанг, одамлар нечун сени ёмон кўрадилар?

Малакулмавт жавоб берди:

— Мен, Азроил, фақат пайғамбарлар қошига шундай чиройли қиёфада келурман.

— Имонсиз бандаларга қай қиёфада келурсан, бир кўрсам,— сўради пайғамбар.

Малакулмавт шу заҳоти даҳшатли ўлим фариштаси қиёфасига кирди. Ҳазрати Иброҳим уни кўриб, юраги ёрилаёзди ва:

— Аввалги қиёфанга қайтгил!— деб ҳайқирди.

Малакулмавт яна чиройли йигит қиёфасига кирди ва пайғамбарга:

— Энди жонингизни олайин!— деди. Аммо ҳазрати Иброҳим жон беришни хоҳламади. Шунда Азроил унинг уйдан чиқди, сўнг қариб-чуриб, шалвираб қолган бир чол қиёфасида кириб келди ва пайғамбардан сўради:

— Е, Аллоҳнинг дўсти! Менга егулик бирор нарса берурми-сан?

— Ҳозир,— деди ҳазрат Иброҳим ва бир коса таом олиб келиб, чолнинг олдига қўйди. Аммо чол шу қадар қари, мункиллаб қолган эдики, қўллари қалтираб, косадаги таомни оғзига олиб бора олмас эди.

— Шунчалик қаридимки, таом еёлмай қолдим,— деб зорланди чол.

— Неча ёшга кирдинг?— сўради пайғамбар.

— Икки юзга кирибман,— деди чол.

— Олти йилдан сўнг мен ҳам икки юз ёшга кирурман,— кўнглидагини айтди ҳазрати Иброҳим.— Ана шунда мен ҳам сендек бўлурман, бу аҳволда яшагандан кўра ўлган яхши эркан.

Бул гапни эшитган заҳотиёқ Азроил дарҳол пайғамбарнинг жонини олди. Баъзи ровийлар айтишича, ҳазрати Иброҳим 275 йил умр кўрибдур. Ул ўзи сотиб олган ерга дафн этилди. Биби Сора ҳам унинг ёнида мадфан топди. («Инжил ривоятлари»га кўра, биби Сора 127 йил яшаган ва ҳазрати Иброҳим билан олис сафарга чиққан вақтида хеттлар диёрида вафот этган. Уни хеттлар подшосининг рухсати билан Маъмура водийсига яқин Маҳофил ғорига дафн этишган.— М. М.).



Тил сандиғи

Какувват — нозиктаъб

Мортув — хунук

Нури — сўнг

Ойлабот — шарқ

Оқтўба — шанба

Патакгул — гул номи (алоэ)

Сазқуйруқ — чаён

Савмал — инжиқ одам

Сер — эътибор

Сизловуқ — чипқон

Серроб — ўз ишининг устаси

Толқошоқлик — бесабрлик

Тонгноқ — уфқ

Тўён — мулойим

Узунпопй — кўлвор илон

Урт — лунж

Чуйка — қўй юнгини йигириш учун қўлга ўраб олиниши

Шардоз — қўй юнгидан тайёрланган, икки қаватлаб пишитилган ип

Шангноқ — тирқиш

Шодда — йиғлоқи (Қизларга нисбатан ишла-тилади)

Шипро — ҳамма

Уларман — ўз сўзини маъқуллайдиган одам

Қашқатаёқ — гапуқмас бола

Қовуржин — ёш бола

Қорич — дағаллик

Қириқ — орасталик

Ҳакис — жаҳли тез киши

Боймурод Алиқулов,
Самарқанд вилояти, Қўшработ ноҳияси

Дингмозоқ — тиниб-тинчимас

Дигилжак — филдирак

Дирамоқ — суямоқ

Дўнгизтўпапанг — «Ассалому алайкум» ўсимлиги

Ерғи — арра

Жўррик — буришган

Миқриқ — ғижимланган

Новқон — ипак қурти

Карси — балиқ овлайдиган тўр. Сув остига ташлаб қўйилади

Патрак — ари ини

Созоқ — саксовул

Соқа — эгатга сув очадиган жой

Чел — ажриқ

Йўлдош Қурбонбоев,
Хоразм вилояти, Ҳазорасп ноҳияси

Сўхан — эгов

Тақиямат — кигиз

Тулип — сув, қатиқ сақланадиган идиш

Чарновуқ — омбир

Қаланғир — ёмон киши

Қирчин — ёшлик

Абсоат Тўраев,
Қашқадарё вилояти, Қамаш ноҳияси

Темирбек



Қўшнилар

Ҳикоя

— Ҳа...а...а... эганг ўлиб, эгасиз қолгурлар, кишт!!!

— Тожихонни товуклари чиқиб кетибди шекилли... Яхшиям бизники катакда. Палакат босиб ҳозир чиққандами, нақ сочимни битталаб юлиб, юмтарди. Бай, бай, ба-а-а-ай, асрагандаям қаттиқ асради. Бунга яратганнинг ўзи бас келмаса, бандаси бас кеб бўпти.

Баҳор қуёшидан юзини тўсиб, ҳовлига орқасини ўгириб олиб айвонда хамир қориётган Онахон қушдай энгил тортди.

— Бечора Тош холангга осонми? Бошида эри йўқ, шундай ҳовлини эплаб ўтирибди, минг раҳмат.

Онахоннинг эндигина оёғи чиққан кенжаси, айвонни аллақачонлар тарк этган. Бундан беҳабар Онахон ўғлини шу атрофда фараз қилиб, ҳамон ҳамсухбатига гап қотар ва жилла бўлса юмушдан бош кўтармасди.

— Оталаринг қарашиб қўяр деса, улар ҳам ўзидан ортишмаяпти. Асли айб Тожи холангда. Товукниям болага ишонадими?!

Ҳатто Тошбуви холадан калтак еган товуклари «қа-қа-қақ»лашиб деворга учиб чиққанида ҳам қайрилиб қарамай, ўтирган жойидан:

— Беқа ҳайдаманг, Тошбу хола, — деди у бамайлихотир.

— Холаламай тилинг кесилгур, қақа ҳайдай! Қайси очиқ мозорга ҳайдай!

Хамир юқи қўлларини урвоқлаётган Онахоннинг «очиқ мозор»дан эти жунжикиб кетди.

Ҳалигина орқасида ўйнаб ўтирган ўғли эса, эшиги очиқ қолган товук катаги олдида девордан учиб тушаётган товукларга қўлидаги хивични ўқталиб «делтонг-делтонг»лаб юрарди. Тошбуви хола тарафдан эса «кў-кў»лаб ўзларининг дакан хўрозлари учиб чиқди.

— Вой, ман ўлай, шўримга шўрва тўкилиб қопти-ку?

Онахон патпарак бўлиб ўғли томонга югурди. Тошбуви хола оғзига келганини қайтармай қарғарди.

— Ниятинг ёмонлигидан эшигинга битта сигир бойлолмай ўтиб кетяпсан. Ҳе, топган маҳоватинг товук бўлмай ўл, товукдан боймай ўл...

Онахон пахса деворнинг ёригидан қўшниси томон мўралади. Эндигина тўрт қулоқ бўлган карамларни товуклар титиб, пайхонлабди. Тошбуви хола рўмоли елкасида куйиб, ёниб карамларни қайтадан экарди. Онахоннинг раҳми келиб, ёрдам берайми деган маънода:

— Атайлаб қилганим йўқ! Катакни мана бу очиб юборибди. Бундай бўлишини билганимда...

— Динингни ютма. Шу зумрашангни эшик очишга ақли етадимми?

— Уйнаб очиб юборган-да.

— Бола деганга қараш керак. Сан мегажин бўлса, йилига туғишни биласан, холос.

Бу гап Онахоннинг иззат-нафсига тегди.

— Боланиям берганга беради. Бу ёруғ жаҳонда тирноққа зор бўлиб ўтиб кетаётганлар қанчадан қанча.

— Шуни юзимга солмадинг, деб юрардим. Айб қизимдамасакан.

— Ман қизингизни айтаётганим йўқ, бўлар гапни айтдим-қўйдим.

— Ялтоқланмай қўя қол, барибир, ичинг нима эканлигини биламан.

Онахон товукларни катакка қамаб, эшигини маҳкамлаб беркитди.

— Бўлди, ҳадеб жаврайвермай, иккита одамни чақиринг. Қанча зарар бўлса тўлаймиз.

— Хо...о...о, бой бўлмай ўл. Шунақа бойиб кетдингми-а? Олдингда давангирларинг бўла туриб ҳовлингни ҳалигача эколмайсан-у, яна манга бойваччалик қиласан-а!

— Бекор юришибдим, давлат ишидан ортса қарар, шундоғ ташлаб қўймас.

— Ҳаммаям давлат ишида...

— Э... юр, ўғлим, шу билан тенг бўлиб ўтирамизми?

Онахон ўғлини даст кўтарди-да, тез-тез юриб нари кетди.

Деворнинг нариги томонидан Тошбуви хола ҳам у билан теппа-тенг жавраганча эргашди.

— Ҳали мендан ўзингни катта оладиган ҳам бўп қолдингми? Сани селсоветга ҳайдатиб бормасам юрганаканман.

— Э, осмон қўлингда бўлса ташлаб юбор, яхшиликча тўлайман деса кўнмадинг, энди қайга ҳайдатсанг ҳайдат, тўлаб бўпман.

— Қани кўрамиз, тўламай кўрчи!

Қўшниларнинг тандирлари икки ҳовлини ажратиб турган уч пахса-ли деворга тираб қурилган. Ҳар йили тандир суваганда бирга лой тортилаввергани туфайли тандирларнинг тепаси бирикиб кетган. Фақат пахса деворгина уларнинг икки хўжаликка мансуб эканлигини билдирувчи ягона далил. Дарвоза, кўча бўла туриб Онахон билан Тошбуви хола шу тандир ёнидан қўшничилик қилишади.

Тошбуви хола сутининг бетини Онахон билан егиси келса тандирнинг ёнидаги эски сандалга чиқади. Ёки Онахон иккитагина пиёз билан қовурган тухумни Тошбуви холага илинса, деворнинг бу томонига ўғирини тўнтарди.

Очилган «дарвоза»ларни беркитиш ҳам уларга унчалик қийин эмас. Бири ўғирини, иккинчиси сандални олиб қўйса бўлди. Агар ораларидан ола мушук ўтса борми, ҳар иккаласи бир боғдан тиканак (пиллақуртга дасталикка ишлатилган) олиб келиб, ҳар ким ўз тарафидан қўяди — бу уларнинг «дарвоза»га тамба солишгани.

Онахон энди айвонга келиб ўтирган эдики, бир даста сўлиган карамлар яқинига келиб тушди. Тошбуви хола тандирнинг ёнига чиқиб

Темирбек

1954 йилда Наманган вилояти Чортоқ ноҳиясида туғилган. ТошДДнинг ўзбек филологияси куллиятини тамомлаган. Қўлёмалар институтида илмий ходим бўлиб ишлайди.

тирди. Онахон тандир олдидаги ўғирни кўриб, «тушиб келса-я» деган ўйга борди-ю, лекин номус кучи «бор нима бўлса бўлди, кўпам талаб ташламас», дея ўзини бошди.

— Ҳали сани мана буларнинг уволи тутмаса, асло розимасман.

Онахон унга тенг келгиси келмай ўғлини етаклаб ўйга кириб кетаркан Тошбуви хола:

— Қочди, қочмайам кўр-чи! Бу кунингдан ўлганинг яхши. Қилар ишни қилиб қўйганингдан кейин, тилинг қисик, қочасан-да. Тағинам манда инсоф бор. Мани ўрнимда бошқаси бўлгандами, товукларингни биттадан тутиб деволингдан отарди.

Онахон уйининг эшигини берки-тиб олди. Тошбуви холанинг овози келиб турса ҳам нима деётгани аниқ эшитилмасди.

...Эшитилмагани ҳам тузук.

Онахон газга бир ҳўплам чой қўйганди, дам ўтмай «ҳуштак» чалди. Лекин чойни ўйга қамалиб ўтириб ичгиси келмай айвонга чиқди. Тошбуви хола ҳали кетмаганди, авж қилди.

— Дамингни олиб чиқдингни, нима дейсан, айт айтадиганингни?

— Сал оғиз деганга... қараб гапиринг. Айтганларингизга илон пўст ташлайди.

— Аммо санга тирноқни кирича таъсир қилса, ўлсин. Яқиндагина нима дегандинг?

Онахон хонтахтани тузатиб, ичкарига кириб чой дамлаб чиқди.

— Тошбуви хола, жаврайвериб оғзингиз ҳам қуриб кетди, тушинг чой дамладим.

— Узинг ичавер, сан билан бир дастурхонда чой ичишмас, бир қишлоқда яшашниям ўйлаб кўраман.

— Ҳа, майли. Туша қолинг. Уғир кўяй десам, ўзи қўйўғлифакан.

— Уғирингга қадамимни қўйганим шу бўлсин.

— Боя айтдим-ку, тўла десангиз тўлаб берамиз. Қўшничилик — минг йиллик, деган гап бор. Ҳали-замон хамирим кўпиб қолса, учидан иккитагина пиёзли патир ёпаман. Сиз тандирга ўт қўйиб юборсангиз, тезроқ...

— Илоннинг ёғини ялаган-сан-а? Ман санга оқсочмидимки, тандирингга ўт қўйиб бергани.

— Қўйсангиз-чи, ярашмаган гапни гапириб. Майли, ўзим ўт қўйиб, ўзим ёпаман. Унгача келинг, бир пиёладан чой ичиб олайлик.

— Ҳой, шунчалик паст кетяпсанми-а?

— Айтсам, ишонмасангиз, нима қилай? Сиз бизга ёмонлик қилиб-

сизми, ман атайлаб ҳовлингизга товук ҳайдасам. Минг марта айтяпман, анаву очиб юборибди деб. Ё шуни уриб ўлдириб берайми? Шунда кўнглингиз жойига тушадими?

Онахон айвонда ўйнаб юрган ўғли томон югурди. Гўё тутиб олса ўлдириб қўйишига ишонган Тошбуви холанинг эси чиқиб, тандирнинг устидан туша бошлади. Уни ўғирга оёқ кўяётганига кўз қири тушган Онахон ичидан севиниб қўйди.

— Онахон, нима эсингни едингми? Гўдакда нима гуноҳ. Ё аламингни ундан олмоқчимисан?

— Нима қилай, айтинг, у десам кўнмасангиз, бу десам кўнмасангиз. Урушга сабаб-чи, шуми? Ахир, шу очиб юбормаганда товук ўлгирлар чиқармиди сизникига.

— Ҳа, бўлди, бўлди... Утган ишга саловат. Ёпиғлик қозон, ёпиғлик. Асатмаса томоқларим қирилиб, тупугимам ўтмай қолди. Чойингдан қуй.

Онахон Тошбуви холага чой қўйиб узатаркан, йўлига ўғлига пўписа қилган бўлди. Тошбуви хола чойдан ҳўпларкан қўшнисига меҳри ошди.

— Ука, ман санга айтсам, йўқдан худо сақласин. Товуқниям бўлгани яхши. Ҳа, шу товук боракан уришдик, ярашдик. Ҳе, тирикчилиги ҳам бор бўлсин.

— Ҳа, манам шуни айтаманда, шу товукларга сув бераман, дон бераман, пешин бўлади. Агар Пўлатхонингиз сизгир олиб берса билмадим, қозон-товоққа ортмай қоламанми?

— Ҳали эшигингда қўйу мол пода-пода бўп кетади. Олдин мана буларингни катта қиб олгин. Ҳамма нарса аста-аста, равай-равай. Ҳали булар вояга етиб ёнингга кириб қолсин, дамингга бориб бўлмай қолади.

— Айтганларингиз келсин.

Онахон бир-икки пиёла чой ичиб ўрнидан туриб кетди. Тошбуви хола каттак очган кенжатоғни тиззасига олиб эркаларкан, уни тақдирдан фол очарди.

— Ома, Онахон шу ўғлинг ҳаммасидан бошқача-а? Бўладигани бошидан. Мана ёшига етмай, юриб кетди, бу ҳам сени бахтинг, қараб турсан, бунинг ҳали бир юрт сўрайдиган йигит бўлади.

Бу пайтда Онахон тўрттагина туҳум қовуриш мақсадида ўчоқ бошида уннаб юрарди.



ТИЛИНГИЗНИ АСРАНГ, ЯХШИЛАР!

Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган барча туркий халқлар учун улғу шодиёна бўлди. Ниҳоят биз ҳақиқатан ҳам она тилимиз ўзбек тили эканлигини қонун асосида тасдиқладик. Бу бир томондан қувончли, бошқа томондан эса аянчли ҳолдир. Қувончли томони шундаки, йилдан-йилга йўқолиб бораётган тилимиз қонун асосида муҳофаза қилинадиган бўлди. Аянчлиси эса яна 10—15 йилдан сўнг биз ўзбек тилини бутунлай муомаладан чиқариб ташлашимиз кундай ҳам, ойдай ҳам равшан бўлиб қолганди. Биз улғу бобомиз Навоий сўзлаган тилни, Қодирий мўъжизалар яратган тилни оёқости қилдик.

Баъзан ўзбекнинг шан-шавкати пахтада деган гапларни эшитиб қоламан. Менимча бу ғирт бўлмағур фикр. Ўзбекнинг шан-шавкати тилида. Тилимиз гоят сўзал, ташбеҳларга бой. Ҳар қандай миллат тилидан ортиқ бўлса ортиқдир, лекин кам эмас. Бироқ шу чоққача биз ундан устамонлик билан фойдаланмадик. Бўлар-бўлмас ҳар бир гапимизда албатта, ўрисча терминлар, ибораларни тиқштирамиз. Ўзбекча-ўрисча луғатлардаги минг-минглаб сўзларнинг таржималари (ўзбекчаси) ҳам айнан шундай берилган. Жумладан, проблема, план, токарь, слесарь, адрес, контролёр... Бу рўйхатни давом эттирсак, тугамайди. Наҳотки бу сўзларнинг таржималари йўқ бўлса. Луғатларни тузаётган олимларимиз қаёққа қарашяпти ўзи? Ёки улар ўрисча сўзларни афзал кўришадими?

Мен меҳнат қилаётган Тошкент тўқимачилик корхонасида ҳаммаси бўлиб 12,5 мингга яқин ишчи иш-

лайди. Шулардан 5800 нафари ўзбеклар, 3000дан ортиғи ўрислар, қолганини эса тоторлар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркман ва бошқа миллатлар ташкил қилади. Тил ҳақидаги Қонун кучга кирган илк пайтлар корхона фирқа ташкилоти томонидан ўзбек тилини ўрганиши бўйича курс ташкил этилганди. Ўзбек тилини ўрганишга ўрис, украин, молдован миллатига мансуб ишчилар орасида қизиқиш кучли эди, бироқ орадан бир неча ой ўтгач, бу курс ўз-ўзидан таназзулга юз тутди. Корхонадаги барча ишлар, йиғилишлар, хужжатлар бир тилда, яъни ўрис тилида олиб борилмоқда. Бу эса маҳаллий ишчиларнинг иззат-нафисига тегаётир. Бахтимизга тўқувчиларимизнинг оз бўлса-да дилига нур таратиб турган корхона комсомол қўмитаси ва кўп нусхали «Тўқимачилар овози» рўзномаси бор. Комсомол қўмитаси саркотиби Турғун Ербобоевнинг тил борасида қилаётган ишлари айниқса диққатга сазовордир. У фирқа ташкилоти ва маъмурият бош қўшмаган, ўз ҳолга ташлаб қўйилган ишни баҳолиқудрат жонлантирди. Буюк бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб корхонада шанбалиқлар уюштирди. Маъмурият билан ёшлар ўртасидаги тушунмовчиликнинг ўз ечимини топилди ҳиссасини қўшди.

Корхона фирқа ташкилотининг иши эса бугун кўпчиликни қаноатлантirmаяпти. Ҳамон эскичасига иш юритишлар, маърузалар иложи борича ўрис тилида ўқилишига уринишлар ортиб бормоқда. Фирқа ташкилоти жойлашган хоналарга киргудек бўлсангиз ўзингизни Русияда юргандек ҳис қилиб, жунжикиб кетасиз. Барча ёзувлар ўрисча, ёлгон бўлмасин, ҳар бир эшикка қумурсқа ўрмалагандек қилиб ёзилган, кўзга зўрға кўринадиган ўзбекча сўзларни кўриб очиги Давлат қонунини раҳбарларнинг ўзлари бузаётганлиги гашингни келтиради, аксари ҳолларда эса газабингни кўзгайд.

Ўзбекистондай жумҳуриятда бугун фирқа коммунистларининг обрўйига обрў қўшилиб бораётган шундай пайтда корхона фирқа ташкилотига бўлган ишончининг кундан-кунга таназзулга юз тутганини кўриб ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки шаҳардаги йирик ташкилотлардан бирининг иши бугун қаноатланарли даражада эмас. Ҳали ҳам тепадан буйруқ кутини, улар нимани раво кўришса шуни бекаму кўст бажариш, баъзан

ёшларнинг ҳақли талабига қарши бориш каби қусурлар учрамоқдаки, бу ташвиш устига ташвиш уйғотади ишчи ёшларда.

1989 йилда корхонанинг биринчи тўқув фабрикасида меҳнат қиладиган бир ишчи арз билан таҳририятимизга келди. Суриштирсам, у тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олarkan. Ёзги имтиҳонларни топшириш учун ариза ёзиб фабрика директори қабулга кирибди. Директор йўқ, котиба аризани кўриб шовқин-сурон кўтарибди. Жанжалнинг келиб чиқишига сабаб, ўша ишчи аризани ўзбек тилида ёзгани бўлибди. Қаранг-а, ҳатто аризани ўзбек тилида ёзганимиз учун кимдандир дашном, ҳақорат эшитишимиз, оёғингни учигача бориб оғир ботадиган «пурҳикмат» сўзларини индамай эшитишимиз керак экан. Нима учун ўша котибанинг: «Биз 1928 йилда келганимизда сенлар ҳатто кимликларингни ҳам билмас эдинглар. Биз келиб одам бўлдинглар. Аризани тушунарсиз тилда эмас, балки одам тушунадиган тилда ёзадилар. Буни қишлоғингга бориб ёзасан», деб ҳақорат қилганига чидашимиз керак. Ахир бу котиба нафақат ўша ишчини, балки бутун ўзбек миллатини ҳақорат қиляпти-ку. Тарихни синчиклаб қарасак ҳаммаси равшан бўлади-қолади. Бизнинг ҳам минг-минг йилларга бориб тақалладиган тарихимиз, гуруримиз бор.

Дарвоқе, бу ҳақоратни ҳам корхона фирқа ташкилоти кўриб кўрмасликка олишди. Ҳўш, борингки, тил ҳақидаги Қонун у пайтда кучга кирмаган эди. Лекин яна айнан шундай ҳолнинг такрорланганига нима дейсиз? Бу сафар ишлаб чиқариш бошлиғи, коммунист қабулига ариза ёзиб келган ишчининг дилини хуфтон қилди. Ўзбек тилида ёзилган ариза майда-майда қилиниб йиртилди ва отиб юборилди. Ишчи бу ҳақоратга чидай олмади ва доғули йиғитларни бошлаб келди. Мана энди ўзингиз хулоса қилинг, шу ҳақорат қандай оғир оқибатларга олиб келишини. Фирқа ташкилоти (котибаси У. Солтонова) яна кўнгилбўшликка бориб айбдорни битта «хайфсан» билан жазолаб қўя қолди. Ана сизга адолат! Ҳўш, иш шу зайлда кетаверса охири нима билан туғачи ёлғиз Тангрининг ўзига аён. Ахир жумҳуриятимиз президенти И. А. Каримов ўзининг ҳар бир чиқишида ақл билан иш кўришга чақиради. Бироқ бизнинг корхонамиз раҳбарларига бу гап тегишли эмас чоғи. Ҳозирги қалтис даврда, кишилар-

нинг асаб торлари таранг бўлиб турган пайтда ўйлаб иш қилиш керак. Айнан ўйлаб қилинган ҳар бир иш ўзининг ижобий самараларини бериши табиий. Яқинда корхонага тегишли 21-ётоқхонадаги «Ётоқхонада яшовчиларнинг тартиб-қоидалари» деган низома кўзим тушди. Унинг бир-икки бандини ўқиб дам кулгим қистади, дам ўшани ёзган кишининг саводсизлигидан ачиндим. Таржимаси ҳам антиқа. «Ахлатни кужяга ва деразадан ташқари откан 10 сут жарима тўлайди» ёки «Ғолиблари тоза хоналар» деган мужмал сўзлар келувчи ва кетувчининг гашига тегаётганини наҳотки ётоқхона маъмурияти сезмаса.

Ишлаб чиқаришда йиғилишлар ўтказилаётган бўлса, башарти бирор киши ўзбек тилида маъруза қилса борми, ён атрофдан «ўрисча гапирсин, одамнинг уйқуси келяпти» деган гапларни эшитасиз. Ҳўш, бу гапларни эшитганингиздан кейин ким ишонади саккиз йилда улар ўзбек тилини ўрганишига. Шахсан мен ишонмайман. Ва буни хоҳлаган вақтим исботлаб беришим мумкин. Ишлаб чиқариш раҳбарларининг ўз оғзидан эшитганман: «Саккиз йилгача ким бор-у, ким йўқ» деган гапларини. Менимча, биз тил ҳақидаги Қонунда уларга саккиз йил бериб жиддий хатога йўл қўйдик. Узоғи билан уч йил бериш керак эди. Корхонанинг ўз босмаҳонаси бор, лекин иш қоғозларининг ҳаммаси ўрис тилида. Ҳолбуки, корхонанинг кўп нусхали «Тўқимачилар овози»да ишлаб чиқаришга алоқадор иш қоғозлари, аризалар, хужжатларнинг ўзбекча нусхалари бериб борилади. Аммо маъмурият бунга ҳамон бефарқ муносабатда бўлиб келмоқда.

Зеро, арман адиби Хачатур Абовян айтганидек: «Тилсиз на шахс, на халқ ўзининг фикр-туйғуларини бошқаларга етказолмайди, айниқса, келажак авлодга қолди-ролмайди».

Баходир ОРИПОВ,
Тошкент тўқимачилик
корхонасининг ишчиси.

Қаюм Каримов

КАЛЕНДАРЬ- ТАКВИМ-ИИЛОЙКУН

Вақт ўлчами инсоният тараққийнинг барча босқичларида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳозирги календар пайдо бўлгунига қадар одамлар ёғоч ва бошқа нарсаларга ўйиб кун, ой санокларини санаш, каноп, арқон кабиларга тугун туғиш, хурофий аломатлар, ривоятлар, қиссалар орқали авлодларга хабарлар етказганлар. Бу одамларга ов, экин-тикин, йиғим-терим мавсумларини белгилаш, сафар-саёҳат, савдо-сотик, маросимлар ва бошқа қатор муҳим тадбирлар, ҳаётий воқеа-ҳодисаларнинг вақт-муддатини аниқлаш каби тадбирлар учун зарур бўлган.

Тараққиёт илгарилаб борган сари одамларда энг кичик ва катта вақт ораллиги (кун ойлардан тортиб йилгача бўлган ораллик)ни аниқлашга эҳтиёж тобора орта борган. Мана шу тариха кеча-кундуз, ҳафта, ой, фасл, йил, мучал ҳисоб усуллари келиб чиққан. Бундай эҳтиёж қачон, қаерда, кимда туғилганлиги ва дастлаб қандай йўл билан қондирилганлигига ишора қилувчи аниқ далиллар йўқ. Аммо анча изга солинган вақт ўлчови усуллари эраиздан илгариги даврлардаёқ амалда бўлган. Бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги календар ўз ибтидоси билан жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Календар лотинча сўз бўлиб, у календаринум (қарз дафтари) ва календар (ҳар ойнинг биринчи кун) сўзларидан олинган. Қадимги Римда қарз юзасидан улуш ҳар ойнинг биринчи, яъни календар кунни тўланиши ва у қарз дафтари (календаринум)да қайд қилиб борилиши расм бўлган.

Календарнинг ҳозирги маъноси вақт ораллиги бирлигини ҳисоблаш усулидир. Бу усул табиат ҳодисаларининг самовий жисмлар ҳаракатидаги даврийлик (Ернинг бир кеча-кундузлик ҳаракати, Ойнинг Ер атрофидаги кўринма ҳаракати, Кўёшнинг кўк гумбази сирти бўйлаб йиллик ҳаракати) билан боғлиқ ҳолда юз бериши, яъни кеча билан кундуз, йил фасллари, ой қисмлари алмашинуви кабиларга асосланган.

Дунёда кенг тарқалган ва узоқ амалда бўлган йилномалар қаторига Юлий ва Григорий календарларини, милодий, ҳижрий ва мучал йил ҳисоблаш усулларини киритиш мумкин.

Юлий календари. Эрадан олдинги 28 асрдаёқ қадимги Мисрда кўёш календари амал қилган. Унинг ҳар бир йили 30 кунлик 12 ойдан иборат бўлган, ҳар йил охирига 5 кун қўшилиб, йил 365 кун қилиб олинган. Бу календар тропик йилдан тахминан 6 соат (тўрт йилда бир сутка) қисқа бўлган. Шу сабаб йил боши олдинга суртилиб чалкашиб юрган. Мана шу чалкашликни тузатиш мақсадида Рим консули Юлий Цезарь мисрлик мунажжим Созиген маслаҳати билан милoddан олдинги 46 йилда ислоҳот ўтказди. У тропик йил (Ер Кўёш атрофини 365 кун 5 соат 48 дақиқа 46 сонияда бир марта айланиб чиқиш даври) тахминан 365,25 кунга баробар келишини билгани ҳолда йилни 12 ойга бўлади, тоқ ойларни 31, жуфт ойларни 30 кундан, феврални эса оддий йилда 28, кабиса йилда (кабиса — тўндирилган, орттирилган демакдир) 29 кундан қи-

либ белгилайди. Шунингдек, йил бошини 1 январга — Рим консуллари ўз лавозимларини эгаллаш кунларига кўчиради. Ислоҳ қилинган бу календар эрадан олдинги 45 йилнинг 1 январидан Юлий Цезарь номи билан Юлий календари (эски усул) деб аталади. Юлий календарида ҳар уч йил 365 кундан (оддий йил), тўртинчи йил, яъни 4 га қолдиксиз бўлинадиган йил 366 кундан (кабиса йил) қилиб олинади.

Бу календар йили (365,25 кун) тропик йилдан 11 дақиқа 14 сония ортиқ. Бу фарқ 1600 йилга келиб 10 кунга етган.

Григорий календари. Юлий календаридаги мазкур фарқни тўғрилаш мақсадида Рим папаси Буанкампањо — Григорий XIII римлик математик ва табиб Луижи Лилио (Алоизий Лилий) лойиҳаси асосида 1582 йил 24 февралда ислоҳот ўтказди. 1582 йилнинг 4 октябрдан кейин 5 эмас, бирдан 15 октябр ҳисоблаб, эски усул бўйича йиғилиб қолган 10 кунлик фарқни йўқотди, одатий ой кунлари, барча байрам, маросимлар ўз вақтига қайтарилди. Келгусида яна шу фарқ асосидаги чалкашлик келиб чиқмаслиги учун 400 йилда 3 кунни чиқариб ташлашга қарор қилинди. 4 га қолдиксиз бўлинадиган йиллар кабиса (366 кунлик) йил ҳисобланди. Аммо икки ноли билан 4 га бўлиниши мумкин бўлган, нолларисиз юзлик қисми 4 га ёки икки ноли билан 400 га) бўлинмайдиган йиллар (1300, 1500, 1700, 1900 каби) кабиса эмас, оддий (365 кунлик) ҳисобланади. Бу Григорий календари (янги усул) деб номланди.

Григорий календари йили ўртача 365, 2425 кунга тенг бўлиб, тропик йилдан 0,0003 кун узунроқ. Бу фарқ 3300 йилда 1 ёки 10000 йилда 3 кунга тенг бўлади. Деярли аниқ ва мукаммал бўлган бу календар ҳозир дунёнинг кўпчилик мамлакатларида қабул қилинган. ССЖИда 1918 йил 14 февралдан (эски усул бўйича 1 февралдан) В. И. Ленин декрети билан янги усулга ўтилган.

Урта Осиё халқлари, кўпгина Шарқ мамлакатлари халқлари каби, қадимдан сўғдий, хоразмий, сурёний, ҳижрий, мучал каби йил ҳисоблаш усулларидан фойдаланиб келганлар. Ҳозирда дунё халқлари орасида милодий ва ҳижрий йил ҳисоблаш усуллари кенг тарқалгандир.

Милодий йил. Бунга ўрнатиш Исо-масиҳ туғилишидан сўнгги йил ҳисоби ёки насронийлар йилномаси дейишди. Бу йил ҳисоби Европа мамлакатларида ва Россияда қўлланади. У эраизгача бўлган биринчи асрда насронийликнинг тарқала бошлаши билан боғлиқ ҳолда жорий бўлган. Милодий арабча милод — туғилиш сўзидан олинган бўлиб, йил ҳисоби Рим роҳибни Кичик Дионисийнинг ҳеч қандай далилларга асосланмаган таклифи билан афсонавий Исо Масиҳнинг тахмин қилинган туғилган йилидан бошлаб ҳисобланади. Янги эранинг биринчи йили милодий йилнинг бошидир. Мусулмонлар ҳар бир милодий йил бошини Дала ойининг биринчи кунидан бошлаб ҳисоблайдилар.

Милодий йилнинг ҳозир ССЖИда қўлланаётган 12 ой номлари Григорий календаридаги европача номларнинг ўрнатиш куралини бўлиб, булар куйидагича: Январ — 31, Феврал — 28—29, Март — 31, Апрель — 30, Май — 31, Июнь — 30, Июль — 31, Август — 31, Сентябрь — 30, Октябрь — 31, Ноябрь — 30, Декабрь — 31 кун.

Милодий календарда дастлаб янги йилни баҳор ойи — 1 Мартдан, сўнгроқ эса 1 сентябрдан бошлаб ҳисобланган. Пётр I нинг 1699 йил 15 декабрда имзо чеккан буйруғи билан Россияда 1700 йилдан милодий йил қабул қилиниб, янги йил боши 1 январ деб белгиланган.

Ҳижрий йил. Ҳижрий сўзи арабча ҳижрий — кўчиш сўзидан олинган. Милодий 610 йилда Маккада пайғамбарлик ноил бўлган Муҳаммад алайҳис-салом (570—632) уммавий зодагонлар қаршилиги ва тазйиқи туфайли ўз издошлари билан 622 йили Маккадан Мадинага (Ясрибга) ҳижрат қилади. Ҳижрат милодий 622 йилнинг 8 сентябрида ёки қамарий йил Сафар ойининг 27 кунни содир бўлган. Шу кунни расулulloҳ ва унинг издошлари Маккадан чиқиб кетиб, уч кун горда турган, Рабиул аввал ойининг 12-кунни Мадинага кириб борадилар. Ҳижрат 15 кун давом этган. Ривоятларга кўра ҳижрат ҳақидаги фикр пайғамбаримиз хотираси Муҳаррам ойида туғилган. Шунинг учун ҳижрий йил боши Муҳаррам ойининг биринчи кунидан, яъни ҳижрат содир бўлганидан 56 кун илгаридан ҳисобланиши қонулаштирилган. 8 сентябрдан орқага саналиб 56 кун чиқариб ташланса, Муҳаррам ойининг биринчи кунни

Милодий 622 йилнинг 16 июл жума кунига, аниқроғи 15 июлдан 16 июлга (пайшанбадан жуммага) ўтар кечасига тўғри келади. Мусулмонларда олдинги билан кейинги куннинг алмашинуви чегараси тун оқшоми ҳисобланган.

Ҳижратдан ўн етти йил ўтган, милодий 638 йилда халифа Умарнинг буйруғи билан мана шу ҳижрат вақти — биринчи Мухаррам (милодий 622 йил 16 июлга тўғри келади) мусулмон йил ҳисобининг боши деб эълон қилинади. Мана шу йил ҳисоби «Ҳижрий йил ҳисоби» деб юритилади.

Ҳижрий йил ҳисоби икки усул билан олиб борилади: 1. Ҳижрий қамарий йил ҳисоби; 2. Ҳижрий шамсий йил ҳисоби.

Ҳижрий қамарий йил. Буни араб йилномаси, Мухаммад алайҳис-салом йилномаси деб ҳам юритилади. Қамарий (қамария) сўзи арабча қамарун, яъни Ой сўзидан олинган бўлиб, йил ҳисоби Ойнинг Ер атрофида бир марта айланиб чиқиш даврига кетган вақт бирлигига асосланган. Маълумки, Ой янги кўринган нуқтасидан силжиб, яна ўша нуқтасига — Қуёш қаршисига қайтиб келиши учун кетган вақт — синодик Ой даври 29 кун 12 соат 44 дақиқа 2,8 сонияга тенг. Тақвимда яхлитлиқни таъминлаш мақсадида ой кунлари шартли равишда 29 ва 30 кунлик қилиб олинган. Мана шундай ҳисобда бир йилда Ой Ер атрофини 12 марта айланиб чиқади ва бунга 354 кун кетади. Аммо Ойнинг бу тақвимий даври билан унинг синодик даври (29.12.44.2,8) орасида тафовут бўлиб, тақвимий ой синодик ой даврдан ортада қолиб боради. Шу сабабли тақвимий йил 354 кундан, синодик ой йили 354, 367 кундан иборат бўлади. Орадаги бу фарқ ҳар 30 йилда 11,013 кунни ташкил қилади. Мана шу ортиб қолган 11 30 йиллик даврнинг 11 йилга (2, 5, 7, 10, 13, 18, 21, 24, 26, 29) қўшилиб кабиса (255 кунлик), қолган 19 йили оддий (354 кунлик) тарзда ҳисобланади. Йил кабиса ёки оддий эканлигини билиш учун уни 30 га бўламиз. Агар бўлишдан қолган қолдиқ юқоридаги 11 рақамдан бирига тўғри келса, ўша йили кабиса бўлади, қолган йиллар оддийдир.

Масалан: 1409 ҳижрий қамарий оддий ёки кабиса эканлигини билиш учун уни 30 га бўламиз. 1409:30=46, қолдиқ—29. 29 қолдиқ юқорида саналган 11 йилнинг энг охиригисига тенг. Демак, 1409 ҳижрий қамарий йил кабиса (355 кунлик) йил экан.

Қамарий йил ойлари фасллар бўйича қишдан кузга, куздан ёзга, ёздан баҳорга ва баҳордан қишга қараб силжиб боради. Ҳижрий қамарий йил ой номлари қуйидагилар: Мухаррам (Ашуро) — 30, Сафар — 29, Рабиул аввал (Рабиул уло) — 30, Рабиул охир (Рабиул соний) — 29, Жумодиул аввал (Жумодиул уло) — 30, Жумодиул охир (Жумодиул соний) — 29 тўрт оғайни ойлари мавлуд ойлари, Ражаб — 30, Шаъбон (Баръот) — 29, Рамазон (Рўза) — 30, Шаввол (Ҳайит) — 29, Зулқаъда (Ора) — 30, Зулҳижжа (Қурбон) — 29—30 кун. Ҳозир ҳижрий қамарийнинг 1410 йили бўлиб, унинг биринчи Мухаррама 1989 йилнинг 3 августидан бошланган.

Ҳижрий қамарий йил кабиса (355 кунлик), милодий ва ҳижрий шамсий йиллар оддий (365 кунлик) бўлса; орадаги фарқ 10 кун; ҳар учала йил ҳам кабиса (355 ва 366 кунлик) бўлса, орадаги фарқ 11 кун; ҳижрий қамарий йил оддий (354 кунлик), милодий ва ҳижрий шамсий йиллар кабиса (366 кунлик) бўлса, орадаги фарқ 12 кунга тенг бўлади.

Ислом диний аъёнаси қамарий йил ҳисобига асосланган бўлиб, диний муассасалар ишлари шу асосда юритилади, барча диний маърака, маросимлар, байрамлар, ақидавий урфу удумлар, тарихий воқеалар, адабий китобат саналари, таволлуд ва рихлат ҳисоблари ва шу каби бир қатор бошқа тадбирлар қамарий асосида олиб борилади.

Ҳижрий шамсий йил. Шамсий (Шамсия) сўзи арабча шамс (ун) — Қуёш сўзидан олинган. Шамсий йил ҳисоби Қуёш календарини демакдир. Ҳижрий шамсий йил давомийлиги Ернинг Қуёш атрофини бир марта айланиб чиқишига кетган вақт билан ҳисобланиб, бу вақт 365 кун 5 соат 48 дақиқа 46 сония (бир тропик йил муддати)га тенг. Бу йил ҳисобида ҳам яхлитлиқни таъминлаш учун уч йил 365 кундан ҳисобланиб оддий йил тарзида олинади. Ҳар тўрт йилда йил кунларининг каср қисми жамланиб, бир кунга тенглаштирилади. Шу тўртинчи йил 366 кунлик, яъни кабиса бўлади.

Қуёш осмон гумбази сирти бўйлаб ўзининг йиллик айланма кўринма ҳаракати (бу ҳаракат аслида Ернинг Қуёш атрофини йил давомида бир марта айланиб чиқиш ҳаракати натижаси

ўлароқ содир бўлади) йўлида осмоннинг 12 тенг майдонини босиб ўтади. Мана шу 12 тенг майдоннинг ҳар бирида тўп юлдузлар туркуми мавжуд бўлиб, улар классик илми нуҷумда мунтахабул буруж — буржлар мажмуи деб аталади. Буржлардаги ҳар бир туркум юлдузлар тасаввур қилинган шаклларига мос ном билан аталган ва ҳижрий шамсий йилнинг 12 ойдан ҳар бирига ном қилиб олинган. Ҳижрий шамсий йилнинг ой номлари қуйидагилар: Ҳамал — 31, Савр — 31, Жавзо — 31, Саратон — 31, Асад — 31, Сунбула — 31, Мезон — 30, Акраб — 30; Қавс — 30, Жадий — 30, Далв — 30, Хут — 29/30 кун.

Ҳижрий шамсий йил ҳам ҳижрий қамарий йил каби милодий 622 йилнинг 16 июл кунидан бошлаб ҳисобланган. Аммо янги йилнинг биринчи кунни баҳорги тенгкунлик — 21 мартга мос келувчи Ҳамал ойининг биринчи кунини — Наврўзи оламдан — табиатнинг уйғониш вақтидан нишонланади. Оддий ва кабиса йиллар нисбатига кўра айрим йил бошлари 20 ёки 22 март кунларига ҳам тўғри келиши мумкин (жадвалга қаранг).

Ҳижрий шамсий йил ойлари доим йилнинг муайян вақтларида келади, ҳижрий қамарий йил ойлари каби силжиб юрмайди. Шунга кўра Ҳамал, Савр, Жавзо ойлари — буржи обий — ёз фаслига; Мезон, Акраб, Қавс ойлари — буржи бодий — куз фаслига; Жадий, Далв, Хут ойлари — буржи хокий — қиш фаслига тўғри келади.

Ҳижрий шамсий йил ҳисобидан деҳқончилик, чорвачилик, умуман ҳўжалик юритиш, кундалик, мавсумий амалий тадбирларни режалаштириш, ишларни вақт-фурсати, кези, мавсумига қараб асосли ва тўғри йўлга қўйиш амалларида фойдаланилади.

Мучал йил ҳисоби. Мучал сўзи муча исми ва муча — феълдан ҳосила бўлиб, қирғиз тилида мучу — туғилган йилига етмоқ (ўн учундў мучўду, андан кини кучўду — ун учиде ёшига етди, ундан кейин куч олди) маъносига келади. Йилнома вазифасида мучал сўзи: 1. Ҳар бир йили бир ҳайвон номи билан аталувчи ўн икки йиллик давр; 2. Шу ўн икки йиллик даврга кирувчи ҳар бир йилнинг номи; 3. Таволлуд санаси, туғилган йил каби уч маънода ишлатилади. Бунда ёш ҳозирдагидек ҳар йилда эмас, балки мучал даври муддати етганда нишонланади. Мучал йиллари номлари қуйидагича: Сичқон, Сигир, Паланг, Қуён, Балиқ, Илон, От, Қўй, Маймун, Товуқ, Ит, Тўнғиз. Ҳар бир мучал йили 22 мартдан бошланади. Мучал йилномаси бўйича 1990 йил 22 мартдан От йили бошланди. Одамлар ўзларининг, ота-оналарининг, бошқа оила аъзоларининг, шунингдек, машҳур кишиларнинг мучал йилларини эсда сақлаш орқали уларнинг ёшларини, туғилган йилларини, яшаган даврларини аниқлашган, ёш ва йил суриштиришдан бўлиб ўтган муҳим воқеа-ҳодисаларнинг саналарини аниқлашган.

Бирор кимсанинг мучали орқали ёшини аниқлаш учун унинг туғилган йилига 9 (тўққиз) рақамини қўшиб, уни 12 (ўн икки)га тақсим қилиш керак, тақсимдан қолган қолдиқ сон нечага тенг бўлса, мучал сирасидаги шу рақамга тўғри келадиган ҳайвон номи шу кишининг туғилган йили бўлади.

Мучал давридаги ўн икки йилнинг ҳар бири милодий йилнинг 22 мартадан бошланиб, кейинги йил мартнинг 21-кунигача бўлган муддатни ўз ичига олади. Икки милодий йил март ойлариининг шу кунлари мучал йиллари ўртасидаги чегара бўлади. Шунинг учун мартнинг 21-кунигача туғилган одам 21 мартдан кейин туғилган одамдан ёшда бир мучал йили билан фарқланади. Масалан, 1990 йил От йили. Бу — 1990 йилнинг 21 мартдан кейин туғилган одамларнинг мучал йили бўлиб, 21 мартгача туғилганларнинг мучал йили Отдан олдинги йил, яъни Илон йили бўлади. Ҳомила муддати ҳисобга олиниб, биринчи мучал даври 12 эмас, 13 йил ҳисобланади. Мучал чиқариш ва йил суриштиришда шуларни албатта ҳисобга олиш керак.

Милодий йил мучал ҳисобига ўгирилса, 1990 йил ичида мучал даври 165 марта тўлиқ такрорланганлиги, 166-даврнинг 10-йили кетаётганлиги, милоднинг биринчи йили Мучал сифатидаги Товуқ йилига тўғри келиши маълум бўлади: 1990:12=165. Қолдиқ=10. Жорий От йилидан орқага қараб 10, 9, 8, 7, 6, 5, 4, 3, 2, 1 тарзида саналса сўнги 1 рақами Товуқ йилига тўғри келади.

Йил айлантириш. Ҳар бир милодий йил икки ҳижрий йилнинг маълум ойлари оралиғида ёки, аксинча, ҳар бир ҳижрий

йил икки милодий йилнинг маълум ойлари оралиғида келиши сабабли милодий йил ҳижрий йилга ёки ҳижрий йил милодий йилга айлантирилганда, улар икки йил билан ишора қилинади. Масалан, биринчи ҳижрий қамарий йил 622 ва 623 милодий йиллар июллари ёки биринчи ҳижрий шамсий йил 622 ва 623 милодий йиллар мартлари оралиғида келади. Шунга кўра 1 ҳижрий йил-622-623 милодий йил, ёки, аксинча, 623 милодий йил-1-2 ҳижрий йил бўлади.

Бу амални 1410 ҳижрий қамарий, 1368 ҳижрий шамсий ва 1990 милодий йилларга нисбатан қўлланса, натижа куйидагича бўлади:

$$\begin{aligned} \text{ХҚ } 1410 &= \text{М } 1989 - 1990 \\ \text{ХШ } 1368 &= \text{М } 1989 - 1990 \\ \text{М } 1990 &= \text{ХҚ } 1410 - 1411 \\ &\quad \text{ХШ } 1368 - 1369 \end{aligned}$$

(ХҚ=ҳижрий қамарий=1410, ХШ=ҳижрий шамсий=1368, М=милодий=1990)

Ҳижрий қамарий йилни милодий йилга айлантириш. Бу уч амал билан бажарилади: 1. Ҳижрий қамарий йилга 622 қўшилади; 2. Ҳижрий қамарий йил 33 га бўлинади; 3. Биринчи амал натижасидан иккинчи амал натижаси олиб ташланади. Чиққан натижа милодий йил бўлади.

Бунинг амалий ифодаси куйидагича:

$$\begin{aligned} \text{М} &= \text{ХҚ } 622 - \frac{\text{ХҚ}}{33} = 1410 \quad 622 - \frac{1410}{33} = 2032 - 42 = 1990. \\ \text{М} &= 1990 \text{ й.} \end{aligned}$$

Натижа сўнггидаги олув (—) аломати бўлув амалидан қолган қолдиқни 1 (бир) ҳисоблаб, ўша натижадан (1990) олиб ташлашга ишоради. Демак, 1940 ҳижрий қамарий йил 1989-1990 милодий йилларга тўғри келади.

Ҳижрий шамсий йилни милодий йилга айлантириш. Бунинг учун ҳижрий йилга 622 қўшилади. Бунинг амалий ифодаси куйидагича:

$$\text{М} = \text{ХШ } 622 = 1368 \quad 622 = 1990. \quad \text{М} = 1990$$

Демак, 1368 ҳижрий шамсий йил 1989-1990 милодий йилларга тўғри келади.

Милодий йилни ҳижрий қамарий йилга айлантириш. Бу куйидагича уч амал билан бажарилади: 1. Милодий йилдан 622 айрилади; 2. Биринчи амалдан чиққан натижа 32 га бўлинади; 3. Иккала амалнинг натижаси қўшилади. Бунинг амалий ифодаси куйидагича:

$$\begin{aligned} \text{ХҚ} &= \text{М} - 622 \quad \frac{\text{М} - 622}{32} = 1990 - 622 \quad \frac{1990 - 622}{32} = 1368 \quad \frac{1368}{32} \\ &= 1368 \quad 42 \approx 1410, \quad \text{ХҚ} = 1410 \end{aligned}$$

Натижа сўнггидаги қўшув (—) аломати бўлув амалидан қолган қолдиқни 1 (бир) ҳисоблаб, чиққан натижага қўшишга ишоради.

Демак, 1990 милодий йил 1410-1411 ҳижрий қамарий йилларга тўғри келади.

Милодий йилни ҳижрий шамсий йилга айлантириш. Бунинг учун милодий йилдан 622 ни айриш керак. Бунинг амалий ифодаси куйидагича: $\text{ХШ} = \text{М} - 622 = 1990 - 622 = 1368$. $\text{ХШ} = 1368$ Демак, 1990 милодий йил 1368—1369 ҳижрий шамсий йилларга тўғри келади.

Ҳижрий қамарий йилни ҳижрий шамсий йилга айлантириш. Бу куйидагича бажарилади: Ҳижрий қамарий йилдан шу қамарий йилни 33 га бўлишдан чиққан натижа айрилади. Бунинг амалий ифодаси куйидагича:

$$\text{ХШ} = \text{ХҚ} - \frac{\text{ХҚ}}{33} = 1410 - \frac{1410}{33} = 1410 - 42 = 1368. \quad \text{ХШ} = 1368.$$

Демак, 1410 ҳижрий қамарий йил 1368 ҳижрий шамсий йилга тўғри келади.

Ҳижрий шамсий йилни ҳижрий қамарий йилга айлантириш. Бу амал куйидагича бажарилади: Ҳижрий шамсий йилга шу шамсий йилни 32 га бўлишдан чиққан натижа қўшилади. Бунинг амалий ифодаси куйидагича:

$$\text{ХҚ} = \text{ХШ} - \frac{\text{ХШ}}{32} = 1368 - \frac{1368}{32} = 1368 - 42 = 1410. \quad \text{ХҚ} = 1410.$$

Демак, 1368 ҳижрий шамсий йил 1410 ҳижрий қамарий йилга тўғри келади.



Тил сандиғи

Ангнимоқ — пойламоқ
Бирсевар — доривор гиёҳ
Болоқ — шимнинг почаси
Болдорчиқ — қўлтиқтаёқ
Жегда — ятак
Идикча — нимча
Чава — ёғ соладиган идиш
Шардум — қайла
Яғлов — сув ичадиган идиш

Гуллола Омонова,
Самарқанд вилояти, Иштихон ноҳияси.

Бостирма — тўрт томони очик, усти ёпик жой

Қирчимол — ҳаммабоп одам
Палдир — ўйламай иш қиладиган, гапириб юборадиган одам
Толма — кун узун пайтлардаги иккинчи тушлик

Тоғжияр — суннат тўйининг иккинчи куни ўтказиладиган хотин оши

Сиётоб — дангаса
Сувқуйди — ҳеч ишни бошини тутмайдиган бола

Шилдир — тегажоқ йигит
Иманг — устакор
Қода — бирор яқини вафот этган кишиларни марҳумни йўқлаб ош бериши.

Сожида Саримсоқова,
Фарғона вилояти, Киров ноҳияси.

Дўмбол — чипқон
Жавғашин — лола
Жўрма — каштанинг бир тури
Ишқирриқ — липпа
Онгизоқ — тонгги насим

Ояқ — коса
Соқи — бахши
Хоржи — келиннинг дугоналарига куёв олиб келадиган мато. Мато қизларга тақсимлаб берилади

Чираз — кашта
Ғўлинг — ўрик туршаги

Турдиназар Бўтаев,
Тоғж. ССР, Қўрғонтепа вилояти, Ёвон ноҳияси.

Абжамо — иморат бурчаги
Дўдди — лапашанг
Жабди — шерик
Зингир — қоп-қора (бола)
Эширик — сигир думи
Ира — ўра
Качқарт — кичкина ўроқча
Кўжанак — палапон
Марту — пакана
Тонгқон — қумғон
Тўнғиртқа — сув қувури
Чакчак — чигиртка
Чингирик — маккажўхори
Ура — тирговуч

Муротбой Холмуротов,
Хоразм вилояти, Гурлан ноҳияси.



«ЛИСОН УТ-ТАЙР»ДА ИНТОҚ САНЪАТИ

«Илми бадеъ — сўзга зийнат ва оройиш бермоқ мақсадида кўлланиладиган қондалар ва қонунлардан иборатдирки, тўғри ва соғлом калималарда рўёбга чиқади».

М. Шайхзода

Буюк сўз санъаткори Алишер Навоий ўз асарларида поэтик санъатлардан моҳирона ва унумли фойдаланган.

Шарқ адабиётида жонсиз предметларга жон ато қилиш, уларни гапиртириш интоқ санъати деб аталади. Бу санъат Алишер Навоийнинг бошқа асарларига нисбатан «Лисон ут-тайр» дostonида моҳирона кўлланилган. Мазкур санъат дoston учун характерли бўлиб, ўз хусусиятлари билан бошқа поэтик воситалардан ажралиб туради.

Буюк сўз сехргари Алишер Навоий «Лисон ут-тайр»да борликка ўзининг фалсафий муносабатини қушлар образи орқали аллегорик тарзда баён этган. Асардаги 16 қуш одам тимсолида гапирдилар, мунозара қиладилар, ўз фикрларини бир-бирларига баён этадилар. Дostonдаги қушларнинг ҳар бири ўзининг характери, хатти-ҳаракати, сўзлашув тарзи ва нутки билан бир-бирдан ажралиб турадилар.

Худхуд нуткининг лексик таркибига эътибор берадиган бўлсак, классик дидактика, яъни панд-насихат, ўғит ва бошлиқ, йўлбошчилар нуткига хос хусусиятлар яққол сезилиб туради. Шоир Худхуд нуткини ўзбек тилининг лексик имкониятларидан санъаткорона фойдаланиб, алоҳида ажратиб кўрсатишга муваффақ бўлган:

**Деди: К-эй гофил гуруҳи беҳабар,
Ҳолингиз-гафлат аро зеру забар.
Сизга шоҳе бор бешибху мисол,
Васфини айтурда юз минг нутқ лол.
Борча олам қушларига шоҳ ул,
Ҳолингиздин мў-баму огоҳ ул.**

Дostonдаги «Қушлар шоҳ тилаб топмоғондин мутаҳаййир бўлғонда, Худхуд семурғдин хабар дегони» эпизодидан келтирилган бу мисраларда Худхуднинг нотиклиги намоён бўлган. Шунингдек, Худхуд нуткида панд-насихат, буйруқ ва маслаҳат элементлари ҳам кўп учрайди.

Алишер Навоий Тўти нуткида донишмандлик ва ширин-тақаллумлик каби хусусиятларни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларини кўллайди.

Шоир Товус образи орқали эса ўзининг ташки кўринишига мағрурланиб, ўз хусусини кўз-кўз қиладиган мактанчоқ, баландпарвоз сўзларни кўп гапирувчи кишиларни фoш этган:

**Мен қушемен қасру гулшан зийнати,
Нақшу рангим аҳли олам ҳайрати.
Суратим гулшанга оройиш дурур,
Ҳайъатим сўрганга осойиш дурур.**

«Товус узри» эпизодидан олинган ушбу мисолларга разм солсак, унинг нуткида жуда кўп баландпарвоз сўзлар ишлатилганини кўрамиз.

Алишер Навоий Булбул тили билан инсоний муҳаббатни улуғлайди. Булбул нутки — ошиқнинг тонгда роз айтишини, висол лаҳзасини кўмсагини, ҳажр доғида дард-аламга асир тушишини образли ифодалайди. Унинг нуткидаги сўз ва сўз бирикмалари ошиқнинг муҳаббат ҳажридан тўлғанишларига мос ҳолда жаранглайди:

**Ондин ойру ошику девонамен,
Ақду ҳушу сабрдин бегонамен.**

**Онсинин йўқ сабр ила тоқат манга,
Койда, ёро, чеккали фирқат манга.**

**Токи гул бўстонда бўлғай жилвасоз,
Минг наво бирла қилурмен шарҳи роз.**

«Қумри узри» эпизодида роҳат-фароғатталаб, факат кайф-сафо, сайрибоғ учун умр кечирган киши ҳаёти тасвирланган. Қумрининг ўз сўзлари фикримизни тасдиқлайди:

**Деди Қумриким: — Аё фархундарой,
Гафлату гумроҳларга рахнамой.
Мен қушедурмен чамандин чикмағон,
Дашту водий сайридин торикмағон.
Заъфу ожизлик шior ўлғон манга,
Шоҳу барг ичра қарор ўлғон манга.**

Қумри тилидан айтилган «чаман», «сайр», «шоҳ», «барг», «ожизлик» каби сўзлар унинг дунёкарашини шундай кўз ўнгимизда гавдалантиради.

Маълумки, классик поэзияда қабутар образи инсонга содиқ дўст, беозорлик, меҳр-мурувват, яхшилик, осойишталик тимсоли сифатида кўлланилган.

Алишер Навоий «Лисон ут-тайр»да қабутар образига янги фазилатлар қўшади. Дostonда Қабутарнинг улус бойлигидан баҳрамандлиги, маскани ва қошонаси, сув ила дони ҳамisha тайёр, эрки элнинг қўлида эканлиги бўрттириб тасвирланади:

**Сўнгра шарҳ этти Қабутар арзи хол,
К-эй хидоят фанида соҳиб камол.
Барча қушлар ичра ҳаййу ло ямуд,
Манга қисм этмиш улус илкида қуд.
Эл ясаб маскан манга қошоно ҳам,
Келтуруб олимга суву дона ҳам.**

«Қабки дари», яъни тоғ қабкиги образи ҳам ўзига хос хусусиятлари билан бошқа қушлардан ажралиб туради. Унинг нуткида хилватга юз ўғирган, қийинчиликларга чидамсиз, тоғу тошлар орасида ором топишга интилган кишиларнинг хислатлари акс этган.

Дostonдаги Қарчиғай образига эътибор берилса, унинг нуткида жоҳил ва шухратпараст кишиларга хос бўлган манманлик ва мактанчоқлик каби хусусиятлар яққол кўзга ташланади:

**Зотима шоҳлар қўли оромгоҳ,
Тўйма ҳар кун етқуруб олимга шоҳ.
Шоҳ қўли тахтимдуру бошимда тож,
Йўқ манга Семурғ сари эҳтиёж.**

Хуллас, Алишер Навоий ўзининг «Лисон ут-тайр» дostonида қушлар нуткини интоқ санъати орқали ўзига хос тарзда санъаткорона гавдалантирган. Зеро, Худхуднинг йўлбошчи ва ишбилармонлиги, Тўтининг шакарғуфторлиги, Товуснинг мактанчоқлиги, Булбулнинг ишқу бекарорлиги, Қумрининг роҳат-фароғатталаблиги, Қабутарнинг инсон меҳридан баҳрамандлиги, Қабки дарининг танҳоликка юз ўғириши, Тазарвнинг ўз хусусидан маҳлиёлиги, Қарчиғайнинг ёвузлиги, Шунқорнинг кибр-хавонинг кули экани, Бургутнинг нафэ балосига йўлиққани, шунингдек, Қуф (Бойқуш), Хумой, Ўрдак, Товук каби қушларнинг характер мантики уларнинг ўз нутки ва бунга Худхуднинг берган жавоби орқали очиб берилган.

**Зиёдулла ҲАМИДОВ,
филология фанлари номзоди.**

Абдуғани Абдувалиев

САЛОМАТ БУЯСИНЛАР

Ҳажвий қисса*

III

«АВГДЕ... ҒҲ БИТ»га қарашли цех бошлиғи Бебошев ўз хонасида эснаб ўтириб, деразадан поччаси— дафн этиш ишлари маҳкамаси бошлиғи Ваққосхоннинг «Волга»си дарвозадан кириб келганини кўрди. Ўрнидан дик этиб туриб, ташқарига чиқди. Ваққосхон машинадан тушиб, эшикни ёпди. Атрофга қовоғини уйиб назар ташлади. Истиқболига югуриб келган Бебошевнинг нақ оёғи остига бурнини қоқиб, тупурди.

— Келинг, почча,— деди Бебошев қўл қовуштириб.

— Юринг, маслаҳатли гап бор,— деди Ваққосхон ичкарига йўналаркан. Хонага кириб эски стулга чўккан эди, стул ғижирлаб кетди. Бебошев мўлтираб унинг қаршисидаги курсига ўтирди. Ваққосхон оёқларини чўзиб, чалиштирди, қўлини қорнига қўйди. Сўнг дабдурустдан шеър ўқиди:

— Шунча умрим бор, деб керилма асло,
Ажал оти эгарлоғлик турар доимо.

Мен сизга айтсам, Турдивой, биздан аввал дафн маҳкамасида ишлаган раҳбарлардан биттаси шу шеърни столидаги ойна остида сақлаган экан. Мен келганимдан кейин ҳамма нарсани ўзгартирдим. Лекин шу шеърга тегмадим. Бир гўрковни қақриб: «Бу нима?», деб сўрасам, «Шеър», деди. «Нима деган бу шеърда, мен тушунмадим?», десам, «Хоҳлаган пайтда одам ўлиб қолиши мумкин, шуни айтган», деди. Яхши гап экан-ку, деб асраб қўйдим.

Бебошев эртақ тинглаётган боладек анқайиб турарди.

— Раз, хоҳлаган, пайтда ўлиб қолавераркан одам, биз ҳам ўлиб қолишимиз мумкин экан-да, дедим ўзимча. Шуни ўйлаб, ўзимга мақбара қурдириб қўйсаммикан, деган фикрга келдим.

— Жуда тўғри,— деб қўйди Бебошев.

— Шу ишни қоровулингиз— уста Холмирзага топширсакми? Нима дедингиз?

— Яхши бўларди,— деди Бебошев. Кейин чайналиб—

роқ гап бошлади:— Шу десангиз, почча, анави Асадулла мени яқинда жа хижолат қилди. Сал бети йўқроқ одам-да. Уста Холмирзани поччангизникида икки ҳафта ишлатиб, ҳақ бермадингиз, деди-я, уялмай...

— Сиз хижолат бўлманг,— дея уқдирди Ваққосхон ўгирилиб, четга бурнини қоқаркан.— Мукофот деб бухгалтериядан олинг-да, поччамиз бердилар, денг. Цех илғорларини рағбатлантириш ҳақида йиғилиш пратакўлини тузиб, бухгалтерияга топширинг— вассалом.

— Пратакўл тузишни билмайман-да, почча.

— Ҳар бир бошлуқ буни билиши керак. Ёзинг, мен айтиб тураман.— Бебошев шошиб қалам-дафтар олди, Ваққосхон бурнини дастрўмолига қоқиб, давом этди.— Ёзинг: цех касаба уюшмасининг умумий йиғилиши. Пратакўл, нўмир, число. Уртоқлар! Умумий йиғилишни очиш ҳақида қандай таклифлар бор? Очилсин. Ишчи приздум сайлашимиз керак. Кимда қандай таклиф бор?.. Таклиф киритадиган ва сўзга чиқадиған одамларнинг фамилиясини олдиндан пратакўлга ёзиб, улар нима ҳақда гапиришни тайинлаб қўясиз. Хўш, демак, ишчи приздум уч кишидан бўлсин, деган таклиф бор. Қаршилар? Йўқ. Бетарафлар? Йўқ. Демак, яқдил...

Ваққосхон умумий йиғилиш қарорини расмийлаштириб, мукофот пули олиш йўлини батафсил тушунтиргач:

— Уста пулни олгандан кейин менга бир учрашсин,— деди.

— Хўп бўлади,— деди Бебошев ва ташқарига чиқиб Асадуллани чақирди. Уни тополмагач «Ижара» будкасида ўтирган Ҳанифахонга поччасига битта чой олиб киришни буюрди.

«Ассалому алайкум», деб Ҳанифахон тўлғониб кириб келди. Ваққосхон унга бир зум кўзларини қақчайтириб тикилиб:

— Яхши ўйнаркансиз,— деди.

— Вой, ўйнашимни кўрувмидингиз?— деди Ҳанифахон бўйнини қисиб.

— Ҳа. Утган йилги вечирда кўрганман. Ашуланиям зўр айтаркансиз.

— Раҳмат.

— Хўжайин қаерда ишлайди?

«Эркакларга салом берсанг, дарров хўжайинни суриштиради, ер ютгурлар».

— Маданият уйида рақс ўргаталла.

— Да-а, бизга хизмат йўқми?

Бебошев газетага ўроғлиқ емиш кўтариб кирди.

— Бизга нима хизмат бўлса— марҳамат, сингил. Дафн бюромиз халққа нима зарур бўлса, қияпти. Шунинг учун биз уни аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш идораси, деб атадик. Сиз ҳам хизмат кўрсатасиз, биз ҳам. Так что, овқатланадиган қозонимиз— битта. Олдимга бир чиқинг, сингил, нима зарур бўлса— тортинмай сўрайверинг. Улим ҳамманинг бошида бор. Ажал оти доим эгарлоғлик туради. Тобутниям жуда оригиналини ишляпмиз. Кафанни айтинг, чиста пахтадан. Ходимларимиз ўйларига ташигани-ташиган. Газетада ўқиган бўлсангиз керак. Абдувалиевми деган бир ёзувчи «Кафан ўғрилари» деган пелетон ёзган. Бекорга ёзмаган...

Ҳанифахон кўзларини пирпиратиб бир оз қулоқ солиб турди-да, раҳмат, деб чиқиб кетди.

Бебошев чой устида луқма ташлади:

— Цех бошлиқлари сайланармиш, мен сайланармиканман, почча?

— Узингизни қайта қуриб олинг. Сайлов ўтгунча «чўтал»ни камайтинг. Ходимлар билан алоқани яхшиланг, уч-тўрт марта ош қилиб берсангиз ҳам майли. Хўп, мен кетдим. Уста эсдан чиқмасин.

* Давоми. Бошланиши ойбитикнинг аввалги соннда.

Ваққосхон кетиши билан ҳовлида Асадулла пайдо бўлди. Замзам қори зипиллаб унинг олдига келди.

— Қаерда юрибсиз, бўтам? Хўжайин сизни роса қидирдилар, поччалари келган экан.

— Падарига лаънат ўша поччасини. Келганини кўриб, атайлаб бекиниб олдим. Келса, доим бизга овқат олдиради, чўчка.

— Ҳай, ўзимизнинг гапдан гаплашайлук. Хужрамга кириб, аччиқ чой дамлаб қўйибман.

Асадулла қоровулхонага кириши билан қори унга бир пиёла чойни узатди-да, деразадан ташқарига қараб олиб, сўз бошлади:

— Хўжайиннинг поччаси келган заҳоти Ҳанифабону ҳузуримга кириб: «Чой дамлаб бераркансиз», дедилар. Чойнакка сув қўйяпман-у, қўлим қалт-қалт қилади. Чиқиб кетгандан кейин, ё парвардигор, ўзимни қушдай ҳис қилсам! Ўзимча айтаманки, модомики, ёнимга яқинлашганда шунчаликми, бадани баданимга тегса не бўларкан?

— Ну-у...

— Ривоят қилурларким, қадим замонда бир подшоҳ сирли дардга чалинибдур. Жаъми табиблар борки, ҳунарларини кўрсатибдурлар, аммо чора тополмай бошлари қотибдур. Алардан бири айтибди: «Эй, подшоҳи олам, қўлимдан келган, ақлимиз етган барча илму амални ишлатиб бўлдик. Энди фақат Луқмони ҳақимнинг ўзидан нажот кутиш қолди, холос». Сарой аъёнлари ва табиблар Луқмони ҳақимнинг оstonасига бош уриб, подшоҳни кутқаришни сўрабдилар. Луқмони ҳақим уларнинг илтимосини бажо келтириб, подшоҳни синчиклаб текшириб, дебди: «Эй, шоҳ! Сенинг дардингга биргина даво бор. У ҳам бўлса шуки, қирқ нафар балоғатга етган қизни бағрингга бир-бир босиб чиқурсан». Шундай қилиб подшоҳ тузалиб кетган экан, Асадуллахон.

— Мақсадингизга эш эртакларни жа топасиз-а, қори? Ҳанифахоннинг бадани теккан одам дардга чалинади.

— Ё, бепармонингдан!

— Бу гапларни қўйинг. Бошлиқни кузатяпсизми?

— Кузатяпман.

— Чой дамлаб берганингизни ёзиб қўйдингизми?

— Йўқ.

— Ёзинг. Мана шу— қариндош-уруғлари келганда бизга овқат олдириши, чой дамлатиши, ходимлардан «чўтал» олиши, уста Холмирза билан мени поччаси, тоғасиникида ишлатиб, ҳақ бермаслиги, хотинбозлиги, ўз соҳасини мутлақо билмаслиги, ҳаммаси— катта жиноят. Бунақа одамни замбаракка солиб отиш керак.

— Ҳақ гап.

— Хўш, уни бу ерда ким ушлаб турибди?

— Ҳайронман.

— Қариндош-уруғлари. Уруғ-аймоғи борки— бошлиқ. Аммо биз курашамиз, жамиятни тозалаймиз, яъни инқилоб қиламиз. Ин-қи-лоб, тушундингизми, қори?

— Дуойи бад қиламан.

— Суф сизга. «Времяни кўрасизми?»

— Нима у, «времяе»?

— Тилвизор.

— Бомдоддан кейин кўраман, ҳалиги қиз болалар гимнастика қилади-ку...

— Сиёсий онгингиз чатоқ, қори,— деди Асадулла ёнидан «Астра» чиқариб.— Саллани олиб қўйиб, каллани ишлатинг: дарвозадан присип, мошин чиқиб кетаётганида синчиклаб текширинг. Бошлиққа тегишлисини алоҳида белгилаб қўйинг.

Шу пайт қоровулхонага Холмирза ғирвон оқсоқланиб кириб келди.

— Кеча бировнинг уйи ёниб кетган экан. Ремонт қилиб, кеч бўшадим, келолмадим. Битта таниш дўхтирим бор, аёлингизни кўрсатайликми?

— Асадуллахон билан шуни маслаҳатлашиб турувдик. Майли, чиқмаган жондан умид,— деди Замзам қори.

У гапини тугатмай, Ҳанифахон бир қоп ёнғоқ ағдарилгандай шарақлаб кириб келиб, деди:

— Хайрият, ҳамманглар шу ерда экансизлар. Эртага соат ўн бирда мажлис. Ҳамма қатнашиши шарт. Уста почча, сиз албатта келинг.

«Нима гап экан?» Холмирза ғирвоннинг кўнглига ғулғула тушди. Ҳанифахон сақичини чайнаб чиқиб кетаркан, Замзам қори кетидан: «Эй худо, ўзинг инсоф бер», деб қўйди ичида.

IV

Қабристон. Холмирза ғирвон билан Асадулла қабрлар оралаб юқорига кўтарилишмоқда. Икковиси ҳам хит. Холмирза ғирвон ўтган кунни Ваққосхонга арз-ҳолини айтди:

— Тақсир, мен фақат уй-иморат қурганман, мақбара қурганим йўқ. Қўлимдан келармикан?

— Қўлингиздан келмаса, айтмасдим, уста,— деди Ваққосхон ялинчоқ оҳангда.— Менга қуриб берган ошхонангизни кўриб, ҳамма: «Бунинг устаси ким?», деяпти. Мақбарани шундай қурайликки, ўликларнинг ҳам ҳаваси келсин. Ўзимизнинг усталарга ишонмайман, қилвир улар. Гўр кавлашдан бошқани билмайди.— Ваққосхон кўрсаткич бармоғини бурнига тираб, қаттиқ қоқди.— Кейинчалик, уста, қабристондан сизга ярим ставка тўғрилиб бераман. Материал тайёр, Асадулла билан бўш пайтингизда ишлаверасиз. Мақбара меники экани тўғрисида ёнғ демайсиз. Биров сўраса— менга рўпара қиласиз. Мен эсам, юқоридан топшириқ бор, дейман. Шундай қилмасак, бўлмайди уста. Одамлар ёмон бўлиб кетган. Оғзи билан юради, қабрингни ҳам кўролмайди... «Э, ҳа», деди Уста Холмирза пешонасини қашиб. Асадуллани эса Бебошев кўндирди. Бироқ у Бебошевга йиғилишда қаршилиқ кўрсатди.

Илғорларни мукофотлашга бағишланган йиғилишда Бебошев протоколни ўқиди:

— Кимда қандай тақлиф бор? Қаршилар? Йўқ. Бетарафлар? Йўқ. Демак, ҳамма яқдил...

— Мен қаршиман,— деди Асадулла.

— Протоколда «қаршиман» деган сўз йўқ. Биз йиғилиш қарорини уч нусхада кўчириб қўйганмиз.

— Барибир қаршиман,— деди Асадулла ўрнидан туриб, икки қўлини белига тираганча.— Уста Холмирзага— майли, бу кишига ҳар қанча мукофот берса арзийди. Лекин қоровул Бахшилло акага нима бор? Ҳафтада бир марта келиб, уч ҳафта йўқ бўлиб кетади. Уста Холмирза билан Замзам қори кунора туришибди...

Бебошев довдираб қолди. Пойтахтга зув-зув қатнаб турувчи чайқовчи Бахшилло қоровул Бебошевнинг аммасига эр эди. Бебошев гапни бурди:

— Қоровулларнинг ойлиги ўзингларга маълум. Буларда ҳам бола-чақа бор. Қолаверса, протоколга: «Қаршилар, бетарафлар йўқ, ҳамма яқдил», деб ёзиб қўйилган. Бузиб бўлмайди, бу— ҳужжат. Мен ўсадиган кадрман. Одамни хижолат қилманглар... Асадулла ака, йиғилишдан кейин қолинг, маслаҳатли гап бор.

Йиғилишдан кейин Бебошев Асадуллани ёнига ўтқазиб, сим кароват тагидан конъяк чиқарди-да, ярим пиёла қуйиб берди. Кейин унга протоколни бузиб бўлмаслигини, яқинда цехда темирчилик устахонаси очилажғини, «лева»си катталигини, унга Асадуллани «шеф» қилиб қўйишини обдон тушунтирди. Сухбат сўнгида

почасининг мақбарасига қарашиб юборишини илтимос қилди...

— Ваққосхоннинг мақбарасини ҳов анови ерга ўрна-тамиз,— деди Холмирза ғирвон қурилиш анжомлари уйиб қўйилган тепаликни кўрсатиб.

— Айтмадимми, у кишиям ўзларини каттақон ҳисоблайди, деб. Падарлаънат, ўлмай туриб ўзига қабр қавла-са-я! Ҳали поездни тагида қоласанми, самалўтда порт-лаб кетасанми, номаълум-ку!.. Машинасига гараж ҳам қурақанмизми, уста?

— Билмадим.

— У дунёда машинасиз қандай юради?

— Фаришталарнинг қанотида юрса керак,— дея ми-йғида кулиб қўйди Холмирза ғирвон.

— Фаришталарниям ҳаром қилар экан-да,— деб тўн-ғиллади Асадулла сағаналардан бири қаршисида тўх-таркан.— Хўш, нима деб ёзибди?... «...боев. Халқнинг асл фарзанди...» Нима, халқнинг асл фарзанди? Мен бу одамни танийман. Бўрдоқчилик базасига бошлиқ бўл-ган. Халққа тегишли гўштни ўғирлаб ўтган. Хўш, манави-ниси кимники?... «...беков. Ажойиб инсон». Ҳей, ёзаве-раркан-да. Фирт порахўр эди-ку бу. Биронта шопирга порасиз янги мошина бермаган. Ваққосхон бу ерни бе-корга танламаган экан, уста.

Улар қурилиш материаллари тўдалаб қўйилган жойга келишди.

— Перекур!— деди Асадулла ёнидан сигарет олиб ва тагида ғишт қўйиб ўтирди.— Бизга яхши бўлди, уста. Маишат текин. Ваққосхон уч маҳал овқатни конъяги билан ташиб туради. Ухлаб-ухлаб қураверамиз. Ия, ҳов, анави ўзимизнинг Замзам қорими?

Асадулла бўйини чўзиб, пастга қаради. Замзам қори буталар орасидаги йўлқадан зипиллаб юқорига кўтарилиб келарди. Оқ сурп қўйлак устидан кулранг юпқа чопон, бошига кўк дўппи кийган.

— Нимасини йўқотибди бу ерда?

— Мен айтганман, мақбарага қанча материал сарф бўлганини хатга солиб борасан, деганман.

— Нима, агентми у?

— Йўқ, гувоҳ.

— Нима?

— Поччасиникида ишлаганингизга Бебошев ҳақ бер-дими?

— Мукофот берди.

— Мукофот давлатники, уста. Ғирвонликлар содда бўлади, деса, ҳеч ишонмасдим. Аслида, ҳозирги қилаёт-ган ишимиз ҳам номаълумчилик. Ваққосхон, Бебошев-лар бутун уруғ-аймоғи билан давлатнинг баданига туш-ган қурт.

— Ҳай-ҳай, одамни қурт деманг, айб бўлади.

— Ассалому алайкум,— деди Замзам қори ва дар-ров тиз чўкиб тиловат бошлади:

— Аузи биллаҳи минашшайтонир ражйим...

— Қори, бу қабрга ҳали ўлик тушгани йўқ-ку,— деди Асадулла тиловат тугагач.

— Уста, атай сизнинг олдингизга чиқдим. Айтган дўхтирингизнинг олдига келинни қачон олиб бора-миз?— деди Замзам қори сочилиб ётган қурилиш материалларига ўғринча нигоҳ ташлаб.

— Кундузи, кўриб турибсиз, бу ердამиз. Эртага намозгардан кейин уйига бора қолайлик.

— Майли-майли,— деди Замзам қори ва айни пайт-да: «Дўхтирлар порани уйида олади», деган фикр кечди хаёлидан.— Дўхтирнинг уйи узоқ эмасми? Ҳар нечук, хотин касалманд...

— Мошини, мана биз топамиз. Қуруғидан чўзинг,— деди Асадулла.

— Бизда қуруғи нима қилади? Бизда фақат дами-дуо бўлади,— деди Замзам қори.

— Тиловатдан тушган даромаддан сарф қилиб ту-ринг. Мана, кўрдингизми, ҳамма ётибди тупроқ бўлиб. Эрта-индин сиз ҳам йўқ бўлиб кетасиз, босиб қўйган пулларингиз савил қолади.

— Биз йўқ бўлмаймиз, бўтам. Пизика ўқиганмисиз? Олимлар айтишган: йўқдан бор бўлмайду, бордан йўқ бўлмайду, деб.

Замзам қори шундай деб хайрлашди. Холмирза ғир-вон билан Асадулла ўз юмушларига— ўлмаган одамга қабр қозишга уннашди.

V

Намозгар. Шалағи чиққан «Москвич»да тўрт киши дўхтирнинг уйига кетишмоқда. Орқа ўриндиқда Замзам қори, ёнида хотини. Бошига гулли рўмол ташлаб олган аёл рангпар бўлса-да, кўҳликкина эди. Рулда ўтирган Асадулланинг нигоҳи ойна орқали унга тушиб, «Хотин кўр қилсин», деб қўйди ичида. Кейин ёнбошида мудраб кетаётган Холмирза ғирвонга қараб:

— Ғирвонликлар тўғрисида битта латифа айтиб берайми, уста?— деди ва тасдиқ кутмасдан сўз бошла-ди.— Бир калхўзда катта йиғин бўлиб, шу йиғинда обқўм вакили калхўз раисига виговор берибди. Шунда бир ғирвонлик шарт ўрнидан туриб, нима дермиш: «Бу қанақаси? Адолат борми ўзи? Ҳамма меҳнатни биз қи-либ, мукофотни раис оладими? Бизгаям ўша виговордан бирор тонна беринг! Бола-чақамиз бор...»

Асадулла қийқириб кулди, Холмирза ғирвон эса:

— Тўғри. Илгари меҳнатни калхўзчи қилиб, мукофот-ни бошлиқлар оларди. Ҳозир унақа эмас...— деди.

Шу пайт йўл четида турган милиционер таёғини кў-тариб, машинани тўхтатди. Асадулла машинадан чиқиб ҳужжатларини кўрсатди, анча вақтгача инспектор йигит билан ниманидир тортишди, машина томонга қараб, қўлларини ниқтаб, дам-бадам силтаб қўярди. «Бир гап борга ўхшайду», деди Замзам қори ва машинадан тушиб, уларнинг ёнига келди. Кўзларини пирпиратиб инспекторга:

— Нима гап, бўтам?— деди.

— Машина техник тафтишдан ўтмаган. Жарима ола-ман.

— Ҳозир бир оғир беморни дўхтирга олиб кетяпмиз, бир гап бўлса нақ кўрасан. Болаларинг борми?

— Тўртта болам бор. Нима эди?

— Оч қўлингни!— деди Замзам қори.

— Нега?— деб сўради милиционер ҳайрон.

— Оч дегандан кейин, очавер. Мен катта дуохонман. Агар дуойи бад қилсам— пагўнингдан ажрайсан, яхши дуо қилсам— ишинг ривож топади. Званиёнг нима?

— Сержант.

— Омин! Тўрт боланг мошин тагида қолиб ўлмасин, йўлингни биров тўсмасин. Сержант экансан, палкўвник бўлгин, янаги кўришгунимизча ўйнаб-кулиб юргин. Оллоху акбар!

— Омин,— деди беихтиёр милиционер ва ҳужжат-ларни берди.— Бўпти. Машинани техник тафтишдан ўтказиб олинглар...

— Бало экансиз, қори ака,— деди Асадулла йўлда.

— Бизни доим машинангизда олиб юрсангиз, бало-қазо бўлмайду,— деди Замзам қори хотинига нигоҳ ташлаб.— Мен бунақа милсаларни кўп кўрганман. Улар билан ҳеч тортишиб, фиклашманг. Узр сўраб, кў-лига бешта сўмни қистириб кетаверинг...

Машина Холмирза ғирвоннинг кўрсатмаси билан кат-та-кичик кўчаларни анчагина айланди. У йўл-йўлакай ҳозир учрашларни лозим бўлган докторнинг зўр одам

эканлигини, дилкашлиги, билимдонлиги, ўтган йили унга болахонали уй қуриб берганлиги тўғрисида гапириб кетди...

— Шу ерда тўхтатинг-чи,— деди Холмирза ғирвон Асадуллага. Сўнг машинадан тушиб, кўчада ўйнаб турган болалардан сўради:

— Дўхтирнинг уйлари шуми?

— Ҳа, почча, дадамлар керакларми?— деди деворга дам-бадам тўп ураётган қизалоқ.

— Ҳа, керак эдилар, дарров чақириб юборинг-чи, оппоқ қизим.

Қизча тўпини қўлтиғига қисди-да, кўча эшик остонасига бориб, ичкарига бақирди:

— Аба-а! Дедомлани чақирушутти!..

Холмирза ғирвон машинага яқинлашиб: «Шу ерда экан, хайрият», дегач, Асадулла билан Замзам қори тушишди, аёл машинада қолди.

Дарвоза табақаси очилиб, ичкаридан баҳайбат бир одам чиқди. Калта оёқларини ҳисобга олмаганда, унинг бутун танаси қориндан иборат эди.

— Келсинлар, келсинлар, уста. Ғирвон жойида турибдими? Ловия пишдимми? Хе-хе-хе.

Дўхтир ғирвонликларнинг ловияхўрлигига шаъма қилиб, мириқиб кулди. Қолганлар билан қўл олишгач, уста билан елка тутиб яна сўрашди.

— Ҳой, уста, бир йилдан ошди, а, кўришмаганимизга? Яхши, ҳовлини аяшмай топиб келибсиз. Қандай шамол учирди биз томонга? Тағин туз сўраб келган бўлманг? Хе, хе, хе!

— Йў-ўғ,— деди Холмирза ғирвон шошиб.

— Уста билан ҳазиллашиб турамыз-да. Бир ғирвонлик кўшнисиникига туз сўраб чиқибди. Кўшни кафтига ичкаридан туз олиб чиқса, айвон устунини кучоқлаб, кафтини тутибди. Кўшни кафтига тузни ташлаб кириб кетаётса, «Қўлимни устундан чиқариб қўйинг», депти. Қўлини устундан олайлик, дейишса туз тўкилиб кетармиш. Икковлари роса бош қотиришибди. Устунни кучоқлаганининг қўллари толиб, «Дод», девораман деб турса, учинчи кўшни кириб келибди. Аҳволни кўриб: «Ия, нима гап?», депти. Тушунтиришибди. «Ғирт жинни экансизлар,— депти учинчи ғирвонлик.— Дастарра борми?» «Бор», депти уй эгаси. «Обкел!» У устунни қоқ белидан арралаб, қўлни қутқариб олгач, биринчи ғирвонлик нима дермиш: «Раҳмат, оғайни. Сен бўлмасанг туз тўкилиб, ер билан битта бўларди».

Дўхтир мириқиб кулиб, илтифот қилди:

— Қани уйга кирайлик, юринглар.

— Раҳмат, дўхтир. Биз сизга бир илтимос билан келдик. Мошинда мана бу укамнинг заифаси ўтирибди,— деди Холмирза ғирвон машина томонга имо қилиб.— Шу бечора қачондан бери дард чекади. Бормаган касалхонаси қолмабди. Шуни ўзингиз бир кўриб берсангиз.

— Их, қизиқ бўлди-ку.— Дўхтир туйқус хижолат тортди.— Уста, мен ахир мол дўхтирман-ку. Сигир ё қўйингиз касал бўлса, хоҳлаган пайтингиз кўриб берман...

— Одамни кўромайсизми?— дея ажабланди Холмирза ғирвон.

— Айтдим-ку, мол дўхтириман.

— Энди, ука, илтимос,— дея қўлини кўксига қўйиб илтижо қилди Холмирза ғирвон.— Шуларни мен бошлаб келдим, йўқ деманг, ука. Шу бечорани молни кўргандек бўлсаям, кўриб қўйинг.

— Ҳой, уста, қизиқ одам экансиз-ку. Врачлардан оғайниларим бор, хўп десангиз, ҳозир бирга бориб, хоҳлаган касалхонага учрашамиз.

— Уста, бу кишини хижолат қилмайлик,— деди гапга аралашиб Асадулла.— Раҳмат, дўхтир. Алоҳида бир келармиз, узр...

— Мол дўхтири одамни тузатолмас экан-да, а?— деди Холмирза ғирвон машинага ўтиришгач.

— Ҳаҳ, ажойибсиз-да,— деди Асадулла. Оғзига бир гап келди-ю, аёл киши борлигиданми, истиҳола қилди. Гап оҳангини бурди.— Худо хоҳласа, янгамни зўр дўхтирларга кўрсатиб, дард кўрмагандек қилворамиз.

— Иншоолоҳ,— деб қўйди қори.

— Мен бу ишни охирига етказаман,— деди Холмирза ғирвон. У шу топда қўлидан ҳеч нарса келмаганига, бир муштипарга ёрдами тегмаганига ўқиниб, эзилиб борарди.

Машина Қўқонкўчага— Замзам қорининг уйи томонга бурилаётганда, «Мен шу ерда тушиб қолай, бозорлик ишим бор», деди Холмирза Ғирвон. Сўнг қорига ўгирилди:

— Эртага эрталаб Ғирвонда, хозмаг олдидаги бекатда учрашсак. Бир кишиникига бориб келамиз. Ҳаммани танийди.

Қори: «Хўп бўлади», дегандек бош силкиди.

ДАВОМИ БОР

Пародиялар



Бир нафас эслайман тонглар отганда,
Бир нафас эслайман тунлар ётганда.
Бир нафас эслайман бўлганимда шод,
Бир нафас эслайман ғамлар тортганда.

Ҳайитбой Абдусодиқ, «Тўртлик».

Мен сени эслайман ташвишга ботсам,
Эслайман гоҳ кайфим бўлганда тароқ.
Аммо ўзга пайтлар негадир, эркам,
Узр, хаёлимга келмайсан мутлоқ.

Ўткир Саидов

Қондим чашма дур-зилолига,
Яйраб кетди бутун жону тан.
Тўйганда ҳам чашманг болига,
Тўёлмайман меҳрингга, Ватан!

Розиқ Рўзининг «Чашма» шеърдан

Тор бўғиздан чиқар отилиб,
Сиқсам бўйнини хўп тугаб бардош.
Ёрлиғига маҳлиё бўлиб,
Жавдирайман кўзларимда ёш.

Қонгач «Чашма» май-зилолига,
Яйраб кетди бутун жону тан.
Тўйиб олдим «Чашма»нг болига,
Эҳ, қанчалар гўзалсан, Ватан!

Сулаймон Қўзибоқар

Мундарижа

НАЗМ

Икром ОТАМУРОД	5
Жонибек СУБҲОН	58
Насиббек ҲАЙИТ ўғли	59
Шухрат УМАРОВ	63
Расул ЖУМАЕВ	64
Бобомурод ЭРАЛИЕВ	65

НАСР

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ. Интиҳо. Қисса.	12
Муҳаммад ОЧИЛ. Шапалоқ. Ҳикоя . .	27
Кунчиқар юртдан мужда. Япон адибларининг ҳикоялари	49
Алишер Навоий ҳақида ривоятлар . .	60
Абул Ҳасан АЛ-КИСОИЙ. Оламнинг аввали, охири ва пайғамбарлар ҳаёти. .	66
ТЕМИРБЕК. Қўшнилари. Ҳикоя	69

МАҚОЛАНАВИСЛИК

Вадуд МАҲМУДИЙ. Алишер Навоий. . .	2
Эмин УСМОН. Масъуллик	7
Баҳодир ОРИПОВ. Тилинғизни асранг, яхшилар!	70
Қаюм КАРИМОВ. Календар — тақвим — йиллойкун	72

НИГОҲ

Шухрат СИРОЖИДДИН. Навоий кимни севган?	33
Зоир ЧОРИЕВ. Мардикорлар	36
Баҳром РУЗИМУҲАММАД. Шеърлар. . .	39
Равшанбек МАҲМУД. Юзни ўқиш санъати	41
Наргис ДОВУРБОЕВА. «Жажман»нинг жилвалари	42
Охунжон МАДАЛИЕВ	44
Оила сирлари	46

АДАБИЙ ТАНҚИД

Зиёдулла ҲАМИДОВ. «Лисон ут-тайр»да интоқ санъати	75
Тил сандиғи	68—74

ТАНИШУВ

Нормўмин ЭРКАЕВ. Шеърлар	26
Мавлуда АВАЗОВА. Шеърлар	32

ЕЛПИҒИЧ

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ. Саломат бўлсинлар. Ҳажвий қисса	76
Пародиялар	79



«Молодость»
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал
на узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Н. АКРОМОВ
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ
Мусаҳҳиҳ: М. ТУРСУНОВА

Манзилгоҳимиз:
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,
60-уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 78-94-05
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-49-83
Масъул котиб — 78-97-07
Наср бўлими — 78-97-58
Назм бўлими — 78-77-16
Мақоланавислик, адабий танқид ва санъат бўлими — 78-17-47
Фотомухбир — 78-97-58

Таҳририят ҳажми 12 босма табақдан ортиқ роман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма табақча бўлган асарлар муаллифларга қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмасини гина қабул қилади. Ойбитикдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан олинди», деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 22.03.91 й. да туширилди.
Босишга 7.05.91 й. да рухсат берилди.
Офсет босма. 1-офсет қоғози.
Қоғоз формати 84×108¹/₁₆.
Қоғоз ҳажми 5,00 босма табақ.
Шартли босма табақ — 8,4.
Нашириёт ҳисоб босма табағи — 12,1.
Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76.
150000 нусхада чоп этилади.
Буюртма № 5040.
Баҳоси обуначиларга 80 тийин.
Сотувда 1 сўм.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси
«Камалак» наشريёт-матбаа бирлашмаси.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси.

© «Ёшлик» № 5, 1991.